



Отабек Хасанов

ЛИДЕРЛАР КИТОБИ



УЎК 001

КВК 72

Х 31

Хасанов, Отабек.

Лидерлар китоби [Матн] / О.Хасанов. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2020. - 340 бет.

ISBN 978-9943-6288-2-3

Ушбу нашрда жуда кўп янги гоаялар, ҳаётга теран назар билан қараш, голибликка интилиш, саодат ва комиллик учун дадил қадам ташлаш, жасурлик ва мардлик каби инсоний фазилатларни ўзида шакллантириш, Ватан ривожига, унинг иқтисодини юксалтиришга астойдил киришиш, ақл-заковатни, илмни ҳар қандай ишдан устун қўйиш каби ҳолатлар мужассам бўлган. Унутманг, Лидер дегани, аввало, доимо ўз устида ишлайдиган ва ўзгаларга ёрдам қўлини чўзадиган инсондир.

Ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинаётган ушбу китоб давлат хизматчилари, хусусий сектор вакиллари, ёш олимлар, талаба ва бўлажак Лидерлар ҳаёт йўлида кўмакчи бўлади, деб ўйлаймиз.

УЎК 001

КВК 72

Масъул муҳаррир:

Ўткир Абдукаримов

Тақризчилар:

Назрулла Жўраев,

сиёсий фанлари доктори, профессор;

Абдурашид Ҳасанов,

техника фанлари доктори, профессор;

Мансур Бекмуродов,

социология фанлари доктори, профессор.

Китобга тегишли барча ҳуқуқлар ҳимояланган.

Муаллиф ёзма рухсатисиз уни чоп этиш ман қилинади.

ISBN 978-9943-6288-2-3

© О.Ҳасанов.

© “Muharrir nashriyoti”,

Тошкент, 2020.

“ЛИДЕРЛАР” ЖАМОАСИНИНГ МАҚСАД ВА ГОЯЛАРИ БИЗНИНГ ЯНГИЧА ҚАРАШ ВА ЁНДАШУВЛАРИМИЗГА ҲАМОҲАНГ!

Тан олишимиз ва таъкидлашимиз жоиз, янги Ўзбекистонни замонавий билим ва янгича дунёқарашга эга, креатив фикрловчи ёшлар барпо этади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ёшлар сиёсатини қўллаб-қувватлаш тизимини мутлақ янги босқичга олиб чиқмоқда. Албатта, бу бежизга эмас. Президент Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистонимизнинг ҳар бир ёш йигит-қизининг муваффақиятини ўз ютуқларидек қабул қиладилар, ғурурланадилар. Президентимиз ёшлар билан учрашувда: “Ёшлар орасида “Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!” деб кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-қизлар борлигига ишонаман. Етакчиликнинг, ўз ортидан эргаштиришнинг энг тўғри йўли шахсий ўрнак ва намуна бўлишдир”, деб алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Уларнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, 30 июнь – Ёшлар кунини деб эълон қилинди.

Албатта, юртимизда ёшларга қаратилаётган эътибор бизларни қувонтириши билан бирга зиммамизга жуда катта масъулият юкляпти.

Бу масъулият – бугун турли тадбирбозлик ва қарсакбозликлардан воз кечиб, аниқ ва натижали ишга ўтишни, рақамлардаги асосли ва асоссиз ҳисоботлар, қоғозларда акс этган ютуқларга маст бўлмасдан, амалда муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш чораларини кўришни, мамлакатдаги ҳар бир ёшни, айниқса, чекка ҳудудлардаги истеъдоди ва орзулари чангда қолиб кетаётган ёшларни излаб



топиш ва уларнинг ҳаёти, истиқболи билан қизиқиш, орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришга амалий ёрдам беришдир.

Умуман олганда, жамиятда биз эътибор қаратишимиз ва ҳал қилишга ҳаракат қилишимиз керак бўлган масалалар бир талай. Энди савол туғилади: бу масала ва муаммоларнинг ечими билан ким шуғулланади? Ким бизларга янги-янги таклифлар ва креатив фикрлар беради? Ким бизларга олис ҳудудлардаги ёшларимизнинг ҳаёти ва турмуш даражасини яхшилаш йўлида ҳамроҳ ва ҳамкор бўлади?

Албатта, биз ўзимиз. Биз – фаол ва фидойи, билимли ёшлар жамоаси, барчамиз биргаликда ҳамма масалалар ва ечимлар устида бош қотирувчи ва ҳаракат қилувчилармиз, тўғрими? Ўзимиздан бошқа ким ҳам бўлиши мумкин?! Ахир муаммомиз нимада ва қаерда эканини ким ҳам биздан яхшироқ билади?!

Мен “Лидерлар” каналини кузатиб бориб, бу ерда айнан бизнинг мақсад ва ғояларимизнинг акс этганини кўрдим.

Биз излаётган, интилаётган, ҳаракат қилаётган энг асосий мақсадларимиздан бири бу – илму маърифатли, китобни, ҳаётни, оиласини, Ватани ва халқини севадиган фаол, етакчи, замонавий фикрловчи ёшлар сафини кенгайтириш ва уларнинг кўмагида жамиятда ёшлар ҳаёти ва фаолиятига оид барча масалаларнинг туб-тубига кириб бориш.

“Лидерлар” канали эса бизнинг ишимизни енгиллаштириб, айнан мана шундай ёшларни бир жамоага тўплаб, улар билан креатив мулоқот ва ҳамкорликни бошлаб юборишибди. Қувонарлиси, бу каналда берилаётган ҳар бир мавзу айнан ёшлар ҳаётида ижобий акс-садо бериш, онги ва тафаккурини ўзгартиришга йўналтирилган.

Ўзим ва оила аъзоларим билан берилиб, қизиқиб,



таъсирланиб кўрганларим, тинглаганларим – “Фарзандимга мактуб”, “Рақеш”, “Миядаги кинотеатр”, айниқса, беқиёс тарбиявий аҳамиятга эга.

Умуман олганда, бугун жамият мутлақо сифатли ва самарали тарғиботга муҳтож. Ёшлар онги ва тафаккурида ғоявий иммунитетни шакллантириш, уларни фидойи, ватанпарвар, халқини севадиган Инсонлар бўлиб етишиши учун бор куч-ғайратимизни сафарбар этишимиз керак. Жамиятимизнинг ҳар бир муваффақиятида ҳар бир ёшнинг ўрни ва иштироки борлигига ишонтиришимиз керак.

“Лидерлар” китобидаги ҳар бир мавзу эса ёшларимизда мана шу энг муҳим бўлган мотивацион хусусиятларни – ишонч ва умид, куч-ғайрат, шижоат, ватанпарварликни уйғотади.

Мен Ўзбекистонда, айниқса, ёш кадрлар ҳаётига Лидерлик атамасини киритган, ҳар бир ёш мутахассисда лидерлик фазилати шаклланишида зўр туртки бўлаётган “Лидерлар китоби”нинг ижодий жамоасига улкан муваффақиятлар тилайман ҳамда барча фаол ва изланувчан ёшлар номидан чексиз миннатдорлик билдираман.

Алишер Саъдуллаев,

Ўзбекистон Республикаси Президенти
маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон
Ёшлар Иттифоқи раиси, Сенатор

ИННОВАЦИЯ – ЛИДЕРНИ УНИНГ ОРТИДАН ЭРГАШУВЧИЛАРДАН АЖРАТИБ ТУРАДИ

Дунёнинг машҳур инсонларидан бири Стив Жобс айнан ушбу фикри билан лидерликнинг асосий хусусиятларидан бири инновацияга йўналганлик ёки инновацион ғоя ва ташаббуслар эканини исботлайди.

Ҳақиқатдан ҳам, инновация, бу янги ғоя ва ташаббусларни самарали амалга татбиқ этиш санъатидир. Инновация, бу ҳаётга, фаолиятга янгича қараш ва янгича ёндашув, демакдир.

Бугун жамиятимизда ҳар бир соҳада юз бераётган жадал ислохотларга инновацион ёндашув талаб этилмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қуроллантириш, иқтисодиётни рақамлаштириш, “хавфсиз шаҳар” концепциясини амалга татбиқ этиш, қишлоқ хўжалигига янги технологияларни татбиқ этиш, аҳолига қулай ва хавфсиз хизматларни тақдим этиш ва бошқа йўналишларни ривожлантиришнинг барча-барчасининг замирида муваффақиятли инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш масаласи турибди.

Биз бугун айнан инновацион ғоя ва лойиҳалар ташаббускори бўлган, замонавий билимга эга кадрларга муҳтожмиз. Бундай кадрлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, албатта, таълим, тарбия ва самарали тарғибот уйғунлигида малакали мутахассисларни тайёрлашимиз, уларни кашф қилишимиз мумкин.

Мен “Лидерлар” каналини кузатиб борар эканман, айнан ушбу канал ижодий жамоаси кадрларнинг лидерлик хусусиятларини ривожлантириш, замонавий билимларини ошириш, ўз-ўзига ишонч ва талабчан-



ликни кучайтириш орқали инновацион ғоялар ташаббускорига айлантиришдек энг олий мақсадни амалга ошира оляпти, деб ишонч билан айта оламан.

Агар биз ёшларга мотивация бера олсак, уларнинг истеъдодини, нимага қодир эканлигини ўз вақтида аниқлай олсак ва бундан фойдалансак, инновацияни четдан излашимизга ҳожат қолмайди.

Чунки мен аниқ ишонч билан айта оламан, ҳар бир ўзбек йигит-қизининг томирида буюк алломаларимиз қони жўш урмоқда. Бизда Улуғбекнинг зукколиги, Ибн Синонинг донолиги, Берунийнинг даҳолиги, Темурнинг шижоати, Навоийнинг оқиллиги, Хоразмийнинг олимлиги мужассам! Албатта, аждодларимиз илмий мероси бизни хайрли ташаббуслар сари руҳлантиради.

Мен эзгу ва энг хайрли ишларнинг бошида турган, Ўзбекистонимизда ҳақиқий лидерлар сафини кенгайтиришдек улуг мақсадни муваффақиятли амалга оширишни бошлаган “Лидерлар” канали админи Отабек Хасанов ва ижодий жамоага улкан зафарлар тилайман.

Ушбу хайрли ташаббус бизга ҳам инновацион ғоя ва мақсадларимизни рўёбга чиқаришда, лидер ёшларни топиш ва ҳамкорликни кучайтириш имконини беради.

Ўзбекистон ёшларини, барчамизни янги марралар сари руҳлантирувчи, лидерликка йўналтирувчи янги нашр – “Лидерлар китоби” барчага муборак бўлсин!

Мен бу китобни ёшларимиз учун лидерлик қобилиятини шаклланишига ва келажакда жамиятда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилишига ишонч билдираман.

Олимжон Тўйчиев,
Ўзбекистон Республикаси Инновацион
ривожланиш вазири ўринбосари

СУЗ БОШИ

Ҳурматли бўлажак Лидерлар! Агар сиз бу ёзганларимизни ўқиётган бўлсангиз, демак, келажагингизга бефарқ эмассиз. Ушбу китоб айнан лидер сифатида оиласида, карьерасида ва жамиятда юксак муваффақиятларга эришмоқчи бўлганлар учун. Шунинг учун ҳам қўлингиздаги китобнинг номини “ЛИДЕРЛАР китоби” дея номладик. Унинг мутолаасига киришган бўлсангиз, демак, сиз ҳам бугундан Лидерлар аъзоси бўлдингиз.

Китобда телеграммдаги “Liderlar1” каналимизда бериб борилган маълумотларимиздан фойдаландик. Китобни нашр этишга илҳомлантирган энг асосий омил каналимиз аъзоларидан келган таклифлар бўлди. Қолаверса, кўпгина мухлисларимиз бизни доимий кузатиб бориб, ўзлаштирган янги билимлари туфайли ҳаётларини яхши томонга ўзгартиргани ҳам каналимиздаги маълумотларни кенгроқ ёйишга ундади.

Ушбу нашрнинг дунё юзини кўришига беминнат ҳисса қўшган барча дўстларимга, “Liderlar1” телеграмм каналининг ажойиб жамоасига чексиз ташаккуримни изҳор этаман.

Ва, айниқса, китобнинг шаклланишига катта меҳнати сингган отам, илк устозим Абдурашид Ҳасановга ҳамда менга каналдаги ижодий фаолиятимда энг яқин кўмакчи бўлаётган Ўткир Абдукаримовга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Шунингдек, мазмунли ҳикояларни жамлашда фаоллик кўрсатган К.Умаралиева, Ш.Сатторов, М.Ҳакимова ва Н.Асқаровларга, фаолиятимизни қўллаб-қувватлаб келаётган барча-барча дўстлар ва ҳамкорларимизга ташаккур айтаман.

Сизлар билан биргаликда кўплаб хайрли ишларни амалга оширишимизга, бундан-да юқори марраларни забт этишимизга ишонаман, азизларим!

ЁШЛАРГА МАСЛАХАТ

Турли анжуманларда, конференция ва мулоқотларда, қолаверса, маърузаларимда иштирок этувчилар кўпинча бир хил савол йўллашади: Сизнинг шу даражага эришишингизга асосий сабаб нима?

Менда бу саволга қисқагина жавоб бор:

“Ёшлиқда олинган билим – тошга ўйилган нақш”, деб бежизга айтишмаган. Болалиқдан ота-онам, устозларимнинг талаб ва насиҳатларига амал қилиб, ўқиб-ўрганганларим, изланиб-интиланларим бугун самарасини бермоқда. Бугун кўпчилик учун мураккаб ва машаққатли туюлган илм йўли мен учун ўта жозибали ва ўзига оҳанрабодек тортаверади. Бунинг сабаби эса битта – ёшлигимдан китобни севганим, илм ўрганишга интилангим. Ҳаётини тажрибамдан келиб чиқиб, мен қалблари бир олам орзу-истакларга тўла ёшларга бир маслаҳат бермоқчиман: ўқиндан, изланишдан тўхтаманг, зеро, бахтли келажакка эришишнинг фақатгина бир йўли бор, у ҳам бўлса, илм-у маърифат, қолгани бекор.

Падари бузрукворим менга доимо шундай насиҳат қилади: “Ўғлим, мансаб ва бойлик – ўткинчи, уни сендан тортиб олишлари мумкин, лекин билимингни ҳеч ким ҳеч қачон тортиб ололмайди – у доимо сен билан бирга бўлади ва сени муваффақиятларга ундайди. Шунини ёдингда тут!”

Қолаверса, илмни эзгулик йўлида сарфлашнинг ўзи ҳам улуғ ишдир. Олган билимимизни азиз Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровон турмуши йўлида ҳалоллик ва фидойилик билан меҳнат қилиб сарф этиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз ва инсоний бурчимиздир.

Азиз ёшлар! Ушбу китобга киритилган мақола, ҳикоя ва мулоҳазаларимиз билан танишини асносида Сиз ўзингиз учун фойдали маслаҳат, ҳаётингиз ҳамда фаолиятингизда асқотувчи фикр ва хулосалар оласиз, деган умиддаман.

Ҳурмат билан Отабек Хасанов



БИРИНЧИ БЎЛИМ

БИРИНЧИ МАҚОЛА

ҲАММА ЎҚИШИ ШАРТ

Ҳурматли китобхон, барчангизга “Гарсияга мактуб”ни ўқишни тавсия этаман.

Ўзим ўқиб беҳад таъсирланганим учун ҳам вилоятлар бўйлаб давлат хизматчилари, раҳбар ва ҳокимлар учун ўтказилган тренингларда бу мақолага кўп тўхталдим ва уни барчага ўқишни тавсия этдим. Бугунги кунда бизга ушбу мақола қаҳрамони бўлган Роуэн каби раҳбарлар, ходимлар ва, энг муҳими, ёшлар жуда керак. Бундай инсонлар жамиятимизда бор. Фақат уларни излаб топишимиз ва юзага чиқариш керак.

Хўш, биз жуда муҳим санаётганимиз бу мактуб қанақа мактуб бўлди?

Ушбу очерк илк бор 1899 йилнинг март ойида “Philistine” журналида нашр этилди. Муаллифи Элберт Хаббарддир. Ўша даврда Нью-Йорк марказий темир йўл станциясида унинг 1,5 млн.га яқин нусхаси тарқатилган. Бу кичиккина, лекин салмоқли, улкан маъно-мазмунга эга битик ўзбек тилидан бошқа деярли барча тилларга таржима қилинган.

Очерк 2018 йил 11 июнь куни илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясида Маънавият ва маърифат кафедраси мудири, сиёсий фанлар номзоди Н.Умарова томонидан ўзбек тилига таржима қилинди.

XX аср бошидаги Россия-Япония уруши вақтида ҳар бир рус солдатига “Гарсияга мактуб”нинг нусхаси берилган ва аскар қийин вазиятга тушган вақтида уни қайта-қайта ўқиш тавсия этилган. Асирга тушган ҳар бир рус аскарининг ёнидан ушбу мақола топилавергач, японлар олдида жумбоқ пайдо бўлди. Унда қандай сир борлигига қизиқиб қолишди ва япон тилига таржима қилишди.

Бугунги кунда Япония императорининг талабига биноан давлат ишига, ҳарбий соҳага кираётган ҳар бир ходимга ушбу мақола тақдим этилади.

“Гарсияга мактуб” дунё бўйича жами 40 млн.дан ортиқ нусхада чоп этилган.

Келинг, гапни кўпайтирмай, мақолани эътиборингизга ҳавола этаман. Фақат Сиздан илтимос, агар уни ўқиб, нимадир олган бўлсангиз, энг муҳими, мазмунини тушунган бўлсангиз, қолган дўстларингизга ҳам илининг ва улашинг. Сабаби, юртимизда шундай фидойи раҳбарлар ва ходимлар кўпайса, ўйлайманки, давлатимиздаги улкан ислохотлар янада тезроқ ва сифатлироқ амалга ошган бўларди. Энг муҳими, Ватанимиз тинчлиги ва тараққиёти, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш йўлида жон куйдирувчи собитқадам, фидойи инсонлар сафи янада кенгайарди. Ўқиганингиз учун раҳмат.

Гарсияга мактуб

Кубадаги 1898 йилдаги ташвишлар билан боғлиқ бир киши ёдимда қолган. Юлдузли осмонда Марс қандай ажралиб турса, у одам ҳам бошқалардан шундай ажралиб турарди. Испания билан АҚШ ўртасида уруш бошланганида исёнчилар етакчиси билан тезкор алоқа ўрнатишга ўтқир эҳтиёж пайдо бўлди. Генерал Гарсия Кубанинг бепоён тоғларида жойлашган бўлиб, унинг аниқ қаерда қўним топгани ҳақида ҳеч ким тасаввурга

эга эмас эди. У билан на почта орқали боғланиш мумкин эди, на телеграф орқали. Президент унинг АҚШга тарафдорлиги ҳақидаги ваъдасини олиши ва буни зудлик билан амалга ошириши зарур эди. Нима қилмоқ керак?

Кимдир Президентга “Роуэн деган бир одам бор, у нима бўлса ҳам, Гарсияни топа олади”, деб айтади. Роуэнни чақириб, унга мактубни тутқаздилар. Роуэн мактубни қандай олгани, сув ўтмаслиги учун бир бўлак терининг ичига жойлаштиргани, мактубни ип билан қай тарзда кўкрагига боғлагани, тўрт кундан сўнг кечаси қайиқда Кубага етиб келгани, чангалзорларда қандай яширингани ва уч ҳафтадан сўнг душман мамлакатини яёв кезиб, оролнинг бошқа тарафида пайдо бўлгани, Гарсияга мактубни қай тарзда етказгани – ҳозир булар ҳақда гапириб ўтирмоқчи эмасман. Лекин бир нарсани таъкидламоқчиман: Президент Мак-Кинли Гарсияга битилган мактубни берганида, Роуэн буйруқни адо этишга йўл олар экан, ҳатто “Гарсияни қаердан топсам бўлади?” деб ҳам савол бермаган экан. Бу одамга бронзадан ҳайкал ясаб, уни бутун дунёдаги барча мактаб ва коллежларга жойлаштириш керак. Ёшларга китоблардан таълим бериш керак эмас, йўл-йўриқ кўрсатиш керак эмас, балки тишни-тишга қўйиб, фидокорона ва садоқат билан ишлаш, уддабуронлик билан ҳаракат қилиш, ўзининг бор куч-қувватини тўплаб, вазифани бажариш – “Гарсияга мактубни етказиш руҳи”да тарбиялаш керак.

Генерал Гарсия ҳам, жасур Роуэн ҳам вафот этиб кетишган, ҳозир улар йўқ. Лекин бошқа Гарсия, Роуэнлар бор-ку! Афсус, орамизда бирор инсон йўқки, кўпчилик билан биргаликда бирор ишга киришгач, баъзан ўртамиёна одамнинг нотагонлиги ва уқувсизлигидан даҳшатга тушмаган, бошланган ишни охирига етказишга шахд ва хоҳишнинг йўқлигидан лол қолмаган бўлса.

Нари-бери ёрдам кўрсатиш, эътиборсизлик, пала-партишлик, лоқайдлик, “ярим куч билан” ишлаш, ишига жон-жаҳди билан киришмаслик ҳаёт мезонига айланиб қолди, шекилли. Бугунги кунда ҳеч ким бошқа одамнинг бўғзига пичоқ тақамаса, муваффақият қозонолмапти; ёки ёрдам олиш учун пора беришти; айрим ҳолларда эса, Аллоҳ таоло томонидан муъжиза содир бўлишига, осмондан ёрдамга фаришта тушишига ишонапти.

Сиз, китобхон, менинг сўзларимни оддийгина текшириб кўришингиз мумкин. Тасаввур қилинг, сиз ишхонангизда ўтирибсиз, олтита ходимингиз бор. Улардан истаганингизни чақиринг-да: “Илтимос, қомусдан (энциклопедиядан) қараб, Коррежио ҳаёти ҳақида қисқача маълумот тайёрла”, деган топшириқни беринг.

Ходимингиз астагина “хўп бўлади” деб қўйилган вазифани бажаришга отланадими? Аминманки, бундай бўлмайди. У сизга нурсиз кўзлари билан қарайди-да, куйидаги саволлардан бирини беради:

- У ўзи ким?
- Қайси қомусдан қарай?
- Ўша қомусни қаердан оламан?
- Мени шундай ишлар учун ёллаганмидингиз?
- Сиз Бисмаркни назарда тутдингизми?
- Нима, шу ишни Чарлига буюрсангиз бўлмайдими?
- Ўша Коррежио тирикми ёки ўлган?
- Бу ишни шунчалик тез бажариш керакми?
- Балки китобни олиб келсам, ўзингиз қараб оларсиз?
- Сизга бу нима учун керак?

Ишончим комилки, сиз унинг барча саволларига жавоб бериб, қомусни қаердан топишни айтиб, бу ахборот сизга нима учун кераклигини тушунтирганингиздан кейин ҳам ходимингиз Коррежиони топиш учун ўзига яна бир кишини ёрдамга олади-да, қайтиб ке-

либ, бундай одам умуман бўлмаганини айтади. Балки гаров ўйнасам ютқазиб қўярман, лекин эҳтимоли жуда кам.

Агар етарлича фаросатли бўлсангиз, ходимингизга Коррежиони “Кар”дан эмас, “Кор”дан бошлаб қидиришни тушунтириб ўтирмайсиз, сиз бор-йўғи ёқимли жилмайиб, “Ҳа, майли” дейсиз ва бориб, ўзингизни қизиқтирган маълумотни излаб топасиз. Бу – мустақил ҳаракат қилишга нўноқлик, уқувсизлик эмас, бу – тентаклик, иродасизлик, арқонни иштиёқ билан маҳкам ушлаб, юкни тортишни истамасликдир. Айнан шу нарсалар социализмни анча кучсизлантириб??? қўйди. Одамлар ўзи учун ҳаракат қилишни истамаганда, бошқалар учун ҳаракат қилармиди?

Эҳтимол, қаттиққўл ўринбосардан ҳайиқиб ёки шанба оқшомида кўчада қолиш каби нохуш ҳолат айрим хизматчиларни иш жойида ушлаб турар, лекин сизга стенографист кераклиги ҳақида эълон беринг, ўнта даъвогардан тўққизтаси саводсиз бўлади, гарчи улар ёзишни билишлари ва вергулларни тўғри қўйишларига қатъий ишонсалар ҳам. Шундай одам Гарсияга мактуб элтиб беришга қодирмикан?

- Анави ҳисобчини кўряпсанми? - деб сўради мендан катта заводдаги цех бошлиғи.

- Ҳуш, нима қилибди?

- Гап шундаки, у ҳисобчи сифатида ёмон эмас, лекин уни бирор арзимаган топшириқ билан шаҳарга юборсам, гарчи вазифани бажарса ҳам, йўлда тўртта майхонага киради ва айтилган кўчага етганида, уни нимага юборганликларини эсидан чиқариб қўяди.

Бундай одамга Гарсияга мактуб элтишни ишониб топшириб бўладими? Охирги вақтларда биз “хароб кулбаларда яшовчи жабрдийдалар”, “муносиб иш ахтарётган бошпанасиз мазлумлар”га нисбатан ҳамдард бўлишга чақириқларни ҳамда ҳокимият эгалари номи-

га ҳақоратларни кўп эшитяпмиз. Лекин негадир айнан шулардан ўзларига юклатилган ишни озгина фаросат билан бажаришларини талаб қилиш каби беҳуда уринишлар туфайли кексайиб қолаётган иш берувчилар ҳақида ҳеч ким гапирмайди. Раҳбар йўқлигида иш вақтини ялқовлик билан ўтказадиган ўша ходимлардан бирор ёрдам олиш умидида иш берувчиларнинг узоқ сабр қилиши **ҳақида** нега лом-мим дейилмайди? Ҳар бир устахонада ва ҳар бир корхонада доимий саралаш жараёни кечади. Иш берувчи умумий иш йўлида ҳаракат қилишга қодир бўлмаган ходимларининг жавобини бериб, янги одамларни ёллайди. Ишлар қандай кетаётгани муҳим эмас - танлов доимий тарзда давом этади. Эҳтимол, ишлар яхши кетганида, бу танлов бироз юмшоқроқ амалга оширилар. Лекин барибир билимсиз ва нолойиқ кишилар сиқиб чиқарилади ва ишдан кетишга мажбур бўлади. Қўлидан иш келадиган инсонларнинг омон қолиши учун шу нарса юз беради. Шахсий манфаати туфайли ҳар бир иш берувчи ўзида энг яхшиларни - Гарсияга мактубни етказиб беришга қодир инсонларни сақлаб қолишга интилади.

Мен бир инсонни биламан, у ажойиб қобилият эгаси, лекин ишларни мустақил уддалай олмайди ва бирорта одам уни “керак” деб билмайди, унга эҳтиёж сезмайди. Чунки “иш берувчи менга зулм қияпти ёки зулм қилиш нияти бор” деган аҳмоқона ғоя унинг миясига маҳкам ўрнашиб олган. У буйруқ беришни билмайди ва унга буюришларини ҳам истамайди. Агар унга Гарсияга мактубни элтиб беришни буюрганларида, эҳтимол, у “Ўзингиз элтинг!” дея жавоб берган бўлар эди.

Бугун шу одам иш излаб, кўча кезмоқда ва унинг йиртиқ жулдур кийимлари шамол тўзғиб юрибди. Бирорта одам уни ишга олишни хаёлига келтирмайди, чунки у донг таратган бузғунчи. Соғлом ақлга



чақиришлар унга таъсир қилмайди, ундан қолиши мумкин бўлган ягона из – бу қирқ бешинчи ўлчамдаги пойабзалнинг тагчармидир.

Албатта, бундай маънавий ожиз инсонга майиб-мажруҳ одамга қарагандек, ачиниш билан муносабатда бўлиш керак. Лекин унга раҳм-шафқат қилиш баробарида бирор буюк иш қилишга интилаётган инсонлар, иш соати “қўнғироқдан қўнғироқча” бўлган вақт билан чегараланмайдиган инсонлар, пала-партишлик, тартибсизлик, наридан бери иш қилиш, бефарқлик, фаросатсизлик, ночорлик, нотавонлик ва яхшилиқни билмаслик билан доимий кураш олиб бориши оқибатида сочи барвақт оқараётган инсонлар, зиммасидаги бурч ва вазифани виждонан тўлақонли адо этиш йўлида очликка ҳам, бошпанасиз қолишга ҳам тайёр инсонлар учун ҳам кўз ёши тўкайлик.

Балки мулоҳазаларимни ўта кескин баён этгандирман. Бўлиши мумкин. Лекин бизнинг давримизда, дунё шунчалик ботиб кетаётган пайтда, мен муваффақият қозонаётганлар ҳақида бироз гапириб қўймоқчиман. Шунча қаршиликка қарамай, бошқа одамларнинг кучини тўғри ўзанга йўналтираётган одамлар, муваффақиятга эришгач, буни оддий нарсасидек қабул қиладиганлар ҳақида гапирмоқчиман. Мен ўзим бир вақтлар тушлик ташиганман, югурдак бўлиб ишлаганман, кейинчалик иш берувчи бўлиб, одамларни ёллаганман, шунинг учун мен ҳаётнинг иккала тарафини ҳам биламан. Баҳслашмайман – қашшоқликнинг яхши тарафи йўқ, йиртиқ-ямоқларга ҳеч кимнинг ҳаваси келмайди. Лекин тан олинг: ҳамма иш берувчилар ҳам очофат, таловчи ва золим эмас, шунга ўхшаш – ҳамма фақирлар ҳам фазилатли фаришта эмас.

Мен раҳбари тепасида турмаганида ҳам, ёки раҳбари уйда эканида ҳам ўз ишини бажарадиганларга таҳсин

айтаман. Шунингдек, Гарсия учун мактубни қўлига тутқазганларида, уни хотиржамлик билан олиб, ҳеч қандай савол бермасдан, бирор бир тарзда норозиликни кўрсатмай, яқин атрофдаги ариққа мактубни ташлаб юборишни ният қилмаган ҳолда, ундан талаб қилинаётган вазифани бажарадиган, яъни мактубни эгасига элтадиган одамларга қойил қоламан. Мен ишдан бўшатилмайдиган инсонлар ва маошни ошириш мақсадида иш ташлашга бормайдиган одамлар тарафдориман.

Тараққиёт – ана шундай одамларни ахтаришнинг давомли ва машаққатли жараёни. Бундай одамлар нимаики истасалар, шунга эришадилар. Бундай одамлар ҳар бир шаҳарда, ҳар бир қишлоқда, ҳар бир ишхонада, ҳар бир устахонада, ҳар бир дўконда, ҳар бир корхонада бўлиши керак. Бундай одамлар дунёга керак. Гарсияга мактубни элтиб беришга қодир одамлар жуда керак.

Қайдлар учун (албатта, ўзингиз учун қайдлар киритиб боринг. Сабаби маълум муддат ўтиб ёзганларингизни ўқиганингизда сиз барча маълумотларни ёдга оласиз).

➤ Мен нимани тушундим: _____

➤ Менга ёқди: _____

➤ Хулоса: _____



ИККИНЧИ МАҚОЛА

Биринчи мақолада сизлар билан “Гарсияга мактуб”ни етказиб бериши мумкин бўлган Роуэн ва бу ишни қилишдан олдин 10 та савол бериб, охирида барибир ўзингиз бажаришга мажбур қиладиган ходимлар ҳақида гаплашгандик. Каналимизда кўпчиликнинг қизиққанини ва ўқиб чиққанларнинг сонини кўриб, хурсанд бўлдик. Инсон ўзи олган фойдали маълумотларни ўзгаларга ҳам илиниши керак, деб ўйлайман. Маънавият ва маърифат фақатгина кутубхонада сақланиши керак эмас. У қўлдан-қўлга, одамлардан-одамларга ўтиши, инсонлар ўртасида тарқалиши, доимо ҳаракатланиши лозим.

Бир давлатда мингта кутубхона бўлиши мумкин, лекин ундан самарали фойдаланилмаса, аҳолисининг дунёқараши ва маънавияти паст, аксинча, кутубхонаси кўп бўлмаса-да, фуқаролари ундан унумли фойдаланиб, маънавиятли ва маърифатли бўлиши мумкин.

Бугун сизларга тақдим этадиган ҳикоямиз номи “Элчи”, муаллифи – Умар Сайфиддин. Уни ўзбек тилига Жаҳонгир таржима қилган. 1995 йилда “Тафаккур” журналида чоп этилган. Асарни бир нафасда ўқиб ва ўқиб чиқдим.

Демак, ҳикояни тақдим этаман. Ўйлайманки, уни ўқиб тугатганингиздан сўнг ўзингизга камида бешта савол берасиз. Агар маъқул келса, дўстларингизга илининг. Таржимон ва муаллифдан узр сўраган ҳолда баъзи жойларини қисқартирдим.

ЭЛЧИ

Умар Сайфиддин

Улкан гумбазли вазирлар саройининг салқин ва нимқоронғи мажлис толори одатдагидан сокин. Ташқарида баҳорий нафас. Бўзранг офтоб нурлари кошнларнинг яшил нақшларида товланади.

Парку ўриндиқларга чўккан ҳорғин вазирлар оёқлари остида ял-ял ёнган гиламнинг турфа нақшларини томоша қилиш билан банд, мадорсиз қўли узун оппоқ соқолини тутамлаган шайхулаъзамнинг нурсиз кўзлари, гўё жуда олис ҳам тушунарсиз нарсалар ҳақида ўй сураётгандек, бўшлиққа қадалган.

– Пошолар, биз жасур бир инсонга муҳтожмиз, – деди у. – Эрон шоҳининг олтину олмос, зар либосларга бурканган элчиси подшоҳимизнинг қўлини ўпишга мушарраф бўлолмай, ул зоти олийларининг тиззасини ўпди, холос. Шубҳа йўқки, Эрон шоҳи ҳам бизнинг элчимизга худди шу йўсинда муносабатда бўлғай.

Вазирлар маъқуллади:

– Албатта.

– Турган гап.

– Шак-шубҳасиз...

Гумонлари вазирларнинг фикри билан ҳамоҳанг эканидан дадиллашган шайхулаъзам энди сўзларини очикроқ изоҳлашга ўтди:

– Алалхусус, элчилик қилгучи одам ўта жасур бўлмоғи, керак бўлса, ўлимга ҳам тик бормоғи шарт. У давлатимиз шаънига огир ботгучи ҳар бир хатти-ҳаракатга қарши чиқмоғи, ўлим таҳдид солиб турганда ҳам ҳақоратларга бўйин эгмаслиги лозим.

Барча унинг гапига қўшилди:

– Ҳа, ҳа!

– Ҳақ гап!

– Тўғри!

Шайхулаъзам соқол тутамлашни қўйиб қўлларини

тиззаларига тиради, бошларида шукуҳли тожлар солланиб турган вазирларга бир-бир қараб чиқди-да, сўзида давом этди:

– Бале, шундай экан, жасур бирини топинг. Мен бундай эрни на амалдорлар, на сарой ва на ҳатто мажлис аҳли ичинда учратдим. Сиз ҳам фикр қилинг. Тақводор, тинчликсевар, беозор подшоҳ ҳукмдорлик қилаётган улкан давлатнинг кичик мияси ҳисобланмиш мажлис аҳли сукутга чўмган эди.

Элчини етти йилдан сўнг кўпдан-кўп қабиҳликлари учун турк султони Ёвуз томонидан оғир жазоланган Эрон шоҳи Исмоил Сафавий (Шоҳ Исмоил 1502-24 йиллар Эронда ҳукмдорлик қилган) ҳузурига жўнатиш лозим эди.

Кулаб, кули кўкка совурилган Оққўйлилар салтанати харобаларида шоҳ Исмоил қароқчи давлат куришга муваффақ бўлди. Йўлидаги биронта дарахтни ҳам айланиб ўтмаган бу зулмкор шоҳ ота-боболари қасосини олгани учун ҳам кибру манманликни касб этган эди. У мислсиз ваҳшийликлари билан дунёга донг таратган; бир гал паноҳ истаб келган тарафдорларини базмга чақириб, базм сўнгида уларни дошқозонда тириклайин қайнатган, мағлуб бўлган ўзбек султонининг бош чаногига май ичиб кўнгилхушлик қилган эди. Дарҳақиқат, дунё ҳали бундайин золимни кўрмаган эди.

Боязиднинг тинчликсевар, тақводор вазирлари шоҳнинг бу ваҳшийликларини титроқ билан эслашарди. Куни келиб бу ёвуз турк чегараларига ҳам хужум қилиб, шарқий вилоятларни босиб олиши мумкинлиги барчага аён эди. Ўтган йили у Зулқадрия (қадим Онадўлининг жануби-шарқидаги кичик давлат) ҳокими Алауддавланинг қизини танмаҳрамликка сўради. Сўради-ю, Алауддавладан рад жавобини олди. Жаҳолатга минган Исмоил қўшин тортди. У турк салта-

нати ҳудудларидан ўтиб, ҳимоясиз Зулқадрия чегараларига ҳужум қилди, Диёрбакир, Харпут қалъаларини эгаллаб, Алауддавланинг ўгли ва икки набирасини асир олди. (Алауддавланинг ўзи киши етмас тоғларга қочиб жон сақлади.) Шоҳ Исмоил бандиларни сихга тортиб кабоб қилишни буюрди, сўнг ҳеч тап тортмай ундан тановул қилди. Шарқда бундай даҳшатли воқеани илк бор эшитишлари эди. Уруш қилиш ниятидан йироқ подшоҳ Анқарага Яҳё пошо бошчилигида қўшин юбориш билан чекланди.

Лекин шоҳ қонхўрлигига яраша айёр ҳам эди. У Усмонли ерларидан бесўроқ ўтгани учун афв истаб, Истанбулга тез-тез элчи юбориб турди. Ўша замонлар Тирабзон ҳокими бўлган валиаҳд Ёвуз отасидек сабрли эмасди: у Табриз чегарасидан ўтиб, Бойбурт ва Эрзинжонга қадар бўлган ерларнинг кулини кўкка совурди, ҳатто шоҳ Исмоилнинг укасини асир ҳам олди. Исмоил элчиси энди бу ҳужумдан норозилигини билдирмоқда, Усмонли тупроқларига қилинган тажовуз умуман турк салтанатига эмас, фақат Алауддавлага қарши қаратилганини исботлашга уринмоқда эди.

Бу кун мажлис аҳли маккор ва қонхўр Эрон шоҳи ҳузурига кимни элчи қилиб жўнатишни билмай танг қолган эди. Чунки ўзини Усмонли султонига тенг қўйган, ҳатто Шарқда улкан салтанат қуришга муваффақ бўлган бу кибрли шоҳ элчини турли йўллар билан камситишга ҳаракат қилиши, қаршилиқ кўрсатгудек бўлса, қозикқа ўтқазиши, тириклайин терисини шилиб олиши, хуллас, ваҳшийларча ўлдириши мумкинлиги ҳар кимга кундек равшан эди.

Шайхулаъзамнинг ўнг томонида қабр тошидек қимир этмай турган қизил тожли кавук (султонлик амалдорларининг эски бош кийими) ҳаракатга келиб, аста шайхулаъзам тарафга бурилди.

– Бундай масъулиятли ишнинг уддасидан чиқадиган

кишини биламан, – деди кавук кийган уламо. - Отаси кадрдон дўстим эди. Лекин у давлат хизматига киришдан қатъий бош тортган.

– Ким экан у?

– Муҳсин Чалабий.

Шайхулаъзам бу исмни илк бор эшитиб тургани учун ҳам сўради:

– Шу яқин атрофда яшайдими?

– Худди шундай.

– Касб-кори нима?

– У анча ўзига тўқ, деярли ҳар вақт китоб мутолааси билан машғул. Танимаслигингизга асос бор, афандим. Ном чиқарган хонадонларга асло қадамранжида этмас. Шухрат кетидан қувмайдиганлар тоифасидан ул...

– Боиси не?

– Билмадим. Балки, юксалиш муқаррар суратда кулаш билан интиҳо топишини англаб етганидандир...

– Ажаб...

– Лекин у жасур инсон. Ҳақ ишга жонини ҳам аямайди. Кўп бор ҳарб сафарларида қатнашган. Юзидаги чандиқлар шу сафарлардан ёдгор...

– Бундай ишга розилик беришига аминмисиз?

– Айтиш қийин.

– У билан кўришсак, алҳамдулиллаҳ, рози бўлғусидир...

– Чақиртирсангиз, хузурингизга келмасми, деган истиҳолом бор.

– Бу деганингиз не?

– Келмаслиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу дунёдан этак силтаган у. Унинг учун шоҳу гадо баробар.

– Ҳеч курса, ватанини севар?

– Шак-шубҳа йўқ...

– Ундоқ бўлса, бу ерга уни ўз номимиздан эмас, Ватан номи ила даъват этурмиз.

– Уриниб кўрмоққа ижозат бергайсиз, афандим.

Шу оқшом шайхулаъзам ишбошисининг қўлига мактуб тутқазиб, Муҳсин Чалабийнинг Истанбулнинг Осиё қисми – Ускудордаги уйига жўнатди. Номада давлат миқёсидаги зарур маслаҳат юзасидан шайхулаъзам ҳузурига келиш илтимоси битилган эди.

Муҳсин Чалабий келганини билдирганларида шайхулаъзам бомдод намозидан сўнг қасрининг эрлар тарафидаги ҳинд матосидан тикилган оғир пардали, муъжазгина нимқоронғи хужрасида котиби қолдирган арзномаларни ўқиш билан банд эди.

– Буюринг, кирсин, – деди у.

Эҳтиром, хушомад ва қуллуқларига ўрганиб кетган шайхулаъзам бир муддат бу одамнинг тавозе ила оёқлари остига бош қўйишини кутиб турди. У четлари залворли зардўзлик билан безалган нафармон мато қопланган ўриндиқда соф олтиндан қуйилган ҳайкалдек қотиб ўтирар, келгиндига таажжуб-ла бошдан-оёқ разм солиб сукут сақлар – қаршисида кўксини кериб, бошини тик тутиб турган одамни умрида илк бор кўриши эди.

Ноқулай жимликни Муҳсин Чалабий бузди:

– Чақирган экансиз, афандим.

– Биласанми?..

– Қулоғим сизда, афандим.

– Яқинроқ ўтир, ўғлим.

Муҳсин Чалабий ҳайикмай, қўрқмай шайхулаъзам ёнига келиб ўтирди. Шайхулаъзам эса ҳамон қўлидаги қогозларни кўздан кечираётгандек бўлиб, “Ким экан ўзи бу? Телбамикин ё?” деган ўйни хаёлидан ўтказарди.

Бироқ Муҳсин Чалабийнинг ақли расо, қолаверса, ҳеч кимга муте бўлмай яшаш учун етарли давлати ҳам бор эди. Унинг каттагина қўтони, Чамлижа ўрмони ортидаги ери манаман деган бойнинг мулкидан қолишмасди. У ҳалол яшар, ҳеч кимнинг олдида бўйин эгмас, камбағалу бечорага, касалманд-у бошпанасиз-



ларга ёрдам бериб келар эди. Хонадонидан меҳмон ари-масди. У художуй, аммо асло мутаассиб эмасди. Муҳсин Чалабий она юртини ҳаддан зиёд севар, ватанини Каъбадек муқаддас билар эди. Эътиқоди Оллоҳдан ўзгасига сажда қилмаслик, бандасига сиғинмасликдан иборат эди. Унинг фазилату илмига ҳайрон эдилар. Замондоши, таниқли олим Ибн Камол у ҳақда “Менинг устозим шу!” деган эди. Муҳсин Чалабий биронта қасида ёзмаган ва ҳатто ўқимаган бўлса ҳам, қалбан шоир эди. У қирқлардан ошган, аммо қаршисида намоён бўлган шон-шуҳратга элтувчи ҳеч бир йўлни танламаган эди. У олтиндан жилоланган, ҳаворанг анвойи гуллар сочилган порлоқ бу йўлларнинг сўнгида инсонни аянчли ўлим кутажагини яхши биларди.

Инсон – Оллоҳнинг ердаги халифаси, олий ва қудратли мавжудот, деб ҳисобларди у. Оллоҳ инсонни ўз фазилатлари билан сийлаган. Инсон ҳар нарсадан юксак. Лаганбардорлик, хушомад қилиш асл инсоннинг иши эмас!

Муҳсин Чалабий барча ҳақоратларга чидаб, эгилиб-букилиб шуҳрат чўққисига эмаклаётган кибрли масхарабозлардан, ер юзида илондек судралиб юрган ғурусиз бандалардан нафратини яширмасди. У бундай разолатни кўрмаслик учун ҳам инсонлардан узоқлашган, фақат уруш бўлгандагина камбағаллардан ташкил топган қўшинга раҳбарлик қилиш учун узлатни тарк этмоғи мумкин эди.

Муҳсин Чалабийнинг ўзини эркин тутиши шайхулаъзамни анча таажжубга солди, бироқ ғазабини келтирмади.

– Биз Табризга элчи жўнатмоқ ниятидамиз. Боришга розимисан?

– Менми?

– Ҳа.

– Нима учун айнан мени танладингиз?

– Сендан ўзга муносиб одам тополмадик.

– Шу чоққа қадар давлат хизматига кирган эмасман.

– Сабаб?

Бир оз сукутда қолган Муҳсин Чалабий жилмайди:

– Чунки мен бўйин эголмайман, қўлни, этакларини ўпишга одатланмаганман. Бугунги мансабдорлар ўз мавқеига эгилиб-букилиб, иккиюзламачилик ва хушомадлар ила қўл ва этакни, ҳатто оёқларни ўпиб эришганлар. Уларнинг арзандаю яқинлари, улар ҳомийлигида кун кечираётган кимки бор – бари тубан иккиюзламачи, ахлоқсиз хушомадгўй, виждонсиз лўттибоз, жирканч текинхўрлардир. Атрофларида довюрак, кадр-қимматини билувчи ҳалол инсонни кўрсалар борми, қутуриб, хусуматга тўлиб-тошиб, уни йўқ қилиш пайига тушадилар.

Шайхулаъзамнинг тишлари жипслашди, кўзлари қисилди, қўлидаги қоғоз ғижимланди. Жаҳлга эрк берадиган аҳволда бўлмаса ҳам, газабнинг зўридан ёноқлари учиб-учиб туша бошлади. Ҳали шайхулаъзамлик рутбасига кўтарилмаган, бор-йўғи вилоят ҳокими бўлиб юрган кезларида ҳам ҳеч ким у билан бу тарзда очиқ гаплашишга журъат этмаган эди. “Ғирт телбанинг ўзи-ку бу... Акси бўлса-чи? Бетгачопарлигини қаранг! Ахир, бу гаплар дунёнинг мавжуд тартиботи, қонун-қоидасига зид эмасми?” деган фикрлар хаёлидан кечди. Шайхулаъзам кўзлари янада қисилиб, соқчиларни чақириш тараддудига тушганда беҳосдан кўнглининг аллақайси тубида мудраб ётган виждон сасини туйди: “Мана, ўзинг ҳам хушомад, иккиюзламачилик, лаганбардорлик йўли билан юксалганлар каби эркин, дангал гапларни кўтаролмайсан. Қаршингда жасур инсонни эмас, оёғингни ялашга тайёр итни, шар-



мандаларча етти букилган масхарабозни, пасткашни кўрмоқ истайсан”.

Шайхулаъзам қисик кўзларини очди, қўлида ғижим-лаб турган қоғозни четта қўйиб, Муҳсин Чалабийга қаради. Қилич изидан қолган чандик ялтираб турган дўнг пешона, оташин ёноқлар, бақувват бўйин, йирик ўркачли бурун, бежирим салла. “Шоҳнома” саҳифаларида учрай-диган қадим паҳлавонларга ўхшаб кетади. Дарҳақиқат, чинакам паҳлавон бу. Пешонасида қилич чуқур из қолдирган бўлса ҳам, у тирик – қаршисида турибди.

Шайхулаъзамга адолат ҳисси бегона эмас эди. Ғурури виждон овозига қарши чиқа олмади. “Ҳа, – хаёлидан ўтди унинг, – кўнглимиздаги одам мана шу бўлади. Бундай довиюрак зот ватанига, халқига қилинган ҳақоратни кўтармайди, ўлимдан қўрқиб бош эгмайди”.

Шайхулаъзам сўзида давом этди:

– Табризга элчи бўлиб борасан.

– Шунча ишончли котибу хўжаларингиз бўлатуриб, нега мени юбормоқчисиз?

– Шоҳ Исмоилнинг қабиҳликларидан бохабардирсан?

– Ҳа.

– Ватанингни севасанми?

– Севаман.

Қудратли шайхулаъзам қомат ростлади.

– Жуда соз! Эрон шоҳи элчига озор йўқ, деган қоидага амал қилмайди. У бизнинг душманимиз. Жанг майдонида бизни мағлуб эта олмаслигини билатуриб, элчимиз билан ҳисоб-китоб қилиш пайида бўлади. Оллоҳ ғазабидан қўрқмаган бу нобакор элчини азоблаб ўлдиришдан ҳам тоймайди. Магар шундай бўладиган бўлса, элчимизга қилинган ҳақоратни давлатимизга нисбатан ҳақорат деб билгаймиз. Ҳар не бўлмасин, ўлимга тик борадиган инсон керак. У Эрон шоҳидай ярамас махлуққа яраша жавоб бера олмоғи даркор. Агар чиндан ҳам ватанингни суйсанг, ўзингни қурбон қилишга рози бўласан.

– Розиман, афандим. Фақат бир шартим бор.

– Шартинг не?

– Қурбонликка ҳақ туланмайди, у кўнгилдан чиқади. Акс ҳолда, у қурбонлик эмас, шахсий манфаатга эришиш илинжига айланади. Шу боис мен на ҳақ, на мансаб ва на нафақадан умидворман...

– Бу нима деганинг, ўғлим? Шоҳнинг элчиси зарлибосларга бурканиб келди. Отларию хизматкорлари ҳам салобатли эди. Элчимизнинг отлари, хизматкорлари, кийим-кечаклари ундан-да салобатли, ундан-да шоҳона бўлмоғи даркор. Бу чиқимлар учун сенга хазинадан бир қанча минг олтин ажратурмиз.

Муҳсин Чалабий унга ўгирилиб, иягини олдинга чиқарди.

– Йўқ, хазинадан ҳеч нарса олмайман. Отлару хизматкорлар ташвишини менга қўйиб берурсиз. Илтифотингизга қуллуқ.

Шайхулаъзамнинг кўзлари ҳайратдан чақнади.

– Ўзим эса шундай шоҳона либос кияйки, шоҳ Исмоилнинг тушига ҳам кирмаган бўлсин!

– Ундай кийимни қайдан оласан?

– Зардўз Тур ўғлидан ҳинд матосига гавҳар қадаб, венецианча уқалар билан безалган ҳирқа сотиб оламан.

– Шунча пулни қайдан топасан, ўғлим? – дея таажжубланиб сўради шайхулаъзам.

Унинг таажжубида жон бор. Бир ой муқаддам тикиб бўлинган бу ҳирқа Истанбул аҳли орасида дoston эди. Ноёб пушти гавҳар билан безалган бу мўъжиза ҳирқани вазиру вuзарo подшоҳга инъом этиш учун сотиб олишга ҳаракат қилгани сари Тур ўғли унинг нархини оширгани оширган эди.

Муҳсин Чалабий қимматбаҳо ҳирқани қандай сотиб олишини тушунтирди:

– Ерни, қўтонни, уйимни ҳам гаровга қўйиб, тужжорлардан ўн минг олтин қарз кўтараман. Икки мин-

гини от-улов ва хизматкорларга сарфлаб, қолган саккиз мингига ўша ҳирқани сотиб оламан.

Шайхулаъзам унинг режасини ақлсизликка йўйди.

– Қайтиб келганингда, – деди у, – ҳирқага ҳожат ҳам қолмайди. Бу либос фақат тантанали маросимларга ярашади. Уни сотиб олсанг, давлатингдан айрилиб, муҳтожликка гирифтор бўласан-ку!

– Асло. Саккиз минглик ҳирқани Тур ўғли етти мингга қайтиб олишга рози бўлади. Бу пулга еримни қайтариб олишим мумкин. Агар қолган қарзларни тўлай олмасам, на илож, отамдан мерос қўтонни сотишга тўғри келади. Ахир, ҳадеб давлатдан олавериш инсофдан эмас, ниманидир фидо этиш керак-ку!

Муҳсин Чалабийнинг сўзларини эшитгани сари шайхулаъзамнинг ҳайрати ортиб борарди. Кўнгли таскин топарди. Ҳукмдорликка нолойиқ золимнинг таъзини бериб қўядиган муносиб одамни Худонинг ўзи етказиб турибди. Шайхулаъзам оғир кавутини силкитиб жилмаярди. Ў, бу қўрқоқ, эҳтиёткор маслаҳатчиларей... Ҳаётларию давлатларидан ажраб қолишдан чўчиб нақадар титраб-қақшадилар-а! Агар элчиликни шулардан бирига топширса, давлатдан кўра кўпроқ ўз манфаатини ўйлар, инъом илинжида барча ҳақоратларга бардош берар эди.

Шайхулаъзам тушликка таклиф қилганига қарамай, Муҳсин Чалабий изн истади. Шайхулаъзам уни эшикка қадар кузатиб чиқди.

Кейинги олти ой ичида Муҳсин Чалабий катта ери, қўтони, уйи, дўконлари, боғи, полизини гаровга қўйиб, тужжорлардан ўзига керакли маблагни йиғди. Унинг оту хизматкорлари ҳақиқатан ҳам шоҳона эди. Тур ўғлидан тилларда дoston бўлган ўша ҳирқани сафардан қайтганида етти мингга қайтариш шарти билан сотиб олди. Ёш хотини, икки боласини қариндошининг уйига қўйиб, йўқлигида харажатлар учун рўзғорга етарли пул қолдирди. Сўнг подшоҳнинг ёрлиғини ёнига со-

либ, йўлга тушди. Йўл юргани сайин янги элчининг ҳашамати-ю кўрки, айниқса, пушти гавҳар безак берилган ҳирқа ҳақидаги овозалар ортиб борди. Бу овоза бутун Онадўлига ёйилиб, Эронга ҳам етди. Ниҳоят, Муҳсин Чалабий тантана билан Табриз қалъасига кириб борди. Бу кичик пойтахтнинг ясан-тусану дабдабага, ялтироқлигу турфа безакларга ўлгудек ўч аҳолиси истанбуллик элчининг ҳирқасини кўриб лол қолди. Шаҳарда, саройда, базмларда ҳам асосий мавзу элчининг ҳирқаси эди.

Шоҳ Исмоилнинг ўзи пушти гавҳар ҳирқа ҳақида эшитган-у, сира кўрмаган эди. Шунданми, кўнглида турк элчисига нисбатан кек оловланди. Негадир ундан ўч олгиси келди. Муҳсин Чалабийни қабул қилишдан олдин тахт ортига жаллодларни қўйди, тахт олдидаги кимхоб тўшаклару ипак гиламларни олиб ташлашни буюрди. Шоҳнинг ўнг тарафида вазирлар, чап тарафида сарбозлар саф тортган эди.

Муҳсин Чалабий равоқ остидаги эшикдан эркин, дадил қадамлар билан кириб келди. Одатдагидек боши тик, кўкси баланд; У ёнидан султон ёрлиғини олиб тавоф қилди-да, қирмизи, яшил, зангор, бинафшаранг ипаклару олтин уқаларга бурканиб, ваҳший қушларга хос совуқ хотиржамлик билан олтин тахтда ҳурпайиб ўтирган шоҳга узатди. Шоҳнинг юзи мурдадек оқарди: элчи ҳатто оёғини ўпмади! Ақлини мислсиз ғазаб чулғади-ю, бироқ ўзини босиб, ёрлиғни қўлига олди.

Муҳсин Чалабий тахтдан узоқлашиб, атрофга боқди. Ўтирадиган жой йўқ эди. Ўзича табассум қилар экан, “Гап бу ёқда денг! Шоҳ олдида эҳтиром-ла тик туришимни хоҳлабдилар-да! Бу ҳақоратга қандай жавоб қилсам экан?” деб ўйлади. Бирдан хаёлини яшин тилиб ўтгандек бўлди. Муҳсин Чалабий шартта эгнидаги пушти гавҳарли ҳирқани ечди-да, тахт қаршисига – ерга тўшади. Шоҳ Исмоил, унинг вазирларию қўмондонлари элчига ҳайрат-ла боқиб турарди. У эса қимматбаҳо ҳирқага чордона қуриб, сўзлай бошлади.

Овозидан жинлару аждарларнинг ажиб тасвирлари билан безалган олтин гумбазлар титраб кетди:

– Ёрлигини қабул қилиб олганингиз буюк подшоҳим Ўғуз Қорахон наслидандир. Дунё яралгандан бери унинг аждодларидан ҳеч қайсиси қул бўлмаган. Уларнинг барчаси подшоҳу хон ўтганлар. Дунё яралгандан бери аждодлари ҳукмдор ўтган подшоҳнинг элчиси ёт подшоҳ қаршисида тик туrolмайди. Зотан, дунёда менинг подшоҳимга тенг келадиган ҳукмдор йўқ...

Муҳсин Чалабий баланд овоз билан содда турк тилида сўзлаётганда шоҳ қизариб-бўзариб ўтирди (Шоҳ Исмоил, унинг яқинлари ҳам асли турк қабилаларига мансуб бўлиб, турк тилини тушунарди). Ҳаяжондан қўлидаги очишга улгурмаган ёрлиғ титрарди. Тахт ортида турган жаллодлар шай – қилич яланғочлаган эдилар. Муҳсин Чалабий эса сўзида давом этарди. Шоҳнинг аъёнлари, вазирлар, саркардалар, жаллодлар, ҳукмдорларининг сабрига ҳайрон эдилар. Баъзилари ҳатто норозилик ошкор эта бошлаган эди. Сўзини тугатган Муҳсин Чалабий кетишга рухсат ҳам сўрамай ўрнидан турди-да, эшик томон йўналди.

Шоҳ Исмоил тош каби қотган эди. Бир неча йил бурун Чалдиронда дарз кетган ғурури бугун бор-йўғи битта туркнинг оловли нигоҳлари остида эриб битди. Муҳсин Чалабий чиқиб кетаётган пайт шоҳ ўзи сингари ҳайратдан қотиб қолган мулозимларидан бирига:

– Ҳирқасини бериб юборинг, – дея олди, холос.

Навкарларнинг бири ерда ётган ҳирқани кўтариб турк элчисига етиб олдида:

– Ҳирқангизни унутдингиз. Олинг, марҳамат, – деди.

Муҳсин Чалабий тўхтади, юзида табассум жилваланди. Сўнг эшик томон бурилди-да, шоҳ эшитар қилиб деди:

– Йўқ. Мен уни унутганим йўқ. Уни сизга қолдираман. Саройингизда буюк подшоҳнинг элчисини ўтқизишга на гилам, на тўшак кўрдим. Бунинг устига, турк ерга

тушаган нарсасини ҳеч замон қайтиб эгнига илмайди. Наҳот шундан беҳабар бўлсангиз?

Муҳсин Чалабий кечаю кундуз демай от чоптирди. Ускудорга етганида сариқ чақаси ҳам қолмаган эди. Шунда у шоҳона кийинган хизматкорларига қараб:

– Ўғилларим! – деди. – Отларни ҳам, зебу зийнатларни, эгнингиздаги кийиму қимматбаҳо тошлар билан безалган ханжарларни сизга тортиқ этдим. Шунга розимисиз?

– Розимиз! Розимиз!

– Оллоҳ рози бўлсин, умрингизни зиёда қилсин!

Муҳсин Чалабий шу жавобни олиб, уларни тарк этди-ю елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди. Уйини четлаб, денгиз қирғоғида қайиққа ўтирди-да, сарой томон ошиқди. Шайхулаъзам билан юзлашиб, ёрлиғни шоҳга топширгани, ўзини зинҳор ҳақоратга қўймагани, шоҳнинг жавобини ҳам кутмай, Истанбулга қайтганини бирма-бир сўзлаб берди. Элчи бурчини шараф билан адо этганига шубҳаланмаган шайхулаъзам ундан йўл таассуротларини сўраб-суриштирди.

Муҳсин Чалабий кетаётган чоқ шайхулаъзам сўраб қолди:

– Ҳирқанг қани? Мен уни сотиб олмоқчиман.

– Уни олиб келмадим.

– Эронда сотдингми?

– Йўқ.

– Ўғирлатдингми?

– Йўқ.

– Ундай бўлса, нима қилдинг?

– Ҳеч нарс.

Шайхулаъзам ҳар қанча қичаб, савол кетидан савол бермасин, ҳирқаннинг қайга ғойиб бўлганини билолмади. Муҳсин Чалабий қилган ишлари билан мақтаниб юрадиган инсонлардан эмас эди.

Чалабий шу оқшом Ускудорга қайтиб кетди. У эртаси кун ҳирқани қайтиб олиш учун етти минг олтин кўтариб келган зардўз Тур ўғлига ҳам ҳирқа ҳақида

лом-лим демади, Истанбул аҳли ҳар қанча уйдирма тўқиб чиқармасин, пушти гавҳарли ҳирқаннинг асл тақдиридан беҳабар қолди. Табриз қасридаги воқеа унутилиб, сирлигича қолиб кетди. Бир вақтлар давлати ошиб-тошган Муҳсин Чалабий қарзларидан амаллаб қутулди, аммо еру қўтонини қайтиб олишга қурби етмай, даромадидан ажради. Эронга бориб келган отию қимматбаҳо тошлар билан безалган айилини сотиб, Қўзғунжукдан бир парча ер олди. Етиштирган ҳосилини бозорда сотиб рўзгор тебрата бошлади.

Одамлар кейинчалик: “Бечора, умрининг охиригача Ускудор бозорида сабзавот сотиб кун кўрди, қисмати аччиқ, ҳаёти оғир кечди, лекин ҳеч кимнинг олдида бўйин эгмади”, деб гапириб юрдилар. Э, одамлар... У бор давлатини юрти учун бир дақиқада қурбон этганини улар қайдан ҳам билсин?

ЖАҲОНГИР таржимаси.
“Тафаккур” журнали, 1995 йил.

Қайдлар учун:

➤ Мен нимани тушундим: _____

➤ Менга ёқди: _____

➤ Хулоса: _____

УЧИНЧИ МАҚОЛА

Ушбу мақоламизда кўтариладиган масала жамиятимиздаги энг долзарб ва ҳаммага алоқаси бор бўлган мавзудир. 2019 йил 17 июль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида халқ таълими тизимини янада ислоҳ қилиш масаласида йиғилиш ўтказилди. Унда кўтарилган асосий масала бу умумтаълим мактаблари фаолиятини ва таълим тизимини тубдан яхшилаш, педагогларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, фарзандларимизга билим бериш жараёнини мутлақо янги сифат босқичига кўтаришдир. Агар Жанубий Корея, Япония, Сингапур, Хитой ва Малайзия давлатларининг ривожланиш тарихига назар солсак, уларнинг бутунги тараққиёти таълим соҳасидаги ислохотлар туфайлидир.

Бугун биз фарзандларимизни билимга чанқоқ, доимо ўз устида ишлайдиган, масъулиятли этиб тарбияламасак, ёшлиқдан китобга меҳр қўйишни ўргатмасак, эртага ҳеч қандай ривожланиш ва буюк келажак ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Таълим тизимининг энг муҳим ва зарур шарти ўз устида ишлашни ўргатишдир. Нимага бу иш муҳим?

Биринчидан, ўз устида ишлаш инсониятга Одам Ато ва Момо Ҳаводан мерос бўлиб қолган. Сабаби – улар жаннатдан қувилиб ер юзига тушганида, уларнинг устози бўлмаган ва улар ўз устларида ишлашган, яъни барча нарсани ўзлари ўрганишган. Шу-шу инсонга ўз устида ишлаш кўпроқ самара бериши мерос бўлиб қолган.

Иккинчи муҳимлиги, ўз устида ишлаш кўникмасини ёшлиқдан одатга айлантирмас экансиз, умрингиз фарзандингизга дарс қил, китоб ўқи, ёдла билан ўтади. Хитойда бунинг оддий ечимини топишган экан. Бугун



тақдим этадиган ҳикоямиз “Тиришқоқ Юн Су” деб номланади. Юн Су – Хитойда барча болалар учун қаҳрамон. Деярли ҳар бир ота-она фарзандига ушбу ҳикояни ўқиб берар экан.

“Тиришқоқ Юн Су” ҳикоясини илк бор ўзбек тилига таржима қилдик. Ўйлайманки, уни ўқиб тугатганингиздан сўнг ўзингизга камида иккита савол бера-сиз. Агар маъқул келса, дўстларингизга ҳам илининг. Энг муҳими, биринчи навбатда, фарзандингизга ўқиб беринг.

ТИРИШҚОҚ ЮН СУ

Бир замонлар Фучжоу яқинида Юн Су исмли бола-кай яшаган экан. Унинг отаси вафот этиб, онаси билан ёлғиз қолибди. Уйлари бўм-бўш, фақирликда турмуш кечирар эканлар. Айрим пайтлари уйларида бир сиқим гуруч ҳам топилмас экан.

Юн Су таълим олиш ёшига етибди, лекин унда на қоғоз, на сиёҳ, на ёзиш учун чўпқалам бор экан. Шундай бўлса-да, Юн Су “ўқийман”, дея қатъий аҳд қилибди ва қашшоқликдан чиқиш йўллари-ни излай бошлабди. У бун-и – қашшоқликдан, ночорликдан қутулишнинг ягона йўли илм эканини биларди. Ва келажакда болалари ҳам ўзига ўхшаб камбағалликда яша-шини хоҳламасди.

Эртасига эрталаб бадавлат қўшнисининг ёнига келиб, шундай дебди: “Эшитишимча, уйингизга хизматкор излаётган экансиз. Илтимос, мени ёлланг! Тўғри, ёшим катта эмас, лекин шунга яраша кўп нарса ҳам сўрамайман: ҳар замонда ўгилларингиз қандай ўқиётганини кўриб турсам бас, шунинг ўзи кифоя”.

Бой “текин хизматкор топилди”, деб хурсанд бўлиб, розилик берибди.

Юн Су бойнинг уйида эртадан кечгача меҳнат

қилар экан. Ҳамма огир ишлар унинг зиммасида эди. Лекин Юн Су аҳён-аҳёнда хўжайини фарзандларининг китобларига кўз ташлаш имконига эга бўларди. Баъзида эса унга дарсларни тўлиқ тинглаш ҳам насиб қилар экан: ўқитувчи келганида Юн Су бурчакка беркиниб олиб, дарсни кузатар ва шу тариқа билим оларди.

Бир йилдан кейин у сўзларни мустақил таҳлил қила бошлабди. Лекин бахтга қарши у ёзишни билмас экан! Ёзадиган нарсаси ҳам йўқ экан. Юн Су “нима қилиш мумкин?” дея ўйланиб қолибди ва ечимини топибди.

Юн Су онаси билан денгиз бўйидаги кичкина уйчада яшарди. Денгиз тўлқинлари қирғоқдаги қумни кун давомида текислар экан. Шундан фойдаланиб, Юн Су узун таёқни олиб, қирғоққа келибди. Чаққонлик билан қумга сўз ёзибди. Тўлқин келиб, сўзни ювиб кетибди. Болакай яна ёзибди – бошқа тўлқин сўзни яна ювиб кетибди. Бу тарзда у қалам ва қоғозсиз битмас-туганмас сўзлар ёзиши мумкин эканини тушунибди.

Лекин энди унда китобга эҳтиёж пайдо бўлибди.

Кунларнинг бирида Юн Су бой хўжайинининг ёнига бориб, шундай дебди: “Мен хонадонингизда текин хизмат қилдим – энди менга ҳақ тўлашингизни сўрамоқчиман: хизматим эвазига менга китобларингизни ўқишга рухсат берсангиз, мен яна бир йил сизга бепул ишлаб беришга розиман”.

Хўжайин бундай наф келтирадиган хизматкорни йўқотиб қўйишдан қўрқиб, рухсат берибди.

Энди Юн Суда китоб ҳам бор эди. Кўпинча, у қоронғу тушгунча ишлашга мажбур бўлар, тундагина ўқишга вақт топар экан. У шунчалик йўқсил бўлган эканки, ҳатто чироқ учун ёғ ҳам сотиб ололмас экан.

Бироқ Юн Су таслим бўлмабди. У ой ёруғида ўқиб,

ёзишга одатланибди. Ой бўлмаганида эса Юн Су кечаси ялтираб кўринадиган қуртларни ўтлар орасидан териб олиб, уларни қоғоз фонуста солиб қўяр экан. Шу ҳашаротларнинг кучсизгина ёруғи остида тиришқоқ Юн Су тунда мутолаа қилишни давом эттирар экан.

Орадан кўп йиллар ўтибди. Юн Су ниятига етибди – буюк олим бўлиб етишибди. Аммо ҳали-хануз одамлар камбағал кичкинтой Юн Сунинг тиришқоқлигини тез-тез ёдга олишар экан.

Қайдлар учун:

➤ Мен нимани тушундим: _____

➤ Менга ёқди: _____

➤ Хулоса: _____

➤ Фарзандингизга ўқиб бердингизми?

Ҳа _____

Йўқ _____

ТЎРТИНЧИ МАҚОЛА

Энди сизга айтиб бермоқчи бўлган ҳикоям “Тиришқоқ Юн Су”нинг мантикий давомидир. Ушбу воқеа ўзимнинг ҳаётимда бўлиб ўтган.

ҲИНД РАКЕШ

2017 йилда ўғлим Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган Менталь арифметика бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этди. Мен кузатувчи сифатида у билан бирга бордим. Мусобақада 35 давлатдан 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 700 нафар бола иштирок этишди. Мусобақа бошланди, ташкилотчилар томонидан шаффофликни таъминлаш мақсадида катта залда ота-оналар учун экранлар ўрнатилган ва тўғридан-тўғри эфирда ҳамма кузатиб турипти. Менинг диққатимни тортган нарса ёнимдаги Ҳиндистондан ташриф буюрган эр-у хотин бўлди. Уларнинг ташқи кўринишидан билиниб турибди – ўзига тўқ оила эмас. Ўзларининг ҳайкалчаларини қўйиб олиб тинмасдан дуо қилишарди. Мен уларнинг ёнига бориб ўтирдим ва суҳбатга тортдим. “Нимага бунча ҳаяжондасизлар, менинг ўғлим ҳам иштирок этапти, фарзандларимизнинг шу ерга келганининг ўзи катта ютуқ”, дедим. Шунда эри ўз ҳаётини менга сўзлаб берди. Унинг оиласига ва фарзандига бўлган муносабатини кўриб таъзим қилдим. Унинг ҳикояси мени бутунлай лол қолдирди.

Бугунги кунда Президентимизнинг болаларимизни, ёшларимизни жисман соғлом, руҳан баркамол, илму маърифатли, етук салоҳиятли бўлишлари учун жон куйдиришлари, яратаётган имкониятларидан унумли фойдаланаётган, фарзандлари тақдири учун қайғураётган ва ёки, аксинча, бу жараёнларга мутлақо бефарқ бўлаётган ота-оналарни кўрсам, шу воқеа ёдимга тушади...

Воқеага қайтамиз.



Ҳинд кишининг исми, адашмасам, Ракеш эди. Оила-си Калькутта шаҳрида яшар экан. Жуда қашшоқ ҳолда кун кечиришган, отаси, бобоси – барчаси муҳтожликда яшашган экан. Ракешнинг таъкидлашича, авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган камбағаллик жонига теккан ва фарзандлари, набиралари келажакда унга ўхшаб қашшоқликда кун кечиришини мутлақо хоҳламайди. Узоқ ўйлаб бунинг ягона йўли фарзандига илм бериш ва шу йўл билангина бу мерос бўлиб келаётган ботқоқликдан чиқиши мумкинлигига кўзи етган. Шундан сўнг эр-у хотин тун-кун ишлаб топган пулини боласининг илм олишига сарфлаган. Ракешнинг айтишича, улар фақат нонушта қиларкан, “тушлик ва кечки овқат емаймиз, агар уч маҳал овқатлансак, яъни ота-онамга ўхшаб топган пулимизга фақат овқат есак, унда боламини ўқитишга пулимиз етмайди ва у ҳам менга ўхшаб ночор ҳаёт кечиради. Кийим-кечакдан деярли воз кечганмиз, тўртта фаслга битта кийим етади, ҳамма топган пулимизни ўғлимизнинг математикани ўрганиши ва мактабига сарфлаймиз...”

Ҳа, илм – ягона нажот йўли, ҳар қандай ночорлик ва камбағалликдан қутулиш, ёрқин келажакка умид қилишга куч берадиган муъжизадир.

Мусобақа тугади, Ракешнинг фарзанди учинчи ўринни олди - эру хотиннинг хурсандчилигини, ҳаётдан мамнунлигини кўрсангиз эди!

Мен ишонаман – ҳиндистонлик Ракеш ҳали ўзи орзу қилганидек, отамерос қашшоқликдан бутунлай қутулади! Чунки, у энг тўғри, энг машаққатли, энг шарафли йўл – фарзандини илмли қилиш йўлини танлади. Мана шундай ота-оналар жамиятда кўпайишини хоҳлайман, фарзандининг зиёли бўлиши учун жон куйдирадиган, кечаси ишдан чарчаб келганида, фар-

занди ёнига китоб кўтариб келиб, ўқиб беринг, деса, барча чарчоқларини унутиб, сакраб туриб боласи билан китоб ўқийдиган, соатлаб ижтимоий тармоқларда ўзини кўз-кўз қилиш ўрнига фарзандига бадий китоб ўқиб берадиган, чойхона-ю ресторанга бормай, фарзанди билан китоб дўконига бориб, энг сара асарларни харид қиладиган, кутубхоналардан китоб қидирадиган ота-оналарга таъзим қилгим келади.

Жамият таназзулга юз тутишига, емирилишига асосий сабаб маънавият ва маърифатдан узоқлашишдир. Орамизда шундай одамлар бор – ўзи ҳаётида бир мартагина кўрган одамани тўйга чақириб, ҳар бирига 125 мингдан 500 кишига пул тўлаб, тўй қилади, бироқ инглиз тили репетиторига 30 минг сўмни қизғанади. Уч қаватли сарой қуради, йилда бир марта келадиган меҳмон учун катта меҳмонхона солади, йигирматалаб хонаси бўлатуриб, маънавият ўчоғи бўлган битта кичиккина кутубхонаси йўқ оилалар қанча... Минг афсус...

Ҳурматли ота-оналар! Келажагимиз илмли, зукко фарзандлар қўлида. Шундай экан, келинглари, биргаликда келажагимизга мос фарзандлар тарбиялайлик. Агар биз бу йўлда бирлашмасак, барчамиз биргаликда келажак учун қайғурмасак, таълим ва тарбия билан шуғулланмасак, ҳеч нарсага эриша олмаймиз.

Қайдлар учун:

➤ Мен нимани тушундим: _____

➤ Менга ёқди: _____

➤ Хулоса: _____

БЕШИНЧИ МАҚОЛА

ФАРЗАНДИМГА МАКТУБ

Ассалому алайкум!

Азиз дилбандим! Бугун сенга мактуб ёзмоқдаман. Ушбу мактубни дадангнинг хатоларини такрормаслигинг, ютуқларига дадангдан-да тезроқ эришишинг, энг муҳими, ҳар қандай синовли кунларда ҳам Инсонлигингни сақлаб қолишинг учун ёзмоқдаман.

Сен дунёга келганингда мендан бахтли инсон йўқ эди. Илк бор ўзинг мустақил қадам босганинг, тилинг чучукланиб “дада” сўзини айтганинг, ўзинг мустақил равишда телефон рақамимни териб, “Қачон ишдан келасиз?” деганларинг кечагидай ёдимда. Ўшанда мен жуда бахтли эдим.

Фарзандим, ушбу мактубни ёзишимнинг асосий сабабларидан яна бири, бугунги тез ўзгарувчан, технологиялар кун сайин эмас, сония сайин ўзгариб, шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда сенинг келажакинг ва эртанги кунга тайёр бўлишингдир. Бу нарса мен учун жуда муҳим.

Сенинг кечаги мулоҳазаларинг, яъни “Дада, телевизорда кўрдим, 2030 йилга бориб роботлар одамларнинг ўрнини эгаллар экан, 700 миллион инсон иш ўринларини роботларга топширар экан. Мен унда айни 21 ёшга тўлган, энди университетни тамомлаган бўларканман. Нима, мен ишсиз қоламанми?” деган саволинг мени тун бўйи ўйланиб чиқишга мажбур қилди.

Ўғлим, фақат ота-онагина фарзанди учун ҳеч иккиланмай, бир сония ҳам ўйламасдан жонини фидо қила олади. Мисол учун, буюк шоҳ ва саркарда Бобур Мирзо шунча фарзанди ва давлати бўлатуриб, шахзода Ҳумоюннинг дардини Оллоҳдан ўзига сўрайди. Мана шундай фидокорликлари туфайли ҳам ота-оналарни рози қилиш муқофотига жаннат ваъда этилгандир.

Ҳеч бир ота-она фарзандига асло ёмонликни раво кўрмайди, ўзи бошидан кечирган қийинчиликни у ҳам босиб ўтишини хоҳламайди.

Фарзандим, 2030 йилга келиб, ишсиз қолишни истама-санг, технологиялар ривожланган замонда инсонийли-гингни йўқотишни хоҳламасанг, ота-онанг дуосини олиб, жаннати бўлишни истасанг, насиҳатларимга амал қил.

Энг муҳими, кимдир ёки нимадир учун илм олма. Яъни баҳо учун, мен учун ёки амал учун. Илм йўли ибодат. Масжидга ҳамма кириши мумкин, кимдир томоша қилишга, кимдир атрофдагиларга ўзини кўрсатиш учун. Кирдингми, юракдан Оллоҳ учун ибодат қиласан. У ерда алдов йўлига ибодат қилиб бўлмайди – Худо ҳаммасини билиб туради. Илм ҳам шундай, бу йўлга кирдингми, чин юракдан илм ол. Ҳеч қачон эришган ютуғинг билан че-кланиб қолма. Имом Бухорий бобомиз айтганидек, “Илм-дан ўзга нажот йўқ ва бўлмагай”.

Иккинчи муҳим маслаҳатим, ҳар доим хулқинг устида ишла, ахлоқингни кундан кунга юксалтириб бор. Буюк олим бўлишинг, ўнта тилда гаплашишинг мумкин, бироқ тарбиянг, хулқинг чиройли, фаросатинг юксак бўлмаса, сени ҳеч ким тан олмайди.

Бизни ғарбдан ва ўзга миллатлардан ажралиб тура-диган энг муҳим хислатимиз шарқона тарбиямиздир. 20-аср бошида Абдулла Авлоний бобомиз: “Тарбия биз-лар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деб таъкидлаган.

Ҳар доим ўзингдан катталарга ҳурмат билан муноса-батда бўл, кичикларга эса иззат кўрсат. Мақтовдан узоқ юр – у сени манманликка чорлайди. Ўзингдан кучсизлар устидан асло кулма. Қўлингдан келса ҳаммага ёрдам бер, яхшилик қилишга имконинг бўлмадимми, ёмонлик ҳам қилма, ана шу сенинг яхшилигинг бўлади. Ҳар доим наф-сингни назорат қилишни ўрган. Ҳамма тарбиясизлик нафсни жиловлай олмаслиқдан бошланади.

Тўйиб овқатланма, ҳар доим сал очроқ юр, ҳам овқатда, ҳам билимда – барча нарасада, шунда сенда ҳар доим янгиликка интилиш ва иштиёқ бўлади. Тўқ қорин фақат уйқу ва дангасаликка чорлайди.

Учинчи маслаҳатим, жисмоний баркамол бўл. Саломатлигингга ҳар доим эътибор бер. Ёшлигингдан битта пассив ва битта актив спорт билан шуғуллан. Масалан, пассив спорт туридан шахматни танла. У ақлингни чархлайди, ҳаёт қонун-қоидаларини ўргатади. Ҳаёт ҳам шахматга ўхшайди – битта хато қилсанг, жазоланасан. Хато қилишингни кутадиганлар, сени чалишни, чалғитишни хоҳловчилар жуда кўп.

Шахматда ким ютади – 4-5 беш қадам олдинни кўра оладиган, ҳар бир ҳаракатни олдиндан ҳисоблаб чиқадиған ва қабул қилган қарорининг натижаси қандай тугашини аниқ биладиған ўйинчи ютади. Ҳаёт ҳам худди шундай, агар ҳаёт қонуниятларини яхшилаб ўрганиб чиқиб, кейин ўйинга киришсанг, камдан-кам ютқазасан. Ҳаёт ҳам оқ-қора йўлақлардан, ёруғлик ва қоронғуликдан иборат. Агар қоронғуликка тушганда ўзингни йўқотиб қўйиб, ўрнингдан қайта тура олмасанг, сени устингдан босиб ўтишади. Шунинг учун айтишади, “Кучли инсон ғолиб эмас, балки йиқилиб, яна туриб курашган ва ютган инсон асл ғолибдир”.

Шунингдек, албатта, ёшлигингдан битта актив спорт турини танла, бу футбол бўладими, сузиш, теннис, кураш ёки бокс. Ушбу спорт турлари сенинг қаддиқоматинг расо, жисмонан соғлом бўлишинг учун жуда муҳим. Сен соғлом бўлсанггина, ўзинг ва билиминг ҳаммага керак бўлади.

Тўртинчи маслаҳатим, тўғри овқатланишга қаттиқ эътибор қаратгин. Ҳар хил кимёвий моддалар қўшиладиған овқатлар, fast food, газли ичимликлардан ўзингни тийишни ўрган. Яна бир бор айта-

ман, ҳеч қачон тўйиб овқатланма, оз-оздан тез-тез овқатланишга одатлан. Мева, сабзавотларни кўпроқ истеъмол қил.

Бешинчи маслаҳатим, ҳар доим озода, тартибли кийиниб юр. Сочинг, тирноғинг, оёқ кийимингга эътибор бер. Ёнингда доим даструмол бўлсин. Уйдан чиқишдан олдин кўзгуга қарашни одат қил. Ҳеч қачон моданинг ортидан қувма, барчанинг эътиборини тортадиган ранг-баранг, очиқ-сочиқ кийинма. Кийган кийиминг ўзингга ярашсин. Шунингдек, ҳар куни бир хил кийим кийма, битта элементни бўлса ҳам алмаштир. Инсонлар кийимингга қараб кутиб олишади ва ақлингга қараб кузатиб қўйишади – буни унутма.

Олтинчи маслаҳатим, ҳар куни озгина бўлса ҳам, бадий китоб ўқишни одат қил. Сабаби, юнон файласуфи Декарт айтганидек, “*Cogito ergo sum*”, яъни “Мен фикрлаяпман, демак мавжудман”. Билгилки, бадий китоб дунёқарашингни кенгайтиради, ҳар бир масалага ўзига хос ечим, ўзгача ёндашув билан қарашга ўргатади. Шунинг учун ҳам ҳар куни нимадир ўқи ва албатта, менга айтиб бергин.

Мен эса ишдан чарчаб келишимга қарамай, ишхонадаги муаммолар-у барча асаббузарликларни унутиб, сени диққат билан эшитаман. Чунки сенга бугун эътибор берсам, сен учун вақт ажратсам, эртага нафақага чиқиб, кимдир менинг гапларимни эшитишини хоҳлаганимда, сен ҳам ёнимда турасан. Бу дунё қайтар дунё.

Навбатдаги маслаҳатим: агар эртага ўрнингни роботлар эгаллашини хоҳламасанг, албатта, санъатта меҳр қўйгин. Фарқи йўқ, мусиқа асбобини (скрипка, пианино, рубоб ва ҳоказо) чалишми, актёрлик тўғарагига боришми, рассомчиликми, албатта, бирор ижодий фаолият билан шуғулланишинг керак. Бу сенга ижодкорликни, креативликни, фикрлашда маҳдудликни бузиб, янгиликлар киритишга ўргатади. Роботлар эса ҳеч



қачон бу ишларни қила олмайди. Шу кўникмаларинг билан сен роботларга янги иш топиб берасан.

Шунингдек, фарзандим, тил ўрган. Аввало, ўз она тилингни мукаммал ўрган. Сўнг мактаб давридаёқ рус ва инглиз тиларини тўлиқ ўзлаштириб ол. Сабаби, дунё адабиётлари ва интернетдаги маълумотларнинг қарийб 70 фоизи шу тиллардадир. 21 ёшингда ушбу тилларни ўрганганингдан сўнг янги биронта тил ўрган (хитой, немис, француз ёки корейс тилини). Бу сени мукаммал бўлишингга ва хотирангни яхшилашга хизмат қилади.

Ниҳоят, охирги маслаҳатим, ҳаётингда бирор жиддий қарор қабул қилишдан олдин етмиш марта ўйла, оқибати нима билан тугашини бил ва сенинг қароринг оиланг, ота-онанг, яқинларинг шаънига зарар етказмаслигига ишончинг комил бўлгандан сўнггина уни қабул қил ва ижросини охиригача етказ. Ҳаётда ўз принципларингни ишлаб чиқ ва уларга амал қил. Ичкилик ва тамакидан, вақтинчалик обрўдан, бемаъни зиёфатлардан ва синалмаган дўстлардан йироқ юр.

Фарзандим, ушбу маслаҳатларимга амал қилсанг, сени буюк келажак кутади. Ватанга хизмат қилиш бу шарафдир. Ҳар бир қилган ишингдан халқинг рози бўлса ва отангга раҳмат, деган сўзни айтса, берган тарбиямга рози бўламан.

Бир файласуфдан сўрашибди:

– Бу дунёда энг бахтли ота ким?

Файласуф жавоб берибди:

– Фарзандига берган тарбияни набирасида кўрган ота энг бахтли отадир.

Мен ҳам шундай бахтли ота бўлишни истайман. Ушбу мактубдаги маслаҳатларимга амал қилиб, уни келажақда ўз фарзандингга ўқиб берсанг, демак, мен тўғри йўлни танлаган бўламан. Сени доимо жонидан



ортиқ кўрадиган ва ҳар сонияда сенинг камолингни ўйлайдиган

Падари бузрукворинг Отабек Хасанов

*Азиз ўқувчи! Ушбу мактубни сиз ҳам, хоҳлаганингизча қўшимчалар қўшиб, фарзандингизга йўллашингиз мумкин.

Қайдлар учун:

➤ Мен нимани тушундим: _____

➤ Менга ёқди: _____

➤ Хулоса: _____

➤ Фарзандингизга ўқиб бердингизми?

Ҳа _____

Йўқ _____



ОЛТИНЧИ МАҚОЛА

РАҲБАР ВА ЛИДЕР

Ушбу воқеа бундан олти юз йил муқаддам, яъни XV асрда бўлиб ўтган. Иккита катта кема Европадан Осиёга қараб йўлга чиқади. Икки кеманинг ҳам ўз капитанлари, яъни раҳбарлари бор эди. Аввал биринчи кема воқеасини ҳикоя қилсак.

Биринчи кема капитани Жон жуда қаттиққўл эди. У ҳар доим кеманинг барча аъзоларини назорат қилар, ҳеч кимни бир сония ҳам ишсиз қолдирмасликка интилар эди. Унинг бошқарув фалсафаси - ходимлар ҳар доим ҳаракатда бўлиши, ҳеч кимнинг бир сония ҳам бўш вақти бўлмаслиги, кема аъзоларида доим ундан чўчиб туриши керак, шунда натижа бўлади, деган фикрда эди. Ҳақиқатдан ҳам, бу ўз натижасини берарди – кемада қатъий тартиб-интизом ҳукмрон, ҳаммаёқ ҳар доим топ-тоза, ҳар ким ўз ишини билиб қилар, жамоа кун-у тун банд, 24 соат ҳаракатда эди.

Бироқ жамоа аъзоларининг ичида яширин қўрқув ҳукмрон эди. Ушбу кемада анъаналар устунлик қилар, ҳеч ким ҳеч қачон ўз ташаббуси билан янгилик қилишга ҳаракат ҳам қилмас эди. Сабаби, ташаббус жазоланарди.

Кема сафарнинг 11 куни қаттиқ тўфонга дуч келди. Кечаси билан кема бортидаги барча матрослар тўфон билан курашди. Табиат инсон кучидан устунлик қилди ва кема сув тубига ғарқ бўлди. Кема аъзоларининг барчаси тирик қолди, сабаби тўфон шундоққина кичик бир оролча ёнида содир бўлганди. Шу оролча кема аъзоларининг жонига оро кирди ва уларнинг тирик қолишига сабаб бўлди. Тонгда кема капитани оролни айланиб чиқди ва жамоани йиғиб мажлис ўтказди. Унда кечаги тўфондан сўнг бор-

йўғи 5 кунлик озиқ-овқат захираси қолгани ва бу ердан тез кетиш тараддудини кўриш лозимлигини айтди. Инсонлар яшайдиган энг яқин катта оролга етиб боришлари учун вақтинчалик кема қуриш кераклиги ва бу ишни 3 кунда амалга ошириш лозимлигини таъкидлади. Барчага иш бўлиб берди, ўзи уларни қаттиқ назоратга олишни бошлади. Икки кунлик тинимсиз меҳнатдан сўнг ҳамма чарчади ва капитандан биров дам олишга рухсат сўрашди. Бироқ тушунтириш ва уринишлар зое кетди. Капитан фақат олға, деб бақирар, бир сония ҳам ҳеч кимга тиним бермасди. Учинчи кун кечаси ҳамма чарчаган, ҳолдан тойган ҳолда зўр-базўр ишлар эди. Бир чол кеманинг энг нозик жойи бўлган пастки қисмини рандаләётганда кўзи кетиб қолди ва ёғочни қалинлигини керагидан ортиқ йўниб қўйди. Учинчи кун капитан таъкидлаганидек, кема ҳам тайёр бўлди. Уни текширишга ҳам вақти бўлмади ва барчага тез кемага чиқишга топшириқ берди. Капитан ўзининг қаттиққўллигидан хурсанд эди, чунки у ўз натижасини берган эди, яъни 5 кунда тайёр бўлиши керак бўлган кемани 3 кунда тайёрлатган эди...

Ҳикоямизни иккинчи кема саргузаштлари билан давом эттирсак.

Демак, иккинчи кема ҳам денгизга савдо-сотиқ учун йўлга чиққан эди. Кема капитани шотландиялик Аллан эди.

У ҳақиқий лидер эди, яъни ҳар доим жамоаси учун қайғурадиган, унинг учун шахсий ютуқдан кўра жамоавий ютуқлар муҳим эди. Жамоасини қийин вазиятлардан ақл-заковати билан олиб чиқар ва сафдошлари у билан ҳар қандай қийинчиликлардан асло қўрқмасди, чунки уларнинг капитани ҳақиқий етакчи эди...

Жамоа аъзолари бир-бирлари билан маданиятли, зиёли кишилардек муносабатда бўлишар, кемада ҳар доим юқори кайфият, дўстона муҳит, хурсандчилик авжида, ҳамма ўз иштини билиб қилган, тозалик ва тартиб ҳукмрон эди.

Сафарнинг 9 кун қаттиқ шамол ва тўфон бошланди. Жамоа нечоғли ҳаракат қилмасин, фойдаси бўлмади – кема кичик бир оролчага бориб урилди ва денгиз тубига ғарқ бўлди. Тонгда барча кема аъзолари оролчада ётишарди. Ҳамманинг кўнглидан фақат бир ҳадик ўтарди: нима, энди шу оролчада ўлиб кетамизми?!

Капитан Аллан оролни кўздан кечириб чиқиб, бу ерда япаш учун ҳеч қандай имконият йўқлигини тушунди. У ҳаммани йиғди ва баланд овозда мурожаат қила бошлади:

“Ҳурматли кемамиз аъзолари. Биз бир-биримизни кўп йиллардан бери таниймиз. Биз бир жамоа, бир тан-у бир жон бўлиб кетганмиз. Ҳаётимиз давомида жуда кўп қийинчиликларни кўрганмиз ва уларни биргаликда енгиб ўтганмиз. Бугун Худо бизни яна бир синовга дучор қилди. Бизнинг олдимизда иккита йўл мавжуд.

Биринчиси, захирамизда 5 кунлик озиқ-овқат бор, тақдирга тан берамиз ва 5 кун бор захирамиз билан озиқланамиз. Олтинчи кун оч қоламиз. Саккизинчи кун очлик бизни ҳайвонга айлантиради. Тўққизинчи кун кучлилар кучсизларни ейишни бошлайди. Ўн биринчи кун кучлилар бир-бирини ейишни бошлайди. Ўн тўртинчи кун энг кучлимиз ёлғизликда, азобда, қийналиб ўлади. Келажакда фарзандларимиз бизларни қидириб келишади ва тақдиримизни кўриб ҳайратланади ва бизнинг фарзандимиз бўлганидан минг марта афсусланади ҳамда биз тарихда “ваҳшийлар” деган ном оламиз.

Иккинчи йўл эса... Биз бор ақлимиз, салоҳиятимиз ва кучимизни бирлаштирамиз ва янги кема ясаймиз. Бу ерда катта дарахтлар мавжуд. Шундай кема ясаймизки, биздан сўнг у фарзандларимизга, авлодла-

римизга мерос бўлиб қолсин. Ушбу кема келажак авлод учун бизнинг жамоамизнинг нақадар мустаҳкам бўлганини эслатиб турсин. Тасаввур қилинг, биз яна океанга қайтамыз, сув шовқини, юзингизга уриб турган шабадани ҳис қилинг. Марҳамат, келинглар келиптиб икки йўлдан бирини танлайлик. Ҳамма ўз фикрини айтишга ҳақли”.

Барча бир овоздан иккинчи йўлни, яъни янги кема ясашни танлашди ва ўзлари билиб-билиб, ишни бошлашди. Кема лидери Аллан ҳам енг шимариб барча қатори меҳнат қилар, керакли жойда жамоа билан маслаҳатлашар эди. Тўртинчи кун кема тайёр бўлди, уни сувга тушириб текширишди. Ушбу кема аввалги кемадан анча ишончли эди. Кема ўз манзили сари йўлга отланди.

Энди яна биринчи кема, яъни қаттиққўл раҳбар Жон ҳикоясига қайтамыз. Денгизга чиққанининг иккинчи куни кеманинг пастки қисмидан сув сизишни бошлади. Барча тушуниб етди - дам олишсиз, шопма-шопарлик билан ясалган кема сифатсиз эди. Учинчи куни кема денгиз тубига ғарқ бўлди...

Иккинчиси – Аллан бошчилигидаги кема эса манзилга шамол тезлигида етиб борди. Ушбу мустаҳкам кема йиллар давомида хизмат қилди. Энг қизиғи, бу кема ҳозир ҳам Шотландияда сақланыпти. Ҳар йили Аллан каби ажойиб лидер ва унинг мустаҳкам жамоасининг шарофати билан яратилган кемани кўришга миллионлаб туристлар ташриф буюришади. Капитан Аллан айтганидек, бу кема неча асрлардан буён авлодларга хизмат қилмоқда.

Сўнгги сўз ўрнида

Ҳар бир раҳбар ўйлайдики, қаттиққўллик, доимо назоратда ушлаш натижа беради деб. Тўғри, натижа беради, бироқ у ташкилотда янгилик, креативлик ва инновация бўлмайди.

Лидер бор ташкилотда ҳар бир жамоа мақсадни би-
лади. Унга етишиш учун бор кучи билан хизмат қилади.
Унинг устидан ўн нафар назоратчи керак эмас, у қачон
раҳбар хонасининг чироғи ўчишини ва кетишини ҳам
кутиб ўтирмайди. Виждони унинг энг катта назорат-
чисидир.

Агар сиз ташкилотингизда янгилик ва инновация
бўлишини хоҳласангиз, унда қўл остидагиларингиз
билан шундай муносабатда бўлингки, улар ўзларини
ташкилотнинг бир қисми эканини ҳис қилсин, ўз кела-
жагини ташкилот келажаги билан боғлай олсин. Ана
шунда меҳнат жамоангизнинг муваффақиятли нати-
жалари сизни қувонтириши шубҳасиз.

Қайдлар учун:

➤ Мен нимани тушундим: _____

➤ Менга ёқди: _____

➤ Хулоса: _____

Савол: Сиз раҳбармисиз ёки лидер?

Мен раҳбарман (нима учун, асослаб беринг) _____

Мен лидерман (нима учун, асослаб беринг) _____

ЕТТИНЧИ МАҚОЛА

НИМА УЧУН БАДИИЙ КИТОБ ЎҚИШИМИЗ КЕРАК?

(Ёхуд “миямиздаги кинотеатр”)

Бугунги мавзуимиз “Нима учун бадиий китоб ўқишимиз керак?” деган саволга жавоб топиш ҳақида.

Ёшлигимда уйимизда энг кўп эшитган сўзларимдан бири “бадиий китоб ўқи”, деган даъват бўларди. Менда эса доим бир савол туғиларди, “нима учун мен бадиий китоб ўқишим керак?”

Бироқ бу саволга ўзим кутган жавобни ҳеч кимдан ололмаганман. Лекин барибир бадиий китобларни ўқирдим. Йиллар ўтиб, бу саволга жавоб топдим.

2012 йили АҚШда хорижий стажировкада бўлдим. Калифорния штатида бўлган бир учрашув умрбод ёдимда қолди. Бир куни эълон ўқиб қолдим. Унда таниқли бир режиссёр билан “Энг яхши кинотеатр ва кино” мавзусида ижодий учрашув бўлиши ва унда барча хоҳловчилар иштирок этиши мумкинлиги ёзилганди. Бундай имкониятдан фойдаланиш мақсадида, мен ҳам ушбу учрашувга бордим. Бинода 100 га яқин мен каби қизиқувчан ёшлар тўпланишган. Барчамиз режиссёрнинг келишини кутмоқдамиз. Ундан қандайдир фалсафий ёки профессионал мазмундаги маъруза тингласак керак, деган хаёлдамиз.

Ниҳоят, биз кутган режиссёр кириб келди. Оддий ва камтарона кийимда. Ташриф буюрганларнинг кўпчилигини кўриб ҳайрон ҳам қолди. Салом-алиқдан сўнг бир қизиқ савол билан барчамизга мурожаат қилди. “Дунёдаги энг сифатли ва қулай кинотеатр қаерда жойлашган?”. Кўпчилик кутилмаган саволдан ҳайрон қолди.

Шунда биринчи қаторда ўтирган қиз Сан-Францискода жойлашган “The Castro Theatre” кинотеатри,



деб жавоб берди, сабаби у АҚШдаги энг қадимий кино-театрлардан биридир. Жавоб нотўғри.

Иккинчи қаторда ўтирган корейлик йигит “Сеул шахридаги “Cin  de Chef” кинотеатри бўлиб, унда сиз кино вақтида бемалол овқат буюртма қилишингиз мумкин. Бир вақтнинг ўзида ҳам кинодан, ҳам овқатдан завқланишингиз мумкин. Шуниси билан ҳам қулай ҳисобланади”, деди. Жавоб яна хато.

Тепароқда ўтирган қиз қўлини кўтариб, мен дунёнинг кўп мамлакатларида саёхатда бўлганман ва албатта, кўп кинотеатрларга ҳам борганман. Сизнинг саволингизга жавоб бу – Афинадаги “Cine Thisio” кинотеатридир. Ушбу кинотеатр очиқ осмон тагида жойлашган. Шундоққина Акрополя ва Пантеона ёнида жойлашган сиз ўзингизни антик даврга саёхат қилгандай ҳис қиласиз, деди.

Тўғри жавоб яна йўқ.

Шундан сўнг аудиториядагилар яна Лондондаги, Москвадаги, Берлиндаги, Токиодаги ўнга яқин кинотеатрларнинг номлари ва у ердаги қулайликлар ҳақида айтишди. Барчасига режиссёр томонидан рад жавоби берилди. Сўнг барча ташриф буюрувчилар бир овоздан топа олмадик, ўзингиз айтинг, дейишди.

Режиссёр томонидан берилган жавоб мени бутунлай ўйлантириб қўйди. У ўнг қўли билан пешонасига уриб “мана энг зўр ва сифатли кинотеатр”, деди. Бутун зал бир овоздан кулиб юборди. Шунда у шошилмай, ушбу фикрини асослашга ўтди. “Тўғри, бу жавобим сизларга ғалати туюлаётгандир ёки мени қариб қолди, деб ўйлаётгандирсизлар. Йўқ! Фикримни сизларга исботлаб берсам. Ҳар бир инсон бадий китоб ўқиганида мияси ишга тушади ва ўқиётган воқеани сюжет шаклида кўришни бошлайди. Кино – бу режиссёр тасавуридаги ҳолатни тасмага тушган шакли. Шунинг учун аввал китоб ўқиб, сўнг ушбу асарга ишланган кинони кўрсангиз, биринчи берадиган саволингиз “мен

воқеани ёки актёрларни бошқача тасаввур қилган эдим. Ўхшамабди, менинг Жульеттам бошқачароқ, сал бўйи узунроқ эди. Кинода эса пастроқ” дейиш бўлади, яъни сиз китобни ўқиш жараёнида “кинотеатр”ингиз ишга тушади ва ушбу кинони режиссёри ўзингиз бўласиз.

Бу ерда савол туғилади, яъни нимага баъзи кинолар зерикарли бўлади ёки кинотеатрлар хувиллаб қолган? Бунинг жавобини сизларга тушунтиришга ҳаракат қиламан. Демак, келинг, аввал ҳар биримиз ўзимизнинг кинотеатрни қандай қуришимиз мумкинлиги ҳақида гаплашсак.

Агар сиз кўп бадий китоб ўқимаган бўлсангиз, демак, сизнинг онгингизда 1925 йиллардаги, яъни Чарли Чаплиннинг оқ ва қора тасвири ҳолатдаги кинотеатр ишламоқда. Шунинг учун сизнинг кинотеатрингиз жуда зерикарли ва сифатсиз.

Бундай ҳолатда китоб ўқиганингизда кўнгил айнаши, бош оғриғи ва уйқу каби ҳолатларга дуч келасиз ҳамда китоб бошланмасдан ёпилади. Тасаввур қилинг, ҳозирги энг кассабоп кинони олайлик, “Аватар” киносини ҳам оқ-қора тасвирда сизга ҳозир қўйиб берсам, ўн дақиқадан сўнг залда деярли ҳеч ким қолмайди. Худди шундай бадий китобни ҳам замонавий 3D кўзойнагида воқеаларни кўриб ўқиш лозим”.

Шунда залдан савол бўлди, қандай қилиб ўз кинотеатримизни замонавий 3D ҳолатига келтиришимиз мумкин?

“Бунга сиз кўпроқ китоб ўқиш билан эришасиз”, деб жавоб берди. “Сиз дастлабки бешта бадий китобни ўқиш жараёнингизда сюжетларни оқ ва қора ҳолатда кўрасиз. Шунинг учун дастлабки жараёнда жуда ҳам қизиқарли ва ҳажми катта бўлмаган китоб-



ни ўқишни тавсия этаман. Сабаби китоб ўқиб юрмаган одам бошида бироз қийналади, ўзини нохуш ҳис қилади, уйқуси келади. Лекин диққатингизни жамлаб, ўқишдан тўхтамасангиз, аста-секин китоб ўқишни сеvimли машғулот ва одатга айлантира оласиз. Ва беш-ўнта бадий китобни ўқиганингизда сиз рангли тасмага ўтасиз. Мисол учун, “Граф Монте Кристо”ни ўқиётганингизда Марселнинг ҳатто лабини ва кўз рангини кўришни бошлайсиз. Ўн-ўн бешинчи бадий китобни ўқиганингиздан сўнг кинотеатрингизда барча сюжетларни ва қаҳрамонларни Full HD форматида кўришга тушасиз. Бунда муаллиф томонидан таърифланган барча воқеаларни ипидан-игнасигача аниқ-равшан кўрина бошлайди. Ҳатто сизни ярим кечаси уйғотиб ўқиган китобингиз ҳақида сўрашса, ҳеч иккиланмай ҳар бир бетини айтиб бериш ҳолатига борасиз”.

Аудиторияда қизиққон талабалар томонидан яна савол бўлди “Ўн бешинчи китобдан кейин қандай кино-театр бўлади?”

“Мутлақо зўр бўлади. Сиз 3D тасвирдаги кинони кўришни бошлайсиз. Сиз энди тизимли фикрлашга ўтасиз. Тасаввур қилинг, минг бетли китобни ўқияпсиз. Бунда сиз 1-бетдаги сюжет билан 875-бетдаги сюжет ўртасидаги воқеаларни боглай оласиз. Сиз муаллиф ёзмаган, бироқ айтмоқчи бўлган гапини ҳам тушунишни бошлайсиз. Шунингдек, сиз мутолаа қилишни бошлайсиз. Сиз савол беришни бошлайсиз, нимага бундай бўлди, нима учун ёзувчи қаҳрамонни ўлдирди, бошқача йўл тутса ҳам бўларди-ку? Мана шу ҳолатга етган инсонлардагина фикрлаш пайдо бўлади, фикр мукаммаллашса, у ғояга айланади, ғоя ноодатий ҳолатни талаб қилса, бу креативлик бўлади. Агар сиз креативликни ҳаётга татбиқ этсангиз, бу инновация бўлади”.

Мана, ҳурматли Лидерлар, инновация қандай ва қаердан пайдо бўлиши мумкин?!



Ушбу воқеани кун икка Президентимизнинг “Ҳар бир раҳбар кунига камида эллик бет китоб ўқиши керак”, деган сўзларидан сўнг ёзишга киришдим.

Сабаби бугун давлат бошқарувида, ОАВ ва жамиятимизда энг кўп ишлатилаётган сўзлардан бири бу инновациядир. Лекин кунига минг марталаб ушбу сўзни ишлатганимиз билан бирор соҳага инновация ўз-ўзидан кириб қолмайди. Агар биз давлат ва жамият бошқарувида инновацияни қўлламоқчи эканмиз, аввало, кинотеатримиз қай аҳволда эканига назар солайлик. Оқ-қора тасвирли кинотеатр билан ҳеч қандай инновация қилиб бўлмайди.

Агар ҳар биримизнинг кинотеатримиз қайси ҳолатдалигини аниқлайдиган ускуна бўлганда борми, кўпчилик 21-асрда ҳалиям оқ ва қора “Чайка” телевизорларда яшаб келаётганига гувоҳ бўлармидик?!

Балки, шунинг учун ҳам инновация жуда қийинчилик билан жамиятимизга кириб келаётгандир. Кўпгина давлат хизматида фаолият юритаётганларга охириги ўқиган бадиий китоб номини айтиб беринг, десам, жавоблари оддий – иш кўп, китоб ўқишга вақт йўқ. Хўш, шу ерда савол туғилади: Нима учун баъзи давлат ходимлари берилган топшириқларни тулиқ тушунмайди ёки ўз соҳасига янгилик кирита олмайди? Бугун 7 ёшдан 70 ёшгача китоб мутолаа қилишни бошлашимиз керак. Балки 1 йилга фавқулодда ҳолат эълон қилиб (албатта яхши маънода) барча давлат ходимлари учун кунига бир соат иш вақтида “китобхонлик соати”ни ташкил қилишимиз лозимдир, шунда бар-



чамиз жамиятдаги муаммоларга янгича, креативлик билан қарашга, уларни инновацияни қўллаган ҳолда ечишга киришармидик?! Нима учун вақтлари жудаям тигиз, ишлари кўп бўлишига қарамай, Билл Гейтс, Барак Обама ёки Илон Маск ҳар йили ўзлари ўқиган ўнга китоб рўйхатини эълон қилишади? Билл Гейтснинг бир интервьюсида, журналист унга савол билан мурожаат қилди: “Жаноб Гейтс, доим сизнинг янгилик қилишингизга кўникиб бормоқдамиз. Фақат савол, ушбу янгиликларни қаердан оласиз?” Жавоб жуда оддий бўлганди: “Мен ҳар куни оз бўлса ҳам, китоб мутолаа қиламан. Бу менинг ҳар доим фикрларим тиниқлигига ва янгилик қилишга куч беради. Агар мен китоб мутолаа қилмасам, демак янгилик қилишдан тўхтаيمان. Бу – компаниямда инновация тўхтайдди, дегани”.

Ҳар йили дунё мамлакатларининг китобхонлик рейтингини эълон қилинади. 2017 йил якунларига кўра, Хитой, Испания ва Россия давлатлари фуқаролари ҳафтасига 7-9 соат китоб мутолаа қилишар экан.

Шунингдек, ушбу тадқиқотда аҳоли сонига нисбатан китоблар савдоси сони таққосланар экан. Алам қиладигани, биз ҳатто юзталиқда ҳам йўқлигимиздир. Кучли йигирматаликдаги давлатлар билан давлат бошқарувида инновацияни аниқлайдиган рейтингни солиштирсак, аксарият давлатлар мос келади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, айнан китобхонлик маданияти юксак даражада шаклланган мамлакатларда инновацион фаоллик ҳам юқори босқичда.

Китоб ўқимасликка мингта баҳонамиз бор, бироқ китоб ўқиш учун битта бўлса ҳам баҳона топайлик, бу – Инсонийликни сақлаб қолиш бўлсин.

Қайдлар учун:

Савол. Сизнинг кинотеатрингиз қайдай аҳволда?
Қандай форматда киноларни кўрасиз?_____

➤ Охирги бир йилда ўқиган китобларингиз
рўйхатини ёзинг:_____

➤ 2020 йилда ўқишни режалаштирган китобларим
рўйхати:_____

➤ Мен нимани тушундим:_____

➤ Менга ёқди:_____

➤ Хулоса:_____

САККИЗИНЧИ МАҚОЛА

РЕЖА-АМАЛ-НАТИЖА

Охирги уч йилда юртимизда барча соҳаларда ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳар куни қайсидир соҳани ривожлантириш мақсадида Президент ва ҳукумат қарорлари чиқмоқда. Биз 2030 йилгача улкан режаларни ўз олдимизга қўйдик.

Бугун сизлар билан муҳокама қиладиган мавзуимиз жуда ҳам долзарб ва муҳимдир. Ҳар бир корхона раҳбари, давлат хизматчиси, маҳаллий бошқарув раҳбарлари ва тадбиркорлар дуч келаётган масала юзасидан гаплашамиз. Аччиқ бўлса ҳам тан олишимиз керак, кўп ишларимиз, режаларимиз қоғозда қолиб кетмоқда. Агар ҳамма режаларимиз амалиётга татбиқ қилинганида эди, 3 йил ичида 3,5 миллиондан ортиқ мурожаат Халқ қабулхоналари ва Президент виртуал қабулхонасига келиб тушмасди. Ҳуш, савол туғилади: Қандай қилиб “ақлли бошқарув” ёки “замонавий бошқарувни” қўллаб, натижадорликка эришишимиз мумкин?

Эндиги ҳикоямиз Айви Ли ҳақида. Қандай қилиб унинг натижали бошқарув тизимига ўтгани ҳақида.

Ўтган асрда яшаган Айви Ли самарадорлик бўйича мутахассис сифатида шуҳрат қозонган. У ишлаб чиққан вазифаларни режалаштириш усули амалиётда жуда яхши самарага эга бўлди ва муаллифга катта даромад келтирди.

1918 йил Чарлз Майкл Шваб дунёдаги энг бой одамлардан бирига айланди. Ўша пайтда у Америка Қўшма Штатларидаги энг йирик кема қурувчи ва иккинчи йирик пўлат корхонаси бўлган “Bethlehem Steel”ни бошқарган. Машҳур кашфиётчи Томас Эдисон бир вақтлар уни “уста тадбиркор” деб атаган. Шваб ҳар доим ўз рақибларидан бир қадам олдинда бўлишга интилган.

Кунларнинг бирида бизнесмен ўз жамоасининг самарадорлигини ошириш ва бизнес қилишнинг энг яхши йўлини топиш учун маслаҳатчи Айви Лига му-

рожаат қилади. Ли ўзи муваффақиятли тадбиркор ва “Public Relations” (PR, Жамоатчилик билан алоқалар) бўйича мутахассис эди.

Шваб Лини офисига таклиф қилиб, ундан бизнесининг натижадорлигини яхшилашга ёрдам беришини сўради. Бунга жавобан Ли ҳар бир менежер билан 15 дақиқадан гаплашиш учун рухсат сўрайди. Тўлов ҳақида гап очилганда меҳмон олдиндан пулни олишдан бош тортиб: “Уч ойдан сўнг сиз менга муносиб деб билган суммада чек юборишингиз мумкин, яъни натижани ўз кўзингиз билан кўрганингиздан кейин”, дейди.

Айви Лининг натижаи бошқарув бўйича ёндашуви

Менежерлар билан 15 дақиқалик суҳбат давомида маслаҳатчи максимал маҳсулдорликка эришишнинг энг оддий усулини ишлаб чиқди. Ушбу усул қуйидагичадир: Жаноб Ли ҳар бир ходимдан куннинг охирида эртанги кун давомида амалга оширадиган олти та муҳим ишини ёзишни сўради. Ва ходимлардан ушбу миқдордан ошиб кетмасликни талаб қилди.

“Қайд этилган вазифаларни муҳимлигига қараб тартибга солинг. Ҳар бир иш кунининг бошида рўйхатдаги биринчи вазифага алоҳида эътибор қаратинг. Биринчи ишни якунланг, фақат кейин иккинчисига ўтинг. Рўйхатнинг қолган бандларини ҳам шу тарзда бажаринг. Кун охирида тугалланмаган ишларни кейинги куннинг олтиталик вазифалар рўйхатига ўтказинг. Агар сиз бугун рўйхатдаги 4 вазифани бажарган бўлсангиз, эртанги рўйхатга 2 вазифани олиб ўтасиз ва унга 4 янги вазифани қўшасиз. Ушбу жараёни ҳар куни такрорланг”.

Стратегия жуда оддий кўринса-да, Шваб ва унинг жамоаси буни синаб кўришга қарор қилдилар. Уч ой ўтгач, тадбиркор ушбу стратегия натижасидан шу даражада ҳайратда эдики, у яна Айви Лини офисга чақирди ва унга 25 минг долларлик чек ёзиб берди. Бу сумма бугунги кундаги эквиваленти 400 минг долларга тенгдир.

Ўз ўзидан савол туғилади, қандай қилиб ушбу оддий усул натижа бериши?

Ушбу усул бизнес бошқарувини иложи борида осонлаштиради.

Танқидчилар бундай стратегияларни юзаки деб ҳисоблайдилар ва ҳаётнинг барча нозик қирралари ҳисобга олинмайди, деб таъкидлашади. Агар режалаштирилмаган ҳолат юз берса, унда нима қилиш керак?

Юқори технологияли воситалардан фойдаланиш яхшироқ эмасми? Бироқ қарорларнинг қийин қабул қилиниши – бу айнан иш жараёнини мураккаблаштиради. Албатта, кутилмаган вазиятлардан қочиб бўлмайди, яъни режадан ташқари ҳолатлар содир бўлиб туради. Масалан, эски кадрдонингиз ишхонанингизга меҳмонга келди ва узоқ вақтингизни олди, раҳбар чақириб, бутун касал бўлиб қолган ходимнинг вазифаларини сизга юклади... ва ҳоказо.

Агар иложи бўлса, уларни эътиборсиз қолдиринг, бўлмаса, уларни тез бажаринг ва рўйхатдаги муҳим вазифаларга тезроқ қайтишга ҳаракат қилинг. Мураккаб муаммоларни ҳал қилишнинг оддий қоидаларини қўллашга ҳаракат қилинг (Билл Гейтс таъкидлаганидек, “мен ҳар доим қийин топшириқларни энг дангас одамларга топшираман, улар ҳар доим мураккаб топшириқларни соддалаштириб, осон ва тез ҳал қилиш мумкин бўлган ечимини топади, бу эса ҳар доим компанияга молиявий жиҳатдан фойда келтиради”).

Бу усул сизни тўғри қарор қабул қилишга ундайди.

Ушбу мақолани ўқиётганларда савол туғилади: нимага айнан “6” рақами?

“6” сониди ҳеч қандай сехр йўқ. Сиз бешта вазифага ҳам диққатингизни қаратиб, худди шундай муваффақиятга эришишингиз мумкин. Ҳар бир инсон ўз кучини ҳисобга олиши ҳамда шунга қараб ўз имкониятини белгилаши керак. Инсоннинг миясидан кўп ғоялар ўрин олган бўлса, бунда қилиши мумкин

бўлган энг яхши ҳолат бу – ўта муҳимини аниқлаб олиш, қолганларини четга суриб туришдир.

Ўз-ўзингизни назорат қилишингиз жуда фойдали. Агар сиз бир вақтнинг ўзида битта нарсага эътибор қаратмасангиз, қолганлари сизни чалғитади.

Энг муҳими, у сизнинг ниманидир бошлашингизга ёрдам беради. Қайси ишдан бошласам экан-а, деган саволдан холи қилади.

Мақсадга етишишнинг энг катта тўсиғи – бу, албатта, ҳар қандай ишни бошлаб олишдир. Мисол учун, сиз хорижий тилни ўрганмоқчисиз, фақат ҳар кун “эртага” дея ўзингизни алдайсиз, қарабсизки, шу гапга ҳам бутун 6 ой бўлди. Бунда энг катта муаммо – дивандан кўзгалиш. Агар ўз олдингизга улкан мақсад қўйсангиз-у, уни 30 дақиқа ичида амалга оширишни бошламасангиз, демак бу мақсадни амалга ошириш 80 % гача барбод бўлиши эҳтимоли бор. Агар сиз машғулоти бошласангиз, машқни бажариш анча осон бўлади. Айви Ли методи сизнинг иш кунингиз бошланишини олдиндан белгилашга ёрдам берадиган вазифаларни бир кеча аввал қарор қабул қилиб, иш бажарилишида тайёрлигингизни таъминлайди. Ишнинг натижаси уни бошлай олиш қобилиятига боглиқ. У изчил бўлишни ўргатади. Замонавий жамият кўпқирраликни севади. Афсоналардан фарқли улароқ, банд бўлиш янада яхши бўлишни аңлатмайди.

Аксинча, камроқ устуворлик самарадорликни оширади. Агар сиз ҳар қандай соҳа мутахассисларини кузатсангиз: спортчилар, рассомлар, олимлар, ўқитувчилар ёки менежерларни, сиз уларда мавжуд умумий хусусиятни кўришингиз мумкин, яъни ўз диққатини муҳим бир нарсага қаратганлигини. Бунини тушунтириш осон. Сиз битта нарсада муваффақият қозона олмайсиз, агар бошқа кўп нарсалар билан доимо чалғиб турсангиз. Моҳирликнинг асосий сирларидан бири бу, албатта, ўз диққатингизни муҳим бир ишга қарата билишингиз ва вазифаларни изчил амалга ошира олишингиздир.



Бу усулнинг муҳим жиҳати шундаки, бунда чиндан ҳам муҳим ишлар алоҳида эътибор билан изчилликда амалга оширилади.

Энди биргаликда Айви Ли усулини синаб кўрамиз.

Тасаввур қилинг, бутун ҳафтанинг биринчи куни. Сиз 30 дақиқа вақтингизни ишларингизни режалаштириш-га сарфланг. Энг биринчи ушбу жадвални тўлдилинг:

№	Қилиниши лозим бўлган барча ишлар	10 балли баҳо*	Душанба	Бажа- рилгани ҳақида маълумот
1	Хатларга жавоб ёзиш	9	Хорижлик мутахас- сислар билан учрашиш	Бажарилди
2	Корхона фаолияти бўйича тақдимот тайёрлаш	9	Мажлисида иштирок этиш	Бажарилди
3	Номзодлар билан суҳбат қилиш	6	Бошқарма фаолияти бўйича 6 ойлик ҳисобот тайёрлаш	Бажарил- мади, сешанбага қолди
4	Грант лойиҳасини тайёрлаш	3	Корхона фаолияти бўйича тақдимот тайёрлаш	Бажарилди

5	Бошқарма фаолияти бўйича 6 ойлик ҳисобот тайёрлаш	9	Хатларга жавоб ёзиш	Бажарилди
6	Хорижлик мутахассислар билан учрашиш	10	Номзодлар билан суҳбат қилиш	Бажарилди
7	Вазирликлар билан қўшма қарор бўйича гаплашиш	5		
8	Мажлисида иштирок этиш	10		

*Изоҳ: энг муҳимиға 10 балл қўясиз. Буни белгилаш-
да долзарблиғи ва муҳимлиғиға қараб балл қўйилиши
керак. Паст балл олганлар сешанба ёки чоршанбаға
ўтади. Ҳар куни иш вақти тугаганида сиз қанчалик
топшириқни бажарганингиз бўйича маълумот кири-
тишингиз керак.



ТЎҚҚИЗИНЧИ МАҚОЛА

БИР ДОНА МИХ

Навбатдаги саҳифамизда “Бир дона мих” ҳақидаги шеърни эътиборингизга ҳавола этамиз. Жуда қизиқ мавзу.

Ислоҳотлар ва янгиланишлар даврида яшаяпмиз. Ўзбекистон бутун улкан марраларни забт этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган: 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига кириш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, ялпи ички маҳсулот кўрсаткичларини аҳоли жон бошига икки барабар ошириш ва бошқа кўплаб устувор мақсадларни кўзлаганмиз.

Кўзланган марраларни забт этиш, улкан режаларни амалга ошириш эса, энг аввало, барчадан бирдек фидойиликни, Ўзбекистонимизнинг 34 миллион аҳолисидан фаолликни, Ватани тақдири ва истиқболи учун ўзларининг самарали меҳнатларини аямасликни талаб этади.

“Сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилда иш юритиш, айниқса, бугунги кун учун энг салбий ва кечирилмас иллатдир. Ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланмаслик, жараёнлардан четда туриш, ўйлайманки, энг катта хатолик бўлади.

Бу иш давлатнинг вазифаси, буниси – Президентнинг иши ёки ҳокимнинг мажбурияти, деб маҳалласидаги битта лампочкани алмаштирмай ёки бир туп дарахт экмай, боқимандага айланиш, ҳатто кўчасидаги тўлиб қолган ариқни тозалатиб бер, деб ҳокимиятга боришлар афсуски, ҳақиқат.



Юртимизни катта бир кема деб оладиган бўлсак, унинг олдинга сузиши, яъни кўзланган манзилга етиб бориши учун ҳар биримиз шу кеманинг бир бўлаги ёки эшкаги сифатида ҳаракат қилишимиз лозим. Агар барчамиз биргаликда ҳаракат қилмай, айримларимиз томошабин бўлиб турсак, ҳеч қандай натижага эришмаймиз.

Мақсадга эришиш – бирликни ва ҳар биримиздан ишонч, шижоатни талаб этади.

1962 йил Америка президенти Жон Кеннеди NASA ташкилотига ташриф буюради. У ерда берилиб пол юваётган бир фаррош аёл ёнига келиб, “мен Жон Кеннедиман, сиз бу ерда нима қилияпсиз?” деб савол берганида, фаррош аёл унга “Жаноб президент, мен инсон ойга учиб, у ерга қадам қўйиши учун хизмат қилияпман”, деб жавоб берган экан. Агар биз ҳам ҳар куни ишлаётганимизда “мен бутун юртимни 2030 йилда топ элликталиқ давлатлар қаторига киришига хизмат қилияпман”, деб ёндашсак, ўйлайманки, қилаётган ишимизнинг сифати ва самарадорлиги кескин ошади.

...Хуллас, “Бир дона мих” ҳақидаги оналар алласини сизларга тақдим этаман:

БИР ДОНА МИХ

Пруссиялик оналар алласи

Қадимий Пруссия.

Она алла айтмоқда:

“Ватанга ёв бостириб кирди.

Икки қўшин бир-бирин қирди.

Ногаҳон ҳалок бўлди прусслар саркардаси,

Оқибатда пароканда бўлди Прусс лашкари,

Ёвга мағлуб бўлиб қочди жанггоҳдан.

Шаҳар забт этилди.

Таҳқирланди бола-ю қари...



Нега бундай бўлди?!
Сабабини топайлик:
Нега шаҳар душман қўлига ўтди?
Чунки қўшин енгилди...
Қўшин нега енгилди?
Чунки саркарда ҳалок бўлди...
Саркарда қандай ҳалок бўлди?
Отдан йиқилиб...
Отдан нега йиқилади?!
Чунки отнинг тақасини қоқаётганда
Тақачига бир дона мих етмай қолганди...
Бир дона мих деб бутун бир халқ қул бўлди...”

Нотўғри қўйилган битта ғишт, битта чириган ёғоч эртага бутун бир иморатнинг қулаб тушишига сабабчи бўлиши мумкин.

Ҳар куни ҳар биримиз ушбу михни қоқамиз. Фақат бир-биримизни алдаб, кўзбўямачилик қилиб ёки боқимандаликка берилиб, ушбу михни қоқиш эсдан чиқмаса бўлди. Бўлмаса, бизнинг фарзандларимизга ҳам пруссиялик оналар алласи айтилади. Асло ва асло бундай бўлишига йўл қўймайлик!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биринчи – давлат раҳбари – Президентдан бошлаб барча бўғиндаги раҳбарларнинг якуний натижалар учун шахсий жавобгарлиги. Иккинчи – ҳамма соҳада аниқ тартиб ва қаттиқ интизомни таъминлашимиз даркор. Яна бир бор таъкидлайман, ишни биргаликда бажарамиз, натижа учун эса ҳар биримиз шахсан жавоб берамиз”.

Ҳар биримизга Оллоҳ инсоф берсин, айниқса, михни қоқаётганда...



Қайдлар учун:

➤ Мен нимани тушундим: _____

➤ Сиз жамият ва давлат ривожини учун қандай мих
қоқяпсиз: _____

➤ Хулоса: _____

ЎНИНЧИ МАҚОЛА

ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ + БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ = ИНСОН КАПИТАЛИ

Дунё тажрибаси ва амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, инсон капиталига йўналтирилган маблағлар бошқа омилларга нисбатан бир неча баробар кўпроқ фойда келтиради. Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган даврда инсон капиталига инвестиция йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатлар юксак тараққиётга эришмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт”.

Хорижий тажрибага назар солсак, Кореяда ўртача 130 мингдан ортиқ АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция билан 2 миллиондан ортиқ АҚШ доллари ёки харажатга нисбатан 17 баробарни, АҚШда 250 мингдан ортиқ АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция билан ўртача 3 миллиондан ортиқ АҚШ доллари ёки харажатга нисбатан 13 баробарни ташкил этган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич бугун бор-йўғи 4 баробарни ташкил этади.

Мазкур йўналишда Президентимизнинг 2019 йил 24 ва 28 май кунлари илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан бўлган учрашувида тўртта йўналиш бўйича доимий комиссиялар тузилиб,

мазкур комиссияларнинг вазифалари, комиссия аъзоларининг иш тартиби ва масъулияти белгилаб берилди.

Учрашувда кун тартибидаги асосий масала – инсон капиталини ривожлантириш, унга сармоя киритиш тизимини қайта қўриб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

“Бу ишлардан асосий мақсад – мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш. Хом-ашё ва уни қайта ишлаш билан узоққа бориб бўлмайди. Қолаверса, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат олиш учун ҳам инновациялар керак. Шу боис илм-фан тараққиётимизнинг муҳим йўналиши, таянчи бўлади”, – деди Президенти-миз йиғилишда.

Бугунги кунда хорижий тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган мамлакатлар рейтингига қарайдиган бўлсак, АҚШ 275,4 млрд доллар билан 1-ўринни, Хитой 136,3 млрд доллар билан 2-ўрин, Гонгконг 104,3 млрд доллар билан 3-ўрин, Бразилия 62,7 млрд доллар билан 4-ўрин, Сингапур эса 62,0 млрд доллар билан 5-ўринни банд этган.

Ушбу давлатларнинг интеллектуал салоҳияти ҳам жуда юқори, хусусан, Сингапур 107,1 IQ коэффицент билан биринчи, Хитой 105,8 коэффицент билан иккинчи, Гонгконг 105,7 коэффицент билан учинчи, Корея 104,6 коэффицент билан тўртинчи ўринларни банд этган.

2018 йил яқунлари бўйича инсон капиталы индекси кўрсаткичи доирасида Сингапур 0,88 коэффицент билан биринчи, Япония 0,84 коэффицент билан иккинчи, Корея 0,84 коэффицент билан учинчи, Гонгконг 0,82 коэффицент билан тўртинчи, Финляндия 0,81 коэффицент билан бешинчи ўринларни банд этган.

Бундан 20 йил аввал тўғридан-тўғри инвестициялар ишчи кучи арзон мамлакатларга киритилган, арзон

ишчи кучи ҳисобига маҳсулот таннархи арзонлашар эди. Бироқ бутунги кунда тўғридан-тўғри инвестициялар хорижий арзон ишчи кучи бўлган мамлакатларга эмас, балки интеллектуал салоҳияти ҳамда инсон капитали юқори салоҳиятга эга бўлган мамлакатларга киритилмоқда. Сабаби бутунги кунда инвесторлар томонидан олиб кирилаётган технологияларни ишлаштиш учун ҳам юқори салоҳият, инноваторлик, профессионализм талаб қилинади.

Мазкур масалалар 2019 йилда Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон иқтисод форумида ҳам кўтарилган бўлиб, унга кўра, “тўртинчи саноат инқилоби” деб таъриф этилган бутунги кундаги жараён ҳар доимгидек одатий ўзгаришлар билан эмас, балки фундаментал ўзгаришларни келтириб чиқаради. Форум қатнашчиларининг фикрига кўра, бизнес моделлари бўйича бошланган “идеал бўрон” натижасида барча соҳаларда тубдан ўзгаришлар яратилади.

Эскиларнинг ўрнини босадиган янги касблар тоифаси пайдо бўлади. Форум экспертларининг фикрича, 2030 йилга бориб, Ер юзида 800 миллионга яқин иш ўринлари йўқолиб кетиши мумкин, уларнинг ўринларини роботлар эгаллайди. Бу бутунги кундаги ишчи кучининг бешдан бир қисми, демакдир. Аммо йўқолиб кетган касблар ўрнини замонавий, янги касблар эгаллайди. Бунинг учун келажак авлоднинг замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ушбу хулосага McKinsey&Co. экспертлари 46 та давлатда 800 та касбни таҳлил қилиш натижасида келишган.

Бунинг асосий сабаби, иқтисодиёт соҳаларидаги анъанавий касблар эмас, балки кўникмалар экани билан изоҳланади. Гарвард университети олимларининг тадқиқотига кўра, 85 % муваффақиятнинг сири раҳбарларда SOFT SKILLS мавжудлигидадир.

Бу борада рақобат муҳитида қуйидаги SOFT SKILLS кўникмалар пайдо бўлади, хусусан:

1. Муаммоларни тизимли ҳал этиш.
2. Танқидий таҳлил.
3. Креативлик.
4. Лидерлик.
5. Ҳаракатларни мувофиқлаштириш.
6. Ҳиссий ақл.
7. Ўз фикрларини шакллантириб, уларга асосланган қарорларни қабул қилиш.
8. Натижага йўналтирилганлик.
9. Музокаралар асосида ўзаро алоқалар.
10. Когнитив мослашувчанлик.

“Форбс” журнали хулосаси кўра, келажакда қуйидаги ўнга топ СОФТ-СКИЛСлар бошқарувни ҳал этади:

1. Муаммони бошқариш.
2. Тайм-менежмент.
3. Стрессни бошқариш.
4. Мулоқот қобилияти.
5. Компания маданияти.
6. Истеъмолчига йўналганлик.
7. Ҳиссиётни жиловлаш.
8. Шахсий натижадорлик.
9. Фикрни етказа билиш.
10. Форсайт.
11. Ўзгаришларни бошқариш.

Таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу кўникмаларни шакллантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири китобхонликдир. Мисол учун, китоб ўқиш кўрсаткичи Хитойда ҳар бир вояга етган аҳоли жон бошига йилига ўртача саккизтага тўғри келади. Ўқилган китобларнинг 58 фоизи қоғоз шаклида, қолган 42 фоизи электрон ҳолатга тўғри келади.

2016 йил якуни бўйича дунёда энг кўп аҳолига эга бўлган Хитой халқининг 79,9 фоизи китоб ўқиган ва бу мунтазам ўсиш тенденциясига эга. Бу кўрсаткичга эришишда мамлакатнинг 220 дан ортиқ шаҳарларида китобхонликни тарғиб қилиш ишлари ўз самарасини берган.

Ҳар йили дунё мамлакатларини китобхонлик рейтингига эълон қилинади. 2017 йил якунларига кўра, Хитой, Испания ва Россия давлатлари фуқаролари ҳафтасига 7-9 соат китоб мутолаа қилишар экан. Шунингдек, ушбу тадқиқотда аҳоли сонига нисбатан китоблар савдоси сони ҳам таққосланар экан. Алам қиладигани шуки, биз юзталикка ҳам кирмаганмиз.

Мен бу ҳақда, мана шу аччиқ ҳақиқатлар тўғрисида юқоридаги “Нима учун бадий китоб ўқишимиз керак? Ёхуд миямиздаги кинотеатр” номли мақоламда ҳам тўхталган эдим.

Давлат бошқарувида инновацияни аниқлайдиган рейтинг билан солиштирсак, айнан китобхонлик бўйича энг юқори кўрсаткични қайд этган аксарият давлатлар мос келади. Яна қайта ва қайта таъкидлашдан эринмайман: айнан китобхонлик маданияти юксак даражада шаклланган мамлакатларда инновацион фаоллик ҳам юқори босқичда.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш бўйича бир қанча муаммолар мавжуд, хусусан:

таълимда сифат ва инвестиция даражасининг пастлиги Ўзбекистонда инновацион ривожланишга асосий тўсқинлик қилаётган омилдир;

таълимга йўналтирилган инвестициялар ривожланган мамлакатларга қараганда бизда 10 баробар паст. Бу-

ларнинг барчаси - ўқитувчилар иш ҳақининг камлиги (ривожланган мамлакатлардаги ўқитувчиларникидан 30 баробар паст), моддий-техник базанинг етишмаслиги, умумтаълим мактабларидаги оддий шароитларнинг мавжуд эмаслиги, компьютерлар билан тўлиқ таъминланмаганлик, замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси ва бошқа сабаблар билан билан изоҳланади. Демак, бирма-бир таҳлил қиладиган бўлсак,

- халқ таълими вазирлиги тизимида ўқитувчиларнинг 60 фоиздан ортиғи академик малакага эга эмас;

- умумий таълим муассасаларида жойларнинг етишмаслиги ва инфратузилманинг паст сифати мактаб тизимининг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади;

- асосий воситаларнинг эскириши, юқори даражада бўлган эски таълим инфратузилмаси: 3644 та мактаб (38%) капитал таъмирга муҳтож, мактабларнинг фақат 37 фоизида замонавий компьютер техникаси мавжуд, атиги 7 фоизи эса Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга;

- олий маълумотга эга бўлиш даражаси паст - 2017 йилда абитуриентларнинг 10 фоиздан камроғи олий ўқув юртларига ўқишга кирган;

- олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобатнинг мавжуд эмаслиги.

Мамлакатимиз ривожланишининг янги босқичида инсон капитали салоҳиятини ошириш борасида муайян ишлар ҳам амалга оширилди, жумладан:

- Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди;

- олий маълумотлиларнинг улушини кўпайтириш бўйича квоталар кенгайтирилиб, уларни молиялаштириш салмоғи ошди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртларида талабалар сони - битирувчи-

ларни олий таълимга қамраб олиш 2016 йилда 57 907 тани ташкил қилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 66 316 тага етди.

- 51 та олий ўқув юртида сиртқи таълим шакли, 22 та олий ўқув юртида махсус сиртқи таълим шакли, 9 та олий ўқув юртида кечки таълим шакли ташкил этилди;

- Тўртинчидан, янги таълим йўналишлари жорий этилди, хусусан, 2016/2017 ўқув йилида 15 та янги таълим йўналиши ва 14 та мутахассислик, 2017/2018 ўқув йилида 8 та йўналиш ва 10 та мутахассислик, 2018/2019 ўқув йилида 66 та янги бакалавр йўналиши ва 48 та магистратура мутахассислиги жорий қилинди.

Ҳозирги кунда ўрта таълим муассасаларини битирган ўқувчилар бир вақтнинг ўзида учтагача олий ўқув юртига ҳужжат топширишлари мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, иқтисодий барқарорликни таъминлашда инсон капиталининг ўрни беқиёс. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда инсон капитали салоҳиятини ошириш борасида қуйидаги таклифларни билдираман:

1. Ҳар бир таълим муассасаларида, хусусан, мактабгача таълим, халқ таълими, олий таълим муассасаларида ўзларининг кичик инновацион лабораторияларини ташкил этиш.

2. Таълим муассасалари ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, ўз талабалари томонидан ўқиши шарт бўлган 100 та китоб рўйхатини тузиб, китобхонликни шакллантириб бориш.

3. Таълим муассасалари ўзининг 3, 5 ва 7 йиллик Форсайт, яъни келажакдаги истиқболли режаларини ишлаб чиқиши ва шундан келиб чиқиб, шиддат билан ўзгариб бораётган дунё талабларига мос бўлган мутахассисларни тайёрлаш.

4. Таълим ва амалиёт ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида, саноат ва ишлаб чиқариш компаниялари раҳбарларини олий таълим муассасалари ректорлар кенгаши аъзолигига киритиш.

5. Саноат ва ишлаб чиқариш компаниялари ўзининг 3, 5 ва 7 йиллик стратегияларини ишлаб чиққан ҳолда уларга келажакда қандай кўникмаларга эга бўлган мутахассислар кераклигини алоҳида шакллантириб бориш лозим. Бунда ҳар бир талаба олдиндан билиши лозим: у қайси ташкилотда ишламоқчи у ерда ишлаши учун қандай компетенцияларни ўзида шакллантириши керак.

ЎН БИРИНЧИ МАҚОЛА

ҒУРУР НИМА?

Ҳеч ўзингизга савол берганмисиз, нима учун ҳар бир давлат ўзининг байроғига эга бўлиши лозим? Нима учун байроқ давлат рамзи ҳисобланади? Нима учун ўзга давлатларда юрганингизда ўз юртингиз байроғини ўзга давлатда ҳирпираб турганини кўрсангиз, юрагингиз бошқача уради?

Ўйлайманки, ҳар бир инсон қачондир ўзига шу саволлар билан мурожаат қилган. Бугунги кунда дунё харитасида 202 тадан ортиқ давлат бўлса, барчаси бирига ўхшамайдиган ва ўз миллий маъносини билдирувчи байроқларига эга. Албатта, байроқ бу ҳар бир инсоннинг ўз ватани рамзидир. Уни кўрганингизда ғурурланасиз. Айниқса, спорт бўйича халқаро нуфузли чемпионатларда сизнинг байроғингиз бошқа давлатларникидан баландроқ турса...

2018 йилда Жакартада бўлиб ўтган Осиё чемпионатида бизнинг байроғимиз 21 марта энг баландда ҳилпиради ва унинг кетидан мадҳиямизни барча эшитди – ҳеч биримиз буни шунчаки томоша қилиб, шунчаки эшитмадик, қалбимиз ғурур-ифтихорга тўлиб-тошди, шу юрт фарзанди эканимиздан фахрландик, вужудимизда ватанпарварлик туйғуси янада жўш урди.

Бизга мана шу сурурбахш лаҳзаларни ҳадя этган спортчиларга ва уларнинг ота-онасига таъзим қилгингиз келади. Ахир, ушбу байроқ ҳилпираши учун бу спортчилар тун-у кун йиллаб ўз устларида ишлашган ва албатта, байроғимиз қадрини улар биздан-да кучлироқ билишади, ҳис қилишади.

Тарихга назар ташласак, ҳар бир буюк империя қурган ҳукмдорнинг ўз давлат байроғи бўлган. Юз минглаб аскарлар ягона мақсад ва ягона байроқ остида бирлашган. Амир Темур бобомиз давлатининг байроғига

эътибор берсак, мовий рангда бўлган. Ҳар бир жангга киришдан олдин, биринчи қаторда баланд кўтарган ҳолда байроқдор юрган. Минглаб аскарлар ушбу байроқ ҳеч қачон ерга тушмаслиги, оёқости бўлмаслиги учун жонларини фидо қилган.

Амир Темури таъкидлаганидек, “Давлатимиз байроғи ҳар доим баландда ҳилпираши керак, токи душман билсин, бу юртда ватанпарвар инсонлар кўплигини ва бу ўғлонлар ҳеч қачон ўз давлатининг байроғини пастга туширмаслигини!”

Бугун ушбу мавзуда ёзишимга сабаб, ижтимоий тармоқларда тарқалган видео бўлди. Унда энг улуғ ва энг азият байрамимиз бўлган Мустақиллигимизнинг 28 йиллигини нишонлаш кунини, баъзи бир ёшларимиз томонидан кечаси осмонда, ҳеч кимга қарам эмасмиз, деган маънода мағрур ҳилпираб турган байроқларимизни ечиб, оёқости қилишганини кўриб, кайфиятим бузилди.

Наҳотки, орамизда шу даражада тубанликка борувчи ёшларимиз бўлса?!

Наҳотки тун-у кун ухламасдан илмдами, спортдами, ҳарбий соҳадами меҳнат қилиб, байроғимизни янада баландроқ кўтариш учун, дунёга кимлигимизни исботлаш учун машаққатли меҳнат қилаётган ёшларимизнинг ҳаёти уларга ўрнак бўлмаса?!

Бугун баландпарвоз орзулар билан яшаймиз, ёшлар - бизнинг келажагимиз, улар буюк давлат қуради, деб. Бироқ, ўз байроғига ҳурматсизлик қилиб, уни оёқлари остига ташлаб, маънавиятсизлик, маърифатсизликларини намоён этувчи ёшлар билан қандай келажак қурамиз?!

Яна бир савол туғилади, видеода кўриниб турибдики, бу марказий кўчаларимизда юз берган. Ўз-

ўзидан савол туғилади, наҳотки атрофдагилар шунчалар бефарқ бўлса, биронта инсон ёки ҳайдовчи йўқми, тўхтаб, “болам, бу нима қилганинг, ўз юртинг байроғини топтаганингдан кўра ўлганинг яхши эмасми?!” дегувчи. Афсус, минг афсус, ҳаммамиз бундай вақтда ё кўрмиз, ё соқов. Сен менга тегма, мен сенга тегмайман...

Амир Темур бобомиз айтгандек, “Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир”.

Лоқайдлик миллатни тубанликка етаклайди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий ва қанчадан-қанча зиёли ота-боболаримиз шу мустақил байроғимиз юксакларда ҳилпираши учун қурбон бўлиб кетмадими?!

АҚШ, Жанубий Корея ва Сингапур каби давлатлар боғчаларида ҳар кун эрталабдан янги кунни байроқ кўтариш маросими билан бошлашади ва бу ишни ҳар бир бола навбатма-навбат амалга оширади. Шу йўл билан болаликданоқ байроқни ҳилпирашиб юксакларга кўтариш орқали ватанпарварлик туйғуси сингдириб борилади.

Байроғимиз билан боғлиқ мазкур нохуш ҳолат биз зиёлиларнинг кўзи каттароқ очилишига сабаб бўлиши керак. Яъни халқимизнинг, ёшларимизнинг маънавияти, миллий ғурури, ватанпарварлигини ошириш йўлида қиладиган ишларимиз талаб даражасида эмаслиги, натижаси пастлиги, тарғибот ишларимиз фақат тадбир ва қарсакбозликдан иборат бўлиб қолаётгани, амалий аҳамияти нолга тенг эканини кўрсатиб турибди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам ушбу таъкид-ни бежизга айтмадилар: “Миллий тикланишдан мил-лий юксалиш сари интилишимиз зарур”.

Қайдлар учун:

➤ Мен нимани тушундим: _____

➤ Менга ёқди: _____

➤ Хулоса: _____

ЎН ИККИНЧИ МАҚОЛА

ФОЗИЛЛАР ШАҲРИ ҲОКИМИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

(Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”
асаридан)

Бундай шаҳарга ҳоким бўладиган одам (Аллоҳдан бошқа) ҳеч кимга бўйсунмаслиги керак. Фозиллар шаҳрининг биринчи бошлиғи шу шаҳар аҳолисига имомлик қилувчи оқил киши бўлиб, у табиатан ўн икки-та хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур. Фозиллар шаҳри ҳокими аввало тўрт мучали соғ-солим бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсони ҳалал бермаслиги лозим. Аксинча, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши лозим. (Иккинчидан), бундай шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошинг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур. (Учинчидан), у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларни унутмаслиги зарур. (Тўртинчидан), у зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинимас аломатларини ва у аломатлари нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур. (Бешинчидан), у фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида, чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур. (Олтинчидан), у (устозлардан) таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг учун сира қочмайдиган бўлиши зарур. (Еттинчи), таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат эмас, аксинча, ўзини тия оладиган бўлиши, (қимор ёки бошқа) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур. (Саккизинчи), у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур.

(Тўққизинчи), у ўз қадрини билувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, туғма олийҳиммат бўлиши, улуғ, олий ишларга интилиши зарур. (Ўнинчи), бу дунё молларига, динор ва дирҳамларга кўз тикмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши зарур. (Ўн биринчи) табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларли севадиган, истибдод ва жабр-зулмли, мустабид ва зolimларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам зиддият қилувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшилиқни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга мурасасиз бўлиши зарур. (Ўн иккинчи), ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги зарур.

Мана шу барча хислатларнинг бир одамда жамланиши амри маҳол, зеро, бундай туғма фазилатлар соҳиби бўлган одамлар жуда кам учрайди ва улар нодир инсонлардир. Мабодо, фозиллар шахрида шундай баркамол инсон топилиб қолса, унда юқоридаги фазилатлардан олтитаси ёки бештаси камол тоғанида ҳам, у одил ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шахрига раҳбарлик қила олади. Баъзи маҳалларда фозиллар шахрида бундай одам йўқ бўлиб қолганида ҳам (вафот этганида ёхуд бошқа жойга кетган вақтида) ана шу имом (ҳоким) ёхуд унинг издошлари (агар мазкур имомдан кейин биринкетин шахарга бошлиқ бўлсалар) чиқарган қонун ва тартибларга амал қилинади.

Аввалги имом ўрнига келган кейинги раҳбарда ҳам юқорида айтилган хислатлар – фазилатлар ёшлиқдан шаклланган бўлиши зарур. Ана шунда бу кейинги имомда яна олтита фазилат ҳосил қилиниши зарур:

Биринчи – донишмандлик.

Иккинчи – аввалги имомлар ўрнатган қонунлар ва

тартибларни хотирида яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиши учун қувваи ҳофизага эга бўлиш.

Учинчи – агар аввалги имомлар давридан бирор (ёки бир қанча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш.

Тўртинчи – ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган, аввалги имомлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш учун башоратгўйлик хислатига эга бўлиш. Бу хислат унга халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида керак бўлади.

Бешинчи – аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгилардан ибрат олиб, ўзи тузиб чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун қизгин сўзлаш – нотиқлик хислатига эга бўлиши.

Олтинчи – зарур ҳолларда ҳарбий ишларига моҳирона раҳбарлик қилиш учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиши ҳам жанг қилиши, ҳам саркарда сифатида жангу жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиш.

Мабодо, шу хислатларнинг барчасини ўзида жамлаган бир одам топилмаса, лекин икки киши биргалашиб, шу хислатларга эга бўлишса (яъни бири – донишманд, иккинчиси – қолган хислатлар соҳиби бўлса) шу икковини фозиллар шаҳрига раҳбарликка қўйиш зарур. Мабодо, бир гуруҳ одамлар биргаликда ана шу хислатларга эга бўлишса (яъни бирида бу, иккинчисида у, учинчисида яна бошқа хислатлар бўлса) ана шу фозиллар гуруҳини юрт раҳбарлигига қўйиш зарур. Шу гуруҳ аъзолари биргалашиб, ўзаро келишиб ҳаракат қилса, ҳар бири фозил ҳоким бўлиши мумкин. Мабодо, бирор замонда фозиллар шаҳрида ҳокимлик қилаётган бир ёки бир неча кишида бошқа зарур хислатлар бўлса-ю, аммо донишмандлик бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади.

Манба: Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асари, 159–161-бетлар.

ЎН УЧИНЧИ МАҚОЛА

ИСТИҚБОЛЛИ ЛИДЕРЛАР УЧУН ЗАРУРИЙ КУНИКМАЛАР

(Хорижий таҳлиллар асосида)

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун, биринчи навбатда, бошқарувчи раҳбарлар, умуман олганда, барча кадрларнинг юқори савияли ҳамда лидерлик хусусиятига эга бўлиши талаб этилади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда юқори даражада ислохотларнинг олиб борилаётгани малакали ва замонавий раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёжни орттириб юборди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур муаммони ҳал қилиш йўллари излашни талаб этмоқда. Мазкур ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 18 декабрь куни замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлдириш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланган йиғилишда қуйидагича изоҳлаган эди: “Яқин ва узоқ истиқболдаги иқтисодий ривожланиш нуқтаи назаридан бизга қайси соҳа учун қандай мутахассис керак бўлади? Шунини ҳозирдан чуқур ўйлашимиз, замон талаби, ислохотлар шиддатига мос кадрларни тарбиялашимиз керак. Бу масала бизнинг келажагимиз, бизнинг эртанги кунимиз”.

Юқоридаги ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида истиқболли кадрлар ва етакчиларни саралаш, уларни ўқитиб, малакасини ошириш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалий саъй-ҳаракатлар олиб бориш керак.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги “Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш туғрисида” ПФ-5545-сонли Фармониға мувофиқ, мазкур жамғарма ўз фаолиятини бошлади. Жамғарма олдига ўзбекистонлик иқтидорли ёшларни докторантура ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, турли соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш ва стажировкасини ташкил этиш, хориждаги ватандошлар билан доимий мулоқот ўрнатиш, уларни мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга жалб қилиш, чет элдаги университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликда юқори малакали кадрларни тайёрлашга кўмак бериш вазифалари қўйилган бўлиб, жорий йилнинг ўзида жамғармага давлат бюджетидан 45 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилган.

Бундай саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, яқин келажакда самарасини кўрсатади, дейиш мумкин. Шу билан бирга, истиқболли кадрлар тайёрлашнинг бу каби тенденцияларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш даркор.

Бундан ташқари, етакчи кадрларни классик назария ва анъанавий дастурлар нуқтаи назаридан ўқитиш ва тайёрлаш замон талабига жавоб бермаслиги тобора ойдинлашмоқда. Кадрлар тайёрлаш жараёнида қисқа, ўрта ва узоқ муддатли истиқболлар ва бу даврда учраши мумкин бўлган муаммоларини ҳисобга олиш мазкур масаланинг энг асосий омилига айланиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, раҳбарлар ҳам билим ва тажриба, ҳам шахсий хусусиятлари жиҳатидан ўзининг қўл остидагиларга ҳар томонлама намуна бўла олиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, уларда лидерлик хусусиятлари шаклланган бўлиши даркор. Бу хусусиятлар бо-

расида аниқ бир тизим яратилмаган бўлса-да, кўпгина тадқиқотчилар ўзларининг таҳлилий мезонларини тақдим этишади.

Мавзу юзасидан тадқиқотлар таҳлили. Бу мавзуда сўз юритилар экан, лидер-етакчининг раҳбардан нимаси билан фарқ қилишини, унга қандай таърифлар берилганлигини муайян соҳалар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш талаб этилади.

Сиёсатшунос олим Муқимжон Қирғизбоевнинг “Сиёсатшунослик” китобида ёзилишича, “раҳбар ва етакчилик бир-биридан фарқ қилиб, етакчилик – бу кўпчилик эмас, балки бир шахс ёки шахслар гуруҳини ифодалайдиган, юқоридан пастга йўналтириладиган хусусиятга эга бўлган ҳокимият кўринишларидан биридир. “Етакчи” (“лидер”) сўзи инглиз тилидаги “leader” сўзининг таржимаси – “етакчи, бошчилик қилувчи” маъноларини беради. Лидер қўлида ҳокимият йўқлиги учун раҳбардан фарқ қилса-да, гуруҳдаги фаоллиги сабаб етакчига айланади”.

Рус олими, академик Владимир Квинт Львович “Сратегиялаш назарияси ва амалиёти” китобида “Етакчилик – менежмент тизимининг биринчи элементи ҳисобланади. Етакчи – объектни номаълум келажакка етакловчи лоцман, нафақат ўзига итоат этувчилар, балки айни пайтда жамоа ва фуқароларни бирлаштирадиган ва уларни сафдош қиладиган ташкилотчи ҳамдир. Етакчи маълум маънода стратегияни жонлантирувчи шахсдир”, дея таърифлайди.

Юқоридаги иккита таърифдан хулоса қилиш мумкинки, Қирғизбоев лидер атамасини сиёсий жиҳатдан таърифлаган бўлса, Квинт уни иқтисодий тарафларини очиб берган.

Шу ўринда, қайд этиш лозимки, аксарият Ғарб манбаларида, кўп ҳолларда, лидерлик ва раҳбарлик тусунчалари бир-биридан фарқланмайди. Жумладан,

Квинт таърифидаги “ўзига итоат этувчилар” жумласи олимнинг “лидер”ни “раҳбар” сўзи билан бир қаторда қўллаган, дейишга асос бўлади. Шу жиҳатдан мақолада “лидер” (етакчи) “раҳбар” атамаси билан маънодош ҳолатда қўлланган.

Антик даврда Геродот, Плутарх, Арасту, Платон; ўрта асрларда Макиавелли, Томас Карлейль, Ральф Уолдо Эмерсон, Фридрих Ницше; XX асрда Габриель Тард, Й.Шумпетер, Э.Кассирер, Ж.Блондел каби олимлар раҳбар ва лидерлар борасида изланишлар олиб бориб, ўз назарияларини яратган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги ўша давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёзилган, табиийки, улар ҳозирги замонавий лидерларда бўлиши лозим бўлган хусусиятларга тўла-тўқис тўғри келмайди.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий етакчи ва лидерлар борасидаги классик назариялар ўз аҳамиятини сақлаб қолиш билан бирга, ҳозирги кунда бир қанча тадқиқот марказлари, тадқиқотчи олимлар ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган халқаро нашрларнинг келажақда лидерлар учун қандай билим ва сифатлар зарурлиги борасидаги таклифлари ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бу борада IFTF (“Institute for the Future” – “Кела-жак учун институт”) “ақлий марказ”нинг раҳбари сифатида фаолият юритган Боб Ёхансен ўз илмий фаолиятининг асосий қисмини келажақда лидерлар учун зарур бўладиган хусусиятларни ўрганишга қаратган. Жумладан, унинг “*Leaders Make the Future: Ten New Leadership Skills for an Uncertain Age*” (“Лидерлар келажақни яратади: ноаниқ муддат учун ўнта лидерлик маҳоратлари”) ва “*The New Leadership Literacies*” (“Янги лидерлик кўникмалари”) номли асарлари мазкур масалага қаратилган. Жумладан,

“Лидерлар келажакни яратади: ноаниқ муддат учун ўнта лидерлик маҳоратлари” асарида яқин келажакда лидерлар ўзларида шакллантириши лозим бўлган хусусиятлар саналиб, изоҳлаб ўтилган. Ёхансен фикрича, истиқболли лидер, биринчи навбатда, инстинктларни яратувчи бўлиши лозим. Яъни бу ҳар қандай ҳолатни, ҳар қандай янгиликни олдиндан сеза олиш ва бунга тайёр туришни англатади. Бундан ташқари, аниқлик, дилемма (қийин иккита вазиятдан бирини танлаш)дан чиқиб кета олиш, тез ўзлаштириш, бошқаларни тушуна олиш, конструктив бирлаштирувчи, шаффофлик (ички ва ташқи дунёсининг мутаносиб бўлиши), прототип (бошқалар учун намуна) бўлиш, уддабурон ташкилотчилик ҳамда яратувчилик хусусиятлари асарда замонавий лидер учун зарур эканлиги таҳлил қилиб берилган.

Тадқиқотчининг “Янги лидерлик кўникмалари” асарида эса яна бешта муҳим хусусият очиб берилган.

Биринчидан, олим лидерларда прогноз қилиш қобилияти шаклланган бўлиши лозимлигига эътибор қаратади. Унинг фикрича, ўтган давр ва ҳозирги ҳолатдан келиб чиқиб, келажакдаги эҳтимолий ҳодисаларни башорат қилиш мумкин.

Иккинчидан, катта таваккалчилик (риск) талаб этмайдиган қарорлар қабул қилиш тавсия этилади. Бу келажакка оид қарорлар қабул қилинганда имкон қадар эҳтиёткор бўлиш кутилмаган муаммо ва таҳдидларни келтириб чиқармаслигини кафолатлаши билан изоҳланади.

Учинчидан, тез ўзгарувчан ташкилотларни бошқаришда кўникма ҳосил қилиш зарур бўлади. Мазкур омил лидернинг мослашувчанлик қобилиятини ривожлантириб боради.

Тўртинчидан, фаол ва серҳаракат бўлиш лидернинг муваффақиятга эришишининг муҳим омили сифатида таъкидланган.

Бешинчидан, лидер ўзида мавжуд бўлган тўртинчи, яъни ишчанлик қобилиятини бутун қўл остидагиларга ҳам улашиши, уларда ҳам худди шундай серҳаракатликни юзага чиқаришга ёрдамлашиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Боб Ёхансен лидерлар учун келажакда зарур бўладиган кўникмаларда, асосан, замонавий техник билимлар (замонавий ахборот-коммуникацион ва у билан боғлиқ кўникмалар)дан кўра шахснинг ички хусусиятларига эътибор қаратган. Эътиборлиси, иккала асарда ҳам лидерлар учун дастлабки, яъни энг муҳим хусусият сифатида прогнозлаш қобилияти берилган. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги тез ва шиддат билан ўзгариб, мураккаблашиб бораётган даврда ҳар бир раҳбар келажакни кўра олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, креативлик (яратувчанлик) ва фаоллик сифатларига ҳам ҳар икки китобда мурожаат қилинганлиги аҳамиятлидир.

Шунингдек, замонавий кадрлар ва лидерлар тайёрлаш билан шуғулланувчи “Academic impressions” (“Академик таассуротлар”) ва “The Sanaghan Group” (“Санагҳон гуруҳи”) номли хусусий таълим даргоҳларининг президентлари Амит Мриг ва Патрик Санагҳонлар биргаликда яратган “The Skills Future Higher-Ed Leaders Need to Succeed” (“Келажак лидерлари учун зарур бўладиган қобилиятлар”) асарида ҳам лидерлар келажакни олдиндан кўра оладиган мутафаккир бўлишлари яқин келажакда талаб этиладиган энг муҳим хусусият эканини таъкидлаган. Муаллифлар ҳеч бир инсон келажакни башорат қила олмас-

лигини, лекин лидерлар ўтган ва мавжуд жараёндан келиб чиқиб, **келажакни кўра олиш**лари лозимлигини қайд этишган. Иккинчидан, лидерлар ҳар қандай таваккалчилик (риск) ва муваффақиятсизликка тайёр бўлишлари лозим. Бу лидернинг ҳар қандай омадсизлик олдида енгилиб қолишининг олдини олади, уни руҳан қувватлантиради, деб изоҳланган асарда. Учинчидан, лидерлар бутун жамоаси билан **самарали мулоқот**ни йўлга қўйиши даркор. Бу ўз ичига камтарлик, бошқаларга ишониш, бошқа маданиятлар билан чиқишиб кетиш (агар жамоада бошқа дин ёки цивилизация вакили бор бўлса), келишувга асосланган тизимни яратиш каби ҳолатларни қамраб олади. Тўртинчидан, улардан **довжорак қарор қабул қилувчи лидер** бўлишлари талаб этилади. Бойси муайян бир жараёнда озроқ вақтни бой бериш умуман таназзулга олиб келиши мумкин, бундай ҳолда қарорлар ҳам вақтидан кечиктирилмасдан, ҳам ўйланиб, режалаштириб қабул қилинишига алоҳида ургу берилади. Ва ниҳоят, асарда бешинчи хусусият сифатида лидерларнинг **руҳияти кучли** бўлиши зарурлиги айтиб ўтилган. Мазкур хусусият мазмунан иккинчи қобилиятни такрорлаганга ўхшаб кетса-да, ҳар қандай муваффақиятсизликдан кейин ўз йўлидан оғишмасдан ишлаш лозимлигини назарда тутди. Амит Мриг ва Патрик Санагхонлар ҳам энг актуал масала сифатида **келажакни кўра олиш** хусусиятига эътибор қаратгани аҳамиятлидир. Бундан ташқари, санаб ўтилган бошқа маданиятлар билан чиқишиб кетиш ва бу борада дин ҳамда цивилизацияни ҳам ҳисобга олиш халқаро миқёсда ёки кўп цивилизацияли давлатда фаолият юритадиган раҳбарлар учун муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари, таниқли журналлардан бири “Forbes”да ҳам айнан лидерлик мавзусига оид



тахдлий мақола тайёрланган. “16 Essential Leadership Skills For The Workplace Of Tomorrow” (“Эртанги иш ўринлари учун 16 та муҳим лидерлик маҳоратлари”) деб номланган мақолада муаллифлар **лидерлар туғма қобилиятли бўлади, деган фикрни инкор этган** ҳолда уларнинг шаклланиб, ривожланиб боришини, келажакда мукамал лидер бўлиш учун эса таклиф этилаётган ўн олти маҳоратни ўзлаштириш даркорлигини ёзишган. Юқоридаги иккита қарашдаги бирламчи хусусиятдан (Ёхансен ҳамда Амит Мриг ва Патрик Санагхонларнинг келажакни олдиндан ҳис қилиш таклифи назарда тутиляпти) фарқли равишда “Forbes” асосий эътиборни **қўрқмасдан ҳаракатланиш** масаласига қаратган. Лидерлар оппозиция томонидан билдириладиган танқид ва кескин фикрлар, шунингдек, давр талаб этадиган билим-кўникмаларга енгилмасдан ўсишда ва бошқарувда давом этиши лозим. Шу билан бирга, лидер қуйидагича хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- жамоа орасида ҳурмат қозониш;
- ходимлар билан муносабатда уларни тушуна олиш;
- ходимлар манфаатини ҳисобга олиб ишлаш;
- ҳар қандай ўзгаришлар (технологик, кун тартибидagi ва шу кабилар)га мослашувчан бўлиш;
- келажакни аниқ кўра олиш;
- инновацион янгиликлар ва ўзгаришлар пайтида ходимлар, ҳамкорлар ва мижозлар (ёки халқ)ни эшита олиш, уларнинг фикрига безътибор бўлмаслик;
- камтарлик;
- “Soft skills”, яъни юмшоқ маҳоратлар, шу жумладан, самарали коммуникацияни ривожлантириш;
- ўзгаришларга мослашувчан бўлиш билан бирга қатъиятлилиқни сақлаб қолиш;
- янги билимларни тез ўзлаштира олиш;
- маданий жиҳатдан интеллект бўлиш;

– ходимлар билан индивидуал ишлаш маҳоратига эга бўлиш;

– ўзгалар учун ишончли бўлиш;

– ходимларни ўзгаришларга монанд равишда, давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб бошқариш;

– суперфаол бўлиш;

– серқирра бўлиш, яъни ҳаётининг фаолиятнинг барча соҳаларидан билимга эга бўлиш.

Таъкидлаш жоизки, “Forbes” журнали томонидан таклиф этилган хусусиятларнинг аксарияти ходимлар билан ўзаро муносабатлар ва улар билан ишлаш принципларига қаратилган. Тез суръатлар билан ўзгариб, ривожланиб бораётган замонда бу, айниқса, долзарб масаладир. Сабаби, сўнгги тенденциялар раҳбар томонидан ўз ходимларини қаттиққўллик билан бошқариш мумкин эмаслигини аллақачон исботлаб бўлди. Аксинча, лидернинг жамоада ўрнатилган бўлиши, ходимларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, улар билан индивидуал ишлашини самарали бошқарувнинг “калити”, дейиш мумкин.

Раҳбарлар фаолиятига оид яна бир қараш АҚШнинг “Fast Company” журналида “7 Skills Managers Will Need In 2025” (“2025 йилда раҳбарлар учун зарур бўладиган етти маҳорат”) мақоласи бўлиб, унда 10 йилдан кейин ҳозир мавжуд бўлган касбларни ярми йўқолиб кетиши, шунингдек, раҳбар таклиф этилаётган етти маҳоратни ўзлаштирмас, келажакда ҳақиқий лидер бўла олмаслиги таҳлил қилинган. Илмий нашр ахборот технологиялари билан боғлиқ билимлар (1), ходимлар билан ишлаш маҳоратлари (2), юмшоқ маҳоратлар (3), ходимларга эркинлик ва ўсиш учун имкониятлар яратиб бериш (4), муайян вазиятда кескинлик ёки бағрикенгликни тўғри қўллай олиш (5), бошқарувдаги

шаффофлик (6), EI (Emotional Intelligence; Руҳий Интеллегент) қобилиятларига эга бўлиш, яъни, аввало, ўзини, ўз ҳиссиётларини назорат қила олиш, бундан ташқари ходимлар руҳий ҳолатини тўғри тушуниш, зарур пайтда уларга руҳий мотивация бера олиш (7) каби хусусиятларни изоҳлаб ўтган.

Мақолада асосий эътибор **замонавий билимларни эгаллаш зарурлигига** қаратилган, деган хулосага келиш мумкин. Эски билимлар билан жамоада намуна бўлиш тугул, раҳбарликни сақлаб қолиш ҳам мураккаб эканлиги амалиётда ўз исботини топиб бормоқда. Бундай ҳолатда юқорида таъкидлаб ўтилган сифатлар, хусусан, юмшоқ маҳоратларни шакллантириш долзарб аҳамият касб этади.

Унутмаслик лозимки, бу каби тадқиқотлар Ғарб жамияти ва субъектив нуқтаи назардан ёзилган бўлиб, уларнинг айнан биттасига тўлиқ амал қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу нуқтаи назардан уларнинг барчасини мукаммал ўрганиш ва миллий менталитетимизга мос бўлганларидан самарали фойдаланиш масаланинг ижобий ечими бўлади, дейиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, лидернинг қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлиги барча даврларда долзарб аҳамият касб этиб келган. Шу сабабли бу борада антик даврларданоқ илмий изланишлар олиб борилган. Бундан изланиш ва қарашлар макон ва, айниқса, замон талабидан келиб чиққан ҳолда шаклланган. Шу нуқтаи назардан давр ўтиши билан ундан олдин яратилган назариялар янада мукаммалаштириб борилган. Ҳозирги давр ҳам олдингиларидан мустасно эмас. Ҳозирги кунда ҳам ўтган даврларга ўхшаб лидерлар борасида янгича қарашлар шаклланиб бoryаптики, юқорида кузатилганидек, уларнинг аксарияти илм-фан ва ахборот-коммуникацион соҳалардаги ривожланишлар билан боглиқ бўлмоқда.

Шунингдек, етакчи (раҳбар) ва ходим ўртасидаги муносабатлар ҳам аввалгилардан кўра эҳтиёткорлик ва ўзаро тушунишга асосланиши лозимлиги ҳам муҳим омилга айланиб улгурган.

Таҳлилий тадқиқотлардан келиб чиқиб, қуйидагича таклиф ва тавсиялар бериш мумкин:

Биринчидан, тадқиқотчи олимлар томонидан лидерларга оид халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва улар асосида замонавий талабларга мос равишда қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган “Истиқболли лидерлар миллий дастури”ни ишлаб чиқиш.

Иккинчидан, юқорида таклиф этилган дастур асосида прогноз-таҳлилга асосланган “Истиқболли лидер” фанини жорий қилиш ва уни олий ўқув юртининг битирувчи бакалавр ва магистрларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиларига ўқитиш.

Учинчидан, “Истиқболли лидерлар миллий дастури” ва “Истиқболли лидер” фанини замон талабига мос равишда белгиланган муддатда (масалан, ҳар беш йилда) янгилаб бориш.

Тўртинчидан, мазкур йўналишда фаолият юритадиган “ақлий марказ” кўринишидаги тадқиқот марказини ташкил этиш ёки хусусий соҳада бундай марказларни ташкил этилишига юридик ва моддий-техник база жиҳатидан қўмаклашиш ҳамда уларнинг тадқиқотларидан амалий фаолиятда фойдаланиш.

Мухтасар қилиб айтганда, фақатгина бугунги кун талабига эмас, балки эртанги куннинг кутилмаган талабларига тайёр турувчи лидер етиштириш борасида тарихий, миллий ва хорижий тажрибани ўзида бирлаштирадиган низом ёки миллий дастурни жорий этиш ва уни амалда қўллашни бошлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Президентимиз айтганидек, келажақда



бизга кўплаб мукаммал бўлган лидер-раҳбарлар керак бўлади.

***Мақолани лидерлар канали аъзоси
Раҳимов Дилмуроджон Ғуломович тайёрлади.***

Қайдлар учун:

➤ *Мен нимани тушундим:* _____

➤ *Менга ёқди:* _____

➤ *Хулоса:* _____

УН ТУРТИНЧИ МАҚОЛА

РАҲБАРЛИК – КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, аввало, ҳар бир раҳбардан юксак масъулият, ғайрат-шижоат, ҳалоллик ва садоқат билан ишлашни талаб этмоқда.

Чунки мазкур янгиланишлар суръати ва кўлами, белгиланган вазифаларнинг самарали амалга оширилиши кўп жиҳатдан барча бўғиндаги раҳбарларнинг салоҳияти ҳамда маънавиятига боғлиқдир.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да раҳбар – йўл бошловчи, олдинда боровчи, бошлиқ деб изоҳланган. Бундай ишончга сазовор бўлиш учун эса, инсон ўз олдига улкан мақсадлар қўйиши, одамларни шу мақсадларга ишонтириши ва уни амалга ошириш учун барча кучларни йўналтира олиши зарур.

Ҳозирги замон раҳбари, авваламбор, муваффақият сари интилувчи, жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир, ташкилотчи ва иродаси мустаҳкам шахс бўлмоғи керак. Шунингдек, раҳбардан ўз зиммасидаги вазифаларни самарали бажариши, қўл остидагиларни ҳам шунга сафарбар этиши, жамоани қийнаётган жиддий муаммоларни чуқур ўрганиб, мақбул ечимини топиши, муаммоли вазиятларни донолик билан барта-раф этиши, ўз ишига танқидий қараш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади.

Энг муҳими, ватанпарварлик ва одиллик раҳбарнинг асосий сифатидир. Раҳбарнинг ватанпарварлиги ўзининг бор билим ва маҳоратини Ватан тараққиёти йўлида сарфлашида, бошқаларни ҳам шунга ундашида ўз ифодасини топади. У она Ватанни, муқаддас заминни, улуғ аجدодларнинг меросини қадрлаши, узоқ ва яқин тарихимизни билиши, буюк мутафаккирларнинг асарларини ўқиб-ўрганиши ва мунта-



зам равишда касбий маҳоратини ошириб бориши лозим.

Раҳбарлик фақатгина ваколат, мансаб ёки лавозим бўлиб қолмай, балки улкан масъулиятдир. Етакчилик, ҳалоллик, самимийлик, ҳурмат-эътибор, қатъият, ишонч, камтарлик, меҳнатсеварлик ва қўл остидагиларга ғамхўрлик кабилар ҳам раҳбарнинг зарур хусусиятларидандир.

Бунинг учун раҳбарлик вазифасига тайинланган ҳар қандай шахс нафақат ўз ишини яхши билиши, балки етарли билимларга эга бўлиб, жамоасига, жамиятга ва давлатга садоқат билан хизмат қилиши, доимо халқ билан ҳамнафас яшаши керак. Ватанга ва бурчга садоқат эса, сўз ва иш бирлигида кўринади. “Давлат раҳбарлару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қудратлидир”, деган эди улуг бобомиз Амир Темури.

Таҳлиллар ва кузатишлар шуни тасдиқлайдики, раҳбар атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан ва ташаббускор ходимлар кўп бўлса, бундай жамоада муҳит ҳам соғлом, ходимларнинг ишчанлик кайфияти ҳам юқори бўлади. Раҳбар маънавияти фаолият самарадорлиги ва жамоанинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб, етакчининг иқтидори жамоа муваффақиятини таъминлайди.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, жамоа ютуқларининг саксон фоизи раҳбар ташкилотчилигига, қолган йигирма фоизигина ходимларнинг салоҳиятига боғлиқ экани исботланган.

Раҳбарларга қўйиладиган қуйидаги маънавий мезонлар эса, етук шахсни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан, ҳар бир раҳбар, аввало, кўнгли очиқ, қалби тоза, ақл-заковат соҳиби, юксак салоҳиятли бўлиши керак. Бошқаларга етакчилик қилишга, биринчи галда, ҳалол ва диёнатли, халқпарвар инсонлар танланмаса, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, раҳбар ўзини тарбиялаб вояга етказган, ишонч билдириб юқори лавозимга муносиб кўрган халқига ҳалол хизмат қилиши, зиммасидаги улкан масъулиятни доимо чуқур ҳис этиши лозим. У халқ олдида, юрт олдида жавобгар эканини унутмаслиги керак. Президентимизнинг “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойили барча бугиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши зарур.

Учинчидан, раҳбар қўл остидаги тажрибали, ўз ишининг билимдони бўлган мутахассисларга таяниши, жамоанинг фикрига асосланиб хулоса чиқариши керак. Бугунги раҳбардан барча соҳаларни яхши билиш, иқтисод, ахборот технологиялари, ҳуқуқ, сиёсат ва маънавият илмларидан хабардор бўлиш, янги инновацион технологияларни ўзлаштириш талаб этилмоқда. Шу боис ҳам у доимо изланиб, ўз билим ва малакасини юксалтириб, янгича тафаккур тарзига эга бўлиши лозим.

Тўртинчидан, раҳбарнинг иш услуби ва у қабул қилган қарорлар фаолият самарадорлигига хизмат қилиши керак. Раҳбар бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усулларида воз кечиши, расмийчиликка берилмаслиги муҳим. Кимларгадир яхши кўриниш, мақтаниш учун қилинган иш кўзбўямачилик бўлиб, фақат салбий оқибатларга олиб келади.

Бешинчидан, ҳар қандай раҳбарда ташаббускорлик, қатъият ва талабчанлик бўлмоғи шарт. Талабчанликни зўравонликка, қатъиятнинг манманликка айлантириш ўта калтабинликдир. Бундай иллатлар раҳбарни

зам равишда касбий маҳоратини ошириб бориши лозим.

Раҳбарлик фақатгина ваколат, мансаб ёки лавозим бўлиб қолмай, балки улкан масъулиятдир. Етакчилик, ҳалоллик, самимийлик, ҳурмат-эътибор, қатъият, ишонч, камтарлик, меҳнатсеварлик ва қўл остидагиларга ғамхўрлик кабилар ҳам раҳбарнинг зарур хусусиятларидандир.

Бунинг учун раҳбарлик вазифасига тайинланган ҳар қандай шахс нафақат ўз ишини яхши билиши, балки етарли билимларга эга бўлиб, жамоасига, жамиятга ва давлатга садоқат билан хизмат қилиши, доимо халқ билан ҳамнафас яшаши керак. Ватанга ва бурчга садоқат эса, сўз ва иш бирлигида кўринади. "Давлат раҳбарлару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қудратлидир", деган эди улуғ бобомиз Амир Темур.

Таҳлиллар ва кузатишлар шуни тасдиқлайдики, раҳбар атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан ва ташаббускор ходимлар кўп бўлса, бундай жамоада муҳит ҳам соғлом, ходимларнинг ишчанлик кайфияти ҳам юқори бўлади. Раҳбар маънавияти фаолият самарадорлиги ва жамоанинг маънавий-ахлоқий жиҳатларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб, етакчининг иқтидори жамоа муваффақиятини таъминлайди.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, жамоа ютуқларининг саксон фоизи раҳбар ташкилотчилигига, қолган йигирма фоизигина ходимларнинг салоҳиятига боғлиқ экани исботланган.

Раҳбарларга қўйиладиган қуйидаги маънавий мезонлар эса, етук шахсни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан, ҳар бир раҳбар, аввало, кўнгли очиқ, қалби тоза, ақл-заковат соҳиби, юксак салоҳиятли бўлиши керак. Бошқаларга етакчилик қилишга, биринчи галда, ҳалол ва диёнатли, халқпарвар инсонлар танланмаса, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди.

Иккинчидан, раҳбар ўзини тарбиялаб вояга етказган, ишонч билдириб юқори лавозимга муносиб кўрган халқига ҳалол хизмат қилиши, зиммасидаги улкан масъулиятни доимо чуқур ҳис этиши лозим. У халқ олдида, юрт олдида жавобгар эканини унутмаслиги керак. Президентимизнинг “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойили барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятида асосий қоидага айланиши зарур.

Учинчидан, раҳбар қўл остидаги тажрибали, ўз ишининг билимдони бўлган мутахассисларга таяниши, жамоанинг фикрига асосланиб хулоса чиқариши керак. Бутунги раҳбардан барча соҳаларни яхши билиш, иқтисод, ахборот технологиялари, ҳуқуқ, сиёсат ва маънавият илмларидан хабардор бўлиш, янги инновацион технологияларни ўзлаштириш талаб этилмоқда. Шу боис ҳам у доимо изланиб, ўз билим ва малакасини юксалтириб, янгича тафаккур тарзига эга бўлиши лозим.

Тўртинчидан, раҳбарнинг иш услуби ва у қабул қилган қарорлар фаолият самарадорлигига хизмат қилиши керак. Раҳбар бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усулларида воз кечиши, расмийчиликка берилмаслиги муҳим. Кимларгадир яхши кўриниш, мақтаниш учун қилинган иш кўзбўямачилик бўлиб, фақат салбий оқибатларга олиб келади.

Бешинчидан, ҳар қандай раҳбарда ташаббускорлик, қатъият ва талабчанлик бўлмоғи шарт. Талабчанликни зўравонликка, қатъиятнинг манманликка айлантириш ўта калтабинликдир. Бундай иллатлар раҳбарни



яхши мутахассис кадрлар ва самимий инсонлардан узоқлаштиради.

Олтинчидан, раҳбар қўл остидагиларни таниш-билиш ва маҳаллийчилик ҳамда шахсий садоқатига қараб танламаслиги лозим. У жамоадаги яхши мутахассисларни қадрлаши, уларнинг хизмат фаолияти давомида орттирган бой амалий тажрибаларидан унумли фойдаланишга интилиши керак.

Еттинчидан, раҳбар турли мақтовлардан боши айланиб, “доҳий”лик касалига чалиниб қолмаслиги муҳимдир. Акс ҳолда, бундай раҳбарлар атрофида фақат ўз манфаатини ўйловчи “маслаҳатгўйлар”, амалпараст, лаганбардор, оддий одамларга зулм ўтказувчилар тўпланиб қолади. Ифво, туҳмат ва ҳасадгўйлик эса, жамоада маънавий муҳитнинг бузилишига сабаб бўлиб, парокандаликни юзага келтиради.

Саккизинчидан, раҳбар адолатсизликка асло йўл қўймаслиги лозим. Ҳар бир ишда одиллик билан қарорлар қабул қилиши, қўл остидагиларга нисбатан ҳурмат билан қараб ҳолисона муносабатда бўлиши керак. Адолат – раҳбарликнинг энг олий талабларидан бири. Шу ўринда буюк Соҳибқирон бобомизнинг “Куч – адолатда” деган ҳикматли сўзларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Тўққизинчидан, раҳбар ўз шахсий ҳаётида ҳам бошқаларга намуна ва ибрат бўлиши, соғлом турмуш тарзига риоя қилиб, турли зарарли одатлардан холи бўлиши зарур. У нафс балосидан сақланиши, қўл остидагиларни ҳам таъмагирлик ва лоқайдлик каби турли иллатлардан асрашга интилиши керак. Ўзини бошқара олмаган инсон ҳеч қачон бошқаларни идора қила олмайди.

Ўнинчидан, раҳбарнинг барча ишлари очиқ ва ошкора бўлиши лозим. Унинг вақти-вақти билан жамоа олдида ҳисобот бериб туриши раҳбарлик фаолиятига

фақат обрӯ келтириб, атрофдагиларда унга нисбатан ишончни оширади.

Бундан ташқари, раҳбар ўз гоёси ва ҳаракат дастурига эга бўлиб, бошқаларни ҳам шу йўлдан бошлаши, ягона мақсад атрофида бирлаштириши муҳим аҳамиятга эга.

Ходимлар билан ўзаро муносабатларда етакчи инсон дунёқараши, маданияти ва муомаласи билан бошқаларда ўзига нисбатан ҳавас уйғотиши, раҳбарлик ва маънавият омилларининг ўзаро боғлиқлигини эътиборда тутиши лозим.

Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимлар томонидан меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилинишига талабчан бўлиши, уларга юксак касбий маҳорат, қонунийлик ҳамда қасамёдга содиқ қолиш борасида намуна кўрсатиши, ташаббус ва интилишларини рағбатлантириши, шунингдек, хизмат интизомини бузувчи ҳамда бошқа салбий ҳолатлар содир этишга мойил ходимларга нисбатан мурасасиз бўлиши зарур.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жамиятимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислохотларнинг нечоғли муваффақиятли амалга оширилиши, бутун ҳар бир бўғиндаги раҳбарнинг масъулияти ва кундалик фаолиятига бевосита боғлиқ. Шундай экан, раҳбарнинг фаолияти Ватан тараққиёти, мамлакат келажаги, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига йўналтирилган бўлиб, чинакам раҳбар одамларнинг кўнглига йўл топиб, атрофдагиларни эзгуликка, яхшиликка, янгилик яратишга даъват қилади.

Энг муҳими, ўзи ҳам бу йўлда бутун борлигини, бор билим ва салоҳияти, куч-гайратини ишга солиб, жамият истиқболи учун фидойилик ва садоқат билан, виждонан хизмат қилмоғи лозим. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, “Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етак-



чи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади. Барча бўғиндаги раҳбарлар ўзининг одоб-ахлоқи ва маданияти билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиши зарур”.

Лидерлар канали аъзоси Р.Ҳотамов тайёрлади.

Қайдлар учун:

➤ Мен нимани тушундим: _____

➤ Менга ёқди: _____

➤ Хулоса: _____

ЎН БЕШИНЧИ МАҚОЛА

СИЗ ЎЗИНГИЗГА ИШОНАСИЗМИ?

Муваффақиятли инсонлар нима учун ўзига бўлган ишончини кучайтиришга ҳаракат қиладилар? Ўзига бўлган ишонч инсонга нима беради? Ишонч шунчалик зарурми?

Бундай инсонлар бошқаларга қараганда кучлироқ кўринишади. Одамларнинг диққат эътиборида бўлишади. Ишонч инсонга куч ва қудрат бериб, қўрқувни йўқотади ҳамда одамнинг заиф томонларини енгишга ёрдам беради.

Ўзига бўлган ишонч инсоннинг фикри ва ҳаракатлари тўғри ҳамда оқилона эканлигини тасдиқлайди.

Ўзига бўлган ишончи йўқ одамнинг эса тўғри қарори ҳам ўзи учун шубҳа туғдиради. Шубҳаларига берилиб, бунга бошқаларни ҳам ишонтиришга уринади.

Ишонч мақсад сари қатъият билан курашишга ундаб, инсон йўлидаги тўсиқлар ва қийинчиликлар олдида ўзи эришишни орзу қилганига қўл силтамасликка ундайди.

Ўзингизга бўлган ишончни қандай шакллантиришингиз мумкин: ўз мақсад ва принципларингизни англаб олиш, мақсадни фақат хаёл қилиш билан чекланмай, балки уни амалга оширишга ҳаракат қилиш, ўз соғлиғингиз ва ташқи кўринишингизга эътибор бериш, шахсий ривожланиш, спорт билан шуғулланиш, салбий фикрлашни йўқотиш, яхши одатларни шакллантириш, дўст орттириш, яхшиликлар қилиш орқали кучайтириш мумкин.

Ҳаётда қайси соҳада ишлашингиз ва кимлигингиздан қатъи назар, муваффақият ва ғалаба қозониш учун ўзингизга бўлган ишонч жуда муҳим саналади.

Спортчи рингга чиқишидан олдин фикран ва руҳан ғалабага тайёр бўлса, ўзида ғолиб инсон юрагини

ёқса, албатта ғалаба қозонади. Нега омадсизлар ғалаба қозона олишмайди, сабаб улар кураш бошидаёқ руҳан ўзларини мағлуб этишади.

Спортчи ғалабасининг 90 фоизи унинг руҳан тайёрлигига, атига 10 фоиз қисми жисмоний ҳолатига боғлиқ экан.

Омадга тайёрланиш – бу аффирмация деб аталади ва уни такрорлаш ёрдамида онгни, хаёллар ва кайфиятни ўзгартириш мумкин. Бошқа сўз билан айтганда бу ўз-ўзини ишонтириш, демакдир.

Ўткир Абдукаримов

ИККИНЧИ БЎЛИМ

“7 саволга 7 жавоб”

Хурматли китобхон, сиз ушбу нашримизда “Лидерлар” телеграмм каналимизнинг “7 саволга 7 жавоб” рукни орқали бериб борилган савол-жавоблар кўринишидаги ажойиб суҳбатларимиз матни билан танишингиз мумкин.

Каналнинг ушбу рубрикасини ҳеч иккиланмай, ўзига хос креатив ёндашув, ноанаънавий изодий услуб, очиқ ва самимий мулоқот, десак ҳам бўлади.

Бунда бошловчи “Лидерлар” канали админи камина – Отабек Хасановга канал аъзолари, мухлислар ва қизиқувчи ёшлар томонидан юборилган саволлар билан мурожаат қилган.

Демак, эътиборингизга каналда видеолавҳа-интервью кўринишида ташкил этилган суҳбатларимизнинг матнини ҳавола этамиз. Ўйлаймизки, ушбу савол-жавоблар сиз учун ҳам қизиқ ва фойдали бўлади.



1-СУҲБАТ

(ОЛИБ БОРУВЧИ: ЎТКИР АБДУКАРИМОВ)

Биринчи суҳбатда берилган саволлар:

Биринчи савол: “Лидерлар” каналини очиш гояси сизда қаердан пайдо бўлди?

Иккинчи савол: “Лидерлар” каналининг келажагини қандай тасаввур қиляпсиз?

Учинчи савол: Лидер шахсига кўплаб таърифлар берилган, сизнингча, Лидер қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак?

Тўртинчи савол: Давлат бошқаруви Академияси ҳақида қисқача маълумот берсангиз?

Бешинчи савол: Менимча, кўпчилик ёшларимизни қизиқтираётган савол, яъни айти пайтда Отабек Хасанов қандай китобни ўқимоқда?

Олтинчи савол: Бугунги кунда раҳбар ходимларга қандай билим ва кўникмалар етишмаяпти? Сизнинг фикрингиз...

Еттинчи савол: Ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот берсангиз, хоббиларингиз, қизиқишларингиз...

Ў.Абдукаримов: Ассалому алайкум, Отабек ака. Сиз билан бугун “Лидерлар” каналининг янги саҳифаси – “7 саволга 7 жавоб” рубрикасининг илк сонидамиз.

Ушбу саҳифа ҳақида эълон берганимиздан сўнг каналимиз аъзолари томонидан бизга уч юздан ортиқ савол йўлланди. Албатта, иштирокчиларнинг, ёшларимизнинг фаоллиги ва қизиқувчанлиги бизни жуда қувонтирди. Биз эса янги рубрикамиз учун белгиланган тартибга мувофиқ, энг кўп йўлланган ва барча учун қизиқ деб билган саволларимиздан еттитасини танлаб олдик ва бугун шуларни сизга бермоқчимиз.

Демак, мулоқотимизни бошлаймиз.

**Биринчи саволимиз: “Лидерлар” каналини очиш
ғояси сизда қаердан пайдо бўлди ?**

О.Хасанов: Ассалому алайкум, Ўткир ака, қадрли каналимиз аъзолари!

“Лидерлар” каналини янги саҳифалар билан мазмунан бойитиш, яъни ушбу рубрикани бошлаш учун анча вақт сиз билан биргаликда тайёргарлик кўрдик.

Каналимиз аъзоларининг сони, ўқувчиларнинг қизиқиш ва эътиборлари ортиб бораётгани, албатта, мени қувонтиради. Маълумотингизга қараганда, янги рубрикамиз учун уч юздан ортиқ савол келиб тушган. Демак, кўпчиликда ушбу саҳифага ҳам қизиқиш уйгонмоқда.

“Лидерлар” каналининг ўзи мақсади ва вазифаси нима, очиш ғояси қаердан пайдо бўлди, деган саволга батафсил жавоб берсам.

2018-2019 ўқув йили учун Давлат бошқаруви Академияси тингловчилигига қабул вақтида махсус канални ишга туширдик, яъни ўқишга хужжат топширган номзодлар билан тўғридан-тўғри тезроқ маълумотлар алмашиш учун.

Натижалар эълон қилинганидан сўнг каналда 250 нафар аъзомиз бор эди ва менда бир ғоя пайдо бўлди.

Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаётган ўзгаришларни амалга ошириш, янгича фикрлаш, ишга муносабатни ўзгартириш учун, аввало, раҳбарлар ўзгариши керак. Академиядаги 60-100 нафар тингловчи билан ёки бошқа ўқитиш услуби орқали кенг масштабда бу ишни амалга ошириш жуда қийин бўлади. Тан олиш керак, бугун кўп раҳбарларимизнинг ўз устида ишлашга вақти йўқ ёки кутубхонага боришга имкон тополмайди. Шу сабаб ҳам менда шундай ташаббус пайдо бўлди – уларга ёрдам бериш керак. Яъни ҳозирги тез ўзгараётган, ахборот алмашинуви тезлашаётган давр-

да раҳбарлар, бўлажак етакчилар учун аниқ ахборот ва асосли маълумотларнинг ишончли манбалари керак.

20 йил аввал сиз бир маълумот қидириб кутубхонага боргансиз ёки 10 йил олдин уни Googleда қидиргансиз. Бугун эса, маълумотлар ўзи эшигингизни тақиллатиб келяпти, телеграмм ёки Facebookда сизни маълумотлар қувлаб юрибди. Интернетни – жуда катта Ахборот бозори, бу ердан сиз ўзингизга керак маълумотни танлаб олишингиз керак. Баъзида интернетга кирасиз-да, Facebookда икки соат вақтингиз қандай ўтиб кетганини билмай қоласиз, лекин нима манфаат топдинг, деган саволни ўзингизга беринг-чи? Менинг жавобим шу: ҳеч нарса, фақатгина вақтим кетгани ва чалғиганим қолди, холос.

Шунинг учун, энг аввало, раҳбарлар учун ушбу канални очишга қарор қилдим, олган янги билим ва кўникмаларим, янгиликларни ўртоқлашиб, ўзим фойдали деб билганларимни ўзгаларга илиниш ниятим пайдо бўлди. Чунки маънавият ва маърифат бир жойда туриши керак эмас, балки у жамиятда, одамлар орасида тарқалиши, ҳаракатланиши керак.

Билсангиз, менинг мақсадим – ушбу “Лидерлар” каналини бошқа каналлардан фарқли равишда фақатгина ахборот майдонига эмас, балки Гарвард олимлари айтганидек, бугунги кунда “Soft skills” (юмшоқ кўникмаларни) “Hard skills” (қаттиқ, яъни фундаментал кўникмалар)га нисбатан раҳбарларнинг ўсишига, натижадорлигига кўпроқ ёрдам берувчи фойдали манбалар маконига айлантириш.

Савол туғилади, бу “Soft skills” қандай кўникмалар? Бу инноваторлик, коммунакабельник, лидерлик, тизимли фикрлаш, тез қарор қабул қила олишдир. Де-

мак, биз ушбу канални айнан мана шундай хайрли мақсадларда, жамиятимизда илғор фикрли раҳбарлар, лидерлар ва етакчи ёшларни кўпайтириш ҳамда уларда “Soft skills”ни ривожлантириш учун ташкил этдик.

Ў.Абдукаримов:

Иккинчи саволимиз: “Лидерлар” каналининг келажагини қандай тасаввур қиляпсиз?

О.Хасанов: Биласизми, ҳарбийларда бир яхши гап бор: “Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар аскар эмас”. Давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович таъкидлаганларидек, ҳамиша маррани баландроқ олиш керак.

Сизнинг мақсадингиз ва маррангизга қараб, ҳаёт йўлингиз ҳам шундай белгиланади. Пауло Коэльонинг “Алкимёгар” асари бош қаҳрамони Сантьяго мақсад қўйишдан ва, энг муҳими, мақсад сари юришда мағлубиятга учрашдан асло қўрқмайди. Инсон ўз олдига улкан мақсадларни қўйиши керак. Агар “менга шу ҳам бўлаверади”, деб бир хонада ўтираверсангиз, ёруғликка ҳам чиқа олмай қоласиз, сиз тоғни мақсад қилиб олинг, шунда сиз камида қирга чиқасиз, қирни мақсад қилиб олинг, тепаликка чиқасиз, тепаликни мақсад қилиб олсангиз, адирликка чиқасиз. Агар адирлик ҳам менга бўлаверади деб мақсад қилсангиз хонангиздан, яъни жойингиздан қимирламайсиз.

Демак, мақсадим шундан иборатки, каналга бутун Республикамиздаги ўзини келажақда Лидер, деб билувчи, мақсади Ўзбекистонимиз манфаати ва ривожланиши йўлида хизмат қилиш бўлган инсонларни аъзо қилиш. Уларга бутунги кунда ривожланган мамлакатларда раҳбарларга берилаётган замонавий билим ва кўникмаларни таҳлил қилиб етказиш. Нима учун?



Чунки Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга мурожаатномасида ҳам алоҳида таъкидлади:

“Агар биз катта ўзгариш қилмоқчи бўлсак, аввало, ўзгариш халқдан бошланмаслик керак, ўзгариш ҳар бир раҳбар тафаккуридан бошланиши керак. Агар онг ўзгармаса, сизга ҳар қандай шароитнинг ҳам фойдаси йўқ...”

Онг ўзгарса, сизнинг фикрингиз, дунёқарашингиз ўзгарса, ана шунда сиз креатив фикрлашга ўтасиз. Инновация нима, бу – креатив фикрлаш. Креатив фикрлаш нима? Бу – ностандарт ғоя. Ностандарт ғоя нима? Бу – мақсадга йўналтирилган фикр. Фикр нима? Онг маҳсули. Шунинг учун биз, авваламбор, раҳбарларга тўғри фикрлашни ўргатишимиз керак.

Тўғри фикрни биттасини ушлаб, унга мақсад қўйинг, у яхши ғояга айланади, сизгача қилинган ишга бошқача ёндашув қилинг, бу креативлик бўлади, уни реализация қилинг, бу инновация бўлади. Шунинг учун бугунги кундаги мақсадим ҳар бир канал аъзоси, ўзига янги билим ва кўникма олиши, янги маълумотга эга бўлиши ва дуч келган ахборотни эмас, балки ўзини раҳбар сифатида, лидер сифатида ўсишига хизмат қиладиган ахборотларни олиши ва фойдаланиши учун имкониёт яратиш. Албатта, мақсад қўйганман, келажақда каналимиз аъзолари сонини ўн минг, йигирма минг, ўттиз-эллик мингга кўпайиши учун ҳаракат қиламан. Шулардан учтаси кўчада кўриб қолиб, менга “сизнинг каналингизда мана бу янгиликларни ўқиганимдан кейин ўз ишимда, шахсий ҳаётимда қўладим, фаолиятимда ижобий ўзгариш бўлди ёки энди ишга мутлақо бошқача ёндашув қиляпман, буни одамлар ҳам, қўл остимдаги ходимлар ҳам сезишяпти, деса, мақсадимга

етган бўламан. Мақсадим оддий – халқ ўзига хизмат кўрсатаётган давлат ташкилоти раҳбарини ёки ходимини ўзгарганини сезса ва бу ўзгаришда “Лидерлар” каналининг оз бўлса-да, ҳиссаси бўлса, демак, биз мақсад сари тўғри йўлдамиз.

Ў.Абдукаримов:

Учинчи саволимиз: Лидер шахсига кўплаб таърифлар берилган, сизнингча, Лидер қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак?

О.Хасанов: Яхши савол, кўпчилик менга савол беради, нима учун канални “Лидерлар” деб номлагансиз, деб. Сабаби, охириги 5 йилда ривожлаган мамлакатлар бошқарув тизими ёки катта компанияларнинг фаолиятига назар солсак, “Лидер” сўзи билан боглиқ. Авваллари “Раҳбар”, “Директор”, “Босс” каби терминлар ишлатилган, кейин “Менежер” сўзи, бугунги кунда эса “Лидер” сўзи кириб келди, буни инглизча сўздан олингани ва “етакчи” деган маънони англатишини кўпчилик билади. Агар бунга ўзимнинг таърифимни берадиган бўлсам, лидер ким?

Аслида, бизнинг ота-боболаримиз, шарқ мутафакирлари ёзиб қолдирган маълумотлар ғарб олимлари томонидан чиройли кўринишда ўзимизга тақдим қилиняпти. Биз эса “вой, зўр маълумот экан”, деб ҳайратда қолмоқдамиз.

Лидер кимлигига Форобий бобомиз Х асрдаёқ таъриф бериб қўйган, яъни “Фозил одамлар шахри” аса-рида давлатни фозил инсонлар бошқариши жоизлиги, улар 12 та хислатга эга бўлиши кераклигини таъкидлаган. Булар нафсини тия олиши, ёлғон гапирмаслиги, соглом бўлиши, нутқи равон бўлиши, ўзгаларни ишонтира олиши, мақсадни тўғри қўя олиши каби фазилатлардир. Форобий бобомиз айтадики, агар бир кишида

бундай хислатлар бўлмаса, шаҳарни бошқарадиган 3-4 кишида бу хислатлар бўлса, яхши бўлади, дейди. Бунинг амалий исботини бугунги кунда биз вилоят ва туман (шаҳар)ларда ташкил этилган 4 та секторда ҳам кўришимиз мумкин. Ёки Амир Темури бобомизнинг “Темур тузуклари” китобини оладиган бўлсак, унда ўзидан кейинги авлодлари қандай бўлиши кераклиги, Лидер сифатида ўзини намоён қилувчи фазилятлар ва Давлатни қай усулда бошқариш лозимлигига тўхталган. Булардан биринчиси, адолат ўрнатишдир. Амир Темури бобомиз, ижтимоий адолатни ўрнат, ижтимоий адолат бор жойда сенга ҳурмат бўлади, деб таъкидлаган.

Иккинчиси, қонун устуворлигини таъминла, деган, чунки либерал бўлиб ҳаммага эркинлик берсангиз, қонунга ҳеч ким бўйсунмаса, ривожланиш бўлмайди, бобомиз, шундай қилгинки, қонун устуворлиги аниқ бўлсин, деб таъкидлаган. Шунингдек, қарор қабул қилаётганда ҳар доим халқнинг фикрини инобатга олгин, деган. Яъни сиз пастда нима бўлаётганини билишингиз керак. Амир Темури айтади, менинг қонунларим қаерда бўлса, мен ўша ерда мавжудман.

Лидер ким? У ҳурматга сазовор бўлган инсон, унга халқ ишонади. Лидер деганда мен учта сифатга эга раҳбарни айтган бўлардим. Биринчиси, ишонч. Агар сиз ташкилотни бошқараётган раҳбарга ишонч билдирсангиз, сиз унга ишонасиз, у сизни қаерга олиб кетяпти, унинг мақсадини биласиз, унинг қилаётган иши натижадорлигига ишонасиз.

Иккинчиси ташаббускорлик, баъзи инсонлар ташаббус кўрсатишга қўрқишади, яъни “ташаббус жазоланади” (инициатива нақазуема), билмадим, балки бу авлоддан авлодга узоқ йиллардан ўтиб келаётган стере-

отипдир. Ғарб олимларининг таҳлилига кўра, кўп совет даври мустамлакасида бўлган мамлакатлардаги давлат хизматчиларининг энг катта муаммоларидан бири бу раҳбарларда ташаббускорлик етишмаслигидир, яъни “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилида иш тутиш. Раҳбар бўлдингми, ташаббус кўрсат, излан, интил. Сени давлат бекорга раҳбар қилмади, сенга халқ бекорга ишонмади, энди сен янги ташаббус, янги ғоялар билан чиқ. Агар сен йўлни шунчаки давом эттирадиган бўлсанг, сени нега раҳбар қилиб қўйди унда ёки аввалги раҳбардан нима фарқинг бор?!

Демак, ҳақиқий муносиб Лидер раҳбар ташаббускор бўлиши керак, ташаббус қилишдан қўрқмаслик керак.

Учинчиси, Лидер узоқни кўра олиш керак, у эртадан кейин нима бўлишини билиши керак. Ҳар бир раҳбар ўзига: “мен бутун оддий корхона раҳбариман, 1 йилдан кейин ўзимни қаерда кўряпман, бу корхона фаолияти агар шундай давом этса, 3 йилдан сўнг қандай натижага эришади, 5 йилдан кейин-чи?” деб савол бериши керак

Мен агар шу тизимни ривожланишини узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқа олсам, демак, мен Лидерман. Лидер мана шу учта кўникмага яъни “Soft skills”нинг белгиларига эга бўлиши керак.

Ў.Абдукаримов:

Тўртинчи савол: Давлат бошқаруви Академияси ҳақида қисқача маълумот берсангиз?

О.Хасанов: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясида бир неча йилдан бери фаолият олиб бораман, бу ерда турли лавозимларда ишладим, лекин “Лидерлар” канали Академиядан айро, яъни бу канал сиёсий фанлар бўйича PhD доктори Отабек Хасановники.

Канални ўзимнинг ҳозирги докторлик ишим - “Раҳбар кадрларда замонавий компетенцияларни шакллантириш” масалалари билан боглиқ илмий-иждодий изланишларим маҳсули десам бўлади.

Академияда магистратура 1 йиллик (кундузги, ишдан ажралган ҳолда), магистратура 2 йиллик (сиртқи, ишдан ажралмаган ҳолда) ўқув дастурлари, шунингдек, 4 ойлик (кундузги, ишдан ажралган ҳолда) ва 10 ойлик (сиртқи, ишдан ажралмаган ҳолда) курслар мавжуд.

Яна бир асосий масалага ойдинлик киритиб кетмоқчи эдим, яъни Академияга ўқишга кириш тўғрисида. Мен фақат бундан аввалги ўқув йилига бўлган кириш имтиҳонлари ҳақида маълумот бера оламан. Сабаби ҳар йили Президент қарори билан кириш имтиҳон шартлари ва қабул квоталари белгиланади. Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги 5139-сонли Фармонида биноан, магистратурага номзод 40 ёшдан ошмаган, базавий олий маълумотга ва камида 2 йил бошқарув иш тажрибасига эга бўлиши даркор. Албатта, номзодлардан белгиланган тартибда ҳужжатлар ҳамда иш жойидан тавсиянома ҳам талаб этилади.

Аввал жойларда номзодларни дастлабки саралаш ташкил этилади, кейинчалик эса Академияда тест ва суҳбат ўтказилади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган тингловчиларнинг бутун ўқиш даври мобайнида асосий иш жойи бўйича эгаллаган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади.

Магистратурани муваффақиятли тамомлаганингиздан сўнг 5 йил давомида Академия тингловчиси бўлганингиз учун 20 фоизгача ойлик иш ҳақига қўшимча тўлов (надбавка) олиб турасиз. Кириш имтиҳонларига тўхталсак, аввалги йилларни тажрибасидан мисол келтираман, бу йилгиси ҳали эълон қилинмади, 3 та имтиҳон, биринчиси ўша жойлар-

да суҳбат бўлади, ҳужжатлар ўрганилади, ундан сўнг биринчи имтиҳон Ўзбекистон тарихидан ва IQ салоҳиятингизни аниқлаш учун тест бўлади, ўтин балини тўплаганингиздан сўнг (35 балл), иккинчиси суҳбат ва муаммоли вазиятларга қандай ечим бера олишингиз бўйича савол-жавоб ўтказилади. Бошқарув компетенциялари бўйича Академия профессор-ўқитувчилари, амалиётчи мутахассислар, Президент Администрацияси ходимлари иштирокида суҳбат бўлади. Шундан сўнггина яхши натижалар билан муносиб деб топилган номзодлар Академияга тингловчиликка қабул қилинади.

Ў.Абдукаримов:

Бешинчи саволимиз: Кўпчилик ёшларимизни қизиқтираётган савол, яъни айни пайтда Отабек Хасанов қандай китобни ўқимокда?

О.Хасанов: Биласиз, kun.uz сайтида “Миядаги кинотеатр” номли мақолам чиққанди, буни мен анча олдин ёзганман, биринчи бўлиб буни “Лидерлар” канали аъзолари ўқиган. Шунда нима учун китоб ўқишимиз кераклиги ҳақида ёздим, каналимизда берилиб борилаётган “Ҳамма ўқиши шарт” рубрикамининг кўп сонларида айнан ўзим бошимдан ўтказган воқеаларни ёзаман. У ердаги “Гарсияга мактуб” билан “Элчи” бундан мустасно. Ўша “Миядаги кинотеатр” ҳам хорижий сафарларимнинг бирида ўзим гувоҳи бўлган суҳбат, воқеалар асосида ёзилган. Ҳар сафар хорижий давлатларга борганимда уларнинг китобга бўлган ҳурмати ва китобхон учун яратилган имкониятларни кўриб ҳайрон қоламан. Метро, трамвай, вокзалларда, албатта, бурчакда битта китоб жавони бор. Мен бу нарсани Европанинг исталган мамлакатларида, Сингапурда, Жанубий Кореяда ва Малай-

зияда кўрдим ва ҳайрон қолдим. Ўз-ўзидан савол туғилади, нега улар китобга бунчалик кўп эътибор беришади?

Мен ҳам ёшлигимдан кўп китоб ўқиганман. Фақат нима учун доим китоб ўқишимиз керак, деган саволга ўзим хоҳлаган жавобни ололмаганман.

Ана ўша кинотеатр воқеаси ўзимни ҳам таъсирлантирган ва ҳар йили ўзимга режа қўяман, яъни ўзимнинг “кинотеатр”имни 3D қилиш учун.

Йил бошида бир йил давомида ўқимоқчи бўлган китобларим рўйхатини тузиб чиққанман. Дуч келган китоб ўқилмайди, режам бўйича ойига битта ёки бир яримта китобни тугатишни мақсад қилганман. Шунда йил охиригача 13 та китоб ўқиб чиқмоқчиман.

Ҳозирда Ҳамдам Содиқовнинг “Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати” асарини ўқияпман. Бу китобни аввал ҳам ўқиганман. Амир Темур шахси шундай куч ва тафаккурга эгаки, у ҳақида ҳар сафар ўқиганингизда ёшингизга мос равишда янги фикрлар ва маълумотлар олаверасиз. Китобни ўқиш давомида раҳбарлар билиши лозим бўлган янги маълумотларни олдим. Оддий мисол, бобомиз Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида бутун АҚШнинг Гарвард университети олимлари илмий тадқиқот олиб боришяпти, бу ҳақда ажойиб мақола ёзишиб, бутун дунёга тақдим қилишяпти.

Амир Темур шундай деган: “**Ҳар қандай қарор қабул қилишингда, камида сенда шу ишни қилиш учун учта асос (факт) бўлсин**”. Демак, “Учта асосинг йўқми, уни қабул қилма, хато қилиш эҳтимолинг юқори бўлади”, деб таъкидлаган.

Бугунги кунда аналитиклар (таҳлилчилар)да битта гап бор, сен тезис (фикр, хулоса) чиқаришда учта фактга ҳар доим асослан, агар улар бўлмаса, тезис чиқаришга шошилма.

Келинг, буни оддийроқ қилиб тушунтираман, тасаввур қилинг, мен тезис айтаман, дейлик, Ўтқир ака инглиз тилини яхши ўрганибди. Бу менинг тезисим, мен ҳали сиз билан гаплашиб кўрмадим, бундай фикр юритишим учун менда фактлар бор, булар Ўтқир ака охирги икки ойдан бери инглиз тили курсларига қатнаётганини ҳужжатда кўрдим, бу биринчи аргументим. Иккинчиси, Ўтқир ака ҳар куни дарсдан кейин Conversation clubга бораётганини билдим, яъни суҳбатлашяпти. Учинчиси, у кеча имтиҳон топширган эди, имтиҳондан ўртача яхши балл олди. Демак, 3 та факт - ҳужжатни кўргандан кейин, мен тезис хулоса чиқаряпман. Ўтқир аканинг инглиз тилини билиш даражаси анча яхшиланибди. Ҳали сиз билан гаплашмадим, гаплашиб кўрганимдан кейин тўртинчи факт бўлади.

Мен элементар мисол келтирдим, энди тасаввур қилиб кўринг, айнан мана шундай қарашларимизни бошқарув соҳасига ҳам олиб чиқсак. Қарор қабул қилишда нега бу ишни қилишимиз керак – 1-факт, 2-, 3-... Агар биз асосли қарор қабул қилишни ўргансак, эртага, Амир Темур бобомиз таъкидлаганидек, хатолар камаяди. Бунга кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Яқинда менга бир яхши китоб совға қилишди, Дубай амири Муҳаммад ибн Рашид Ал-Мактумийнинг “My Vision” деб номланган асари экан. Ҳозир шу асарни ҳам ўқияпман. Бу китоб қандай қилиб узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш, келажакни қандай тасаввур қилиш, энг муҳими, стратег бўлиш ҳақида. Мисол учун, 40 йил аввал ҳеч ким БАА ва Дубайни бу даражада ривожланиб кетишини тасаввур ҳам қила олмаган. Ибн Рашиднинг отаси шундай катта ўзгаришларни амалга оширган. Бугунги кунда дунёнинг 8-мўъжизаси, деб тан олинаётган Палма оролини мисол келтириш мумкин. Бошида ҳеч ким ишонмаган, лекин бу инсон орол қанча инвестиция олиб келишини қуриш давридаёқ тасаввур қилган.

Китоб муаллифи шундай дейди: “Раҳбарнинг узоқни кўра олиш қобилияти, яъни дурбини бўлиши керак”. Сизнинг кўзингиз билан дурбиннинг фарқи бор, дурбинда мен 500-800 метрдаги нарсани бемалол кўра оламан. Сизнинг кўзингиз билан 200 метр наридаги нарсани кўра олмаслигим мумкин. Демак, сиз раҳбар бўлсангиз, қўлингизда “My vision”, ёнингизда доимо дурбин бўлса, ора-орада сиз тўхтаб туриб, дурбин билан узоқни кўриб олиб, шунга қараб ҳаракат қилишингиз керак.

Тасаввур қилинг, сиз кема капитанисиз, орқангизда, корхонангизда 50 та ходим бор, ҳамма сиздан сўраяпти, қаерга кетяпмиз, адашиб қолмадикми, деганда, сиз ора-орада капитан каби кеманинг олдида чиқиб, дурбинда кузатиб, хавф-хатарларни олдиндан кўрмоқдасиз. Сизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатингиз асосли ва жамоа сизга ишонади.

Ў.Абдукаримов:

Олтинчи саволимиз: Бугунги кунда раҳбар ходимларга қандай билим ва кўникмалар етишмаяпти? Сизнинг фикрингиз!

О.Хасанов: Қийин савол... Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча давлат хизматчилари учун Президентимиз Шавкат Миромоновичнинг маърузаларини кузатсак, аниқ талаб ва вазифалар кўрсатиб қўйилган.

Биринчиси, бу танқидий таҳлил. Биз қилаётган ишларимиз ютуғидан ҳаволанмаслигимиз керак, чунки у чўнтагимиздаги нарса, қилинган иш, эришган натижа яхши, бўлди, тамом, уни гапирмаслик керак. Лекин қила олмаган ишларимиз, эриша олмаган натижамизни муҳокама этишимиз, ўзимизни танқидий таҳлил қилишимиз шарт.

Ўзингизга камида бешта савол беринг. Нега бу ишим юришмаяпти, қаерда хатолик қилдим, нима учун, деб ўзингизга савол беришни бошласангиз, ҳақиқат юзага чиқади. “Шум бола” киносида ҳам бой “иннанкейин-чи, иннанкейин-чи”, деб беш марта сўраганда тоқати тоқ бўлган шум бола ёлғон гапириб юборади. Яъни ичидаги бор гапи, асл сийрати юзага чиқиб кетади. Раҳбар ҳам бугун ишидан, натижасидан қоникмасдан ўзини қийнаши керак. Бўлаверади, деб тақдирга тан беришдан олдин. Демак, савол беришни, ўзини-ўзи танқид қилишни билиши шарт.

Иккинчиси, шахсий жавобгарлик – бугун ҳар бир қилаётган ишимизга жавоб беришни ўрганишимиз керак. Доим мисол келтираман, шуни яна эслаб ўтмоқчиман. 1962 йил Жон Кеннеди NASAга ташриф буюради. У ерда ҳеч ким йўқ, фақат коридор четида фаррош астойдил, иштиёқ билан пол юваётган бўлади, ўтиб кетаётган Кеннеди тўхтаб қайтиб келади ва фаррошга савол беради: “Кечирасиз, мен АҚШ президенти Жон Кеннеди бўламан, сиз нима иш қиляпсиз?” Ҳалиги фаррош шошиб қолади-да: “Ассалому алайкум, жаноб президент, мен инсоният ойга учишига хизмат қиляпман”, дейди. Мен пол ювяпман, нима қиламан энди, оиламни боқишим керак, нимадир қилишим керак, деб жавоб бермайди. Шу кичик ишига маъсулият билан ёндашиб, ўзини умумманфаат ишларига, улкан мақсадларга дахлдор деб билипти. Шу оддий фаррош аёл ўзининг кичик мақсадини давлатнинг катта мақсадига боғлаяпти.

Агар ҳар бир ҳоким, ҳар бир ташкилот раҳбари, ҳар бир декан, ҳар бир ўқитувчи қилаётган ишини чин юракдан ва маъсулият билан амалга оширса, биз жуда тез ривожланиб кетардик.

Японияга борсангиз, мактаб деворига шундай ёзиб қўйилган, “Сенинг синфнингда камида битта бош вазир ёки вазир ўтирган бўлиши мумкин. Шунинг учун илтимос, ҳурматли ўқитувчи, дарс машғулотида виждонан муносабатда бўл”.

Бу биринчи ёки иккинчи синф ўқувчилари хонасида ёзилган. У билмайдики, 20 йилдан кейин булар орасидан вазир ёки олим чиқиб қолиши мумкин. Энди тасаввур қилинг, ўқитувчи мактабда ўқувчиларга яхши билим бермади, ўз ишига виждонан ёндашмади, шулар орасидан эртага кимдир вазир бўлади, ундан халққа қандай фойда бўлиши мумкин?! Ёхуд ўша юқори лавозим эгаси ўзига таълим берган ўқитувчи меҳнатини қандай баҳолайди, болалигини қандай хотирлайди?!

Шунинг учун ҳар бир одам қилаётган ишини, мақсадини жамият ва давлатнинг умумий мақсади, умумманфаати билан боғлаши керак. Мана шу боғлиқлик, бугунги раҳбарларни, барчамизни ягона мақсад сари бирлаштириши керак. Раҳбарлар ва давлат хизматчилари раҳбариятга яхши кўриниш учун ислохотларни амалга ошириши эмас, балки халққа яхши кўринишга, халқ ишончи ва меҳрини қозонишга ҳаракат қилиши керак. Халқ ўзгаришларни бугун кутяпти – эртага эмас, бугун қорни тўйишини, уйининг томи ёпилишини хоҳлаяпти, чунки кўчада ёмғир ёғяпти, эртага эмас, бугун боласи мактабда яхши таълим олишини, бугун институтга боласини ўқишга киришини хоҳлаяпти, бугун етарли ойлик олишни хоҳлаяпти, эртага эмас!

Раҳбарлар мана шу масалаларни, халқнинг хоҳиши ва истагини эртага эмас – бугуннинг ўзида ўйлаши, бугуннинг ўзида ҳал қилиб беришни ўрганса, масала ҳал. Халқда ҳам эртага муносабат шунақа бўлади, бу раҳбарлар биз учун шунча иш қиляпти-ку, биз ҳам ни-

мадир қилайлик, дейди. Бизнинг муносабатимизга қараб улар ҳам ўзгаради. Боқимандалик кайфияти йўқола бошлайди, меҳнат, ҳаракат, интилиш ортади. Ўзаро ишонч ва ҳурмат жамият фаровонлигига хизмат қилади.

Ў.Абдукаримов:

Еттинчи саволимиз: Отабек ака, бу жудаям кўпчиликни қизиқтиради, яъни сизни танимаганлар, билмаганлар сиз ҳақингизда яқинроқ билишни хоҳлайди. Ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот берсангиз, хоббиларингиз, қизиқишларингиз...

О.Хасанов: Хоббим – спорт. Ҳар бир раҳбарда бугун яхши кўрган спорт тури бўлиши керак, яъни руҳий босим-стрессни ечиш учун. Бугун иш жуда кўп, маъсулият катта раҳбарларимизда. Мен кўзларим билан ҳақиқий ватанпарвар раҳбарларни кўриб турибман, керак бўлса, 24 соат ишлаётганларини ҳам биламан.

Ҳар бир раҳбарда стрессни тарқатадиган, чарчоқларни ёзадиган омиллар бўлиши керак, лекин бу спиртли ичимлик ёки ўйин-кулгу эмас.

Спорт керак ва шарт бизга бугун, ҳар бир раҳбарга! Нега, биласизми? Руҳан ва жисмонан саломатлигимизни мустаҳкамлаш учун. Биз Академия стадионида ҳафтада бир-икки марта футбол ўйини ташкил этамиз. Якшанба кuni катта теннис ўйнашга ҳаракат қиламан. Шунингдек, дам олиш кунлари кўпроқ оиламга вақт ажратишга, фарзандларим билан билан суҳбатлашиш, театрга, кутубхонага боришга ҳаракат қиламан. Оила – муқаддас. Келажак учун уйимда икки нафар Лидер (фарзандларим) тарбиялаётман. Агар телеграммдаги каналимга эътибор қаратиб, ёнимда турган кичик Лидерларимга аҳамият бермасам, бу менинг энг катта хатоим бўлади.

Биласизми, Лидерда шавқ бўлиши керак, сиз ҳамма нарсани иштиёқ билан қилишингиз керак, футбол



уйнаёпсизми, унда иштиёқ билан футбол уйланг. Уйда баъзида таом пишириб тураман, албатта, иштиёқ билан. Эркак кишиларнинг овқати нима учун аёл киши-никидан ширин чиқади? Сабаби овқат тайёрлаш – аёл кишининг кундалик иши, қолаверса, у бир вақтнинг ўзида уч-тўртта юмушни бажаради, эркак киши таом пишираётганида эътибори фақат шу ишда бўлади, иштиёқ билан тайёрлайди ва натижада овқати ширин чиқади. Ҳамма нарсада иштиёқ бўлиши керак, ишхонадаям бугун мен шу ишни сифатли бажараман, деган кайфиятда ишлаш керак.

Генри Форд айтганидай, “Ҳар куни ишга хурсанд бўлиб келадиган ва уйига шошилиб, хурсанд бўлиб кетадиган инсон энг бахтли инсондир”.

Қолаверса, саломатлигингиз жойида бўлсагина, ҳаммаси яхши бўлади. Сиз фақатгина ақлий эмас, жисмонан ҳам бақувват бўлишингиз керак. Тасаввур қилинг, сиз ақлан салоҳиятлисиз, кунига 10 талаб китоб ўқийсиз, лекин соғлом эмассиз, кўринишингиз нимжон, демак, сиз Лидер эмассиз. Лидер ҳам жисмонан, ҳам ақлан, ҳам маънан бақувват бўлиши керак. Ҳақиқий Лидер бўлиш эса албатта, ўз қўлингизда, ҳаммаси ўзингизга боғлиқ.

Қайдлар учун:

➤ Қайси жавоб кўпроқ сизга маъқул келди: _____

➤ Сизга маъқул келган фактлар _____

➤ Хулоса: _____

2-СУҲБАТ

Иккинчи суҳбатимиз Жанубий Кореяга 14 кунлик хизмат сафаримиз давомида барчамиз учун яхши таниш бўлган “Сарой жавоҳири” сериалининг монтаж ишлари олиб борилган студияда бўлиб ўтди. Суҳбатимиз Корея сафари таассуротларига бағишланди.

Иккинчи суҳбатда берилган саволлар:

Биринчи савол: Корея заминига қадам қўйганингизда, биринчи кўзингизга ташланган гайриоддий, ноодатий ҳолат, вазият?

Иккинчи савол: Сафарлар дунёқарашни кенгайтиради, гўёки китоб ўқиш билан баробар, дунё кезган киши бир неча китобни ўқигандек салоҳиятга эга бўлади, дейишади. Кореяга сафарингизни нечта китобни ўқиш билан тенглаштиргандек бўлардингиз ва қандай китоблар билан?

Учинчи савол: Академия билан турдош институтга ташриф буюрдик. Дастур инсон ресурсларни бошқариш институти доирасида кечди, улар томонидан тайёрланган дастур доирасида жуда кўп учрашувлар бўлди. Сизда энг кучли таассурот қолдирган учрашувлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

Тўртинчи савол: Турдош Академиянинг ўқув жараёни билан танишиш асносида қайси омилларни Давлат бошқаруви Академиясига татбиқ этиш керак, деб ўйлайсиз? Сизнингча, ўқув жараёни сифатини ошириш учун қайси тажрибаларни қўллаганимиз маъқул?

Бешинчи савол: Корея тажрибасидан нимани ўзлаштирмаган бўлар эдингиз Ўзбекистон учун?

Олтинчи савол: Жанубий Кореяни ифодаловчи учта сифатни битта сўз билан ифодалаб беринг. Жанубий Корея бу – ...

Еттинчи савол: Савол ўрнида кўрмайсиз, Уйингизни соғиндингизми?

Суҳбатни олиб боровчи с.ф.д., доцент Нигора Умарова

Н.Умарова: Суҳбатимизнинг ўзига хос хусусияти шундаки, биз Ўзбекистонда эмас, Жанубий Кореядамиз ва, табиийки, мавзуимиз Корея сафари билан боғлиқ бўлади.

Биринчи саволимиз: Корея заминига қадам қўйганингизда биринчи кўзингизга ташланган ғайриоддий, ноодатий ҳолат, вазият?

О.Хасанов: Биринчи ҳолат, самолётдан тушиб, аэропортда юкимизни олишга келганимда, олдимга бўйи 170 см ли робот келиб “Сизга ўз хизматимни тавсия қилишим мумкинми?” деб сўрагани диққатимни тортди. У инглиз тилида, рус тилида хоҳлаган саволингизга жавоб беряпти. Ҳатто бу робот билан 5-10 дақиқа суҳбатлашдим. Бугун кўчада ҳаво қанақа, десам, мана шунақа, деяпти; охирги 10 кунлик ёки келажак 10 кунлик об-ҳавони айт, десам, дарҳол кутилаётган об-ҳавони айтяпти. Қаердан келдинг, деяпти, Ўзбекистондан, десам, 4-жойдан бориб юкингни оласан, деяпти. Яъни 10-15 та одам қилиши мумкин бўлган ишни битта робот амалга оширяпти ва барча саволларимга тўлиқ жавоб беряпти. Мана, мени ҳайратлантирган, ғайриоддий биринчи кўрган нарсам.

Инновацион ривожланган давлатга келаётганимда, бундай технологик ютуқларни кўришга албатта, тайёр эдим, лекин барибир, ўз кўзингиз билан кўриб, ҳис қилиш бошқача экан.

Н.Умарова: Ухлаши шарт эмас, овқат ейиши шарт эмас, жаҳли чиқмайди... яхши.

Иккинчи саволимиз: Сафарлар дунёқарашни кенгайтиради, гўёки китоб ўқиш билан баробар, дунё кез-

ган киши бир неча китобни ўқигандек салоҳиятга эга бўлади, дейишади. Кореяга сафарингизни нечта китобни ўқиш билан тенглаштиргандек бўлардингиз ва қандай китоблар билан?

О.Хасанов: Яхши савол. Демак, биринчиси, бу топ инновацион, давлат бошқарувида инновацияни жорий қилиш бўйича топ 10 та китобни ўқигандек бўлдим.

Иккинчиси, ўқув жараёнига алоқадор инсон бўлганим учун, замонавий педагогик технология, дарсларда интерактив усуллардан фойдаланиш, янги блендинг таълим дастурлари, E-learning (электрон таълим) тизими билан танишиб, яна 3-4 та китобни ўқиган билан тенг бўлдим.

Кейингиси, давлат бошқарувида кадрларни тайёрлаш бўйича яна янги китоб ўқигандекман ва энг қизиғи, давлат хизмати бугун яна такомиллаштириш, уни жозибадорлигини ошириш ва фуқароларга хизмат кўрсатиш бўйича ҳам янги охириги бестселлер китобларни ўқигандек бўлдим.

Н.Умарова: Фантастик китоб ўқигандек бўлмадингизми?

О.Хасанов: Ҳа, фантастик китоб ўқигандек бўлдим. Нега?! Чунки хаёлимга келмаган нарсаларни кўрдим.

Н.Умарова: Демак, нечта китоб ўқигандек бўлдингиз?

О.Хасанов: 10 тадан кўп.

Н.Умарова: Раҳмат.

Учинчи саволимиз: Академия билан турдош институтга ташриф буюрдик. Дастур инсон ресурсларни бошқариш институти доирасида кечди, улар томонидан тайёрланган дастур доирасида жуда кўп учрашувлар бўлди. Сизда энг кучли таас-

сурот қолдирган учрашувлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

О.Хасанов: Ҳар куни нимадир янгилик олдиқ, ҳар бир куним ўзгача бўлди. Биринчи учрашувим айниқса, менга жудаям маъқул бўлди, Американинг Стенфорд Университети профессори ва Жанубий Кореяда электрон ҳукуматни ривожлантириш маркази раҳбари жаноб Л.Ким билан бўлган ва унинг тўртинчи саноат инқилоби ва ушбу инқилоб пайтида бугунги давлат хизматчилари қандай янги билим ва кўникмаларга эга бўлиши тўғрисидаги уч соатдан ортиқ суҳбати менинг дунёқарашим тугул, ҳатто ўзимни ҳам ўзгартиришимга сабаб бўлди. Нима учун?

Оддий мисол, бугунги ва кечаги давлат хизматчилари орасидаги фарқни бизга аниқ кўрсатиб бера олди. Яъни 3-саноат инқилоби пайтидаги давлат хизматчиларининг вазифалари, кўпроқ стратегик даражадаги масалаларни, шароитларни яратиб бериш, мисол учун, урбанизация сиёсати бўлса, 4-саноат инқилоби даври, бу кўпроқ ҳар бир деталга эътибор бериб, халққа самарали хизмат қилиш билан боғлиқ.

Дейлик, 2000 йилларда телефон сотиб олганингизда, “Nokia 33/10” қутисида 16 варақли қўлланма чиқар эди, сиз ундан қандай фойдаланишингиз қайд этилган. 2005 йилдан буёғига смартфонлар кириб келди, ҳозир сиз смартфон сотиб олсангиз, ичида кичкинагина қоғозча бўлади. Тамом. Нимага? Бу смартфон барча нарсаларни ўзи бажаради, сиз янги дастур кўчириб олсангиз, ўзи уни юклаб олади, аралашувингизни камайтиради.

4-саноат инқилоби пайтида “Смарт бошқарув” муҳим роль ўйнайди. “Смарт бошқарув” – худди смартфон каби фуқароларни камроқ уринтириш орқали хоҳиш-истагини рўёбга чиқариш даври, дегани.

Давлатнинг бугунги кунги асосий вазифаларидан бири келажакдаги ҳукуматни “смарт ҳукумат”га айлантиришдир. Бу дегани, эндиликда фуқаролар учун яратилган хизматлар ва имкониятлар, қулайликлар баҳоланади. XX асрда давлат хизматчисига баҳо қўйганда, бу ишни қанча муддатда қилгани ва қанча харажат қилганини сўрашиб, лавозимини оширишар эди. Лекин янги даврнинг савол ва талаблари бошқача бўлади: сиз қанчалик самарали хизмат қилишингиз, одамларни қанчалик рози қила олишингиз, ўз вазифангизга қанчалар инновацион ёндаша олишингиз муҳимдир.

Шунингдек, иккинчи таассуротимни улаб кетмоқчиман. “Design thinking”, яъни дизайн фикрлаш, бу фақат битта ишни чиройли бажариш эмас, фуқароларга хизмат кўрсатишда қулайликни яратиш деганидир. Мисол учун, сиз чойни оддий пиёлада ичмайсиз-ку, ҳозирги кунда чиройли идишлар, ушлагичи қулай, бежирим, замонавий бўлган кружкаларда ичишга ҳаракат қиласиз. XX асрда асосан предметга дизайн бериларди, кўпроқ эътибор тортиши учун. Бугун эса фуқароларга хизмат кўрсатишда нафақат дизайн, қулайлик ҳам максимал даражага етиши керак.

Мисол, кружкада нега ушлагич бор, чунки қўлингиз исиб кетмаслиги учун, демак, барча фаолиятда ишга шу жиҳатдан ёндашиш, яъни одамларга қулайликлар яратиш нуқтаи назаридан қараш талаб этилади.

Яна бир оддий мисол, менга бир ролик кўрсатишди, мени таъсирлантиргани, давлат инжиниринг компанияси томонидан йўллар, йўлаклар қуриляпти. Улар қурган йўлакларни бориб кўришса, имконияти чекланган инсонлар учун ҳеч қандай қулайлик йўқ, кейин инжиниринг компаниясининг қурувчиларини ўзларини

коляскага ўтқазилди ва А нуқтадан Б нуқтагача етиб бориш топшириғи берилди. Қурувчилар юзга яқин муаммоларга дуч келади ва шунда билишдики, ҳар бир масалани ҳал қилаётганда, давлат хизматчилари ўша ҳолатга тушиб кўришлари керак экан.

Яна таъкидлайман, ҳар бир иш, хизмат натижаси инсон учун қулайликнинг максимал даражасига етиши керак. Мен ўйлайманки, эртанги замонавий давлат хизматчилари, 4-саноат инқилоби пайтида энг биринчи навбатда, **Смарт бошқарув** тизими ва услубига ўтишлари шарт. Буни Президентимиз ҳам мурожаатномада айтиб ўтдилар.

Биз кўп айтамиз, таъкидлаймиз: “Ҳамма нарса халқ учун, халқ фаровонлиги учун”, “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун”. Лекин бу таъкидларнинг амалий ифодаси қачон бўлади, қачонки халққа мутлақо қулайлик яратилса, ҳар бир иш, ҳар бир соҳа бир-бирига боғлиқлигини, ҳамкорлигини билса, бир-бирини тўлдирса, бир тизимга, бир занжирга айланса. Яна бир мисол, авваллари кўзи ожиз инсонлар уйдан чиқмасди, чунки кўчага чиқиш хавфли эди, бутун кўзи ожизлар қўлига махсус смартфон программалар ўрнатилган, у айтган нуқтасигача, метрогача, чапга бурилишигача исталган манзилига етиб боришига ёрдам берапти. Келажақда бизнинг ҳам Давлатимиз ва фуқароларимиз мана шундай “Ақлли бошқарув” ва “Ақлли ҳукумат” қулайликларидан фойдаланишлари га ишонаман.

Тўртинчи савол: Турдош Академиянинг ўқув жараёни билан танишиш асносида қайси омилларни Давлат бошқаруви Академиясига татбиқ этиш керак, деб ўйлайсиз? Сизнингча, ўқув жараёни сифатини ошириш учун қайси тажрибаларни қўллаганимиз маъқул?

О.Хасанов: Биринчи тажрибани биз қўллашни бошладик, мана шу профессионал студияда деярли 20 га яқин видео маърузаларни олдик.

ННІ институтида битта нарсага эътибор бердим, стандарт маърузалар деярли ўтилмас экан. Hard Skillsлар ҳаммаси видео маъруза орқали берилар экан, ҳатто шу даражада деталлашганки, “E-learning” тизимида бир кунда юз мингга яқин давлат хизматчилари кириб фойдаланар экан. Масофавий ўқитиш тизимида, видеолар ҳам уч хил шаклда тайёрланар экан – 15 дақиқалик, 10 дақиқалик ва 4 дақиқалик микродаражада. Нима учун?

Мутахассислар 4 минутлик видеомаъруза инсон диққатини торта олади, 4 дақиқадан кейин чалғиш бошланади, дейишди, ҳатто шу деталларга ҳам эътибор беришган. Дарслар эса тингловчиларга фақат интерактив усулларда ташкил этиларкан, гуруҳларга бўлиниш, лойиҳалар устида ишлаш ва ҳоказо. Агар сиз Лидер тайёрламоқчи бўлсангиз, бу фақатгина билим беришни эмас, унинг ҳар томонлама фаоллигини ошириш талаб этилади. Барча компетенцияларни ривожлантиришга эътибор қаратилади, элементлар йиғилиб охирида у Лидер бўлади. Лидер биринчи навбатда фаол бўлиб, у дарсларда ташаббус кўрсата олиши керак. Лидер ўз фикрини эркин баён қила олиши керак.

Бизда эса классик таълим тизимида, ўқитувчи 60 минут гапириши керак, 20 минут савол-жавоб, бу ерда ундай эмас, сен Лидер тайёрлаяпсанми, 60 минут талаба-тингловчи гапирсин, сен эса ора-орада 7 минутдан 3 марта аралашиб дирижёр вазифасини бажар. Дирижёр ким? Дирижёр ҳар бир чолғу асбобини чалишни билмаслиги мумкин, лекин уни санъати шундаки, унинг борлигини ҳам, йўқлигини ҳам билмаслигингиз керак, у шундай гармония қилиши керакки, ижрочилар ўзи чалиши керак, сизнинг вазифангиз эса шу гармонияни

умумлаштириб томошабинларга етказиб бериш. Бугунги ўқитувчи ҳам тингловчиларни шундай фаоллаштириш керакки, у эртага халқнинг хизматига борганда, халқ гармонияни, ёқимли куйни ҳис қилсин.

Бешинчи саволимиз: Озгина ғайриоддий савол бўлади. Корея тажрибасидан нимани ўзлаштирмаган бўлар эдингиз Ўзбекистон учун?

О.Хасанов: Қойил. Кўпчилик тескарисини беради, нимани олиб кетасиз, деб. Уни жуда кўп сизга гапиришим мумкин, бу саволингизга эса, битта нарсани олиб кетмаган бўлар эдим. Биласизми, нимани? Ҳамма нарсага, кеча дарсда ҳам айтилдики, вақт, имконият, шароит бўлиши керак. Яъни, сиз қачон, қайси нарсани қаерда ишлатишингизни билишингиз керак. Уни олдин ишлатиб қўйсангиз, тушунмайди одамлар, уни кейин ишлатиб қўйсангиз кеч қолган бўласиз. Демак, биз ҳозир Жанубий Кореядан бирданига ҳамма инновацияни олиб кетиб қўллай олмаслигимизни англадим. Аввал онгимизда ўзгаришни, янгиликни ҳис қилишимиз керак. Мана яна оддий мисол. Тассавур қилинг, соддароқ қилиб тушунтиришга ҳаракат қиламан, машина ҳайдашни билмайсиз, мен сизга янги “феррари” олиб келиб қўйдим, унинг ичида 50 та кнопкаси бор, сиз агар уни ҳайдашни билмасангиз, сизга “феррари” нима, оддий “спарк” нима, фарқига бора олмайсиз, сиз биринчи бўлиб уни тўсиққа уришингиз мумкин. Демак, “феррари”ни бизга олиб боришдан олдин, аввал шофёрларни тайёрлаш керак, кейин инфратузилмани, яъни йўлларни.

Бозорга қандай чиқасиз, бориб дуч келган нарсани сотиб олмайсиз-ку, олдин рўйхат қиласиз, уйда сабзи бўлса, олмайсиз. Демак, Кореядан ҳам ҳамма нарсани олиб бўлмайди.

Биринчиси, олиб бўлмайдиган нарсa, оддий мисол, интернет тезлиги (5G) га ўтиб кетгани, бу ерда ҳамма хизмат кўрсатиш интернетда. Бизда эса баъзи бир ҳудудларда телефон ишламай турган пайтда, бу нарсани қандай жорий қиламиз?

Бирданига “Смарт таълим”ни ҳам ўзлаштириб бўлмайди. Демак, буларда инновацияни ва давлат бошқарувида сўнги IT технологияни қўллашни тўғридан-тўғри олиб келмаган бўлардим. Мен биринчи босқични олиб кетар эдим. Мисол, “Интернет-1” билан “Интернет-2” фойдаланиш босқичлари айна бизбоп. “Интернет-1” – бу фақат маълумот берувчи, “Интернет-2” эса бу маълумот, ахборот интерактив алмашинуви.

Бу ерда ҳар бир фуқаронинг ҳар бир хатти-ҳаракати интернет орқали рақамлаштирилган. Бизда эса бунинг учун биринчи шароит қилиш керак, мен буни олиб келмаган бўлар эдим, яъни тўғридан-тўғри ҳали биз тайёр бўлмаган ҳолатларни.

Н.Умарова: Етилмаган нарсани.

Олтинчи саволимиз: Жанубий Кореяни ифодаловчи учта сифатни битта сўз билан ифодалаб беринг.

Жанубий Корея бу - ...

О.Хасанов: Битта сўз билан эмас, битта гап билан айтишга имконият беринг.

Жанубий Корея бу – сўнги инновациялардан унумли фойдаланадиган ва ҳар бир ходими ўз иш жойида ўз вазифасини ихлос билан амалга оширадиган давлат.

Ихлос бор жойда ривожланиш бўлади. Ихлос бор жойда янгилик бўлади. Инсон ўзига, касбига ихлоси бўлса, унинг тепасида 10 та қоровул ҳам керак эмас. У

қандай ишляпти, нима иш қияпти, ишга қачон келди, нечада кетди – сўровни ҳожати йўқ, сизга ўзи инновация қилиб беради, ўзи янгилик яратади. Ресурс йўқ давлатдан ривожланган давлатга айланишига сабаб ишга муносабатда, ихлосда.

Бизда ресурс бор, бироқ ихлос кам, ихлосимизни оширсак, биз ҳам бемалол кўзланган мақсадга етиб борамиз.

Еттинчи саволимиз: Раҳмат. Охиргиси савол эмас. Савол ўрнида кўрмайсиз, Уйингизни соғиндингизми?

О.Хасанов: Жудаям, Ватаним, фарзандларимни ва ота-онамни соғиндим. Лекин олаётган билимларимнинг кўплиги, вақт тигизлиги – шулар мени озгина чалғитиб турибди. Агар бунинг акси бўлиб, вақтим бемалол бўлганда, соғинч мени янада қийнарни... Бу ердан 7 минг км узоқликда Ватан соғинчи янада бошқача бўлар экан. Мен Ватанни нега соғиняпман, бу ерда олган билимларимни тезроқ ўз юртимда амалда қўллашни хоҳлаяпман. Тезроқ юртимга борай, янгиликларни, янги билимларни тезроқ ишлатай, тезроқ кимгадир илинай деган мақсадда юрагим шошяпти. Бутунги савол-жавобимиз ҳам менимча, шу мақсадлар йўлида ташкил қилинди.

Н.Умарова: Раҳмат. Саволларимизга креатив ва аниқ, чиройли, самимий жавоб берганингиз учун. Ҳар бир сафарингиз сингари бу сафарингиз ҳам натижадор бўлишини тилаб қоламан ва бу сафар кетидан ҳам, Академияда биргаликда жамоа билан ўзгаришлар қилишимизга ва кучимиз етса, давлатимизда ўзгаришлар қилишимизга ва энг асосийси, ўзимизда ички муносабатимизда ўзгаришлар қилишимизга ишониб қоламан. Муваффақиятли фаолият тилайман.

О.Хасанов: Раҳмат. Саломат бўлинг.



Қайдлар учун:

➤ Қайси жавоб кўпроқ сизга маъқул келди: _____

➤ Сизга маъқул келган фактлар _____

➤ Хулоса: _____

3-СУҲБАТ

Ушбу саҳифамиз каналимиз аъзолари томонидан юборилган саволлар асосида тайёрланди.

Учинчи суҳбатда берилган саволлар (Савол берувчи Ўткир Абдукаримов):

Биринчи саволимиз: Орзу қилиш ва мақсад қўйиш ҳақида фикрларингиз?

Иккинчи саволимиз: Time Management ҳақида фикрларингиз.

Учинчи саволимиз: Замонавий раҳбар имижига ҳақида гапириб берсангиз.

Тўртинчи савол: Бугунги кунда ҳаётимизга “Интернет маданияти” термини кириб келди. Ёшларимизга интернетдан тўғри ва сохта маълумотларни бериб беришдан ажратишда, умуман интернетдан фойдаланишда қандай тавсиялар берган бўлардингиз?

Бешинчи саволимиз: Ҳозирги кунда олимларимиз сунъий интеллект ва роботлар устида катта ишларни амалга оширмоқда. Саволимиз яқин келажакдаги, роботлашган дунёда, ёшларимиз қайси касбларни эгаллашларини маслаҳат берган бўлар эдингиз?

Олтинчи саволимиз: Мактаб давридан ёшларимизга молияга оид кўникмаларни ўргатиб боришга қандай қарайсиз?

Еттинчи саволимиз: Кўпчилик учун бу жуда қизиқарли – Отабек Хасановнинг кун тартиби қандай?

Ў.Абдукаримов: Ассалому алайкум, Отабек ака. Сиз билан бугун “7 саволга 7 жавоб” рубрикамининг учинчи сонидамиз. Каналимиз аъзолари томонидан юборилган саволларнинг 7 тасини танлаб олдик ва бугун шуларни сизга бермоқчимиз.

Биринчи саволимиз: Орзу қилиш ва мақсад қўйиш ҳақида фикрларингиз?

О.Хасанов: Саволингиз учун раҳмат. Юнон файласуфлари таъкидлаганидек, “Мен фикрляяпман, демак, мен тирикман”. Фикрлаган, тафаккур қилган ҳар бир инсоннинг маълум бир орзу-мақсади бўлади. Орзу қилмаган, умуман, олганда мақсадсиз инсон, қўпол қилиб айтганда, бу тирик мурда. Демак, инсон ҳаёти давомида фикрлаши, ўйлаши, режалоштириши ва албатта, ўз олдига мақсад қўйиши керак. Мақсадларни қай даражада амалга ошигани эса эришилган натижа сифатида баҳоланади.

Буюк мутафаккирлар Аристотель билан Платоннинг ўртасидаги зиддият нимадан келиб чиққан? Бу материализм ва идеализм билан боглиқ баҳслашув эди. Платон ҳамма нарсанинг асоси – ғоя ва фикр, деган. Яъни оддий мисол, ушбу стулни яшашингиз учун сиз аввал уни ғоясини ўйлашингиз керак, у ғоя қанчалик мукамал бўлса, сизни стулингиз ҳам шунчалик мукамал ясалади. Сизнинг ғоянгиз қанчалик юзаки бўлса, стулингиз ҳам шундай бўлади. Бунда материализм, яъни моддият фикрдан, ғоядан кейин келяпти. Идеализмдан кейин материализм пайдо бўляпти.

Олимларнинг тадқиқ қилишича, ҳар бир инсон ўз олдига қўйган мақсаднинг умри давомида 60 фоизини амалга ошира олар экан. Тасаввур қилинг, олдингизга 5 та мақсад қўйсангиз, 3 тасини амалга оширар экансиз. 10 та мақсаддан, демак 6 тасини амалга оширингиз эҳтимоли юқори. Сизнинг фоизингиз ошади. Қанча кўп мақсад қўйсангиз, шунча кўп амалий натижалардан баҳраманд бўлаверасиз. Демак, инсон орзу-мақсадлар қилишдан тўхтамаслиги ва мақсадлари сари интилавериши керак.

Стив Жобснинг бир гапи бор: “Мен ҳар доим эрта-лаб туриб ойнага қарайман ва ўзимга ўзим савол бераман, бугунги қилмоқчи бўлган ишимни, бугун агар ҳаётимнинг сўнгги куни бўлса мен қилармидим ёки йўқми? Агар йўқ қилмасдим, десам, четга олиб қўяр эдим”.

Демак, ҳар бир кунимиз сўнгги кунимиздай бўлиш мумкин, ҳар бир кунда қилаётган ишингиз, умумий мақсадимиз билан боғлиқ бўлиши керак. Бугунги қилаётган ишингиз, эртанги, эртадан кейинги, 3-5 йил кейинги мақсад билан битта чизиқда бўлиши керак. Ва ора-орада сиз тўхташни ҳам билишингиз керак, тўхтаб қанчалик мақсадга эришдингиз, орада сарҳисоб бўлиши керак. **Режа, амал, натижа.** Бизнинг “Ҳамма ўқиши шарт” рубрикамизда режа, амал, натижа ҳақида ёзилган. Яъни режа пухта бўлса, уни амалга ошириш осон бўлади ва натижа ҳам шунга яраша бўлади. Агар режангизнинг ўзи пухта бўлмаса, иш чала бўлса, мукаммалашмаса, сиз уни амалга оширишда қийналасиз. Натижа ҳам шунга яраша бўлади. Демак, ҳаммаси режа ва мақсадни тўғри қўйиб олишга боғлиқ. Режа қанчалик мукаммал бўлса амалиёт осон кетади, мақсад, натижадорлик ва самарадорлик ошиб боради. Бир-бирига узвий боғлиқ жараёнлар.

Мен Айве Лини мисол келтирганман, у Рокфеллернинг корхонани ривожлантириш бўйича мутахассиси бўлади. У айтадики: “Ҳар бир инсон ташкилотнинг умумий қўйган мақсадини, кичик мақсадчаларга бўлиши керак. Корхонанинг катта мақсади бор, буни кичик мақсадга бўлинг ва ҳар бир ходим ўша ерда кунлик қиладиган 6 та вазифасини ёзиб борсин. Ва ҳар куни кечки пайт, эртанги кун давомида қиладиган 6 та ишингизни ёзинг ва уни ётишдан олдин мониторинг (ҳисоб-китоб) қилинг. Сизни мақсадингиз мингта бўлиши мумкин, лекин сиз мақсадингизни монито-

ринг қилмасангиз, у мақсадлар хаёлда қолиб кетаверади. Мен бугун тил ўрганаман, эртага тил ўрганаман, мен эртадан кейин ўрганаман, деб юраверасиз. Ўзингизни мониторинг қилишингиз, тил ўрганишим қандай кетаяпти, натижам қандай деб ўзингиздан сўраб туришингиз керак. Яъни режангиз билан бирга амалда мониторинг тизими ҳам ишлаши керак. Ўйлайманки, сиз шундагина мақсадларингизга эришишингиз мумкин”.

Ў.Абдукаримов: Раҳмат. Иккинчи саволимиз, юнон файласуфи Афлотуннинг бир иқтибосини келтириб ўтсак, “Арзимаган ва бефойда ишлар учун керагидан ортиқ вақт сарфлаш доно одам учун жудаям оғирдир”.

Иккинчи саволимиз: “Time Management” ҳақида фикрларингиз.

О.Хасанов: Бугунги кунда энг катта муаммолардан бири вақт. Неъматларнинг энг қиммати ҳам вақтдир. Сизнинг ишхонангизда ёки бошқа жойда вақт ўғрилари бор. Бу мажозий маънода. Давлат бошқаруви Академиясида “Time Management” бўйича Нигора Умарова тренинг ўтади, тренинга ўзим ҳам қатнашганман. Нигора опанинг бир яхши формуласи бор, доим ўша вақт ўғрилари деган терминни ишлатади, ташкилотда, ишхонангизда вақт ўғрилари бор.

Баъзида телефонингиз сизнинг вақт ўғрингиз бўлиши мумкин, бир муаммони сиз телефонда бир дақиқада гаплашишингиз ҳам мумкин ёки аксинча шуни чўзиб, кўп вақт сарфлаб, 10 дақиқа гаплашишингиз ҳам мумкин. Демак, сиз вақтингизни қадрига етишни бошласангиз, вақтингизни тўғри сарфлашни бошлайсиз. Нима учун? Сабаби, бошингизни кутарасиз – душанба, бошингизни туширасиз – шанба. 6 кунингиз қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қоласиз, нега? Чун-



ки вақт сизнинг устингиздан ҳукмронлик қияпти. Аксинча, сиз вақтингизнинг устидан ҳумронлик қилишингиз керак. Агар сиз вақтни жиловлай ололсангиз, сизда вақтингиз бўйича режангиз бўлса, бу катта ютуғингиз. Сиз бу ҳаётда уч марта яшамайсиз-ку, агар ҳар хил компьютер ўйинларидаги каби сизда учта жонингиз бўлганида, биринчи ҳаётингизни оилангизга, иккинчисини карьера қилишга, учинчисини бойлик йиғишга сарфлардим, деб айтишингиз мумкиндир.

Биз бир марта яшаймиз, демак, ҳар бирига улгуришимиз керак – ҳам оилага, ҳам ишга, ҳам ўқиш ва билим олишга. Бунинг учун сизнинг вақтингиз, графингиз тўғри тақсимланган бўлмаса, буларни бажара олмайсиз.

Демак, сизга биринчи тавсиям, мен ўзим бажарадиган одатим, ҳар куни эрталаб ишхонага келиб қиладиган ишларимни режалаштиришга 10 дақиқа вақт сарфлайман. Мана шу 10 дақиқа режалаштиришга сарфлаган вақтим эвазига 1 соат вақт бонусга ютиб оламан. Тасаввур қилинг, лотереяда нимадир ютиб оласиз-ку, худди шундай менга бонус беради мана шу 10 дақиқа.

Мен кейин мана шу 1 соатимни оиламга, тил ўрганишимга, китоб ўқишга, ўз устимда ишлашга сарфлашим мумкин.

Демак, ҳар куни 10 дақиқа вақтингизни эрталаб режалаштиришга ва кечқурун ҳисоб-китоб қилишга сарфлашингиз мумкин. Кечқурун ётишдан олдин албатта, мониторинг қилишингиз керак.

Мана бешта бармоғимиз, булар менинг, қўпол қилиб айтганда, судьяларим, ҳисоб палатаси, ҳар куни кечқурун мен уларга ҳисобот бераман. Бирин-

чиси, соғлигингиз учун нима иш қилдингиз, бу бош бармоққа, иккинчи бармоғингизга сиз ўз устингизда ишладингизми, учинчи бармоққа мисол учун, карьерда ўсиш учун нима янгиликлар қилдим, тўртинчиси, оилам ва яқинларим учун қанча вақт сарфладим, ота-онамга қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрадимми, фарзандим билан дарс тайёрладимми, аёлимга ширин гап айтдимми ва бешинчиси, тўғри овқатланиш тартибини бузмадимми...

Демак, эрталабки режа ва кечқурунги мониторинг. Агар мана шу тартибни йўлга қўя олсангиз, бошида қийналасиз, лекин бориб-бориб вақтнинг устидан ҳукмронлик қиласиз. Сўнг қарабсизки, ўзингиз билмаган ҳолатда ҳамма нарсага улгуришни бошлайсиз. Сизда ҳам 24 соат, Билл Гейтсда ҳам 24 соат, бошқа одамда ҳам 24 соат бор. Нега у ҳамма нарсага улгурияпти, сиз улгуролмаяпсиз? Унда кўпроқ эмас-ку?! Демак, сиз вақтни нотўғри тақсимлаяпсиз, вақтни тўғри тақсимлашни ўрганган кунингиздан бошлаб, ҳаётингиз ўзгаради, ўзингиздан мамнунлик ҳис қиласиз. Чунки, сиз ҳамма нарсага улгурияпсиз, футбол ўйнашгаям, ишлашгаям, ўртоқларингиз билан гаплашишгаям, кутубхонага боришгаям, китоб ўқишгаям.

Ў.Абдукаримов:

Учинчи саволимиз: Замонавий раҳбар имижига ҳақида гапириб берсангиз.

О.Хасанов: Имижология деган фан бор ўзи.

Ҳар бир шахс, раҳбар ўзининг имижини яратиши керак. Лекин имиж бу фақат кийиниш эмас, албатта кийимга ҳам эътибор бериш керак, чунки сизнинг кийимингизга қараб кутиб олишади, ақлингизга қараб кузатишади. Яъни ҳар бир раҳбар дид билан кийиниши керак.

Иккинчиси, раҳбар имижи қачон шаклланади, биласизми, баъзи биринсонлар билан суҳбатлашганингизда, ўзингизни бир олам янгиликлар олгандек ҳис қиласиз. Шундай ақлли инсон билан мазза қилиб мароқ билан суҳбатлашдим, дейсиз. Демак, инсоннинг ички ва ташқи дунёси гўзал бўлиши керак.

Имиж деганда, сиз агар раҳбар сифатида ходимларингиз олдида берган ваъдангизни бажарсангиз, жамоада сизнинг обрўингиз ошади. Сиз натижа кўрсатяпсизми, раҳбарларнинг олдида обрўингиз ошади. Демак, сизнинг жамоада имиджингиз шаклланыпти. Ишингизда юқори самарадорлик қайд этиляптими, натижа берадиган инсон ҳаммага ёқади, юқори поғонадаги раҳбарият орасида ҳам ўз ўрнингиз ва имижингизга эга бўлиб бораверасиз. Демак, сизнинг имижингиз ўз қўлингизда. Вақтни самарали бошқаришингиз, билимингизни доимий ошириб боришингиз, маданиятингизга қараб имижингиз шаклланаверади. Имиж бир кунда шаклланиб қолмайди, сиз меҳнат қилишингиз керак. Оддий мисол, сиз бир ярим соат мажлис ўтказишингиз мумкин, одамлар мажлис деса юраги безиллайдиган бўлади, 15 дақиқалик мажлис ўтказишингиз ҳам мумкин, қисқа ва самарали.

Ҳурматли ходимлар, келинлар, бугун мажлис эмас, йиғилиб, кун тартибидаги муҳим масалани муҳокама қилиб олайлик, деб 15 дақиқада мажлисни тугатамиз, деб олдиндан огоҳлантириб кўйсангиз, одамларда кайфият бошқача бўлади. Улар биладики, 15 дақиқада тугайди ва сизни диққат билан эшитади. Агар бошланганига бир ярим соат бўлса ҳам ҳалиям битта гапда чайналсангиз, имижингиз автоматик тарзда тушиб кетади.



Демак, имиж бу, Шерлок Холмс айтганидай, “Ҳамма нарсанинг элементларига эътибор бериш керак”. Шу мисолни кўп келтираман, бир кун Доктор Ватсон Шерлок Холмсдан сўрабди:

– Шерлок Холмс, қандай қилиб сиз мураккаб нарсаларни осонликча ечасиз? Буюклигингиз сири нимада?

– Буюклигим сири, мен ҳар бир элементларга эътибор бераман.

– Буни изоҳлаб берсангиз.

– Хўп, мана қаранг, неча йилдан бери уйимга келасиз?

– 8 йилдан бери.

– Нечанчи қаватда яшайман?

– 2 қаватда яшайсиз.

– 1 қават билан 2 қаватни ўртасида нечта зина бор?

– Билмайман.

– 1-қават билан 2-қаватни ўртасида кимнинг портрети бор?

– Билмайман.

– Кўрдингизми, Доктор Ватсон, сиз шунинг учун ҳам буюк бўла олмайсиз. Ҳар бир элементларга эътибор беришни бошламас экансиз, сиздан буюклик бўлмайди. Сиз элементларни йиғиб, хулоса чиқаришни ўргансангиз, шундагина буюк бўласиз”, – дебди Шерлок Холмс.

Раҳбарнинг имижи ҳам шунақа, ҳар бир хатти-ҳаракати, унинг кийиниши, гапириши, маданияти, ўзини тутиши – булар барчаси сиз ҳақингизда умумий хулоса беради.

Сиз чиройли кийиниб, кўринишингиз зўр бўлиши мумкин, лекин нутқингиз яхши бўлмаса, нотиқ бўлмасангиз, бу ҳам сизнинг обрўйингизни туширади. Сизнинг нотиқлигингиз зўр, лекин кийимингиз яхши эмас. Бу ҳам имижингизга салбий таъсир қилади. Ҳаммаси бир-бири билан боғлиқ, раҳбар имижи дегани, бу ҳам ташқи, ҳам ички барча элементларни қамраб олиши керак. Шундагина, сизда жамоангиз олдида, жамоатчилик олдида имижингиз шаклланади.



Ў.Абдукаримов:

Тўртинчи савол: Бугунги кунда ҳаётимизга “Интернет маданияти” термини кириб келди. Ёшларимизга интернетдан тўғри ва сохта маълумотларни бир-биридан ажратишда, умуман интернетдан фойдаланишда қандай тавсиялар берган бўлардингиз?

О.Хасанов: XX асрни интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди, яқинда, мана, Жанубий Корея 5G интернет тизимини ишга туширди. Илон Маск яқин 2 йилда бутун дунёни текин интернет билан таъминлайман, деб эълон қилди. Бундан буёғига интернет тезлиги ошади, ривожланиш ошади.

Интернетнинг яхши ёки ёмонлигини муҳокама қилиб, ёшлар тарбиясини бузаяпти, деб ундан воз кеча олмаймиз. Шимолий Корея каби интернетни таъқиқлаб, узиб ташлай олмаймиз, бунинг иложи йўқ.

Интернет шундайки, эшикни ёпсангиз, тешиқдан, тешикни ёпсангиз, қорбобога ўхшаб мўридан киради. Барибир уни кириб келишига чеклов қўя олмайсиз, бундай ҳолатда биз иммунитетни шакллантиришимиз керак. Ҳаявий иммунитет, деган тушунча бор, ким касал бўлмайди, биласизми, соғлом ва иммунитетни бақувват одам; иммунитетни нозик одамнинг олдида аксириб қўйсангиз ҳам, у эртаси куни касал бўлиб қолади. Худди шундай идеология, ғояда ҳам иммунитетни шакллантиришимиз керак. Мисол учун, баъзи ота-оналарни кўраман, 3 яшар боласини йиқилиб тушасан, деб пайпаслаб юради. Ундан кўра, уни жамиятга мослаштир, йиқилиб тушади, деб скафандр кийдириб олиб юролмаймиз-ку. Худди шундай ғоядан ҳам, интернет хуружидан ҳам бундай беркиниб бўлмайди. Сиз агар унинг иммунитетини шакллантирсангиз, бола ўзи информацияни танлай олади, яхшини ёмондан ажратади.

Бутун ахборот асрида яшамокдамиз. Мисол келтирсак:

XVII асрда ўртача 70 йил яшаган олим инсон, умри давомида ҳисоблаб чиқилса, ўртача 40 гб маълумот олган экан. Бугунги кунда 40 гб информация олиш учун сизга 1 ой ёки 2 ой етарли экан, агар кунига 1 соат телевизор кўрсангиз ва 2 соат интернетда ўтирсангиз, кифоя.

Бутун маълумотларнинг кўплиги меъёридан ошиб кетмоқда, бунинчидан танлаб олиш керак, ёшларимизда ахборот танлаш ва ажратиш дидини уйғотишимиз керак. Интернет – катта бозор. Бозорга борганда ўзингиз учун керакли нарсани оласиз. Интернет ҳам худди шундай. Интернетга киришдан олдин мақсадингиз бўлиши керак, мен ҳозир интернетга кираман, шу китобни ўқийман, бу маълумотни оламан. Интернет шундайки, баъзида кирасиз, ҳали бу эълонни, ҳали у эълонни ўқийсиз, қарабсизки, 2 соат вақтингиз ўтди, ҳеч нарса олмадингиз, вақтингиз шамолга учди, холос.

Демак, сиз мақсад билан интернетга киришни ўрганишингиз керак. Яна мисол келтирсак, ошпаз айтади, пичоқ - инсоният яратган энг яхши нарсалардан бири, мен у билан ширин овқатлар тайёрлайман. Жиноятчи учун эса бу пичоқ қурол бўлиб, ёвуз мақсадини амалга оширишга хизмат қилади. Биз пичоқ жиноятчини қўлига тушиб қолмасин, деб ҳамма жойдан пичоқларни йиғиштириб, ошпазга ҳам пичоқ бермасдан оч қолмаймиз-ку! Демак, ҳамма пичоқдан тўғри фойдаланишни ўрганса, бу қайси ракурсдан қарашга боғлиқ бўлиб қолади. Бир маълумотни интернетдан олгандим, “Одноклассники”да аккаунтлар сони ва фойдаланиш бўйича Ўзбекистон 2- ёки 3-ўринда турар экан. “Одноклассники”дан фойдаланаётганларни ўртача 14-18 ёшгача бўлганлар ташкил этаркан. Биласизми, бу-



лар энди ҳаётга кириб келаётган оппоқ қоғозлар. Ижтимоий тармоқларда бугун бузғунчи фикрлар, бизнинг менталитетимиз, сиёсатимизга қарши ғоялар ҳам кўп, улар ёшларимизга таъсир кўрсатмаслиги учун биз ҳам курашишимиз керак. Бутунги кунда ёт ғоялар билан миллий ғоялар, маънавиятимиз ўртасида кураш кетяпти. Ёт ғояларни тасаввур қилайлик – ҳамма қуроолларга эга, замонавий ниқобланган одам, ёшлар айтишади-ку - “железный человек” дея.

Бизни миллийлигимиз эса устига чопон, дўппи кийдириб ва қўлига битта қилич бериб, жанг қилдирмоқчи бўляпмиз. Ким ютади, албатта, “оммавий маданият” ютади. Демак, биз ҳам бутунги кунда, миллийлигимизни кенг тарғиб қилувчи замонавий технологиялардан фойдаланишимиз керак, яъни ижтимоий видеороликлар, асоссиз ва нотўғри хабарларга интернетда раддиялар беришни ўрганишимиз керак ёки телеграмм орқали яхши китобни тарғиб қилувчи яхши фикрлар, ватан ҳақида шеърлар билан маълумот беришни замонавийлаштиришимиз керак.

Биз фарзандларимизга маълумотни тўғри танлашни ўргата олсак, дидини шакллантирсак, яхши ва ёмонни ажратишни ўргатолсак, албатта, бунинг самараси бўлади. Тасаввур қилинг, оқ ва қора рангларни кўзимиз деярли бир хил кўради, у онгимизга боғлиқ. Агар ёшлигимда оқ рангни, менга қора деб ўргатишганда мен қора деб тасаввур қилардим.

Номини эслаб қолиш билан боғлиқ-да бу нарсa. Қора билан оқнинг фарқи шундаки, мен қора рангни оқни олдига қўйганда таққослай оламан. Демак, биз ёшликдан болаларимизга оқ-қорани ажратишни ўргатсак, ёт ғоялар қора рангни “оқ” деб кўрсатишганда, бизнинг болаларимиз ишониймайди. “Ёшлигимдан, мактабда,

боғчада, институтда ота-онам ва устозларим менга оқ рангни ўргатиб қўйишган, сиз “оқ” деяётганингиз аслида “қора”, дейди, автоматик тарзда иммунитет уни сиқиб чиқариб юборади. Ва сиз бемалол қўрқмасдан, интернет тезлигиниям ошираверсиз.

Кеча интернетда бир маълумот ўқидим, қайсидир давлат, ҳозир эслолмаяпман, фуқароларининг соғлигини ўйлаган ҳолда, интернет нархини оширибди, дейилган. Бу йўл билан интернетдан ҳимояланиб бўлмайди, уйда компьютерларни, телефонларни яшириш йўли билан интернетни беркитиб бўлмайди. Яна таъкидлайман, ундан кўра, ғоявий иммунитетни шакллантириш керак, шундан тўғри ва яхши чора йўқ олдимизда.

Ў.Абдукаримов:

Бешинчи саволимиз: Ҳозирги кунда олимларимиз сунъий интеллект ва роботлар устида катта ишларни амалга оширмоқда. Сиз яқин келажақдаги, роботлашган дунёда, ёшларимиз қайси касбларни эгаллашларини маслаҳат берган бўлар эдингиз?

О.Хасанов: Бир видеороликни “Лидерлар” каналига ям қўйган эдик, эсингизда бўлса.

2018 йилда Далласдаги конференцияда 4-иқтисодий инқилоб ҳақида сўз юритилганди, яъни сунъий интеллект роботлар 2030 йилга келиб 800 миллионга яқин одамни ишсиз қолдиради, 60 га яқин касблар йўқ бўлади. 2030 йилга эса жуда оз фурсат қолди.

Демак, бундай жамиятда роботлар мендан тезроқ фикрлайди ва ҳисоб-китоб қилади. 3720 ни 3815 га кўпайтиринг, десам, калькулятор мендан тезроқ жавоб беради. Бу жиҳатдан мен калькулятордан тез бўла олмайман ёки аллақачон компьютер одамзоддан олдинга ўтиб кетди. Шаҳмат қироли Каспаровнинг бугун компьютерга ютқазиб қўйиши нормал ҳолатга айланди.



Бундай ҳолатларда энди одамларда фикр туғилади, келажакда иш ўрнини сақлаб қолиши учун, янада давлатга фойдаси тегиши учун, яхши ойлик олиши учун нима қилиши керак?

Ҳаммамизда оила бор, инсон энг яхши нарсасини фарзандига илинади. Фарзандларимизни қандай касбга йўналтиришимиз керак, келажакда унинг жойини роботлар олиб қўймаслиги учун?

“Али Баба” асосчиси Жек Ма кўп айтади, биз фарзандларимизни ижодкорлик билан тўйинтиришимиз керак, роботда ижодкорлик бўлмайди, робот кетмакетлик алгоритмида ишлайди, берилган формула асосида ишлайди, робот янгилик яратмайди, робот бор имкониятларни ўйлаб чиқади. Робот билан шахмат ўйнайсиз, у олдинги юришларни кўра олади, лекин янгилик қила олмайди. Шунинг учун биз кўпроқ ёшларимизда санъат, рассомчилик, қўшиқ куйлаш каби билан ижодкор хислатларни уйғотишимиз керак. Жамиятга “Soft skills” кириб келяпти, “Hard skills”дан ажралиб. Гарвард олимларининг фикрига кўра, 85 % имкониятнинг сири бу “Soft skills”да экан.

“Soft skills” нима бу? Ўтган учрашувимизда ҳам айтдик, бу креативлик, бу инновация, бу коммуникабеллик, бу ўзгача ёндашув, бу стратегик фикрлаш, бу танқидий таҳлил қила олиш, бу муаммоларнинг, ҳар хил рискларнинг олдини ола билиш. Инновация билан креативликнинг ўзи битта катта нарса. Демак, Ўзбекистонда ҳар бир ташкилот янги ғоя бера олиши керак.

Юнон файласуфларининг бир фикрини ўқигандим, “Янгилик қилдингми, уни амалиётга жорий қилдингми, у эскирди. Уни сен мақтаниб, фахрланиб қолма, бўлди, уни унут ва яна янгисига кириш”, дей-

ди. Қачон сен янгилик берсанг, сен шунда ҳаммага кераксан, сен янгилик беришдан, фикрлашдан, инновациядан тўхтасанг, сен ҳам эскирдинг, сен ҳам четга чиқасан, дейди.

Демак, қачон янгилик бера оласиз? Қачон сизнинг фикрлашингиз ўзгача бўлса, ностандарт фикрласангизгина. Тавсия қилардимки, болаларимизга кўпроқ фантастик китобларни ўқитишимиз керак. Фантастик китоб, бу сиз тасавурунгизга сиғдира олмайдиган нарсаларни ўйлашингиз, бўлмаган воқеаларни тасаввур қилишингиз имконини беради. Агар тарихий китоб ўқисангиз, биласиз, ўтмишда шундай воқеалар бўлган. “Гладиатор” киноси билан “Аватар” киносини солиштирсангиз фарқи шундаки, Гладиатор бўлган воқеаларга асослаб олинган ёки тарихий ҳақиқатларга. “Аватар” киноси эса умуман мавжуд бўлмаган сайёра ҳақида, у ерда қандай овқатланиши, қандай яшашини тасаввур қилишнинг ўзи бир масала. Бу мукамал бўлиши керак, бунинг учун доимий фикрлаш назариясидан чиқиб кетган бўлишингиз керак. Мана шунинг учун мен фарзандларимга фантастик китобни ўқишни тавсия қиламан. Рассомчилик, мусиқага ёшлигидан бериб боришимиз керак, мана чет элнинг ҳар бир мактабида ўзининг студияси бор, биласизми, театр студияси. Бола роль ижро этади, болада нотиклик шаклланади, болада ташаббускорлик пайдо бўлади, бола бир қиёфадан иккинчи қиёфага кириб кўриши керак. Доимий ўзи ҳар хил ролларни ижро этади, Гарри Поттер каби ҳар хил қиёфалар ролини ўйнаб кўради ва болада “мослашувчанлик” деган янги компетенция пайдо бўлади. Мана шу нарсалар биз учун муҳим ҳисобланади.



Ў.Абдукаримов:

Олтинчи саволимиз: Мактаб давридан ёшларимизга молияга оид кўникмаларни ўргатиб боришга қандай қарайсиз?

О.Хасанов: Бу саволни ким берган бўлса ҳам, мен ўйлайманки, кўпроқ ғарб мамлакатларида таҳсил олган ёки ғарб мамлакатларини яхши биладиган инсон. Сабаби, бизда ёшлигимиздан “болани пулга ўргатма, болага кўп пул берма, болани пул бузади”, деган ўғитлар ишлатилади. Бундай қарашлар кўпроқ социализм даврида яшаган инсонларда мавжуд, бутун капитализм, бошқа давр. Бола барибир шу пулга дуч келади-ку, бутун ҳам, келажакда ҳам. Илгари мен ҳам шу фикрда эдим, яъни “пул тарбияни бузади”. Лекин, кейин фикрлашим бутунлай ўзгарди. Роберт Кийосакининг (Богатый папа, бедный папа) “Камбағал ота ва бой ота” китобини ўқиганимдан сўнг менинг дунёқарашим ўзгарди, бутунлай ўзгарди. Демак, иқтисод бор – молия бор. Иқтисод пул топишни, молия эса тўғри сарфлашни ўргатади. Агар “Финансист” китобини ўқийдиган бўлсак ҳам асар қаҳрамонида ёшлигидан банк тизимида ишлаган отасидан кўп нарса ўрганиб, кўникма шаклланиб келади.

Мен ўйлайманки, уйда фарзандларимизга пулни қандай топишни ҳам, қандай ишлатишни ўргатиб боришимиз керак. Афсуски, аксариятимиз пул топишни биламиз, лекин тўғри ишлатишни билмаймиз, бирданига айрилиб қоламиз ёки бир зумда сарфлаб, йўқ қилиб юборамиз.

Рус тилида “финансовый грамотность” деган сўз бор, ўзбек тилида бунини “молиявий саводхонлик” десак бўлади. Мисол учун, 5–6-синфда ўқийдиган болангизнинг қўлига 5000 ёки 10 000 сўм беринг ва кузатинг, югуриб боради-да, энг яқин дўкондан 2 та шоколад олиб

келади – бўлди, пул шунга сарфланди. 100 минг сўм берсангиз ҳам шу ишни қилади.

Ғарб мамлакатларида, аксинча, ёш болага пул берсангиз, уни олади, аввал ўйлайди, уни қандай тўғри ишлатишим керак, қандай амалга оширишим керак, деб.

Шунинг учун болаларимизда ёшлигидан молиявий кўникмасини шакллантириб боришимиз керак. Роберт Кийосаки китобида ўз ҳаётидан ёзади, “6-синфимдан мен маркалар йиғиб пул топишни ва пул сарфлашни ўргандим”, дейди. “Шунда менга камбағал отам пулга ўрганма, у ёмон нарса дерди, мен эса топган пулимни тўғри сарфлашни ўйлардим, қийинчилик билан топган пулимни магазинга бориб шоколад емас эдим, шунча меҳнатим кетиб қолишини билар эдим, ундан кўра мен бу пулни олиб кўпайтиришни ўргандим”, дейди.

Биласизми, бу масалада менталитетимизга зид нарсалар ҳам бор, бизда барибир кўпчилик қарши чиқиши мумкин, “пул болани бузиб қўяди”, деган қараш аксарият ота-оналарни хавотирга солади.

Лекин бугунги бозор иқтисодиёти шафқатсиз. Эртага аёвсиз курашларга тўла ҳаёт кутяпти. Биз болаларимизни бугун ҳаётга тайёрлаб боришимиз керак. Бугундан билишсин улар – пул нима, иқтисодиёт нима, молия нима эканини. Америкада, Ғарб мамлакатларида 5-синфдан мактабларда “Монополия” ўйинини ўйнатади. Биз ҳам уйда болалар билан ўйнаб турамиз, яъни билишимиз керак, акция нима, қаерга пул тўлаш керак, тўғри ишлатмаса, хато қилишини. Молиявий саводхонликни ўйинлар орқали шакллантириб боришимиз керак. Мактаб дастурларига киритиш керак. Нима учун? Чунки биз бугун кичик бизнесни ривожлантирмоқчимиз, яъни ички маҳсулотимизда кичик бизнес улушини оширмоқчимиз. Кичик бизнесни мана шу ёшлар қилади, эртага мактабни битирган-

да, унда ғоя бўлади, бизнес режа бўлади, ота-онасига молиявий ёрдам беришни бошлайди. Уйда томорқа еримиз бўш турган экан, у ерга фақат газон экмасдан картошка, пиёз эксак ёки тўртта товуқ олсак, телевизорда кўрсатишяпти – кредит берар экан, дея ота-онасини ҳам ҳаракатга ундайди. Мана шу – “start up”.

Яқинда Исроилнинг Ўзбекистондаги элчиси Академияга ташриф буюрганда, бир маълумотни айтди, Исроилда бир йилда ўртача 23 миллиард долларлик “start up” – янги ғоялар сотилибди. Ушбу лойиҳаларнинг 80 фоизи 16-25 ёшгача бўлган ёшларга тегишли экан.

Бизда нега “start up” секин ривожланмоқда? Чунки болаларда янгича фикрлаш кам, бу уларнинг айби эмас, бу бизнинг айбимиз. Уларга шуни ўргатмаганмиз. Пул топишни, янгилик қилишни ўргатмаганмиз. Демак, биз бугун мактаб дарсларига киритиб боришимиз керак: бозор иқтисодиёти, молияни ўргатувчи дастурларни. Агар шундай иш ташкил қилсак, 11-синфни битириб, институтга кирадиган болалар бизга янги ғоялар беради. Биз қаердандир ташқаридан олиб келиб юрмаймиз, ўзимизнинг болалар Ўзбекистонимизни ривожлантиради. Фақат биз уларни, янги ғоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватласак бўлди.

Ҳар хил ташкилотлар, уюшмалар билан волонтерлик тизимини ҳам йўлга қўйишимиз керак, ёшларимизни шакллантиришимиз керак. Бугун мактабларда ўқувчиларни “Artel” заводи ёки бошқа йирик компанияларга олиб бориб, уларда ҳавас уйғотишимиз керак. Катта бизнесменларни мактабларга чақириб учрашувлар ташкил қилсангиз, болалар уларнинг ҳаёти, фаолияти, бизнесда эришган муваффақиятлари ҳақида билиб, уларга ҳавас уйғонади. “Мен ҳам тадбиркор бўлсам”, деган фикр пайдо бўлади.

Афсуски, бизда фақат санъаткорлар мактабга олиб борилади, телевиденияда актёрларнинг уйлари ва ма-

шиналари кўрсатилади, ёшларимизнинг санъаткорларга ҳаваси келади.

Биласизми, биз ёшларга институтда ўргатяпмиз, бу кеч, биз иқтисодий билим, молиявий саводхонликни мактабдан бошлашимиз керак, оиладан бошлашимиз керак. Инсон капиталини 3-22 ёш оралиғида қилишимиз керак, биз эса кеч қоляпмиз.

Қанийди, эртага бизни болаларимиз ҳақида интернетда маълумот чиқса, Ўзбекистонлик 11-синф ўқувчиси “Самсунг” компаниясига янги “start up” ғоясини 3 миллион долларга сотди. 3 миллионга биласизми қанча ёшлар учун имкониятлар яратиб беришимиз мумкин?! Менинча, бунинг учун ота-она, мактаб – ҳаммамиз биргаликда ёндашишимиз керак.

Одам 30 ёшга кирганида бирданига тадбиркор бўлиб қолмайди, у шаклланиб келиши керак. Биз келишиб олишимиз керак, эртага яхши тадбиркор, инноватор болаларни тарбиялашимиз учун ким нима вазифани бажариши керак? Мактаб таълими, боғча тарбияси... Лекин ота-онанинг вазифаси катта. Агар биз келишиб олиб, битта тизимли ёндашсак, натижадан эртага давлат ҳам, биз ҳам, ҳаммамиз манфаатдор бўламиз. Ахир, мақсадимиз шу юртни ривожлантириш-ку!

Ў.Абдукаримов:

Еттинчи саволимиз: Кўпчилик учун Отабек Хасановнинг кун тартиби жуда қизиқарли?

О.Хасанов: Ҳар куни кечқурун эртанги кун тартибим ёзилган бўлади блокнотда. Ҳар доим блокнот қўлимда бўлади, нега? Ҳар бир куним бу тарих. Мисол учун, бугун якшанба, кечқурун кунимни ёзаман, эртага нима иш қиламан, қаерга бораман, нима вазифалар қиламан ва кечқурун биттама-битта белги қўйиб чиқиб, ҳар бирига балл қўяман. Неча фоизини бажар-



дим, неча фоизини бажармадим. Қандай форс-мажор ҳолати бўлиб, бу иш бажарилмади ва изоҳини ёзиб қўяман.

Кечқурун биринчи олтита қиладиган ишимни ёзаман, эрталабдан олтитани кетма-кетликда бажаришга ҳаракат қиламан. Агар раҳбарият томонидан бошқа топшириқлар бўлиб қолиб, иккитасини бажара олмай қолсам, мана шу қолиб кетган ишларим кейинги кунги режамнинг биринчисига чиқади. Аввал мана шу иккита ишни бажариб, кейин режадаги тўртта вазифамни бажараман.

Ҳар куни камида олтита вазифа ёзилади, кечқурун мониторингини қиламан. Ҳар ҳафтада бир марта ҳафталик ишларимни кўриб чиқаман, нима ишлар қилдим, қаерда хатолик қилдим, қаерда бажарилмади, изоҳлаб чиқаман.

Мана шу ёндафтарчам доимо ёнимда юради, бекор қолдимми, албатта, ёзиб бораман, янгилик ўргандимми, албатта, ёзиб бораман. Уйимга борсангиз, 10-15 та шундай қора ёндафтарларим туради. Агар сиз 3 йил олдин худди шу куни нима иш қилгансиз, деб сўрасангиз, мен сизга эски ёндафтарчамни очиб аниқ айтиб беришим мумкин. Ҳар бир кунимни қайд этиб борганман. Бу ҳаётда бир марта яшайсиз, уни ўз ҳолига ташлаб қўймаслигингиз керак.

Вақт сизнинг устингиздан ҳукмронлик қилишига йўл қўйманг, аксинча, сиз унинг устидан ҳукмронлик қилишингиз керак, ахир бу сизнинг ҳаётингиз.

Ҳар бир кунингиз, ҳар бир вақтингизни самарали бошқариш учун ҳам ёзиб юринг, бу ўзингиз учун фақат фойда бўлади. Ёки телефонда вақтингизни ҳисоб-китоб қилувчи янги дастурлар чиққан, фойдалансангиз, ўзингиз манфаатдор бўласиз.

Агар ҳар биримиз ҳар кунимизни мана шундай эрталаб ва кечқурун назорат қилсак, режалаштир-



сак, амалга оширсак ҳамда натижасини мониторинг қила олсак, ишонаманки, қўлимиздан буюк ишлар келади.

Ў.Абдукаримов: Отабек ака, мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

О.Хасанов: Раҳмат. Саломат бўлинг.

Қайдлар учун:

➤ Қайси жавоб кўпроқ сизга маъқул келди: _____

➤ Сизга маъқул келган фактлар _____

➤ Хулоса: _____

4-СУҲБАТ

Ушбу мулоқотимиз каналимиз аъзолари томонидан юборилган саволлар асосида тайёрланди.

Тўртинчи суҳбатда бериладиган саволлар:

Биринчи савол: Ўтаётган йилларнинг сиз ва юртимиз ҳаётида қолдираётган изи қандай деб ўйлайсиз?

Иккинчи савол: Нега Давлат бошқаруви Академиясига оид маълумотларни кам жойлаяпсиз ёки Отабек Хасановнинг иш жойи ўзгардими?

Учинчи савол: Нима учун кўп нарсани биламиз-у, лекин амалга оширишга келганда қўрқамиз ёки қийналамиз?

Тўртинчи савол: Бугунги кунда ёшларимизга етук кадрлар бўлишларида ва ўз олдларига қўйган мақсадларига етишиши учун қандай маслаҳатлар берган бўлар эдингиз?

Бешинчи савол: Нега қўрқувни ўзимиз хоҳлагандай бошқара олмаймиз ва уни орзуларимизни амалга ошириш учун йўналтиришга қийналамиз?

Олтинчи савол: Қандай қилиб шахсий иш режасини тузиш мумкин?

Еттинчи савол: “Лидерлар” каналида қандай ўзгаришлар ва янги лойиҳаларни режалаштиряпсизлар?

Ў.Абдукаримов: Ассалому алайкум, ҳурматли “Лидерлар” канали аъзолари. Бугун биз 2020 йилдаги “7 САВОЛГА 7 ЖАВОБ” рукнининг илк сонидида учрашиб турибмиз. Ассалому алайкум, Отабек ака, “Лидерлар” канали студиясига хуш келибсиз!

О.Хасанов: Раҳмат, Ўткир ака.

Ў.Абдукаримов: 2019 йил якуни бўйича ҳар биримиз ўз сарҳисобларимизни қилдик. Яъни қайсидир мулжаллаган ишларимизни амалга оширдик. Баъзиларига улгура олмадик.

Қисқача “Лидерлар” каналининг статистика маълумотларига тўхталадиган бўлсак, 2019 йилнинг январь ойида “Лидерлар” каналида 2100 нафар аъзоси бўлган. 2020 йилнинг январь ойида аъзолар сони 13 минглик довондан ошиб ўтди. Каналга қўйилган ҳар бир пост 10 мингга яқин фаол аъзолари томонидан кузатиб борилмоқда. 2019 йил бошида атиги 2 ёки 3 та рубрика бўлган бўлса, ҳозирги кунда 10 га яқин фаол рубрикалар фаолият юритмоқда. Каналга қўйилган маълумотларнинг 200 га яқини бошқа каналлар томонидан иқтибос сифатида фойдаланилган ва энг асосийси, “Лидерлар” канали кўплаб ёшларимизга давлат хизмати бўйича норматив ҳужжатларини тушунишларида ҳамда Soft skills, тайм-менежмент ва мақсад қўйишларида ижобий таъсир этганликларини улар томонидан каналимизга йўлланаётган мактубларидан билсак бўлади. Демак, каналимиз ўз олдида қўйган мақсадларининг маълум бир қисмини амалга оширигандан хурсанд бўлсак бўлади. Отабек ака, “7 САВОЛГА 7 ЖАВОБ” рубрикамизга жуда кўплаб саволлар келди. Шулардан атиги 7 тасини саралаб олдик. Агар рухсат берсангиз, шу саволларга ўтсак.

Биринчи саволимиз: Ўтаётган йилларнинг сиз ва юртимиз ҳаётида қолдираётган изи қандай деб ўйлайсиз?

Ушбу савол каналимизнинг Камол исмли аъзосидан юборилган.

О.Хасанов. Ассалому алайкум, Ўткир ака ва ҳурматли каналимиз аъзолари. 2020 йилда сизлар билан “7 САВОЛГА 7 ЖАВОБ” рукнида кўришиб турганимиздан жуда ҳам хурсандман. Ростини айтсам, шахсан ўзим соғиндим бу рубрикамизни. Чунки анча бўлди. Бошқа ишлар билан овора бўлиб қолдик.

Хўш, Янги йил нима ўзи? Шахсан мен учун Янги йил бу эски йилда қилинган ишлар сарҳисоби ва янги йил-



га тузиладиган режалар ўртасидаги чорраҳадир. Чунки йил тугади, сарҳисоб қилишимиз керак нимага эришдик, нималар қилдик, нималарни режалаштирдик, нималар бўлди, аксинча, нималар бўлмади ва нима учун бўлмади...

2020 йил эса янги мақсадлар ва янги марралар сари қадам бўлиши керак. Қайси мақсадни амалга ошираман, нима учун амалга ошираман ва бу менга нима беради, деб ўзимизга савол беришни билишимиз керак. Худди шундай ўзимни мисол келтирадиган бўлсам, 2019 йил Аллоҳга беадад шукр, муваффақиятли ўтди, деб айта оламан. Бу биринчи навбатда, соғ-саломатлигимиз, энг муҳими, оила аъзоларимиз соғ-саломат эканлиги.

Юртимиз тинч. Ўзим режа қилган 9 та китобни ўқиб тугатишим керак эди. Барчасини ўқиб тугата олдим. Хорижий сафарларга чиқишни режалаштирган эдим, бир қанча хорижий сафарларга чиқиб, жуда кўп янги билим ва кўникмалар олиб келдим.

Энди давлатимизда амалга оширилган ишларга қарайдиган бўлсак, охирги 3 йилнинг ўзи шиддатли ислохотлар даври бўлди.

5 йиллик президентлик муддатининг уч ярим йили ортда қолди. Биз ҳурматли Президентимиз Шавкат Миромонович фаолиятининг дастлабки йилларини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда ташкилий ва таркибий ўзгаришларни, янги вазирликларнинг ташкил этилганини, узоқ йиллардан бери ечимини кутаётган муаммоларнинг ҳал этилаётганини кўришимиз мумкин. Бу жуда муҳим, ҳар бир ислохотни бошлашдан олдин биз таркибий ёки структуравий ва бошқа ўзгаришларни амалга ошириб олишимиз керак.

Эътиборлиси, қилинаётган ислохотлар пунчаки эмаслиги, унинг мазмуни борлиги, бунинг натижасида халқаро экспертларнинг ижобий фикрларини кўришимиз мумкин.

2019 йилнинг охирида халқаро “ECONOMIST” журна-
нали Ўзбекистонни “Йил давлати” деб эълон қилди.
Бу албатта, катта ютуқ. Чунки бу ўз-ўзидан эълон
қилинмайди, бундай рейтингга эга бўлиш учун сиз
нималарнидир қойиллатиб қўйишингиз керак. Хўш,
нимани қойиллатдик? Биз, аввало, кўп ислохотларда
сиёсий ирода кўрсатдик. “Жаслиқ” қамоқхонасининг
ёпилгани бунга оддий мисол, мажбурий меҳнатдан
воз кечишимиз, иқтисодий соҳадаги, таълим тизи-
мидаги ислохотларни қаранг. Энг муҳими, сўз эркин-
лиги. Кўп ҳолатларда ислохотларни амалга ошиш
даври 5-10 йиллик муддатни талаб этади.

Лекин бизда қисқа фурсатда улкан ислохотлар юз бер-
гани айни ҳақиқат. Энг катта ўзгаришлардан яна бири,
бу оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги, яъни
уларнинг қайсидир маънода назорат функциясини ҳам
бажариши, бу бизда 2-3 йилда амалга ошди. Яъни бу-
лар бугунги кунда бизга ўша қилаётган хатоларимизни
кўрсатиб бера оладиган даражага етди. Албатта, танқид
ҳеч кимга ҳеч қачон ёқмайди. Оддий мисол, мана, фар-
зандимга, нотўғри қилган ишини танқид қилсам, бу
унга ёқмайди. Ёки ўзимни кимдир танқид қилса ҳам,
ёқмайди. Инсон табиатан шунақа. Лекин бугун биз битта
нарсани тушундик, оммавий ахборот воситалари, бло-
герларнинг ўринли танқидлари бизнинг хатоларимизни
тўғирлашга, қайсидир маънода сергак бўлишимиз учун
ҳам керак. Яъни ҳар бир қилаётган ишимиз, қонуний,
тўғри эканини кўрсатиб туришимиз керак. Албатта,
ноқонуний иш қилсангиз, уч кунда сиз интернет юлдузи-
га айланиб қоласиз. Машҳур бўлиб кетасиз. Буни меним-
ча, бугун барча давлат хизматчилари тушуниб етди ва
бунда оммавий ахборот воситалари, сўз эркинлигининг
роли катта бўлди. Ўйлашимча, бундан кейинги йиллар-



да ҳам мазмунан жуда катта ўзгаришлар амалга оширилади. Буларнинг барчаси, албатта, менинг шахсий фикр ва қарашларим. Биласиз, мен давлат хизматчиси сифатида гапирмайман. Бизнинг каналда эркин фикрлаш ҳуқуқимиз бор. Яъни мен мустақил эксперт сифатида бу ерда фаолият юритаман. Отабек Хасановнинг сиёсий фанлар бўйича доктор сифатида фикрлари бу. Бунинг ҳеч қандай ишхонага, лавозимга алоқаси йўқ.

Сиёсатшунослик назариясида ўша муддатларни бу президентлик, депутатлик лавозимларининг 5 йиллик муддатларини таҳлил қиладиган бўлсангиз, 3 – 4 йил чуқурлашган ислохотлар амалга оширилади. 5 йиллик сарҳисоб ва таҳлил бўлади. Нималар қилинди ва келажакда нималар қилиш керак? Шунинг учун ҳар қандай Президент ёки депутатнинг 3 ва 4 йили кўпроқ мазмунан ва кескин ўзгаришлар йили бўлади. Шунинг учун ўйлайманки, агар назария бўйича таҳлил қилсак, Ўзбекистонда 2020 йилда ҳам 2019 йилга нисбатан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳадаги жуда кўп ўзгаришларни кўрамиз, деган умиддамиз.

Ў.Абдукаримов:

Иккинчи саволимиз: Кейинги саволимиз жуда қизиқ. Нега Давлат бошқарув академиясига оид маълумотларни кам жойлаяпсиз ёки Отабек Хасановнинг иш жойи ўзгардими?

Савол эгаси каналимиз аъзоси Жамшид.

О.Хасанов: Бу ҳақда вақти келиб эълон қилиш ниятида эдим. Яхши, мен хурсанд бўламан, каналимиз аъзолари фақатгина кузатмайди, балки таҳлил ҳам қилиб боради. Тўғри, ҳозирги кунда Давлат бошқарув Академиясида Бошқарув кадрларни тайёрлаш факультети декани лавозимидан бошқа ишга ўтдим. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигида бошқарма бошлиғи ла-

возимида фаолият олиб бормоқдаман. Агентлик Президентимизнинг 2019 йил 3 октябрдаги Фармонида асосан янги ташкил этилди. Бу Ўзбекистондаги давлат хизмати соҳасидаги ва умуман республикадаги ягона кадрлар сиёсатини юритадиган ва уни мувофиқлаштирадиган ташкилий тузилма ҳисобланади. Бундай ташкилот кўп давлатларда мавжуд. Қозоғистон, Корея, Малайзия каби давлатларда бор. Лекин Академияда ҳам доцент, ўқитувчи сифатида фаолиятимни, илмий изланишларимни давом эттираман. “Лидерлар” каналида эса қайси лавозимда, қайси соҳада ишлашимдан қатъи назар, блогер сифатида фаолият олиб бораман. Биз режа қилганмиз, 2020 йилда каналда кўп ишларни амалга оширмоқчимиз. Каналимизнинг ҳар бир аъзоси биз билан бирга кун сайин ривожланиб бориши тарафдоримиз.

Ў.Абдукаримов:

Учинчи саволимиз: Нима учун кўп нарсани биламиз-у, лекин амалга оширишга келганда қўрқамиз ёки қийналамиз? Профессорлар ва бошқа илм эгалари давлатни ривожлантириш ҳақида яхши билимларни ўргатишади. Шу билимларни амалиётда қўллашимиз учун нималар етишмаяпти?

Ушбу саволни каналимиз аъзоси Тоҳиржон юборибди.

О.Хасанов: Тоҳиржон жуда ҳам ўринли савол берган. Бу ҳол фақат бизда эмас, бутун дунёда бўлаётган муаммодир. Топ университетларда ҳам иқтисодиётдан дарс беради ёки тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича дарс беради, лекин шу одамнинг ўзини ижтимоий ва иқтисодий ҳолати ўртача, яъни шунча қонун-қоидаларни, назарияларни билади-ю, нега ўзи миллионер эмас?! Бу нормал ҳолат. Бундай ҳолатлар кўп учрайди.

Хитойлик миллиардер Жек Ма бир интервьюсида таъкидлаганди: “Университетда инглиз тили ва ме-



нежментдан дарс бердим ва бир куни ўйладимки, шунча назарияни, бошқарув усуллари биламан, лекин нимага ўзим амалиётда синаб кўрмайман”. У ўзига шу саволни берган ва ўз бизнесини бошлаган. Ўз бизнесини бошлаганидан сўнг биринчи интервьюсида шуни айтадики, “Назария билан амалиёт бир-биридан фарқ қилар экан. Амалиёт умуман бошқа дунё экан, назариядаги баъзи бир ғоялар ишламас экан”. Худди шундай, бу нормал ҳолат, деб ўйлайман.

Ана энди, нима учун билимларимизни амалиётда ишлатишга кўрқамиз, деган саволга жавоб берсак. Биласизми, бунинг психологик тарафини ҳам инобатга олиш керак. Масалан, мен баъзи бир инсонларни биламан. Инглиз тили грамматикасидан 100 дан 95 олади, 3 мингдан ортиқ сўз билади, лекин инглиз тилида хорижлик инсон билан 5 дақиқа ҳам гаплаша олмайди. Сабаби унда кўрқув бор.

Ёки яна битта мисол, баъзи бир дўстларимни машина ҳайдаш учун гувоҳномаси бор, уйида автомобили ҳам бор, лекин ҳайдай олмайди. Билими бор, шаблон ёдлаш бўйича чемпион, ҳамма белгиларни билади, йўл қоидаларини ЙПХ ходимларидан яхши тушунади, лекин бошқара олмайди. Кўникма йўқ, кўрқув бор.

Яна бир оддий мисол, 6 ёшли ўғлим ўзбек ва рус тилларида гаплаша олади, лекин у эргашган қўшма гапни билмайди, рус тилидаги келишикларни билмайди. Лекин у гапира олади. Нега бундай гап туздинг, десангиз, грамматик жиҳатдан билмайди, лекин гапира олади. Чунки унда кўрқув йўқ. Ёки 1 ёшли болани кўз олдингизга келтиринг, битта қадам қўйиш учун 50 марта йиқилади. Лекин шу бола ўзига: “Э, юриш менинг ишим эмас экан, кўрқяпман, тинчгина ўтириб қўяқолай”, деб айтмайди-ку! Битта қадами учун 50 марта йиқилган бўлса ҳам, у яна давом этаверади. Шунинг учун у юриб кетади.

Биз эса ёшимиз катта бўлгани сайин, одамлар нима дейди, чап ва ўнгимдагилар, тепа ва пастдагилар нима дейди, деб ўйлаш билан оворамиз. Бундай ўйлаган одам ижтимоийлашувга қийин киришади, шу билан қарабсизки, бор билимини ҳам амалиётда қўллай олмайди. Бу энг катта хавфлардан биридир. Ҳаётий тажрибада шуни кўрамизки, баъзи бир инсонлар билими йўқ, лекин амалиётга тез мослашиб кетади. Мен айрим инсонларга ҳайрон қоламан, институтни яхши баҳоларга битириб келган бўлса ҳам, яхши лавозимда ишлай олмайди. Ҳар доим ҳам эмас, албатта. Сабаби у институтда олган билими билан амалиётга мослаша олмайди, унга кўникма етмайди. Шундай ҳолатларда нима қилиш керак?

Harvard тадқиқотларига кўра, XXI асрнинг 20–30-йилларида инсонлар учун энг керак бўладиган кўникмалардан бири, бу тез мослашувчанлик кўникмаси экан. Яъни ўзгаришларга тез мослаша олиш компетенцияси муҳим роль ўйнайди.

Бир хил инсонлар бўлади-ю ёнларида ёмғир учун зонтик, офтоб учун кепка олиб юради. Яъни улар бугун қуёш чиқиб туриши керак эди, нега ёмғир ёғди, ёғмаслиги керак эди-ку режа бўйича, деб икки соат назариясини ўйлаб ўтирмай, тез мослашиб кетаверади, кутилмаган ёмғирдан ҳимояланиш учун пакетни олади-да бошига кийиб ҳам кетаверади. Мен бу ерда содда тилда тушунтиришга ҳаракат қиляпман. Чунки ўтган сафар биз илмий тилда гапирганимизда, канал аъзоларида баъзи терминларни тушунишда қийинчилик бўлганди. Илмий семинар бўлса экан, назарий жиҳатдан терминларни ишлатсам. Шунинг учун содда мисоллар келтиряпман. Сабаби оддий ва

тушунарли бўлса, барча одамлар бирдек тушунишади.

Бизга тез мослашувчан кадрлар керак. Улар қандай шаклланади, ким тайёрлаш керак бундай кадрларни, университетларми? Бутун дунёда бутунги кунда таълим тизими, умуман ёш кадрларни тайёрлаш компетенция тизимига ўтган. Биз бутун кеч қоляпмиз шу соҳада.

Компетенция нима? Бу саволга, рухсат берсангиз, батафсилроқ жавоб берсам. Айнан нима учун компетентлик ёндашуви муҳим? Бу олий таълим тизими бўладими ёки бошқа соҳа, барча учун муҳим. Ушбу жавобдан сиз нима учун қўрқувни енгиб ўта олмаслигимиз сабабини ҳам билиб оласиз.

Компетенция, бу учта муҳим хусусиятдан иборат. Бизда ходим компетентли бўлиш керак, дейишади. Бунинг ўзи нималигини кўпчилик билмайди ва тушунмайди. Компетенциянинг биринчи асосий хусусияти, бу билим, иккинчиси кўникма ва учинчиси инглиз тилида “behavior”, рус тилида “поведение”, яъни ўзбек тилида кўпроқ хулқ-атворга тўғри келади. Яъни юқоридаги мисолимизга қайтамиз.

Масалан, кўпчилик ҳайдовчилик гувоҳномаси (правани) йўл қоидаларини (шаблон) ёддан билади, лекин амалиётда ҳайдамаган, кўникмаси йўқ. Ёки иккинчи мисол, у ёшлигидан машинани уйдан олиб қочиб ҳайдаб, кўчада ўрганган, лекин йўл қоидаларини билмайди. У ҳам кўп жаримага тушиб юради.

Бутун биз учун муҳим нарсa, университетларни таомлаётган ёшлар ҳам билимли, ҳам кўникмага эга бўлишса, улар амалиётга тез мослашиб кетади. Тасаввур қилинг, Тошкент давлат техника университети-

ни рангли металллар мутахассислигини тамомлаётган талаба назарий жиҳатдан яхши билади ва ОКМК (Олмалик кон-металлургия комбинати)га келиб, унда кўникма шакллангунча қийналади. Агар у таълим олиш давомида ҳам назарий билим олиб, ҳам амалиётда комбинатга келиб қўли билан ушлаб кўриб, ишлаб чиқариш жараёнини ўз кўзи билан кўриб тушунган бўлса, ўқишни тамомлаб келиб амалиётга тез мослашади ва карьерасида тез ўзгаришлар бўлади. Чунки унда компетенциядаги иккита элемент ҳам бор. Агар унинг ёшлигидан характерида қатъият, яъни олдига мақсад қўйиб унга етишишни ўрганган бўлса, унда у уч томонлама ривожланган бўлади. Бизда баъзида мана шу жойда узилиш бўлади. Яъни билим ва кўникма бир-бирини тўлдирмайди. Кўпчилик мана шу иккита ҳолат ҳақида гапиради. Лекин, аслида, учинчи хусусият энг муҳими. Бугунги кунда олимлар тадқиқот натижаларига кўра, хулқ-атворнинг нечоғли муҳим компетент эканини исботлашди. Савол, қандай қилиб? Бу асосан, 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврда шаклланади. Бу ўша SOFT SKILLSнинг энг бошланғич фундаменти. Одам бирданига Лидер бўлиб қолиши, бу мингтадан битта бўлиши мумкин. 30 ёшга кириб, бир умр пассив бўлиб юриб, бирдан Лидер бўлиб қолиш, бу камдан-кам ҳолат. Асосан, Лидер ким бўлади? Ёшлигидан богчада, уйида тиришқоқ болалар бўлади-ю, ўзини кўрсатадиган, улар ҳақиқий бўлажак Лидерлар. Улар мана бу ерга келишса, билими кўпаяди, кўникмаси ошади, ҳаётда биринчи шахслар бўлади, улар раҳбар бўлади, улар одамларни орқасидан эргаштира олишади.



Биз кўпинча ёшларни икки ҳолатда йўқотиб қўйяпмиз. Биринчи ҳолат: биз ростдан туғма Лидер бўлган ёшларга керакли билим ва кўникмани бера олмаяпмиз. Улар маълум бир ёшга ва лавозимга етганда, уларга ҳаризманинг ўзи камлик қиляпти, унга билим ва кўникма етмаяпти ва улар хатоликлар қиляпти.

Иккинчи ҳолатда, биз ёшлигидан унинг талантини ва лидерлигини сўндирамиз ёки оддий тилда айтганда, ўлдирамиз. Мисол учун, ривожланган мамлакатларда фарзандлари 7 ёшга кирмагунича, уйларини деворларини таъмирлашмайди. Нима учун? Чунки бола қалам билан деворга чизиб қўйиши мумкин, чунки у билмайди, бу деворга қиммат ранг берилгани ёки уни Италиядан келтирилганининг фарқига бормади. Боланинг миясига фикр келди, креативлик пайдо бўлди, у ниманидир чизмоқчи. Лекин у шу заҳоти жазоланади. Бурчакка туради, камар олинади, тамом, сиз ҳозиргина бир буюк рассомлик истеъдодини сўндириб қўйдингиз. Ёки сиз совға қилган мошинани бузиб, албатта, қизиққанидан уни очиб кўрди, сиз ҳар доимгидек уни жазоладингиз, сиз буюк Лидерни, буюк креативни, янги ўзбек Стив Жобсни ўлдириб қўйдингиз балки. Албатта, буни мисол тариқасида айтяпман. Шунинг учун, тарбиянинг нозик тарафи ҳам шунда. Биз агар биргаликда ҳаракат қилсаккина, натижага эришишимиз мумкин. Яъни ҳар бир истеъдодни ёшлигидан креатив, ҳаризмасини ривожлантириб, эгаллаган билимларини амалиётга мослаштира олсак, у биз кутган ҳақиқий ўзгаришларни амалга ошира оладиган кадр бўлади.

Агар биз мана шу учала хусусият, билим, кўникма ва хулқ-атворни бир шахсда мужассамлаштира олсак, ўйлайманки, биз кутаётган кадрлар етишиб чиқади.

Ў.Абдукаримов:

Тўртинчи савол: Куни кеча Президентимиз Ёшлар иттифоқи ўрнида Агентлик ташкил қилишни таклиф этдилар. Сизнинг шу ҳақда ва ёшлар сиёсатида қандай бурилишлар бўлиши хусусидаги мулоҳазаларингиз биз учун муҳим.

Шунингдек, бугунги кунда ёшларимизга етук кадрлар бўлишларида ва ўз олдларига қўйган мақсадларига етишиши учун қандай маслаҳатлар берган бўлар эдингиз?

Ушбу саволни каналимиз аъзоси Ихтиёр йўллабди. Иккита саволи мазмунан бир-бирига яқин бўлгани учун биттада бердим.

О.Хасанов: Каналимизда яқинда сўровнома ўтказганимизда, адашмасам, 35 фоизини талаба ва ёшлар ташкил қилишини аниқладик. Президентимиз ўтган йил якунида, яъни 2019 йилнинг 27 декабрида Ал-Хоразмий мактабида ёшлар билан учрашдилар. Ёшлар билан учрашувда жуда кўп таклифлари эшитилди. Президентимиз томонидан Ёшлар масалалари бўйича Агентлик ташкил этиш таклифи бўлди. Бундай Агентлик кўпгина давлатларда бор, масалан, Россияда, Сингапурда. Менинг шахсий фикримни билмоқчи бўлсангиз, ягона ёшлар сиёсатини олиб борадиган давлат ташкилоти бўлиши, албатта, яхши. Ёшлар иттифоқи нодавлат ташкилотдир. Агентликнинг ташкил этилиши шу соҳадаги сиёсатни тезроқ амалга оширишга, бунинг иқтисодий ечимларини топишга ва ҳуқуқий, сиёсий мақомини оширишга ёрдам беради.

Саволнинг давомига тўхталсак, эндиликда ёшлар сиёсатида қандай ўзгаришлар амалга ошади? Менинг фикримча, жорий йилда Президентимиз таъкидлаганидек, ёшларимизни кўп янгиликлар кутади. Бу албатта, менинг шахсий прогнозим, ёшларни давлат хизма-

тида янги лавозимларга қўйиш масаласи ҳам бўлиши мумкин. Нима учун? Чунки, биласизми, ёшлар ким? Бу бугунги кунда 34 миллион аҳолининг 60 фоизини ташкил этувчи асосий қатлам. Бу иқтисодиётда меҳнат ресурслари дейилади, ҳозир шунақа даврдамизки, 18 ёшдан кичиги ва нафақадагиларни олиб ташласак, энг кўп солиқ тўловчи, меҳнат фаолиятини юритадиганлар, бу ёшлардир. Ҳозир биз шунақа пикдамиз, ёшларни яхши лавозим ва иш билан таъминлаб беришимиз керак.

Президентимизнинг ёшлар билан учрашувидан сўнг уларда давлатга ва ислохотларга нисбатан ишончи янада ошди.

Ва ўйлайманки, эндиликда Президентимиз таъкидлаганидек, ёшларни лавозимга тайинлаш учун очиқ танловлар эълон қилинади. Энди биз очиқ ва шаффоф механизм ишлаб чиқишимиз керак. Ёшлар ҳам буни ҳис қилиши керак. 4-курсда ўқиётган талаба билиши керак, қайсидир вазирликка ишга кирмоқчи бўлса, ўша вазирлик янги ходимларни ишга олишда қандай билим ва кўникмани талаб қилишини. Талаба бир йил олдин бу талабни билса, йил давомида унга тайёргарлик кўради ва қўшимча билим олишга ҳаракат қилади. Яъни бугун ҳар бир вазирлик ва идора ёзиб қўйиш керак. Иқтисодиёт вазирлигими, Молия вазирлигими, бизга 2 йилдан кейин мана шу соҳага ёки бир йилдан кейин мана шундай билим ва кўникмаларга эга бўлган ходимларни олишга эҳтиёжимиз бор, деб.

Мисол, ҳам инглиз тилини, ҳам хитой тилини билса яна ҳам яхши бўлади, чунки Хитой билан ҳамкорлигимиз ошяпти, деб айтса, талаба ҳаракат қилади. Инглиз тилини ҳозирда кўпчилик билади, демек, талаба бошқалардан кучли бўлиши учун дарсдан кейин бекор юрмаслик учун хитой тилини ўрганиши керак. Агар Иқтисодиёт вазирлиги “бизга таҳлилни ва ҳисоб-китобни яхши биладиган мутахассис керак”,

деб эълон қилса, Иқтисодиёт университетида 3-курсда ўқиётган талаба, мен Иқтисодиёт вазирлигида ишлашим учун таҳлилий, математик моделлаштиришни янада чуқур ўрганишим керак экан, сонларни гапиртира олишим лозим, бунинг учун мен қўшимча курсга қатнашим керак, бу дастур менинг ўқув режамда ўқитилмас экан, демак Youtube га кириб, видеодарсларни кўриб ўз устимда ишлашим керак, деб хулоса чиқаради ва ҳаракат қилади.

Бугун вазирлик, идора ва ташкилотлар талабалар учун компас вазифасини бажариб бериши лозим, яъни ёшларимиз қаерга бориши кераклигини кўрсатиб бериш лозим. Ёшлар бу компассиз худди туннелнинг ичида қаерга боришини билмаяпти. Институтни тамомлаб нима қилишни ва қаерга ишга боришни билмай юришибди. Бугун олаётган билими, эртага у ташкилотга борганида, суҳбатда керак бўладими-йўқми, билмайди.

Талаба дарсга кияпти, бироқ бу ўтилаётган фан ёки мавзу эртага Иқтисодиёт вазирлигида унга керак бўладими-йўқми ёки ишга киришда суҳбатда ундан шу мавзуда сўрашадими ёки йўқми?

Жавоб, албатта, йўқ! Талаба 4 йил ўқиб, ўқишни тамомлаб ишга кириш учун суҳбатга келяпти, умуман кутилмаган, унинг учун умуман янгилик бўлган саволлар бериляпти. Бизнинг ҳаётда “сюрпризлар” жуда кўп. Улар бу “сюрпризлар”нинг биринчисини институтга киришда кўради. Яъни 11 йил мактабда аъло баҳога ўқийди, 1 август кuni имтиҳонда умуман эшитмаган ва кўрмаган саволлар тестда тушиб туради. Аслида барча тизим, жараён ўртасида боғлиқлик бўлиши керак эмасми?! Ахир ҳаммамизнинг мақсадимиз бир-ку

2030 йилга келиб мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланган 50 талик давлатлар рўйхатига кириш – асосий мақсадимиз. Лекин кучли, профессионал кадрларсиз бунинг имкони йўқ, албатта. Мен тавсия берган бўлардим, бундай шароитда нима қилиш керак?

Барча вазирлик, идора ва ташкилотлар кадрлар билан ишлаш бошқарма бошлиқлари ҳар шанба куни университетларга бориб, у ерда дарс ўтишсин ёки талабалар билан суҳбатлар ташкил қилишсин.

Тасаввур қилинг, Иқтисодиёт вазирлигининг кадрлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетига бориб, дарсда статистик маълумот тақдим этса, вазирликдан 2019 йилда 7 нафар ходим ишдан бўшади, сабаби уларда шу билим ва кўникма етишмади. Шунингдек, ишга қабул жараёнида суҳбатга 100 нафар номзод келди, шундан 80 нафари суҳбатдан ўтмади, нега олмадик, чунки улар мана бу саволларга жавоб бера олишмади..., дея. Талабада ўтирган жойида фикр, хулоса пайдо бўлади, демак, мана бу нарсаларни билишим керак экан. Ичида баъзилари айтишади, менга буларнинг қизиғи йўқ, мен хусусий секторда ишлайман. Бу ҳам нормал ҳолат.

Мана шунда Президентимиз таъкидлаган тизим ишлайди. Бунинг номи **“Меритократия”**, яъни давлат хизматига истеъдодли ва шу лавозимга лойиқ кадрлар келишади. Бунинг номи **ижтимоий адолат** дейилади. Агар мана шу тизим ишлаб кетса, ёшларимизда умид пайдо бўлади, ишонч уйғонади, мавҳумлик қанча кам бўлса, шунча келажакка ишонч пайдо бўлади. Одам қачон қўрқади, биласизми? Қачонки, мавҳумлик кўп бўлса. Тасаввур қилинг, мен сизни қоп-қоронғу хонага олиб кириб қўйдим. Ҳеч нарсани кўрмаяпсиз, чироқ йўқ. Сизда қўрқув пайдо бўлади. Энди нима қиламан, қаерга бораман, деган. Шунда сиз узоқдан битта чироқни, яъни ёруғликни кўрасиз, сизда мақсад пайдо

бўлди. Ия, ана ёруғлик бор-ку, ўша ерга борсам бўлади, дейсиз ва ҳаракат бошланади.

Худди шундай вазирликлар, ташкилотлар талабалар учун ёруғлик вазифасини бажариб бериш керак.

Ў.Абдукаримов:

Бешинчи саволимиз: Олдинги саволнинг мантиқий давоми, айнан қўрқувга оид. Нега қўрқувни ўзимиз хоҳлагандай бошқара олмаймиз ва уни орзуларимизни амалга ошириш учун йўналтиришга қийналамиз? Ушбу саволни каналимизнинг Зулфиқор исмли аъзоси юборган.

О.Хасанов: Юқоримдаги гапларимни мантиқан давом эттириб кетаман. Энди мен психолог эмасман. Аслида қўрқув психологларнинг объекти. Эҳтимол, бу руҳий ҳолатни қанчалик бошқара олиш балки болалик даври билан боғлиқдир. Чунки кимларнидир болалигида кўп қўрқитишган ёки ота-онасининг бу мумкин, у мумкин эмас, деган шартлари кўп бўлган. Балки ҳар бир хатоси учун жазоланган. Бола нимадандир қўрқиб қолган бўлса, улғайганда ҳам мустақил қарор қабул қила олмаслик ва ҳадиксираш кучли бўлади. Қўрқув, асосан, келажагида ойдинлик бўлмаган ва қаерга боришини билмаган инсонда бўлади. Мисол учун, институтдаги талабалар билан суҳбат ўтказиб кўринг. Институтда узоқ йиллар дарс берганман, буни яхши биламан.

Кимда қўрқув йўқ биласизми? Ўқишга киришдан олдин аниқ режа тузиб қўйган талабада қўрқув йўқ, шундоқ ўтирибди. Мақсадинг нима, десам, мен ўқишга киришдан олдин режа қилганман. Дадамнинг компанияси бор, ўша ерда ишлайман. Шунинг учун бу ерда диплом ва билим керак, дейди. У талаба дадил ва аниқ фикрлаяпти. Дарсда ҳам саволларга аниқ жавоб беради.

Ёки иккинчи талаба: “Мен Молия вазирлигида ишлайман. Шунинг учун ҳозирдан тайёргарлик кўряпман. Вазирлик сайтларини ўқиб ўрганияпман. Нима кераклигини жуда яхши биламан”, дейди. Чунки унинг фикри аниқ. Қўрқув йўқ. Қўрқув кимда бор?

Учинчисидан сўрайсиз, нега бу университетда ўқияпсан? Битириб нима иш қиласан, десангиз, жавоби оддий, билмайман, бир гап бўлар, иш топарман. Тополмасангчи? Аниқ жавоб йўқ. Нимадир бўлади-да. Яъни, унда қўрқув бор. Чунки у мавҳум, келажакни кўра олмаяпти.

Биласизми, шундай компетенция бор, ғарб мамлакатларида кўп ишлатилади. Форсайт (Foresight) дейишади. Форсайт – келажакни тўғри башорат қилиш, дегани. Фақатгина башорат эмас, илмий жиҳатдан аниқ асосланган хулоса, десак ҳам бўлади.

Яъни, “Мен иқтисодиёт тармоғида ёки қайсидир вазирликда, ГМда ёки ОКМҚда ишлашим учун айнан мана шу нарсаларни билиб, буларни ўқисам, мен шу жойда, шу лавозимда тўғри ишлай оламан. Шу ерда ишласам, менда карьера модели бўлади. Бу ерда инглиз тилини билишим керак”. У ҳаммасини тўғри таҳлил қила олади.

Хурматли қишки таътилдаги талабалар, оқ қоғоз олинг-да, 10 йилдан кейин, 5 йилдан кейин ўзингизни қаерда кўряпсиз, аниқ белгилаб олинг. Ўзингизнинг карьера моделингизни яратинг. Шунга қараб йўналишларни ва мақсадни қўйишдан олдин етти марта ўйланг, кейин ҳеч қачон мақсаддан воз кечманг. Бораётган йўлингиз ўхшамаяптими, мақсадни ўзгартирмай, тактикани ўзгартиринг.

Мақсадга эришишда қаердадир лифт бўлади, қаердадир эскалатор бор. Эскалатор бўлмаса, зина бор. Зина бўлмаса, парашютдан тепадан тушинг. Мақсадни аниқ қўйиб олсангиз, сизни қўрқув тарк этади. Ўзида ишонч

бўлган одамда қўрқув бўлмайди. Ишонч қачон бўлади? У ўз келажагини билса. Қаерга кетаётганини, нима қилаётганини билган одамда қўрқув бўлмайди. Бу фикрларни, албатта, ўз шахсий тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман. Эҳтимол, бу фикрларим психологик нуқтаи назардан фарқ қилиши мумкин, лекин ҳаётий тажрибаларимдан олган хулосаларимни сиз билан ўртоқлашдим.

Ў.Абдукаримов:

Олтинчи саволимиз: Қандай қилиб шахсий иш режасини тузиш мумкин? Шу тўғрисида ёрдам берсангиз, деб Дилмурод савол юборган.

О.Хасанов: Дилмурод, биласизми, олимларнинг тадқиқот қилишларича, 1 январдан 5 январгача кўпчилик ўзига янги йил давомида ривожланиш бўйича иш режа тузар экан. 93 фоиз одам бу ишни 10 январдан кейин қилмас экан, режа ҳақида унутар экан. Фақат етти фоиз одамлар йилнинг охиригача режадаги ишларни қилар экан ва шу етти фоиз одамлар иқтисодий жиҳатдан ҳам, иш жойи жиҳатидан ҳам юқори натижаларга эришар экан.

Афсуски, биз кўпчилигимиз “93 фоиз”дагилар сафидамиз. Режа зўр. Йилнинг бошида ўзимизга ваъдаларни берамиз. Эҳ, ўтган йили бекорга кетди, деб афсусланамиз. Лавозимимда ўсиш ҳам, карьерамда ҳам ўзгариш бўлмади, деб кейин хафа ҳам бўламиз.

Оддий мисол, сиз битта лавозимда 3 йилдан ортиқ ўтирибсизми? Ҳеч қандай ўзгариш йўқми? Демак, сиз ўз устингизда ишламаяпсиз экан. Бу топ раҳбарларга эмас, пастдаги ходимларга тегишли. Сиз 3 йилдан бери битта жойда ўтирибсизми, демак, бир ўйлаб кўришингиз керак экан. Дўппини четга қўйиб, хато, камчиликларингизни таҳлил қилишингиз керак. Шунинг учун режа тузаётганингизда, аниқликка амал

қилинг. Мақсадни ҳам, режани ҳам аниқ амалга оширишингиз керак.

Келинг, буни батафсил тушунтираман, биз 93 фоизни камайтириб, 7 фоизни кўпайтиришимиз керак.

Сизда биринчи навбатда, оддий, ҳар доим яхши натижа берадиган СВОД анализ - SWOT таҳлил бор. Бунда сиз ўзингизнинг кучли ва кучсиз томонларингиз нималардан иборат эканлигини таҳлил қилинг, мисол учун, чет тилида эркин мулоқот қила оласиз, компьютерни яхши биласиз, бадиий китоб кўп ўқигансиз - булар сизнинг кучли томонингиз. Кучсиз томонларингиз эса нималардан иборат, яъни мисол учун, ўзбек тилида гапиришга қийналасиз ёки минбарга чиққанда нутқ сўзломмай ҳаяжонланасиз.

Сизни йил давомида лавозимда кўтарилишингизга асос бўлувчи омиллар борми? Ёки қандай ишларни амалга оширишга имкониятларингиз бор? Барчасини ёзиб чиқишингиз керак ва бу ишларни амалга оширишда қандай таҳдидлар ёки хатарлар бор: моддий жиҳатданми? Вақт етмаслиги ёки бошқа сабабларми? Ҳаммасини ёзиб чиқишингиз керак. Ёзиб чиққанингиздан сўнг ҳар бирини энди амалга ошириш механизминини ишлаб чиқишингиз керак. Жуда ҳам муҳим нарсалардан бири мақсадни қўямиз, бу яхши. Лекин механизминини, моддий манбаларинини ва мониторинг қилишни инобатга олмасангиз, булар ҳаммаси бефойда бўлиб қолади.

S-кучли	W-кучсиз	О-имкониятлар	T-таҳдид
Инглиз тили, компьютер саводхонлиги	Ўзбек тили, тизимли фикрлаш	Бошқарма бошлиғи бўлишингиз мумкин	Вақт етмаслиги, дангасалик, моддий ресурс

Демак, бир мақсадни олдингиз, унга аниқ “смарт” (SMART) мақсад қўйишингиз керак. Савол: нима учун смарт мақсад? Смарт мақсад аниқ, барча имкониятлар ҳисобга олинган бўлиши, муддати кўрсатилган бўлиши керак. Мисол учун, шу йили инглиз тилини ўрганаман, деб мақсад қўйдингиз. Бу ноаниқ, уни аниқлаштиринг. “Мен 2020 йил 31 декабрь кунига IELTS дан 6,5 балл оламан”. Мақсад аниқ бўлди. Энди шунинг механизмини топинг. Бугунги кун ҳолати қанақа? 5 баллик даражада бўлсангиз, демак, 6,5 балл олишингиз учун нима-лар қилишингиз керак? Speaking ни кучайтириш керак, Writing ни кучайтириш керак ёки янги сўзларни ўрганиш керак. Нима қилиш керак? Курсга бориш керакми? Механизм кунига бир соатдан бўлиши керак.

Бадий китоб ўқишим керак. Ўзбек тилини ривожлантириш учун. Дўкондан 5 та китоб олишим керак: “Дунёнинг ишлари”, “Икки эшик орасида”, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Кеча ва кундуз”.

Ҳаммасининг саҳифаларини қўшиб чиқинг. Уч минг бет. Муддат қўйинг: 6 ой. Бу дегани 180 кун, уни 3000 га бўлинг ва ўртача кунига сизни неча бет ўқишингиз келиб чиқади: 15 ми ёки 20 бет? Шуни белгилаб чиқинг. Ҳар кунги топшириқ аниқ бўлди, энди назоратни амалга ошириш керак, ҳар шанба кун ишингизни ўзингиз ревизия қилинг. Худди сизнинг ташкилотингизни текширгандек, ўзингизни ревизия қилинг. Бу ҳафтани ичида нимани қойиллатдим? Қанча ўқидим, нима вазифалар қолиб кетяпти, нима учун қолиб кетяпти? Таҳлил қилишингиз керак. Ва шунда ўйлайманки, мана шу режа асосида сиз йилнинг охиригача 5 та эмас, 10 та китоб ўқишингиз мумкин.

Дисциплина, яъни ҳамма ўзини назорат қила олиши керак. Хоҳламайман, қандай амалга ошираман ва амалга оширолмайман, деган фикрлардан йироқ бўлинг. Шуларни амалга оширсангиз, ўйлайманки, ҳурматли



Лидерлар, вақти келиб Сизлар билан кўришганда, бир-галикда муваффақиятларимизни ўртоқлашамиз.

Ў.Абдукаримов:

Еттинчи саволимиз: Келгусида “Лидерлар” каналида қандай ўзгаришлар ва янги лойиҳаларни режалаштиряпсизлар? Илтимос, шу ҳақида ҳам маълумот берсангиз, дея ушбу саволни каналимизнинг Севарахон исмли аъзоси жўнатибди.

О.Хасанов: Севара, сизга раҳмат. Жорий йилда ва келгусида биз улкан режаларни амалга оширмақчимиз. Каналимизнинг энг катта ютуғи – биз реклама жойламаймиз. Кунига жуда кўп таклифлар тушади. Билмадим, балки нотўғри қилаётгандирмиз. Ахир, бозор иқтисодиёти-ку. Балки жойлаш керакдир. Каналимизнинг кундалик фаолияти учун кўп меҳнат ва харажат талаб қилади. Биринчидан, ишдан келдингиз, кеч келасиз, яна сиз биласизки, сизни минглаб канал мухлислари кутиб турибди. Нимадир ижод қилишингиз керак. Жамоа билан ўтиришингиз керак. Видеоларни, рубрикаларни кўрсангиз, охирида фамилиялар чиқади. Улар сахна ортидаги ижрочилар. Улар билан маслаҳатлашишимиз, нима янгиликлар қилишимиз ҳақида ўйлашимиз керак. Буларнинг барчасини ўйлаб таҳлил қилиш керак. Жорий йилда мана шу харажатларни қандайдир рекламасиз, реклама қўймаган ҳолатда иқтисодий жиҳатдан ҳал қилишни ўйлаяпмиз. Албатта, бу сифатли маҳсулотни одамларга етказиш учун. Видеороликлар дейсизми, уни монтаж иши дейсизми, таржима ишлари дейсизми, интервьюларми ва ҳоказо.

Энди режалар ҳақида тўхталсак, 2020 йил учун кўп нарсаларни режа қилганмиз, биринчиси, юртимизда улкан натижаларга эришган таниқли шахслардан

интервьюлар олиш. Ҳатто чет элларда интервьюлар, видеомулоқотлар тайёрлаш бўйича режа қилияпмиз. Буларнинг ҳаммаси ўша моддийликка бориб тақалади. Балки каналимиз аъзоларидан маслаҳат сўраймиз, сабаби – каналимизда иқтисодчилар кўп. Бизга таклиф ва маслаҳатлари керак. Кимдир таклиф берди – “Лидерлар” фондини очиш. Яна кимдир жамғарма ташкил этиш, кимдир яна нимадир қилиш таклифларини беришяпти. Каналимиз аъзолари бўлган иқтисодчилар ўз таклиф, мулоҳазаларини юборишса, биз биргаликда куриб чиқамиз.

Мақсадимиз каналда сермазмун, янгиликларга, янги ғояларга бой материаллар, ахборот ва маълумотлар бериб бориш, сифатли видеолавҳалар ва рубрикалар тайёрлаш. Ахир минг-минглаб обуначиларимиз бизга қараб турипти. Уларга сифатсиз маҳсулот беришга асло ҳаққимиз йўқ. Улар вақтини, мегабайтини сарфлаб, шу видеони кўрдими ёки бирон нарса ўқидими, шундан ўзлари учун фойдали маълумотлар олишлари керак. Ҳаётларида нимадир ижобий ўзгариш, хулоса қилишлари керак. Шунинг учун ёзган нарсаларимиз, каналда бераётган ҳар бир материалларимиз сифатли бўлиши шарт.

Биз каналимиз аъзоларидан фаолликни кутиб қоламиз. Яъни агар иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар ёки бошқа касб эгалари бўлса, улардан ҳам ҳамкорликни кутиб қоламиз. Келажакда каналимизни ривожлантириш мақсадида ҳар хил миллий ва халқаро грантлар жалб қилмоқчимиз. Баъзида савол беришади: нима учун сизнинг каналингизда кўп фикр сўрашади, яъни feedback сўрайсиз? Бошқа каналларда бундай қилишмайди. Сабаби, Лидер ким?

У, аввало, фаол, ўз фикрига ва дунёқарашига эга инсон, шундай экан, биз уларни фикр билдиришга ургатамиз.

Стивен Ковининг “Муваффақиятнинг 7 сири” китобида шундай таърифланади: Лидер – фақат фаол инсон эмас, балки супер фаол ёки гипер фаол инсон дегани. У чарчадим ёки вақтим етмаяпти, демайди, балки фаол ҳаракати билан натижага эришади. Қолганлар ўйлаб ўтирганда, у ҳаракат қилади. Тўғри, ҳар бир ҳаракати натижа бермайди, бироқ у таслим бўлмайди, яна ва яна ҳаракат қилади ва албатта, натижага эришади.

Ў.Абдукаримов: Отабек ака, мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. “Лидерлар” канали аъзолари номидан миннатдорчилик билдириб қоламиз.

Қайдлар учун:

➤ Қайси жавоб кўпроқ сизга маъқул келди: _____

➤ Сизга маъқул келган фактлар: _____

➤ Хулоса: _____

УЧИНЧИ БЎЛИМ

Сўхбатлар

Ҳурматли китобхон, ушбу бўлимда сиз Отабек Хасановнинг республика илмий журналларида, газеталарда нашр қилинган мақолалари, интернет нашрларига берган интервьюлари ҳамда баъзи бир ҳодисалар ва вазиятга “Лидерлар” канали орқали билдирган муносабатлари ҳамда постлари билан танишасиз.

Ўйлаймизки, бу ердаги маълумотлар сизнинг лидерлик маҳоратингизни оширишга хизмат қилади. Энг муҳими, ўзингизга керакли маълумотларни қайд этиб боришни унутманг.

Шу ўринда, мазкур тўпلامдан жой олган мақола ва интервьюларда айрим бир-бирини такрорловчи фикрлар ва далиллар борлигига изох бериб ўтмоқчимиз:

Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу нашрдан замонавий, етук кадрларни тайёрлаш, лидерлик маҳоратини шакллантириш, давлат хизматчиларининг ОАВ ва жамоатчилик билан мулоқотини самарали ташкил этиш каби долзарб мавзуда бир неча ОАВ ва интернет нашрларида ёритилган интервью ва мақолалар жой олган. Демак, айнан битта долзарб мавзуда бир нечта ОАВдаги чиқишларда келтирилган айрим далиллар, фикр-мулоҳазалар такрорий бўлиши табиий. Буни тўғри қабул қилишингизга ишонамиз.

Daryo.uz мухбири Мусулмонбек Иброҳимовга берилган интервью:



БУГУНГИ КУН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҚИЁФАСИ

2019 йил август ойида интернет нашрларида ҳоким ўринбосарларининг журналистлар билан зиддиятлари, ижтимоий тармоқларда баъзи бир давлат хизматчиларига нисбатан билдирилган кескин муносабатлар, танқидий мақолалардан сўнг **Daryo.uz** мухбири билан “Бугунги кун давлат хизматчилари қиёфаси” мавзuida суҳбат бўлиб ўтди.

Муносабат...

Охирги пайтларда раҳбарлар, жумладан, ҳокимлар билан боғлиқ воқеалар жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлмоқда. *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси мамлакатдаги ягона раҳбар кадрлар тайёрлаш муассасаси ҳисоблангани боис, Академия декани (2019 йилда О.Хасанов Давлат бошқаруви Академиясида Бошқарув кадрларни тайёрлаш факультети декани лавозимида ишлаган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Пре-*

зиденти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бошқарма бошлиғи лавозимида фаолият юритмоқда), сиёсий фанлар доктори (PhD) Отабек Хасанов “Дарё” мухбири билан айни пайтда мамлакатда кадрлар тайёрлаш тизими қай йўсинда кетаётгани ва ҳозирги раҳбарларнинг савияси ҳақида суҳбат қурди.

Отабек Хасанов:

Асримизга лидерларнинг кириб келиши

XX аср бошларида барча мамлакатларда “раҳбар”, яъни “босс” термини кўп ишлатилар эди. Ўтган асрнинг 70–80-йилларига келиб индустрия ривожланди, йирик компаниялар, катта корхоналар ишга тушиши билан у ерга менежерлар керак бўла бошлади. Раҳбарликдан менежерликка ўтилди.

Менежер ким? Менежер – тежамкор ва самарадор инсон. XXI асрга келиб эса янги термин – “лидерлар” атамаси ишлатила бошлади.

Лидер – фақатгина натижа учун ишламасдан, балки ўша ташкилотда хизмат қилаётган давлат хизматчисининг ҳам, ташкилотнинг хизматида фойдаланаётган халқнинг ҳам ўзида мамнуният ҳиссини уйғотадиган шахсдир.

Масалан, ҳокимни лидер дейлик. У ўз ҳудудида шундай шароит яратиши керакки, хизмат кўрсатаётган ҳам, ундан фойдаланаётган ҳам қулайлик сезиши шарт.

Бугун барчамиз бир нарсани тушунишимиз керак:

XXI аср фуқароларини XX аср бошқарув усуллари билан бошқариб бўлмайди.



Чунки бугун биз глобаллашув даврида яшамоқдамиз, шиддатли ўзгаришлар жараёнидамиз.

Фуқаролар эса ҳар бир ҳолатга алоҳида эътибор билан қарашяпти. Жамиятга тааллуқли муаммолар юзасидан қарор қабул қилишда, албатта, фуқароларнинг иштирокини ҳам таъминлаш муҳим. Фуқаро қачон миннатдор бўлади? Қачонки, у амалга оширилаётган ислохотларда ўзининг иштирокчи эканини ҳис қилса. Фуқаро қачон дахлдорлигини ҳис қилади? Қачонки, унинг хоҳиш-иродаси ўша ислохотда акс этса.

Кадр – фақат буйруқни бажарувчи эмас

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибасига назар солсак, хоҳ Жанубий Корея, хоҳ Сингапур ёки Малайзия бўлсин, улар учинчи даражали иқтисодий давлатдан биринчи даражага кўтарилишига энг асосий сабаблардан бири кадрлар сиёсати бўлган.

Сиз бирор ислохотни амалга оширмоқчисиз, катта режалар туздингиз: ким уни амалга оширади? Албатта, кадрлар.

Кадр ислохотларни фақатгина “настга” етказувчи эмас. Унга нимадир қўшиб, ечим таклиф этиб, еча олмаганини “тепага” тўғри талқин қилиб бера оладиган шахсдир. Шунда у раҳбарият билан халқ ўртасида кўприк вазифасини бажариб берган бўлади.

Ислохотнинг натижаси қандай бўлиши керак?

Ислохот натижасида кимнингдир муаммоси ҳал бўлиши керак.

Халқимизнинг дунёқараши тўрт-беш йил аввалгидан кескин фарқ қилади. Одамларнинг талаби, эҳтиёжи ўзгариб боради. Демак, ҳар бир кадрнинг иш услуби шундан келиб чиқиб ўзгариши керак. Тўрт йил аввал

ги давлат хизматчиси ўша вақтдаги хизматлари, дунёқараши билан ҳозир ишлай олмайди. Бунга, биринчидан, раҳбарият, иккинчидан, халқ, учинчидан, ОАВ йўл қўймайди.

Одамлар бугун натижа кўриши учун биздан ностандарт фикрлаш, креативлик, масалага ўзгача ёндашиш, тизимли фикрлаш талаб этиляпти. Демак, ўзгаришимиз даркор.

Ўзгариш нимадан бошланади? Ўзгариш, авваламбор, фикрлашимиздан бошланади. Фикрлашни, ишга муносабатни ўзгартирсак бўлди, натижа ўз-ўзидан бўлади. Оддий мисол, Корея мўъжизаси инсонларнинг ва давлат хизматчиларининг бирор-бир муаммога муносабатни биргаликда ўзгартиришларида бўлган.

Давлат бошқаруви академиясида тайёрланаётган кадрлар ва эскича бошқарув

Юқорида кадрларнинг муҳимлигини айтдик. Кадрларни қандай қилиб бугунги замонга мослаштириб тайёрлаш керак? Президентимизнинг раҳбар кадрларга нисбатан эътирозларини ва уларни тайёрлаш бўйича берган таклифларини Академияда дастуруламал сифатида қабул қилдик. Масалан, бошқарув кадрларда илм етишмаяпти, китоб ўқимаяпти, деган танқидларидан сўнг Академияда ҳар бир раҳбарнинг китоб ўқишга муносабатини ўзгартиришга ҳаракат қилдик.

Ҳар бир тингловчига бир йилда бешта адибнинг ҳаёти ва ижодини ўқиб чиқишини мажбурий этиб белгиладик. Бу битирувчиларнинг маънавиятини юксалтириш билан бирга келажақда йиғилишларда ўз маърузаларида қандай сўзларни ишлатишларига ва нутқ тайёрлашларига ҳам ёрдам беради.

Кечаги муаммолардан келиб чиқиб PR, яъни public relations - жамоатчилик билан алоқаларни қандай ўрнатиш, оммавий ахборот воситалари ва

халқ билан мулоқот маданияти каби йўналишларни ўқув дастурларига киритдик.

Авваллари Академия тингловчилигига қабул қилинган давлат хизматчиси икки йил иш жойидан ажралиб ўқирди, ўқиш муддатини бир йилга қисқартирдик. Негаки замон шиддат билан ўзгармоқда. Қисқа вақтда самарали иш ташкил этиш ва юқори натижага эришиш – бугунги замон талаби.

Иккинчи ўзгариш, компетенция – билим ва амалиётни тенг ўқитиш тизимига ўтдик. Янги ўқув йилини бошлашдан олдин элликка яқин туманга чиқиб, ҳоким ва ўринбосарларга қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил қилдик. Бир вақтнинг ўзида тумандаги тизимли муаммоларни ҳам ўргандик. Бугун амалиётдаги раҳбарлар кўп дуч келаётган муаммолардан кейслар тайёрлаб, улардан дарсларда фойдаланяпмиз. Тингловчилар мазкур кейсларнинг ечими юзасидан таклифлари, янги ғоя ва ташаббусларини билдириш орқали билим ва кўникмаларини ошириб боради.

Академия Жанубий Корея олимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Нега айнан Жанубий Корея? Чунки бу мамлакат - биз босиб ўтаётган йўлларни босиб ўтган, охирги йигирма йилда давлат ривожланишига муҳим ўзгаришларни татбиқ қилган шарқона давлат. Кореялик мутахассислар билан бугун биз дуч келаётган “снос” масаласида халқ дардини эшитиш, мулоқот қилиш бўйича тажриба алмашмоқдамиз ва бунини амалиётда синаб кўряпмиз.

Эскича бошқарув тартибида ишлаётган раҳбарлар бу иш услубини ўзидан аввалги устозидан ўрганган, устози ўзидан олдинги устозидан ўрганган. Қарабсизки, еттита авлод устозларидан ўрганган бир хил бошқарув тизимида ишламоқда.

Раҳбарларимизнинг, афсуски, жуда озчилиги ўз

устида ишлаб, китоб ўқияпти, бутун дунё бошқа тенденциядан кетмоқда экан-ку, деб ўзгармоқда.

Биз инвесторлар билан ишламоқчимиз, улар қаердан келади? Америкадан, ривожланган мамлакатлардан келяпти. Улар топ-500га кирадиган таълим муассасаларида ўқиган. Чет эллик ҳамкорларимиз баъзан биз билан беш дақиқа гаплашганда, XXI асрда XX аср одамидек фикрлашимизни кўриб ҳайрон қоляпти. Баъзида эса “Ўзбекистонда шундай ақлли одамлар борми?” деган саволни бермоқда.

Раҳбарларни бир кунда ўзгариб қолиши эҳтимолли жуда кам. Лекин ОАВ, жамоатчилик назорати, халқнинг ўзи яхши ёки ёмон раҳбарларни элақдан ўтказгандек ажратиб қўймоқда. Ислохотлар пайтида, ўтиш даврида ўз устида ишламайдиган, бошқарув тизими эскирганлар секин-секин пастга тушиб қолади, рельсдан чиқиб кетаверади.

Ўз навбатида, изланишда бўлган раҳбарларни халқ ҳам, ОАВ ҳам, Академия ҳам қўллаб-қувватлаши шарт. Тасаввур қилинг, ўрта ёшли раҳбар еттита компетенция бўйича яхши ишляпти. Лекин бир йўналишда хатолик қилди: уни бир кундаёқ жазоламай, яна имкониёт беришимиз керак. Айниқса, ёшларга.

Ҳоким ҳиссиёти

Ҳозирда Ўзбекистоннинг имижи кескин ўзгаряпти. Буни чет эл оммавий ахборот воситаларида “Мирная революция Президента Республики Узбекистана – Ўзбекистон Республикаси Президентининг тинч инқилоби” номи остида чоп этилган мақолада ҳам кўришимиз мумкин. Давлатимизга, Президентимизга ва ислохотларимизга юқори даражада баҳо берилиб, олқишланмоқда.

Бундай вазиятда ҳар бир хатти-ҳаракатимизда масъулият бўлиши керак.

Ҳоким, ким у? Ҳоким масъулиятли ва ишончли лавозим эгаси. Эмоция билан одамларни бошқариб бўлмайди. Амир Темурайтган: “Ҳар қандай иккинчи ҳиссиёт билан қабул қилинган қарор хатоликдир”.

Ҳокимда ҳиссиётдан кўра, ақл ва идрок биринчи навбатда туриши керак. Чунки ҳоким ўша туманнинг бугуни ва эртаси, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, маданий ҳаёти, барча соҳалар учун жавобгар шахс.

Жавобгарлик ва масъулиятни ҳис қилиб, жон куйдириб ишлаётган фидойи ва билимли ҳокимлар йўқ эмас, албатта. Ҳамма ҳокимлар ҳам ёмон эмас. Уч-тўрт ҳокимнинг ёмонотлиқ бўлгани, минглаб давлат хизматчилари ёмон дегани эмас; иккита раҳбарнинг таъмагирлиги, ҳамма раҳбарлар порахўр дегани эмас.

Интервью беришдан қўрқадиган раҳбарлар

Ўзим блогерлик қилиб тураман. Бу менинг мутахассислигимга ҳам яқин. Тадқиқот ишим - “Раҳбарларни тайёрлашда ва уларнинг касбий ўсишида замонавий тажрибалардан фойдаланиш”.

Мен блогер бўлишдан олдин уч ой ўзимни тайёрладим. Аввало блогер қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб топиб олдим. Бунинг учун ОАВ тўғрисидаги қонунларни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўқиб чиқдим. Хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўргандим. Чунки блогер бўлсангиз, ўнг минглаб кузатувчингиз бўлса, шунча одамнинг фикрига таъсир қилиб қўйишингиз мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, тайёр бўлганимдан кейин фаолият юритяпман.

Бугунги кунда кўпчилик раҳбарларимиз ОАВга маълумот тақдим этишни хоҳламайди, интервью беришдан қўрқади. Лекин ОАВ ҳам, блогер ҳам ўз-ўзидан

хоҳлаган одамидан бориб интервью олмайди. Бирор муаммо келиб чиқяпти ёки мурожаатлар бўляптики, ОАВ ходими ёки блогерлар вазиятга ойдинлик киритиш учун воқеа жойига боришяпти. Ўша жойда раҳбар ёки ҳоким вазиятга аниқлик киритиб, тўғри изоҳ берса, масала жойида ҳал бўлади. У ижтимоий тармоқларда айланиб, бошқача тус олиб кетмайди. Бу нимадан далолат беради? Маълумот етишмаслигидан. Черчилль айтган экан: “Ҳақиқат кийингунча, ёлғон бутун дунёни айланиб чиқади”.

Бутун ҳокимларга ва раҳбарларга муомала маданияти, нотиқлик санъати ҳам керак бўляпти.

Ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлган воқеа – Олмазор тумани ҳокими ўринбосари ва “kun.uz” мухбири ўртасидаги ўта зиддиятли муносабат акс этган видеолар ва кескин танқидларнинг эртасигаёқ тингловчилар учун нотиқлик, муомала маданияти ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича махсус ўқув дастури ишлаб чиқдик.

Чунки раҳбарларнинг ҳар бир хатосида ўзимизни кўряпмиз. Ўзимизни айбдор ҳис қиляпмиз. Қаердадир хатолик бўляптими, бу хатоликни олдиндан башорат қила олмаймизми, юз берган хатоликка Академияда унинг акси сифатида иш олиб боришимиз зарур.

Жамиятда яна шундай ҳоким ўринбосари чиқса, бизга қийин бўлади. Демак, бошқа чиқмаслиги (чиқиши мумкиндир, эҳтимол, бошқа муаммолар билан), худди шу муаммо қайтарилмаслиги учун бу каби ҳодисаларга тезда ечим беришимиз даркор.

Японча дублёрлик

Биринчи навбатда, қўнимсизлик масаласига тўхталиб ўтмоқчиман. Энг катта муаммолардан бири – раҳбар янги лавозимга тайинлангач, ишининг ипидан-игнасигача тўлиқ киришиб кетгунича, камида беш-олти ой керак бўлади. Масалага Япония тажрибаси яхши ечим бўла олади.

Айтайлик, раҳбарга ротация келди – икки-уч йил ишлади, яхши натижа беролмади.

Японияда эски раҳбарни бугун кечаси ишдан олиб, бошқа одам қўйиш эмас, янги келаётган раҳбар билан эски раҳбар 10-15 кун бирга ишлаши йўлга қўйилган.

Бўлажак раҳбар шу кунлар мобайнида эски раҳбар нима ишлар қиляпти, қаерда “снос” кетяпти, қаерда курилиш, шуларни ўрганади.

Бизда-чи? Битта ҳоким кетиб, ўрнига бошқаси келса, ўзидан аввалгиси чиқарган қарорни бекор қилади - тадбиркор бино қуриб қўйган, кейин нима қилишни билмай ўтиради. Шундай ҳодисалар бўлмаслиги учун янги раҳбар эски раҳбардан нима ишлар қилгани, қаерга имзо қўйгани, қайси иш қай ҳолатда кетаётганини билиб олиши лозим. Футболга қиёслайдиган бўлсак, бўлажак раҳбар эски раҳбарга дублёрлик қилади.

Ўринбосарларга келадиган бўлсак, ташкилот битта раҳбарга эмас, тизимга боғланиши керак. Шунинг учун ҳар бир жойда бошқарув тизими ишлаши лозим.

Масалан, Германияда раҳбарлар билан гаплашсангиз, уч йил аввал режалаштирилган ишларни қилаётганлигини айтади. Аниқроқ тушунтириб айтадиган бўлсам, уларда, мисол учун, бу йил 30 минг нафар чақалоқ туғилса, уч йилдан кейин боғчада шунча жой, етти йилдан кейин эса нечта мактаб партаси керак бўлишигача режалаштириб қўйилади. Шу вақт мобайнида нечта раҳбар алмашса ҳам, ўша режа бўйича иш кетаверади. Яна иш “нол”дан бошланмайди, давом эттирилади. Уч йилдан кейин янги раҳбар келса, агар боғчада 23 мингта ўрин бўлса, 7 минг нафар бола учун хусусий боғча қуришни, яъни уч йил аввалги режани амалга оширишни ўйлайди.

Яна бир мисол, Япония ва Сингапурдаги мактабларда иккита қарама-қарши ҳолатда баннерлар осиб қўйилган. Ўқитувчининг рўпарасидаги баннерга “Сен дарс ўтаётган аудиторияда камида бош вазир ёки вазир ўтирибди. Илтимос, дарсга виждонан ёндаш”, деган жумлалар ёзиб қўйилган. Ўқувчилар рўпарасидаги баннерга эса шундай ёзиб қўйилган: “Давлатимиз келажаги буюк бўлиш ёки бўлмаслиги сен бугун олаётган билимга боғлиқ”.

Бўлди, ҳеч қанақа текширувчи керак эмас. Ўша бир-бирига қарама-қарши турган баннер бутун тизимни ишлатади.

Чет элда нималарни кўрдинг?

Президентимизнинг 2017 йилдаги фармони-га асосан, Академия магистратурасининг ҳар бир тингловчиси хорижий мамлакатга бориб, бир ой малака ошириб келиши йўлга қўйилган. Уларни чет элга ўқишга юборишдан мақсад – у ерда одамлар қандай яшаётганини ўз кўзи билан кўриб келсин. Улар халқ билан қандай мулоқот қиляпти, иқтисодий тизим қандай, инвесторларни жалб қилиш услуги қандай – шу каби масалаларни ўрганиб келяпти. Академия тингловчиларини ривожланган мамлакатларнинг давлат хизматчилари билан мулоқоти йўлга қўйилди.

Тингловчилар малака ошириб қайтишганидан сўнг таассуротларини сўрасангиз, улар “қиладиган ишимиз кўп экан”, деган жавобни айтади. Уларнинг дунёқарашида ўзгариш бўлганини сезасиз.

Бугунги кунда Марказий банк, Молия ва Халқ таълими вазирликлари тизимига хорижда малака оширган кадрлар кириб келганини кўришимиз мумкин.

Улар ўша жойда катализатор вазифасини бажариб беряпти.

Масаланинг иккинчи томонига қарайдиган бўлсак, ўзимизнинг олий таълим ҳам чет эл ўқитиш тизимига ўтиши керак. Ҳамма ҳам хорижда ўқиб келолмайди-ку. Таълим муассасаларимиз халқаро топ мингталиклар рўйхатига киришни бошлаши лозим. Бу эса хорижий тажрибани ўрганиб, замонавий таълим жараёнига мос бўлган янги тизимни жорий этишни талаб қилади.

Фақат битта тизимга боғланиб қолмай, янгиликларни жорий этиш вақти келди. Дунёда **change management** – Ўзгаришларни бошқариш, **foresight** - Келажакни тўғри кўра олиш каби янги фанлар жорий этиляпти, тўртинчи саноат инқилоби рўй бермоқда.

Таълим муассасаларимиз буларга тайёرمи? Тайёр эмасларини тайёрлаш, тайёрларини эса янада кучайтириш керак.

Раҳбар яхши ишласа, ҳамма сезади.

Яхши раҳбар, биринчи навбатда, жамоани ягона мақсад сари бирлаштира оладиган одам. Иккинчи ўринда, ходимларини эшита оладиган шахс. Учинчи навбатда, узоқни кўра олиши ҳам муҳим.

Раҳбар бугун, эртага нима бўлишини, бугунги қарори эртанги кунга қандай таъсир ўтказишини, индинга нима бўлишини, бир ой, уч йил, беш йилдан сунг соҳада қандай ўзгариш юз беришини баҳолай билиши лозим.



Тўртинчи жиҳат эса, муомала. Охирги энг муҳим шартлардан бири – халққа қулайлик яратиш, сифатли, самарали хизмат кўрсата олиш.

Раҳбар мана шу беш хислатни ўзида мужассам эта олса, буни сиз ҳам, мен ҳам – барчамиз сезамиз.

<https://daryo.uz/2019/10/03/sokongich-hokimlar-eskicha-boshqaruv-va-yangicha-muammolar-davlat-boshqaruv-akademiyasi-dekani-otabek-hasanov-bilan-videosuhbat/>

Отабек Хасанов, сиёсий фанлар бўйича PhD доктори

“ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ – ТУҒРИ ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМНИНГ МЕВАСИ”

**(2020 йил 9 март сонидаги “Янги Ўзбекистон”
газетасида чоп этилган мақола)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномасини ҳеч иккиланмасдан мамлакатимизни келгуси 5 йиллик ривожланиш дастури, деб қарашимиз мумкин.

Бугун давлатимиз ўз олдига улкан режалар қўйди, Ўзбекистоннинг 2030 йилгача дунёдаги 50 та ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, ялпи ички маҳсулотни қарийб икки баробарга ошириш, “**Рақамли Ўзбекистон – 2030**” дастурини ишлаб чиқиш, “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини амалга ошириш, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказиш, мактаб битирувчиларини олий таълимга жалб этиш кўрсаткичини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказиш, жорий йилда юртимизга келадиган сайёҳлар сонини 7,5 миллионга етказиш ва ҳоказо.

Ушбу устувор мақсад ва режаларнинг барчасини амалга оширувчи куч – бу аввало, кадрлардир. Бугун бизга замонавий фикрлайдиган, инновацияларга очиқ, ўз устида доимий ишлайдиган, самарали фаолият эвазига натижа берадиган Лидерлар керак.

Бугун бирор муаммо юзасидан қарор қабул қилишда фуқароларнинг иштирокини ҳам таъминлаш муҳим. Қачон фуқаро давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатдан миннатдор бўлади? Қачонки, у амалга ошири-

лаётган ислоҳотларда иштирокчи эканини ҳис қилса. Қачон фуқаро дахлдорлигини ҳис қилади? Қачонки, унинг хоҳиш-иродаси ўша ислоҳотларда акс этса.

Савол туғилади, ушбу долзарб вазифаларни ким амалиётга жорий этади? Албатта, кадрлар. Кадрлар тайёрлаш тизими бугунги даврга хос ва мос бўлиши керак. Ҳозирги тез ўзгараётган жамиятда, баъзида ёшларимиз олий таълим муассасаларини битириб, дипломга эга бўлган заҳотиёқ, олган билимлари эскирмоқда.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг “Барқарор ривожланиш мақсадлари”да айнан “Сифатли таълим” асосий индикаторлардан бири ҳисобланади.

Бизнинг таълим сиёсатимизнинг бошқа давлатлардан энг асосий фарқларидан бири – таълим ва тарбиянинг ёнма-ён юриши ҳисобланади. Бунинг муҳимлигини бобомиз Абдулла Авлоний “**Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир**”, деб таъкидлаган.

Ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт йўлига назар солсак, хоҳ Жанубий Корея, хоҳ Сингапур ёки Малайзия бўлсин, бугунги кун ҳолатига етиб келишига энг катта сабаблардан бири, албатта, кадрлар сиёсати бўлган.

Одамлар бугун натижа кўриши учун биздан но-стандарт фикрлаш, креативлик, масалага ўзгача ёндашиш, тизимли фикрлаш талаб этилади. Бунинг учун бугун кадрлар тайёрлаш тизимимиз ҳам ўзгариши лозим.


Бугунги кунда ҳар бир иш берувчи, бу давлат ташкилоти бўладими ёки хусусий секторми компетентли ходимларни ишга олишга ҳаракат қилади. Ривожланган мамлакатлар сўнгги 20 йилда кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишни компетенцияларга асосланган ҳолда амалга оширмоқда. Компетенция

– шахснинг хулқ-атвори, назарий билими ва амалий кўникмаларининг мажмуаси ҳисобланади.

Шахсни тайёрлашда унинг учта асосий компонентини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳим.

Ушбу схемада сиз бугунги давр талабларига жавоб берадиган замонавий кадрларни тайёрлашнинг “0-30 Концепцияси”ни кўришингиз мумкин.

Маънавиятли ва замонавий кадрларни тайёрлашда
“0-30 Концепцияси”



Бугунги кунда жамиятимизда энг кўп учраётган муаммолардан бири бу, албатта, маънавияти юксак, хорижий тилларни биладиган, фундаментал билимга эга ва энг муҳими, юмшоқ кўникмалар (soft skills)ларга эга кадрларни топишдир. “0-30 концепцияси”да айнан мана шундай кадрларни тайёрлашнинг энг мақбул тизимини акс эттиришга ҳаракат қилдик.

Бунда олий таълим, мактаб, боғча ва оиланинг ўзаро узвий ҳамкорлигини таъминлаш лозим. Энг муҳими, уларнинг барчаси қаерда, нима учун масъуллигини билиши лозим. Мактаб, институт ва ишда кадрга учта нарса ўргатилади. Бу билим, тарбия ва кўникма. Бу учала тушунчанинг ўргатиш даври ва ўрни бўлиши керак. Бизда эса уларнинг ўрни ўзгариб қолган. Шу сабабли университетларда баъзида фақат тарбия бериш билан шуғулланиб келинмоқда.

Биз ёшларга тарбия ва таълим беришнинг аниқ мақсадини, механизмини ва масъулларни аниқлаб олишимиз зарур. Эътибор берган бўлсангиз, “0-30 Концепцияси”да бешта босқичдан иборат кадрларни тайёрлаш жараёнини кўрсатганмиз. Бунда агар биз ёшларга бермоқчи бўлган жами тарбия ва таълимни 100 % деб олсак, ҳар бир босқичда уни фоизларда улуши ҳамда масъуллар кўрсатилган.

Биринчи босқич 0-3 ёш, яъни бола туғилганидан 3 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бундай шароитда тарбия 10 %, таълим 5 %, яъни 2-3 ёшда болага аста-секинлик билан дастлабки таълимни ҳам бериш мумкин. Бунда оила ва ота-онанинг масъуллиги 90 %ни ташкил қилиши лозим. Ота-онанинг билими, тарбияси ва маънавияти жуда катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам “Ёш ота-оналар мактаби”ни ташкил қилиш жуда муҳим ҳисобланади.

Иккинчи босқич 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Олимларнинг тадқиқотига кўра, айнан болаларда шу даврда умри давомидаги шахснинг 70 % характери, тарбияси, ҳалоллиги, лидерлик аломатлари шаклланади экан. Шунинг учун, бу даврда айнан тарбияни мустаҳкам ва тўғри берилишига аҳамият қаратиш лозим. Яъни тасаввур қилинг, сиз



30 қаватли бино қурмоқчисиз, бунинг учун мустаҳкам фундамент барпо этишингиз даркор. Агар фундамент ишончли бўлса, ҳар қандай ер силкинишига чидамли бўлса, сиз ҳеч қандай хавотирсиз бино қуришингиз мумкин. Шундай экан, айнан шу давр инсоннинг тарбиясида фундаменти ҳисобланади. Агар шу вақтда биз унга етарлича эътибор қаратмас эканмиз, биз умримиз давомида оилага, маҳаллага, ички ишлар ходимларига, коррупцияга қарши кураш органига қўшимча иш топиб берган бўламиз.

Бу ёшда биз ёшларга 25 % тарбия, 10 % таълим ва 5 % кўникма беришимиз даркор. Бунда давлатнинг вазифаси 30 %ни ташкил қилади, 70 % оила.

Президентимиз томонидан 2016 йилдан айнан мактабгача таълимни ривожлантириш учун кўп ислохотлар амалга оширилди. Масалан, мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси уч йил давомида 27 фоиздан 52 фоизга кўтарилди. Сабаби айнан боғчада болаларда коммуникативлик, лидерлик, жамоавийлик, креативлик каби компетенцияларнинг дастлабки элементлари шаклланади. Аслида, барча болалар дунёга келганда яширин қобилият билан туғилади. Фақат уни қандай истеъдоди борлигини аниқлашга ҳаракат қилмаймиз ва туғма рассомни ҳарбийга йўналтирамыз ёки санъат йўналишига истеъдоди бор болани техникага юборамиз. Япония ва Жанубий Кореяда ҳар бир 6-7 ёшли бола билан психолог алоҳида шуғулланиб, ота-онага фарзандини қайси соҳага йўналтириши мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида тавсия беради.

Учинчи босқич 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган даврдир. Бу айнан умумий ўрта таълим, яъни мактаб даврига тўғри келади. Бу ёшда болаларнинг қабул қилиш қобилияти юқори бўлганлиги учун айнан фундаментал

билимлар чуқурлашган ҳолда берилиши, хорижий тиллар мукаммал ўргатилиши лозим. Шунинг учун, айнан бу даврда 45 % таълим, 35 % тарбия ва 15 % кўникма берилиши жуда муҳим. Бунда давлат ва оиланинг роли 50/50 % ни ташкил этади. Сабаби, айнан давлат мактабдаги таълим сифати ва шарт-шароитлар учун масъул. Мактабларда 9-, 10- ва 11-синф ўқувчиларида айнан тадбиркорлик, соҳавий йўналишлар бўйича кўникмаларни шакллантириш керак. Ривожланган мамлакатларда юқори синф ўқувчиларига “келажакда қайси касб эгаси бўлмоқчисиз?” деган савол билан мурожаат қилинганда, аксарияти тадбиркор, янги стартаплар очиб, ўз бизнесига эга бўлмоқчилигини таъкидлашган. Бизда-чи? Агар шу савол билан 11-синф ўқувчиларига мурожаат қилсак, қандай жавоб оламиз?..

Япония, Жанубий Корея, Германия ва Сингапурнинг ривожланиш тарихига назар солсак, айнан таълим тизимига берилган жиддий эътиборни, мактабларида математика, физика ва химия фанларини сифатли ўқитилишини кўришимиз мумкин. Айнан фундаментал билимга эга ёшлар келажақда янги технологияларни яратишда ва давлатнинг илғор ривожланишида муҳим драйвер вазифасини бажаради.

Тўртинчи босқич 17 ёшдан 21 ёшгача бўлган даврдир. Айнан бу олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобланади. Сўнгги 3 йилда мамлакатимиз олий таълим тизимида бир қанча ислохотлар амалга оширилди. Масалан, 2019 йили олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили юртимизда 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетлар филиали очилди.



Шахснинг кадр бўлиб шаклланишига олий таълим тизими асос бўлади. Бироқ бизда ҳали ҳам диплом учун ўқиш ёки ўтиш бали қайси таълим тизимида паст бўлса, шу йўналишга ўқишга кириш ҳолатлари учраб туради.

Бу босқичда кўникма 50, таълим 30 ва тарбия 20 фоиз бўлиши лозим. Бунда масъуллар 60 % – давлат ва 40 % оила ҳисобланади.

Нима учун айнан кўникма кўпроқ бўлиши лозим? Сабаби, Конфуций айтганидек, “мен ниманики эшитсам, унутаман, ниманики кўрсам, эслаб қоламан ва ниманики бажарсам, тушунаман”.

“Топ минг” таликка кирган университетлар деярли анъанавий маърузалардан воз кечишган. Видеомаърузалардан фойдаланилади. Талабаларда кўпроқ тренинг шаклида кўникмалар ривожлантирилади.

Шунингдек, Гарвард олимларининг тадқиқотига кўра, XXI асрда кадрлардан кўпроқ юмшоқ кўникмалар (soft skills) талаб қилинади. Булар креативлик, мослашувчанлик, тизимли фикрлаш, ижтимоий интеллект, коммуникативлик, стратегик фикрлаш, лидерлик, фортсайтдир.

Бешинчи босқич 21 ёшдан 30 ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Яъни 4 та босқични қанчалик самарали босиб ўтганлигини таҳлил қила оладиган давр ҳисобланади. Бунда 30 %ни кўникмага, 10 %ни билимга, 10 %ни тарбияга ажратиш лозим. Давлатнинг масъуллиги 70 % ва оиланики 30 %. Бунда давлатнинг масъуллиги давлат хизматига ишга киришда меритократия тизимини одил, шаффофлигини таъминлашдан иборат. Яна бир муҳим жиҳати, бу босқичда давлат янги кадрларни иш билан таъминлаши ёки уларни тадбиркорлик фаолиятини олиб боришлари учун етарли имконият яратиши лозим.

Эскича бошқарув режимида ишлаётган кадрлар ўзидан аввалги устозидан ўрганган, устози ўзидан олдинги устозидан ўрганган. Қарабсизки, бир нечта авлод устозларидан ўрганган бир хил бошқарув тизимида ишламоқда. Тўғри, баъзилари ўз устида ишлаб, китоб ўқимоқда, бутун дунё бошқа тенденциядан кетмоқда экан-ку, деб ўзгармоқда. Лекин бу жуда озчиликни ташкил этади.

Биз инвесторлар билан ишламоқчимиз, инвесторлар қаердан келишяпти? Америкадан, ривожланган мамлакатлардан келишяпти. Улар "Top-500" таликка кирадиган таълим муассасаларида ўқиган. Чет эллик ҳамкорларимиз баъзан биз билан беш дақиқа гаплашганда, XXI асрда XX аср одамини-дек фикрларимизни кўриб, ҳайрон қоляпти. Баъзида эса "Ўзбекистонда шундай ақлли одамлар борми?" деб ҳайратланяпти.

"0-30 концепцияси"да барча босқичдаги фоиизлар мутахассислар томонидан яна бир бор ўрганилиб, муҳимлик даражасига қараб ўзгариб бориши мумкин. Шундагина биз замонавий фикрлайдиган, шу билан бир қаторда, ўз миллийлигимизга хос тарбияни сақлаб қолган **янги авлод кадрларини** тарбиялашимиз мумкин. Ушбу кадрлар тайёрлашнинг янги тизими, аввало, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, **Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар** сафини кенгайтиришга бевосита хизмат қилади.

Отабек Хасановнинг “Лидерлар” канали ва ижтимоий тармоқлардаги шахсий фикрлари ва постлари

Хулоса сиздан, эслатиб қўйиш биздан



Ҳеч ким ўзини осмонда абадий қоламан, деб ўйламасин. Аллоҳ истаса, осмонда учганларни ерда судралганларга ем қилади. Шунинг учун халқимизда доно гап бор: оёғинг ердан узилмасин. Қуш каби осмонларда парвоз қилсанг ҳам, хаёлинг ва кўнглинг ерда бўлсин.

Амал – синов. Бироқ кўпчилик бу синовдан муваффақиятли ўта олмайди. Тез ўзгаради ва тарихини унутади.

Ҳурматли Лидерлар! Инсонга баҳо амалда қанча ўтирганига қараб эмас, қанча инсонларга, муҳтожларга яхшилик қилгани, Ватанига қанчалик садоқат билан хизмат қилгани, қандай эзгу амалларга бош-қош бўлганига қараб берилади.

Тарихимизда юзлаб хонлар, амирлар ўтган. Деярли 90 ғоизининг исмини ҳам билмаймиз. Фақатгина ҳақиқий қаҳрамонлар, халқига ва Ватанига фидойилик билан хизмат қилганларнинг номлари авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Хулоса сиздан, эслатиб қўйиш биздан.

Форсайт (FORESIGHT) дурбинингиз қани?



Форсайт (FORESIGHT), яъни келажакни илмий асосланган ҳолда башорат қилиш. Оддий башоратдан фарқи шундаки, бунда тарихий тажриба асосида ва илмий ёндашган (фактлар) ҳолда сиз содир бўлиши мумкин бўлган воқеалар алгоритм кетма-кетлигини ишлаб чиқасиз.

Бундай қобилиятга эга бўлиш учун сизнинг IQ салоҳиятингиз жуда юқори ва кўп китоб ўқиган бўлишингиз керак. Шунингдек, ҳаётий тажрибангиз ҳам бўлиши лозим. Бўлмаса, оддий фолбиндан фарқингиз қолмайди.

Агар бизнинг барча давлат хизматчиларида Форсайт (FORESIGHT) қобилияти бўлганда эди, унда ҳар бир хатти-ҳаракати асосланган ва мантиқий бўларди. Биз баъзида аввал ниманидир амалга оширамиз, сўнг таҳлил қиламиз. Бугунги шароитда хатар (рисклар)ни тўғри баҳолаш ва келажакни тасаввур қила олишимиз керак. Келажак биз учун ҳар доим мавҳум ёки туманли об-ҳаво каби бўлган. Форсайт айнан сизга дурбин роилини бажаради.

Ким келажак қандай бўлишидан хавотир олмайди?

Уни олдиндан кўра олган, тўғри таҳлил қила олган ва унга тайёр бўлган инсон.

Ҳурматли Лидерлар! Бугундан ўзингизнинг кела-

жагингиз фундаментини ишлаб чиқинг, яъни ўзингиз учун дурбин яратинг. Шунда сиз барча ўзгаришларга тайёр бўласиз. Ҳар бир муаммо ва тўсиқда, сиз имкониётни кўришни бошлайсиз.

Билим, тарбия ва кўникма

Мактаб, институт ва ишда кадрга учта нарса ўргатилади. Бу билим, тарбия ва кўникма. Бу учала тушунчани ўргатиш даври ва ўрни бўлиши керак. Бизда эса уларнинг ўрни ўзгариб қолганга ўхшайди. Шу сабабли баъзи университетлар фақат тарбия бериш билан шуғулланиб келмоқда.

Эҳтиёт бўлинг

Ҳозиргина Платоннинг ажойиб ва бугунги кун учун жуда ҳам долзарб бир фикрини ўқиб қолдим. Шундай ёзилган: “Аҳмоқ инсонни икки хислати орқали аниқлаш мумкин: биринчиси, у ўзи учун умуман алоқаси йўқ нарсалар ҳақида кўп сўрайди ва иккинчиси, ундан сўрамаган нарса ҳақида кўп гапирди”.

Агар сизнинг атрофингизда шундай инсонлар бўлса, улардан хафа бўлманг, балки уларга раҳмингиз келсин, бу ҳаётда аҳмоқ бўлгани учун. Фақат эҳтиёт бўлинг, шу икки белги орқали атрофингиздагиларнинг сиз ҳақингизда фикри ўзгармасин.

ЛИДЕР, ўзингни кашф қил

Ҳар бир Лидер, аввало, ўзини ўзи кашф қилиши лозим. Яъни ўзининг кучли тарафини излаб топиши керак. Ҳаётда кимгадир тақлид қилиб яшамасдан ўзлигини яратиши лозим. Шундагина сизга кимдир ишонади ва эргашади.

Ўзингизга савол беринг, сизнинг кучли томонингиз нимада? Ўша хислатингиз устида кўпроқ ишланг. Кўпчилик сизга айтади, заиф тарафингни топ ва уни кучайтир, деб. Сиз бунинг тескарисини қилиб кўринг. Инсон ҳамма соҳада бир хил кучли бўла олмайди, шундай экан, битта кучли тарафингизни устида кўпроқ ишланг.

Брюс Ли айтган: “Мен минг хил усулда урушни билган инсондан қўрқмайман, балки битта уруш усулини минг марта такрорлаган инсондан қўрқаман”.

Шундай экан, ҳурматли Лидерлар, ўзингизни кашф этинг.

Позитив бўлишга ҳаракат қилинг

Баъзида атрофимизда ҳаёт қийинчилигидан ёки режалари амалга ошмаётганлигидан инсонларнинг нолишларини, уларнинг доим нимадандир норози юрганини кўрасиз.

2000 йил аввал яшаган римлик файласуф Сенека вақтни икки турга ажратган экан, булар фойдали ва фойдасиз. Ҳатто 2000 йил аввал ҳам вақтни тўғри сарфлаш долзарб мавзу бўлган экан. Бугунги кунда-чи? Кўча-кўйда, ишда нолиётган инсонларни кўриб, доим бир гапни айтаман, бу ҳаёт ҳар биримизга бир марта берилади, шундай экан, ундан максимум даражада фойдаланишимиз лозим. Ҳар бир имкониятдан ва ҳар бир вақтдан самарали фойдаланиш лозим. Агар бир манзилга етиб бормоқчи бўлсангиз ва сизнинг самолётингиз учиб кетган бўлса, умуман ранжиманг ва нолиманг. Сабаби ўша манзилга етиб бориш учун сизда ҳали имкониятлар мавжуд, яна бир нечта воситалар бор, булар поезд, автобус, автотранспорт ва ҳ.к.

Ҳурматли Лидерлар! Ҳар доим позитив бўлишга ҳаракат қилинг. Чунки инсон тушкунликка тушганида, миянинг 60 фоизи фаол ишламас экан. Бу дегани,



тушкун кайфиятда тўғри қарор қабул қилиш имкониятингиз бор-йўғи 40 фоиз бўлади. Агар ҳар қандай ҳолатда ҳам сиз позитивликни сақлаб қолсангиз, камидан 80 фоиз имконият билан тўғри қарор қабул қила olasиз. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда (мисол учун, Дубайда ҳар бир ташкилотда бахт ва фаровонлик бошқармаси мавжуд, уларнинг вазифаси доим ходимларнинг кайфиятини кузатиб бориш, агар кимдир тушкун кайфиятда бўлса, улар билан суҳбат олиб боради, сабабини аниқлайди) ишга қабул қилишда номзодни позитив фикрлаш компетенциясини алоҳида баҳолар экан. Сабаби яхши кайфиятда, хурсанд бўлиб ишга келадиган инсонлар доим ғамгин юрадиган инсонларга қараганда, 20 фоиз самаралироқ ишлар экан ҳамда уларда креативлик ва инновацияга хоҳиш бўлар экан.

Шунинг учун доим такрорлайман, ўз олдингизга аниқ мақсад қўйинг ва уни амалга ошириш йўлини ишлаб чиқинг. Агар мақсадингизга эриша олмаётган бўлсангиз, асло мақсадни ўзгартирманг, балки унга эришиш йўлини ўзгартиринг. Масалан, сиз ўз олдингизга мақсад қилиб қўйдингиз, мен 6 ойда инглиз тилини В2 даражада ўрганаман. Ўқишни бошладингиз, бир ойдан сўнг ишхонада иш кўпайиб кетди ва тил ўрганишга сизда вақт етмаяпти ёки ёдлаган сўзларингиз тез эсингиздан чиқиб қоляпти. Хуллас, ўзингизга ўзингиз “тил ўрганиш менга эмас экан”, деган хулосага келдингиз ва мақсадингиздан воз кечдингиз. Бу ҳолатда сиз мақсаддан воз кечмай, балки тил ўрганиш методикасини ўзгартиринг. Мисол учун, сиз ҳар куни автобусда ёки таксида ишхонангизга бориш учун 45 дақиқа ва қайтиш учун 45 дақиқа, жами кунига йўлда 1 соат-у 30 дақиқа умрингиз ўтади. Ишга келишда телефонингиздан янги сўзлар ёки оддий текстларни эшитиб келсангиз ва уларни кун давомида такрорлаб турсангиз, коридорда, лифтда юрганингиз-



да, раҳбарият қабулхонасида кутганингизда, сигарета чекишга чиққанингизда, тушлик вақтида ва ҳ.к...

Кечқурун ишдан қайтишда яна эрталаб эшитган сўзларингизни такрорлаб кетасиз. Қарабсизки, сиз бир ойда камида 1000 та сўз биласиз. Бу дегани, ҳеч бўлмаса, инглиз тилида фикрингизни қисқача баён қила оласиз, дегани. Шундай экан, доим изланишда бўлинг.

Тўсиқ, бу сизни руҳан синдириш учун қўйилган нарсасиз, сиз ўзингизда куч топиб, уни доим сакраб ўтишингиз лозим. Нима учун? Чунки сиз Лидерсиз.

Черчилль айтганидек, “Кучли инсон бирон марта йиқилмаган инсон эмас, балки тўққиз марта йиқилиб ва ўн марта туришга ўзида куч топган инсондир”.

Тактикани ўзгартиринг

Мақсадни аниқ белгилаб олинг ва унга эришиш йўлини ишлаб чиқинг. Агар мақсадингизга эриша олмаётган бўлсангиз, асло мақсадни ўзгартирманг, балки тактикани ўзгартиринг.

Менга ишонинг

Ишонч жуда ҳам муҳим нарсасиз. Сабаби, барча инновация ва креативликнинг ёки оламшумул янгиликнинг бошланиши айнан ИШОНЧДИР.

Агар ота-онанг ҳар куни сенга фарзандим, мен сенга ишонаман, бугун яхши ўқиб “5” баҳо оласан, деб турса, ёки, ўғлим, мен сенга ишонаман, сен, албатта, чемпион бўласан, деб турса, ёки аёлингиз муҳим учрашувдан олдин, дадаси, мен сизга ишонаман, сиз бунга амалга ошира оласиз, деб турса, ёки ишхонадаги раҳбар, сизга қийин топшириқ бериб, орқасидан, мен сенга ишонганим учун ушбу вазифани топширдим, деб турса, сиз буюк инсонга айланасиз.

Ҳар бир буюк инсон орқасида унга қаттиқ ишонч бериб турган инсони бордир. Шунинг учун, ҳурматли лидерлар, ўзингизга ҳар доим ишонинг ва ён-атрофдагиларингизга ишонч беринг.

ЛИДЕРЛАР, МЕН СИЗЛАРГА ИШОНАМАН!!!

Шаҳматдаги пиёда



Шаҳматда бир қоида бор! Агар пиёда рақиб катакларининг биринчи қаторига етиб борса, шохдан ташқари хоҳлаган фигурасига айланиши мумкин. Лекин от ёки фил бундай бўла олмайди.

Шунинг учун пиёда бўлиб туғилганингизга асло хафа бўлманг. Меҳнатингиз билан маррага етиб боринг ва хоҳлаган фигурага айланинг. Бунинг мазаси ўзгача бўлади.

Менинг чўққим

Ҳар доим мақсадни катта қўйиш лозим, кенгроқ фикрлаш керак, (vision) албатта, бошланишига атрофдагилар сизнинг мақсадларингизни эшитиб кулишади. Бироқ улар амалга ошганда, ўша кулганлар мақтаниб юришади, сизни таниганига.

Лидерлар кўрқмасдан ўз олдингизга улкан мақсадларни қўйинг ва ҳар бирига босқичма-босқич

эришиш йўллари ишлаб чиқинг. Энг муҳими, асло тўхтаманг, бир дақиқа ҳам чалғиманг. Шундагина бу ҳаётда нимагадир эришасиз. Альпинистларга савол беришибди, нима кераги бор сизларга шундай баланд тепаликка чиқишни, қанча меҳнат ва вақт кетади? Улар шундай жавоб беришган экан:

– Ҳар бир чўққига чиқишдан олдин жиддий режа ишлаб чиқамиз, шунга тайёргарлик кўрамиз. Тўғри, уша чўққига чиққунча, куп меҳнат қиламиз, бироқ чиқиб бўлгандан сўнг, у ердан туриб табиатни кузатиш ва меҳнатнинг роҳатини кўриш, бу ўзгача завқ.

Ҳар биримиз ҳаётда шундай альпинистларга ўхшаймиз, ҳар биримизнинг олдимизда шундай чўққилар бор, агар улар каби тайёргарлик кўриб меҳнатдан қочмасак, албатта, охиридаги завқни ҳис қиламиз. Ҳеч биримизни чўққига чиқаётганда арқонимиз узилмасин.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

Отам ўғитлари

Каналимизда ушбу рубрикани ташкил этганимиздан сўнг кўплаб мен каби фарзандлардан мурожаатлар кела бошлади. Қувонарлиси, уларнинг барчаси янги саҳифамизни маъқуллашиб, ушбу ўғитлардан хулоса чиқараётганини таъкидлашди.

Бу ўғитларни мен отамдан ёшлигимдан бошлаб, деярли ҳар куни эшитардим. Катта ҳаёт йўлимда ҳам менга ҳамроҳ, мен билан ҳамнафас бу ўғитлар...

Кўпинча тушқунликка тушганимда ёки инқироз кўчасига кириб қолганимда, ёнимда юриб, дўст деб билганим “орқамдан пичоқ санчганида” ёки асоссиз айблашга уринганларида, ушбу ўғитларга мурожаат қилардим.

Ёки муваффақиятга эришиб, ҳамманинг оғзида сенинг номинг бўлганда, илмий иш қилиб ўзингни профессордек ҳис қилишни бошлаганимда, юқорироқ лавозимга ўтирганимда, мақтовларга кўмилганимда, оёғинг салгина ердан узилган чоғларда, ушбу ўғитларга мурожаат қилардим ва тезда ўзимга келардим.

Шу ўринда падари бузрукворим, устозим, асосли танқидчим, энг яқин дўстим – отам профессор Абдурашид Хасановга фарзандлик миннатдорлигимни билдириб ўтмоқчиман. Чунки уларнинг берган тарбияси, кўрсатган тўғри йўли, бебаҳо ўғитлари бўлмаганида, билмадим, ҳозир қаерда, қай аҳволда бўлардим...

Ушбу ўғитларга доим амал қилиб, бу ҳаёт синовларида синмадим. Қоқилганимда таянч, йиқилганимда суянч бўлиб, мени фақат ва фақат олдинга ундаган, ишонч ва далда, ғайрат ва шижоат бахш этган беқиёс куч, отамнинг ўғитларидир.

Сиз азиз китобхонларга ҳам бу ўғитларни илиндим. Зеро, Сиз ҳам ота бўлганда, фарзандингизга ўғит бериш даражасида билимга эга бўлишингиз учун бу ҳикматли фикрлар фойда беради, деган умиддаман.

Отанинг деганлари

– Ота-онанинг фарзандларига тарбия бериши ўта масъулиятли, шу билан бирга шарафлидир, чунки йиллар ўтиб, замон тараққиёти туфайли ёки етишмовчилик сабабли ўзинг орзу қилган, бироқ эриша олмаган ютуқларга фарзандларинг, шогирдларинг эришишини хоҳлайсан. Қандай қилиб?

Албатта, яхши хулқ, одоб-ахлоқ, гўзал тарбия ва энг асосийси, комиллик, илм босқичларидан ҳормай-толмай ўтиб бориш орқали эришиш мумкин. Негаки, комиллик босқичларидан тўлиқ ўтиш ҳаммага ҳам на-сиб қилавермайди. Кимдир учинчи, кимдир бешинчи босқичларда қолиб кетади.

Илмнинг ҳам, касбнинг ҳам турлари жуда кўп. Фарзанддаги иштиёқ ва қизиқиш-чи? Бу ҳам асосий омил ҳисобланади. Чунки ота хоҳлаган касбни ёки илмни фарзанд ҳар доим ҳам олавермайди. Бу борада ота-она, устозлар ҳаётидаги ўз ўринлари, ибрати, амали билан фарзандни ишонтириши керак. Қачонки, фарзанд илм, китоб туфайлигина юксак марраларга, ютуқ ва омадга эришаётганини қалбдан сезса, ўзи ҳам шунга интила бошлайди.

Мен фарзандимга сабоқ бериш, топшириқ беришдан олдин, йиллар мобайнида уни илм туфайлигина комилликка йўл борлигига ишонтириш учун тобладим, кўникма ҳосил қилдириб, сўнг китоб мутолаасисиз, ўзини қўярга жой тополмаслик даражасига олиб келдим.

Кейинги қадам қайси соҳа илмини чуқурроқ эгаллаши ҳақида борарди. Буни устозлари, онаси, амаки ва тоғалари билан маслаҳатлашиб, ривожлантирдим.

Авваломбор, фарзанд мактабдан ташқари, мустақил таълим олишга кўникиши, ўзи хоҳлаб, қизиқишига мос бўлган топшириқ ва вазифани бажариши, доимо назоратда бўлиши керак. Шундагина, қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, натижа Сиз кутгандан ҳам юқори бўлади.

Секин-аста фарзанд ўзининг келажаги учун ўзи ҳаракат қилиб, интилади. Бу ота-она, устоз учун жуда катта ютуқдир.

Энди кейинги босқич фарзандни, меҳнатга, касбга тайёрлаш бўлади. Мен ҳеч қачон битта йўналиш ва соҳа билан чегараланиб қолмадим. Инглиз, рус тилини ўрганиш баробарида, тарихни, адабиётни, математикани ҳам ўргатиб бордим. Ҳар бир ишда ўрганган назарияни амалда қўллашни, ҳар қандай оддий ишда ҳам, қайси меҳнат тури бўлишидан қатъи назар, ақлни, илмни ишга солишни ўргатдим. Бугунги кунда унинг меvasини татиб кўраяпман, буни набираларимда ҳам сезяпман.

Шу билан бирга, садоқат ва содиқликни, ҳаётда устоз-у олимларни, шифокор ва Ватан посбонларини доимо, ҳар қандай шароитда ҳурмат қилиши кераклигини ўргатиб бордим. Бу учта касб эгаларини қадимдан халқ эъзозлаб келган ва уларга мартабали инсон сифатида қарашган.

Ўғлим, қуйида айрим ўғитларим, панд-насихатларимни келтиряпман, улар сенинг ҳаёт тарзингга айлансин. Бу ҳикматли ўғитларга амал қилган инсон асло кам бўлмайди, деб ўйлайман.

Ҳурмат билан падари бузурукворинг!

ЎГИТЛАР

* * *

Ўғлим, ҳеч қачон эсдан чиқарма: амалда, яъни қора креслода қанча муддат ўтирганинг билан эмас, балки халқ ва юрт учун нима иш қилганинг билан қадринг ўлчанади.

* * *

Кибрдан узоқда бўл. Ҳамма жойда, ишда, ўқишда, ҳатто зиёфатда ҳам ўз ўрнигини бил. Камтарона кийин, бироқ ҳамиша уст-бошинг тоза бўлсин. Тўй, зиёфатларга боришдан олдин уйда тамадди қилиб ол. Устозлар, раҳбарларнинг ёнида, зиёфатида ўтирганингда ўзингни назорат қил, нафсингни тийишни одат қил.

* * *

Кам гапириб, кўп эшит, китобни сев, ўқи, хулоса чиқар, риоя қил! Олимларни, устоз-у мураббийларни ҳурмат қил, эъзозла. Уларга ишон, ардоқла, чунки улар сени саодатга, бахт ва комилликка етаклайди.

* * *

Болам, агар бир иш учун раҳбариятдан мақтов эшитсанг, бу жамоамнинг меҳнати дегин, бу жуда муҳим. Агар бирон-бир иш учун танбеҳ эшитсанг, бу менинг хатоим, дейишни билгин. Шундагина сенинг ёнингда яхши ва фидойи инсонлар йиғилади.

* * *

Умр оқар сувдек оқиб ўтади. Лавозим ва мансабни кутиб умрингни ўтказма. Комилликка интил, ўшанинг ўзи ҳурмат ва обрўдир. Қолган барчаси кетма-кет ўзи келишни бошлайди. Фақат сен унга тайёр бўлишинг керак.

* * *

Ўз касбингга, танлаган соҳангга меҳр қўй. Унинг пир-у устаси бўл. Машғул бўлган касбингга оид китоблардан, устозлардан сабоқ олиб юр, уни такомиллаштириб тур. Агар ўз мутахассислигинг бўйича мунтазам тарзда китоб ўқимасанг, билгинки, сен ўз соҳангдан тобора узоқлашаяпсан.

* * *

Ҳеч кимга ёмонлик қилма, сенга ёмонлик, бўҳтон, туҳмат қилса, сен ўз меҳнатинг, илминг, яхшилигинг билан ҳамиша олдинга интил, юртингни сев – ҳақиқий инсонийлик шудир. Ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтаришга вақтингни ҳам, кучингни ҳам сарфлаб юрма. Бу ҳаёт жуда қисқадир.

* * *

Ўғлим, инсонларга ташқи кўринишига ёки чиройли гапига қараб баҳо беришга шошилма. Инсонни босиб ўтган йўлига ва у ҳақда халқ нима дейишига қулоқ сол. Халқ камдан-кам ҳолда адашади.

* * *

Болам, бир ишни бошлашдан олдин кўп ва хўп ўйла. Яъни бир хонага киришдан олдин, у ердан чиқишни ҳам ўйлаб қўй. Сабаби, биз кўпинча кириш эшигини кўрамиз, лекин чиқиш эшигига аҳамият ҳам бермаймиз ва шу ерда биринчи хатога йўл қўямиз.

* * *

Умрнинг қисқа вақти илм олишга, ақлни чархлашга берилади. Бу болаликнинг ширин дамлари-ю ёшликнинг бебаҳо онлари. Ундан оқилона фойдаланган инсонгина илм туфайли ўз бахт-у саодатини ярата олади.

* * *

Яхшилик, гўзал хулқ, ширин калом, тўғри сўз, ҳалол меҳнат, дўстликка садоқат, қаноат, миллати-ю юрти равнақи учун қайғуриш, иймон, меҳр-оқибат, камтаринлик, эзгулик, саховатли бўлиш, зурриёт камоли учун интилиш, буларнинг барчаси - тараққиёт ва комилликка йўлдир.

* * *

Ўғлим, илмингни, истеъдодингни, ақл-заковатингни беҳуда сарфласанг, охир-оқибат унинг сўнишига олиб борасан. Илмининг ҳам уволи бор. Бекорга иқтидорингни намоён қилаверма, уни не қийинчилик ва машаққат билан эгаллагансан. Уни эл-улус, Ватан манфаати йўлида сарфлагин.

* * *

Ўғлим, ота-она фарзандини дунёга келтиради, Ватан эса илм, тарбия бериб, ўз бағрида вояга етказади. Фарзандим, керак бўлса, шу Ватан учун жонингни беришга тайёр бўл!

* * *

Ўғлим, билгинки, омад ўз-ўзидан келмайди. Унга эришиш учун сабр-тоқат билан бирга, меҳнат ва ижод, изланиш ҳамиша ёнма-ён бўлмоғи лозим. Шундагина сен нимагадир эришишинг мумкин. Сен аввал меҳнат қилишни, сўнг кутишни ўрган, кўпчилик фақат кутиш билан умрини ўтказади.

* * *

Ўғлим, ҳаётингдаги энг муҳим нарсалардан бири тарбиядир. Сен олий маълумотли, тўртта тилда гаплашишинг ёки катта лавозимда ишлашинг мумкиндир, бироқ, агар сен тарбиянг ва хулқинг билан эгаллаган лавозимингга мос бўлмас экансан, демак, кўп нарса-

ни йўқотгансан. Илминг сени лавозимга олиб келиши мумкин, бироқ тарбиясизлигинг сени бир кунда лавозимдан тушириб қўяди. Ҳар доим ўз хулқинг устида ишлашни унутма.

* * *

Ўғлим, бу дунёда кўп нарса сотилади. Ҳар бир нарсанинг ўз нархи бор, бироқ олинган чуқур билимнинг нархи бебаҳо бўлиб, у сотилмайди. Уни ҳеч ким тортиб ололмайди ҳам. У бир умр сенга ҳамроҳ бўлиб, сенга обрў, бахт-саодат, ҳурмат-у эҳтиром, шон-шухрат, тож-у тахт, барча керакли нарсаларни сабр-қаноат билан олиб келаверади. Умринг охиригача сенга садоқат-ла хизмат қилади.

* * *

Ўғлим, имом Бухорий бобомиз айтганидек, “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”. Шундай экан, агар тушкунликка тушсанг ёки инқирозда бўлсанг, энг яхши дўст – китобдир. У сенга сабр ва қаноатни ўргатади. Агар омадинг келиб бойликка эга бўлсанг ёки юқори лавозимни эгалласанг, энг содиқ дўст - бу китобдир. У сенга қандай қилиб инсонлигингни сақлаб қолишни ўргатади ва шунда булар барчаси ўткинчи эканини тушунасан.

* * *

Ўғлим, бирор инсон ҳақида хулоса чиқаришга асло шошилма. Унинг битта хатоси учун сотқин ёки душманга чиқариб қўйма. Ёки аксинча, битта яхши иши учун уни вафодор дўст, деб ўйлама. Унга яна имкон бер. Чунки инсон баъзида билиб, баъзида эса билмай туриб, ёмонлик ва яхшилик қилиб қўйиши мумкин. Пўлат оловда тоблангани каби ҳақиқий дўст ҳам вақт ва синовда синалади.

* * *

Ўғлим, бу ҳаёт сен кўриб турган йўл каби текис ва бир меъёрда ўтмайди. Унинг хавфли бурилишлари, тепаликлари ва албатта, пастликлари бор. Шунинг учун, омадинг келиб текис юрганингда эҳтиёт бўл, кескин бурилиш борлигини инобатга ол.

Тажрибали ҳайдовчи билан тажрибасиз ҳайдовчининг фарқи шундаки, тажрибали ора-орада бошини кўтариб масофани чамалайди (узоқни кўрсатувчи чироғи билан ҳам). Сен ҳам ҳаётда тажрибали ҳайдовчи каби узоқни кўриб ҳаракат қил, шунда ҳар қандай бурилишга тайёр бўласан.

* * *

Ўғлим, ҳаммада ҳам туғма истеъдод бўлавермайди. Сен илм манбаи – китоб ва устозларинг туфайли, тинимсиз изланишларинг ва ўз меҳнатинг орқали ҳар қандай туғма истеъдодлардан анча олдинга ўтиб кетинг мумкинлигини ёдда тут.

* * *

Устозинг билан мулоқот пайтида юзингдан нур ёғилиб турсин, ортиқча ҳаракатлар қилма, ҳамипша каттага ҳурмат ва эҳтиромда бўл. Ҳеч қачон уларни алдама, саодатли бўл, чунки устозлар отангдек улуғ зотдир.

* * *

Устозингнинг илмини ҳурмат қил. Унинг билимингга қўйган баҳоси халқнинг баҳоси билан тенгдир. Баҳо ёки ташаккур учун ўқима. Ҳазрат Навоий айтганларидек:

Агар шогирд шайхулисом, агар қозидир,

Агар устоз рози, Тангри розидир.

Олган илминг сен учун нечоғли аҳамиятга эгалиги, ҳаётга йўл олганингда, мустақил касб танлаганингда, қоқилганингда, меҳнат фаолиятинг бошланганида билинади.



* * *

Билгинки, агар оилада сен тўнғич, бош фарзанд бўлсанг, сенга масъулият ҳам, имконият ҳам икки баробар тушади. Чунки сен укаларинг, сингилларинг олдида ҳам ибрат бўлишинг, улар сенга қараб ўрганиши, таълимда ҳам, тарбияда ҳам ўрнатилган бўлишинг мумкинлигини доимо ҳис қилишинг, вақти келиб ота-онанг билан елкадош бўлиб, оилани бахт-саодат томон етаклашинг керак.

* * *

Агар устозинг илм бериш билан биргаликда, кимнидир ёмонлаб кимнингдир ғийбатини қилса, ундайлардан доимо огоҳ бўлиб, яхши ўғитларини саралаб ол, унинг ёмон фикрларини қалбингда, хотирангда сақлаб қолма, эсингдан чиқариб юбор, ҳали ёш ниҳоллигингни ёдингдан чиқарма. Билгинки, сенинг ўсишинг, камол топишинг учун ўша “ёмонлар” ҳам сенга дўст-у устоз сифатида ҳаётда асқотади.

* * *

Илм олишда Шарқ алломалари доимо ибрат бўлиб келган. Улар камида бешта фаннинг моҳиятини, унинг таркибини чуқур ўрганиб ижод қилган, бир нечта тилларни мукаммал эгаллаган, шундай экан, битта фан ёки бир нечта тил билан чегараланиб қолма, ҳаёт учун зарур бўлган бошқа фанларни, чет тилини ҳам ўрганиш, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаш ўлўғликка ва юксалишга ундайди.

* * *

Юртимизда жуда кўп аҳли дониш, қалби ўғитларга бой устоз-у олимларимиз ижод қилмоқда, бироқ айримлари ўз билимлари, ҳаётий тажрибалари ҳақида китоблар, ўқув қўлланмалари ёзмаганлар. Сен уларни эшитишни, сабоқ олишни сира қанда қилмагин.

* * *

Ота-онангдан, амаки, тоға, амма-холаларингдан, илм соҳасида юқори бўлган устозларингдан ҳеч ҳам хафа бўлма, аразлама, ҳатто улар ноҳақ бўлганда, сени асоссиз койишганда ҳам. Чунки улар сенинг келажагинг, иқболинг, бахт-саодатинг учун масъулдирлар. Сен кулсанг, яйрайдиган, йиғласанг, сен учун куйиниб эзиладиганлар ҳам шулар, жигарларингдир.

* * *

Бировдан меҳр-оқибат излама, кутма. Аввал ўзинг унга бер. Хушфеъллигинг, очиқлигинг, хаёлингда фақат яхши ниятлар ҳамиша мужассамлиги қалбинг поклигидан далолатдир. Уни кимдир билиши шарт эмас. Уни билувчи, сезувчилар бор. Нимани ўйласанг, фикр қилсанг, ҳаммаси Яратганга аён. Бу дунёда ҳеч нарсани яшириб бўлмаслигини билиб қўй.

* * *

Яхшилик ва эзгулик инсонни эл ичида улуғлайди. Баъзида яхшилигингга ёмонлик қайтса, ўкинма, нолима ҳам, билгинки, у ўзингга қайтмаса, албатта, фарзандларингга ёки набира, чевараларингга бўлса ҳам қайтади. Худди шундай ёмонлик ҳам қачонлардир, кимгадир, албатта, қайтади. Яхшиликнинг натижасини кутиб, интиқ бўлиб яшама, кутсанг ўзинг кўпроқ жабр кўрасан, қўлингдан келса, яхшилик қилавер.

* * *

Кайф-у сафо, чекиш ва маст қилувчи ичимликларнинг охири надомат ва кулфат – аввал вақтингни, сўнг бахтингни, умрингни хазон килгувчидир. Агар чекиш ва ичишни маъқул топсанг, меъёрни бил, иродангни мустаҳкам қилиб, қалбингга қулоқ сол, ўз вақтида уларни тўхтатишни бил.



* * *

Дўстларинг ва яқин қариндошларингнинг тўйида ҳам, азасида ҳам, албатта, иштирок этишни канда қилма. Буни инсонийликнинг оддий бурчи, деб билгин.

* * *

Йўлинг тушиб бирор шаҳар ёки туманга борсанг, албатта, ўша жойнинг тарихи билан қизиқ, саёҳат қил, умуман олганда, география фанини алоҳида қунт билан ўрган, давлатлар, шаҳарлар, дин, урф-одат, миллатлар ҳақида чуқур билимга эга бўлишни канда қилма, ҳаётинг мобайнида барчаси керак бўлади.

* * *

Ҳар бир инсон ўз касбини чуқур эгаллаши билан бирга, бирор спорт турини, санъатнинг бирор йўналишини билиши, адабиётни, шеърятни севиши ва ҳеч бўлмаса, бир-икки қўшиқни хиргойи қилиши, тарихни билиши, бирор таомни мазали тайёрлай олиши, боғбонлик ва деҳқончиликни мукаммал ўрганиши, ҳар қандай устачилик ускуна ва асбобларини ишлата олиши шарт, деб ўйлайман.

Бу - комиллик ва баркамолликдир.

* * *

Яшаш мазмунини ўзингча ўйлаб топма, яратма, умуминсоний башарият яратган, дин ва маданият уйғунлигидаги ёниб турган чўғдан ибрат ол. Аждодлар ўғитидан сабоқ ол, донишманд айтганидек, ўтмишдан кул эмас, чўғ олинади.

* * *

Агар устозинг сенга илм ўргатиб, моддий манфаатдор бўлса, совға-салом, пул эвазига билим берса, ундай устоздан воз кеч. Чунки кўп ўтмай, сен ҳам устоз даражасига етганингда, шогирдлар қўлига, чўнтагига қарам бўлиб қоласан. Буни қайтар дунё дейдилар.

* * *

Агар устозинг сенга кўп танбеҳ берса, камчилигинини кўрсатаверса, нолима. Сенга кўп топшириқ берса, мўл ва узоқ ишлашингга мажбур қилса, хафа бўлма. Демак, устозинг сенинг салоҳиятинг ва қобилиятингга ишонади, уддалай олишингни билади. Сен меҳнатдан қочма, роҳати, албатта, келади.

* * *

Битта касб ёки йўналиш билан чекланма. Кўп нарса қўлингдан келсин. Велосипедни, отни, машинани бирдек ҳайда, мин. Бирор чолғу асбобини чалишни, Қуръони карим оятларини, сураларини, албатта, ўргангин. Кейин менга раҳмат, дейсан.

* * *

Устозлар кўп, унинг тили-дили, қалби бир бутун бўлса, ундай устознинг оёғига поёндоз бўл, хизматида бўлгин. Сўзи бошқа, тили бошқа, мақсади бўлак устоздан йироқда бўлганинг мақул.

Қайдлар учун:

➤ Ўз отангиздан эшитган ўғитларингиз: _____

➤ Юқоридаги ўғитлардан қайси бири сизга яқинроқ: _____

➤ Келажакда қайси ўғитни фарзандингиз тарбиясида фойдаланасиз: _____

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

Ушбу бўлимдан “Лидерлар” каналининг “Кун ҳикматлари” саҳифаси орқали ҳар куни эрталаб эътиборингизга ҳавола этиладиган тафаккур дурдоналари жой олган.

Буюк инсонларнинг фикрлари, ҳикматли сўзлари, иқтибослари барчамизга ҳаётда тўғри йўлдан кетишимиз, адолатли бўлишимиз, муваффақият қозонишимиз, жамият тараққиётига дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз ва ўзимизни ирода қилишимиз учун жуда муҳим. Турли манбалардан тўпланган ушбу мазмунли сатрлар сизга бир олам маънавий озуқа бериши шубҳасиз.

“Кун ҳикмати”дан энг саралари

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак

* * *

Асосий вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарор қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат.

* * *

Иш юзасидан талабчанлик қилиш бошқа, одамларнинг шахсиятига тегиш бутунлай бошқа нарса. Одамлар иш юзасидан сизга бўйсунishi мумкин, бошқа ҳар қандай масалада сиз билан теппа-тенг ҳуқуққа эга эканини асло эсдан чиқарманг. ... Барчамиз яхши биламиз, халқимиз ориятли, номусли халқ. Халқимиз барча нар-

сага чидаши мумкин, лекин такрор-такрор айтаман, адолатсизлик ва ноҳақликка чидай олмайди. Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини си-наш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиб бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади. Барча бўғиндаги раҳбарлар ўзининг одоб-ахлоқи ва маданияти билан ҳаммага ўрнак ва на-муна бўлиши зарур.

* * *

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси авваламбор юксак маънавият-ли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ.

* * *

Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шаклланти-риш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

* * *

Бугун барча соҳаларда билимли, сиёсий ва ижти-мой фаол, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўядиган, ҳалол ва жонкуяр, ёш раҳбарларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Биз дунёқараши кенг, креатив фикрлайдиган, муаммоли вазиятларда тўғри қарорлар қабул қила оладиган ёшларни масъулиятли вазифаларга тайинлаяпмиз. Аммо мамлакатимизда ёш раҳбарларни саралайдиган, уларнинг лаёқатига мос лавозимларни тақлиф этадиган самарали механизм мавжуд эмас.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев**

* * *

Доно вазир шулдирки, ўрнига қараб, гоҳ қаттиқ-қўллик, гоҳида эса мулойимлик билан иш юритади. Бундай вазир ортиқча қаттиққўллик ҳам қилмайди, кўп мулойимлик билан юмшаб ҳам кетмайди. Агар кўп мулойимлик қилса, дунёталаб, таъмагир одамлар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиқлик ишлатса, ундан қочадилар ва унга бошқа мурожаат қилмайдилар. Демак, доно вазир шулдирки, салтанат корхонасининг ишларини энг тўғри чораю тadbирлар қўллаб, яхши англаган ҳолда амалга ошириб, давлатни тартиб-интизомга келтиради.

“Амир Темур ўғитлари”

* * *

Раҳбар одам бошқалардан кўра узоқни кўриши ва чуқурроқ ўйлаб иш олиб бориши керак. Яъни раҳбар эртанги кунимизни бир қадам эмас, икки қадам узоқроқ кўриши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти
Ислом Каримов**

* * *

...Ҳар ишнинг зимнида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

* * *

Сиз бу ерга учма-уч кун кўриш учун келган эмассиз. Сиз бу ерга дунёда одамларнинг тўлақонлироқ яшаши, дадилроқ орзу қилиши ва ўз мақсадларига эришиш жараёнида янада ишончлироқ имконият бериш учун келгансиз. Сиз бу ерга дунёни бойитиш учун келгансиз.

Агар бу вазифани унутар экансиз, демак, ўзингизни ўзингиз фақирга айлантирасиз.

**Томас Вудро Вильсон (1913-1921),
АҚШнинг 28-президенти**

* * *

Тараққиётнинг чинакам белгиси - бойлик ёки таълим даражаси эмас, шаҳарнинг катталиги эмас, ҳосилнинг мул-қўллиги ҳам эмас, балки шу ўлка бағрида тарбия топган инсон қиёфасидир.

Р.Эмерсон

* * *

Одамнинг улуғлиги бўйи билан ўлчанмаганидек, халқнинг улуғворлиги ҳам унинг сони билан ўлчанмайди; ягона ўлчов унинг ақлий камолоти ва ахлоқий баркамоллигидир.

В.Гюго

* * *

Ҳаётни севасанми? Севсанг, вақтни бой берма, чунки вақтдан ҳаёт деган мато яралади.

Б.Франклин

* * *

Вақт бизнинг энг арзон ва айни вақтда энг қимматбаҳо мулкимиздир, чунки вақт туфайли биз ҳамма нарсага эришамиз.

Я.Райнис

* * *

Одам табиятан қизиқ яратилган – бойлигини йўқотса, хафа бўлади-ю, умри зое кетаётганига эса парво қилмайди.

Абул Фароҳ



* * *

“Эртага” сўзи қатъиятсиз кишилар ва болалар учун ўйлаб топилган.

И.С.Тургенев

* * *

Барча юкни кўтардим, аммо бурчдан оғирроқ юкни кўрмадим. Барча лаззатни тотиб кўрдим, аммо саломатликдан чучукроқ лаззатни тотмадим. Энг ширин лаззат соғлик-саломатликда эканини англадим.

Луқмони Ҳаким

* * *

Агар хоҳишинг ортидан бормасанг, ҳеч қачон унга эғалик қила олмайсан. Агар сўрамасанг, ҳеч қачон жавоб олмайсан. Агар биринчи қадамни ташламасанг, ҳозир турган жойингда қолиб кетасан.

Нора Робертс

* * *

Сенинг муваффақиятинг ва бахтинг – сенинг ичингда яширинган.

Ҳелен Келлер

* * *

Муваффақият сири – имконият келганда, унга тайёр бўлиб туришдир.

Бенжамин Дизраэли

* * *

Ҳаётингда ғолиб бўлишдан олдин ўз онгингда ғолиб бўлишинг керак.

Жон Эддисон

* * *

Оптимист ҳам пессимист ҳам ўзларича ҳақ. Танлов
эса сенга боғлиқ.

Ҳарвей Маккей

* * *

Агар мўлжалдан адашсанг, ҳеч қачон буни нотўғри
бажардим деб ўйлама! Кейинги мўлжални тўғри олиш
ҳақида ўйла.

Тони Алфонсо

* * *

Ҳаётдаги бизнесимиз – бошқалардан олдинга ўтиб
кетишни эмас, ўзимиздан илгарилаб кетишимизни
англатади.

Зиг Зиглар

* * *

Мен муваффақият учун калитни билмайман, лекин
мағлубият учун калитлардан энг асосийси - ҳар бир
одамга ёқишга ҳаракат қилишдир.

Билл Косби

* * *

Муваффақият - 20 % тажриба ва 80% стратегия дега-
нидир.

Жим Рон

* * *

Сен нафақат нима деб айтишингга, балки нима деб
айтмаслигингга ҳам жавобгарсан.

Мартин Лузер

* * *

Мақсадлар сари ҳар куни кичик қадамлар ажойиб натижаларга олиб келади. Олдинга ҳаракат қилишда давом этинг.

Лесли Кассиди

* * *

Ҳар бир одам қандайдур иш учун дунёга келади. Ер юзида яшаб юрган ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз вазифаси бор.

Эрнест Хемингуэй

* * *

“Ўйлаш – энг мураккаб иш: шунинг учун ҳам жуда кам сонли кишиларгина ўйлаш билан машғул бўлишади”.

Генри Форд

* * *

Агар биз кимдандир ёрдам кутсак ёки керакли дақиқани кутсак, ўзгаришлар бўлмайди. Биз фақат ўзимиздан кутишимиз керак. Биз ўзимиз керак бўлган ўзгаришимиз.

Барак Обама

* * *

Муваффақият асосий мақсадингиз кўз олдингизда турганда келади. Мақсадингиз кўздан нари кетиши билан муваффақият ҳам кетади.

Бернард Шоу

* * *

Донолик билан нодонлик шу қадар яқинки, одам доноликни қанча кўп даъво қилса, шунча нодон бўлади.

Ўткир Ҳошимов

* * *

Гапиришни ўрганибдими – демак, катта бўлибди,
жим туришни ўрганибдими – демак, доно бўлибди.

Бернард Шоу

* * *

Ҳар тонг уйқудан туриб, фикрла: “Бугун менинг ома-
дим келди, - мен уйғондим. Мен ҳаётман, менда мана
шу бебаҳо инсон ҳаёти бор ва мен уни беҳуда сарфла-
майман”.

Далай Лама

* * *

Бу дунёда энг тўғри тақсимланган нарса – ақл. Чун-
ки шу пайтгача ҳали ҳеч ким ақли камлигидан шикоят
қилмаган.

Мишель Монтен

* * *

Моҳирлик билан фойдаланилса, ҳаёт узун.

Сенека, файласуф

* * *

Бошқалар хоҳламаганини бугун бажарсангиз, эрта-
га бошқалар эриша олмаган ҳаётда яшайсиз.

Жарет Лето

* * *

Умр ўтказишнинг иккита усули бор. Биринчиси, гўё
ҳеч қандай мўъжиза йўқдай яшаб ўтиш. Иккинчиси,
ҳаётдаги ҳамма нарса мўъжиза эканига ишониб яшаб
ўтиш.

Альберт Эйнштейн



* * *

Кимки илмларни ўрганса-ю, уларни ишда қўлла-маса, гўёки ариқ қазиб, ерга экин экмаган ёки экин экиб, унинг ҳосилидан фойдаланмаган одам кабидир.

Алишер Навоий

* * *

Агар биз ўзимизни ўзганинг ўрнига қўйиб кўрсак, бошқаларга нисбатан рашк ва нафратимиз йўқолган бўлур эди; агар биз бошқаларни ўзимизнинг ўрнимизга қўйиб кўрсак, биздаги манманлик ва ғурур пасайган бўлур эди.

Иоганн Вольфганг Гёте

* * *

Битта дарахтдан миллионта гугурт донаси ясалади. Битта гугурт донаси билан миллионлаб дарахтларга ўт қўйилади. Шунинг учун ҳаётингдаги миллионлаб ижобий ишларингга таъсир қилмаслиги учун битта ҳам салбий иш қилма.

Доктор Иброҳим Фиқий

* * *

Сизни улугликка ундайдиган ҳеч бир нарсага эътиборсиз бўлманг.

Стендал

* * *

Итга ташланган суяк – бу раҳм-шафқат эмас. Раҳмдиллик – сиз оч пайтингизда ит билан бўлишадиган суякингиздир

Жек Лондон



* * *

Босилган қадам – одатга, одат – характерга, характер эса қисматга айланади.

Уильям Мейкпис Теккерей

* * *

Кам ичдинг – нима-ю, кўп ичдинг – нима, фарқсиз, игна ҳам, йўғон қозиқнинг учи ҳам кўзга кирар бўлса, барибир кўр қилади.

Тоҳир Малик

* * *

Имкониятлар келади-кетеди; тезкор қарорларни қабул қила олиш эса жуда муҳим.

Роберт Киёсаки

• • •

Инсон ўз номидан гапирганида кўпроқ муғомбирлик қилади. Унга ниқоб беринг ва у сизга ҳақиқатни айтади.

Оскар Уайльд

* * *

Ўзингиз ҳақингизда гапиришга шошилманг. Сиз ҳақингизда суҳбат сиз кетишингиз билан бошланади.

Ал-Пачино

• • •

Мен қайта ва қайта муваффақиятсизликка учрадим ва шунинг асносида муваффақиятга эришдим.

Майкл Жордан

* * *

Инсонни ахлоқ жиҳатидан тарбияламасдан туриб, интеллектуал жиҳатдан тарбиялаш, бу жамият учун таҳдид демакдир.

Теадор Рузвелт



* * *

Менинг маслаҳатим шундан иборатки, бутун қилиш мумкин бўлган ишни ҳеч қачон эртанга қолдирма. Кейинга суриш – бу вақт ўғрисига имкон беришдир. Уни ёқасидан ушла!

Чарльз Диккенс

* * *

Ғолиб бўлиш учун ғалабага муносиб эканингизга ишонишингиз керак.

Майк Дидка

* * *

Муваффақиятга эришиш учун атиги икки қадам ташлаш кифоя: аслида нимани исташингизни аниқ белгилаб олиш, сўнг шуларнинг ҳаммаси учун талаб қилинадиган бадални тўлаш.

Банкер Хант

* * *

Қийинчиликлар билан тўқнашмаган инсон куч нималигини билмайди. Мусибат кўрмаган инсонга ботирлик керак эмас. Таажжуб, инсонга хос энг аъло фазилатлар айнан қийинчиликларга тўйинган муҳитда шаклланади.

Гарри Фосдик

* * *

Бойлигини йўқотган кўп нарсани йўқотади; дўстини йўқотган ундан ҳам кўп йўқотади; журъатини йўқотган ҳамма нарсани йўқотади.

Мигель де Сервантес

* * *

Эслаб қолинг, агар тадбиркор унинг ширкатида каламушлар йўқ деб ҳисобласа, унинг кўзи яхши кўрмайди. Ёки ундан ҳам ёмони, унинг мияси яхши ишламайди.

Урал Сулейманов

* * *

Муваффақият сири: бошқалар ҳали ухлаётган пайтда ўқинг; бошқалар бекорчилик билан шуғулланаётган пайтда ишланг; бошқалар ўйнаётган пайтда тайёрланинг ва бошқалар истаётган вақтда орзу қилинг”.

Уильям А. Уард

* * *

Олдин билимларга пул тикиш лозим, кейин билимларни пулга. Бу - ҳар қандай ривожланишнинг модели.

Михаил Прохоров

* * *

Ўз меҳнати натижасини бирданига кўрмоқчи бўлган одам этикдўз бўлиши керак.

Альберт Эйнштейн

* * *

Сотув ва маркетинг ўртасидаги фарқ шуки, сотувда сен ўзингда бор нарсадан қутуласан, маркетингда эса, одамлар хоҳлаётган нарсани таклиф қиласан.

Тед Левитт

* * *

Фақат фокус гуруҳларга таяниб маҳсулотлар яратиш жуда мушкул. Одамлар кўпинча токи кўрсатмаганингча, ўзларига нима кераклигини билишмайди.

Стив Жобс



* * *

Инсон ўзига ёқадиган иш билан пул топишга урин-
маса, ҳаётидаги энг катта хатони қилган бўлади.

Малкольм Форбс

* * *

Рақобатчингиздан ўрганинг, чунки у сиздан ўрганади.

Жефф О'Лири

* * *

Билим ва тушуниш ўртасида катта фарқ бор: сиз би-
рон нарса ҳақида, уни ҳақиқатдан ҳам тушунмай ту-
риб, жуда кўп нарса билишингиз мумкин.

Чарльз Франклин Кеттеринг

* * *

Бизнесда сизга икки хил пул билан ҳақ тўлашади:
нақд пул ва тажриба билан. Аввал тажриба тўпланг,
нақд пул кейин келади.

Гарольд Гинин

* * *

Аҳмоқлик ва донолик ҳам худди юқумли касаллик-
лар сингари бўлади. Шу сабабли дўстларингни ўйлаб
танла.

Уильям Шекспир

* * *

Ҳар куни компаниямнинг 95% активлари маши-
наларига ўтириб уйларига кетади. Менинг вазифам –
шундай меҳнат шароитларини яратишдан иборатки,
токи кейинги кун эрталаб улар яна ишга қайтиб кел-
гилари келсин. Улар компанияга олиб келадиган креа-
тивлик рақобатбардош афзаллик туғдиради.

Жеймс Гуднайт

* * *

Халқнинг бир қисмини доимо алдаш мумкин ва бутун халқни бир оз вақт алдаш мумкин, лекин бутун халқни доимо алдаб бўлмайди.

Авраам Линкольн

* * *

Молия ва бизнес – хавфли сувлар бўлиб, унда очкўз акулалар ўз қурбонларини қидириб айланиб юрадилар. Бу ўйинда билим – куч ва ҳокимият калитидир. Нима қилаётганлигингизни билиш учун пул сарфланг. Бўлмаса, кимдир сизни чув тушириб кетади. Молиявий саводсизлик – катта муаммо. Кишилар кўпинча яхши тайёргарлик кўрмаганликлари сабабли хавфли вазиятларга тушиб юрадилар.

Дональд Трамп

* * *

Муваффақиятга эришиш учун ўзингизни жаҳондаги 98% одамлардан ажратишингиз керак. Сиз албатта, ўша танланган икки фоизга қўшилишингиз мумкин. Ақл, меҳнатсеварлик ёки пухта ўйланган режа ҳеч нимани англамайди. Ўша икки фоиз амал қилиб яшаётган рецепт, муваффақият формуласи мавжуд бўлиб, сиз ҳам мақсадга эришиш учун ундан фойдаланишингиз мумкин.

Дональд Трамп

* * *

Бизнесда муваффақиятлар калити – инновацияларда. Улар эса, ўз навбатида креативликдан туғилади.

Жеймс Гуднайт

* * *

“Яхши раҳбар қўл остидагиларнинг ўз ишини ўзи кутгандан ҳам анча яхши бажара олиши учун уларда



Ўзлари ўйлагандан ҳам кўп қобилият борлигини тушунишига ёрдам беради.

Чарльз Ирвин Уилсон

* * *

Буюк етакчининг ўйлаган нарсасини амалга ошириш журъати кучли ички эҳтирос, интилишидан келиб чиқади, лавозимидан эмас.

Жон Максвелл

* * *

Муваффақият – бу бошқалар таслим бўлганда, сиз кўрсатган қатъият самараси.

Уильям Физер

* * *

Одамлар ҳар доим айбни вазиятга тункашади. Мен вазият кучига ишонмайман. Бу дунёда муваффақиятга шундай одам эришадики, ким ўзига керак шарт-шароитларни қидирса ва агар топмаса, ўзи яратса.

Жорж Бернард Шоу

* * *

Шунчаки билишнинг ўзи етарли эмас, билимларни қўллаш керак. Шунчаки ишташ етарли эмас, ҳаракат қилмоқ керак.

Иоганн Вольфганг фон Гёте

* * *

Муаммолар орқангиздан туртмасин, орзулар олдингга етакласин.

Дуглас Эверетт



* * *

Ҳар қандай ютуқ синаб кўришга жазм қилишдан бошланади.

Михаил Баришников

* * *

Нотўғри йўлдан югургилаган одам, ғалабадан олислаб кетади; тўғри йўлдан одимлаган муваффақиятга тезроқ эришади.

Хитой мақоли

• • •

Мукаммал билганларингиз чегарасидан ташқарида бўлган бирон нарсани амалга оширишга уринмас экансиз, ривожланмайсиз.

Ральф Уолдо Эмерсон

* * *

ПЕССИМИСТ инсон ҳар қандай имконият ортида қийинчиликни кўради, ОПТИМИСТ ҳар қандай қийинчиликда имкон топади.

Уинстон Черчилль

• • •

Кўпинча, мотивация узоққа етмайди, деб айтишади. Тўғри, у худди душга ўхшайди, шунинг учун ҳам душга ҳар куни тушиш тавсия этилади.

Зиг Зиглар

* * *

Даромадларимиз ҳаёт бизга тақдим этган ҳар қандай имкониятларга берган “ҳа”, деб берган жавобларимиз сонига боғлиқ.

Роберт Киёсаки



* * *

Инсон қайси манзил томон кетаётганини билмаса,
ҳеч бир шамол унга йўлдош бўлолмайди.

Сенека

* * *

Муваффақият йўлидаги энг катта тўсиқ – бу муваф-
фақиятсизлик олдидаги қўрқувдир.

Свен Горан Эриксон

* * *

Меҳнатсиз муваффақиятга интилиш, бу – ўзингиз
уруғ эрмаган ердан ҳосил олишни исташ билан баро-
бар.

Девид Блай

* * *

Ҳаётингиз 10 фоизга сиз билан содир бўлаётган
ҳодисаларга ва 90 фоизга шу ҳодисаларга сиз қандай
қарашингизга боғлиқ.

Жон Максвелл

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ

Ибратли ҳикоялар

Бу бўлимда “Лидерлар” каналида эълон қилинган ибратли ҳикоялар билан танишишингиз мумкин. Ушбу масал, ривоят, ҳикоялар газета-журнал, китоб ва интернет нашрларидан олинган. Фойдаланган манбаларимиз ва муаллифлар ҳақида билганларимизни кўрсатиб ўтдик, баъзиларини топа олмадик. Агарда аниқ манба ва муаллифлари қайд этилмаган айрим ҳикоялар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз ёки муаллифлари кимлигини билсангиз, албатта, бизга хабар беринг, биз буни каналимизда ёритиб ўтамыз.

Икки ўтинчи

Бир куни икки ўтинчи ўрмонга ўтин кесгани борибди ва ким кўп ўтин чопишга ўзаро мусобақалашибди. Биринчи ўтинчи кўпроқ ўтин чопиш мақсадида танаффуссиз, дам олмасдан ишлабди. Иккинчи ўтинчи эса, маълум вақт ишлагач, бироз дам олар, кейин яна ишини давом эттирарди.

Биринчи ўтинчи рақиб томондан аҳён-аҳёнда болтанинг тақ-туқ овози жимиб қолаётганини эшитиб, қувончи ичига сиғмасди. Кун охирида иккаласи натижани ҳисоблашса, иккинчи ўтинчининг ўтинлари анча кўп эмиш.

Биринчи ўтинчи ҳайрон бўлиб сўрабди:

– Қанақасига сенинг ўтинларинг кўп бўлиши мумкин, ахир сен дам олиб, мен эса танаффуссиз кўпроқ ишладим. Мантиқан олганда, менинг ўтинларим кўп бўлиши керак эди-ку!

Шунда иккинчи ўтинчи жавоб берибди:

– Барчаси оддий, дам олган пайтларим болтамни,

Ўткирладим, шу сабабли натижам самарали бўлди. Сен эса тинимсиз ишлаганинг учун болтанг ўтмаслашиб қолди, кун охирига бориб, деярли ўтин чополмай қолдинг.

Хулоса: Дам олишсиз ишлаш ҳар доим ҳам самара беравермайди. Аксинча, бу ходимларнинг тинка-мадорини қуритади, иш сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Манба: ижтимоий тармоқдан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Музлатгичдаги аёл...

Гўшт фабрикасида ишлайдиган бир аёл иш тутагандан сўнг музлатгичларни текшириш учун кирганда эшик бехосдан ёпилиб аёл музлатгични ичида қолиб кетди.

Аёл овози бориचा бақириб ёрдам сўради. Музлатгич эшигини тепди, йиғлади, аммо ҳеч ким эшитмади, ёрдамга келмади.

Иш вақти тутагани учун ҳамма ишчилар уйларига кетиб бўлишган эди. Орадан бир-икки соат ўтгандан кейин музлатгич эшигини эшик ёнида турадиган қоровул очди. Аёл ҳайрон бўлиб, қоровулдан сўради:

– Сиз менинг музлатгичга қамалиб қолганимни қаердан билдингиз? Ахир цех ичини текшириш сизни вазифангизга кирмайди-ку?

– Мен ўттиз беш йилдан бери шу ерда ишлайман. Бу ерга қанчаси келиб-кетади, лекин бирортаси мен эшик тагида туриб, уларни кузатишимни сезишмайди. Гуёки мен йўқ одамман уларга... Аммо сиз ҳар куни эрталаб мен билан саломлашиб, кечки маҳал хайрлашиб кетасиз. Биргина сизнинг кўнгил учун ҳол-аҳвол

сўраганингиз туфайли мен ўзимнинг инсон эканимни ҳис қиламан. Эрталаб салом бериб, ишхонага кириб кетдингиз, аммо иш тугагандан сўнг сизнинг хайрлашиб чиқиб кетганингизни кўрмаганим учун ичкарида бирор нарса бўлгандир, деб хабар олиб киргандим, – деди...

Хулоса: Одамлар бир-бирларини ҳурмат қилиб, сийлаб, қадрлаб яшашлари шарт! Зеро, эртанги кунимиз не бўлишини ёлғиз Яратгандан бошқа ҳеч ким билмайди...

Манба: ижтимоий тармоқдан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Ўзига ишонган чумоли

Одамлар йўлда кетаётса, бир чумоли қаршисида турган тоғнинг тошларини елкасига ортиб, четга чиқараётган эмиш. Ундан нега бундай қилаётганини сўрашибди...

– Тоғнинг нариги томонида онам бор. Онамнинг олдига бориб-келишим учун тоғнинг ўртасини ёриб, ўзимга йўл қиляпман, – деб жавоб берибди.

Одамлар:

– Бу сенинг қўлингдан келмайди-ку, – дейишибди.

Шунда чумоли:

– Қўлимдан келмаслик баҳона бўлолмайди, – деган экан...

Хулоса: Мақсадлар сари дадил қадам босмас эканмиз, ҳар қандай оддий нарсалар ҳам қўлдан келмайди. Истаса ва изланса, ҳар қандай мақсадга йўл бор, дангаса инсонларгина баҳоналар туфайли ўзларини тўхтатишади.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.



Сизнинг хулосангиз: _____

Китоб ўқийверинг!

Машойихлардан бири ҳикоя қилади: “Бир куни шайхимга: “Устоз, ушбу китобни тўлиқ ўқиб чиқдим, лекин хотирамда бу китобдан ҳеч нарса қолмади”, дедим. Шунда устозим бир дона хурмо бериб: “Бунни егин”, деди ва бироздан сўнг менга: “Хурмо еганинг учун катта бўлиб қолдингми?” деб савол берди. Мен: “Йўқ”, дедим. Устозим: “Лекин бу хурмо сенинг баданингга сингиб, сенинг танангда гўшт, суяк, пай, тери, соч ва тирноқларга айланмоқда”, деди.

Хулоса: Шунда англаб етдимки, мен ўқиётган китоб ҳам онгимга сингиб, ўзим билмаган ҳолда менинг луғат бойлигимни оширар, ақлимни зиёда қилар, ахлоқимни сайқаллар ҳамда гапириш услубимни гўзал қилар экан.

Манба: ажтимоий тармоқдан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Ҳаёт ва қаҳва пиёласи

Обрўли бир олий ўқув юртини тамомлаган, ҳозир яхши жойларда ишлайдиган бир гуруҳ собиқ талабалар устозларини йўқлаб келишди. Сухбат асносида гап ишга кўчди ва улар қийинчиликлар кўплигидан, турли муаммолардан шикоят қилишди.

Профессор меҳмонларга қаҳва таклиф қилди, розиликларини олгач, ошхонага йўналди ва бироздан сўнг

патнис кутариб чиқди. Унга турли хил - чинни, шиша, пластик ва биллур пиёлалар терилган эди. Айримлари оддий, айримлари қимматбаҳо эди.

Шогирдлари пиёлаларни олиб бўлгач, профессор уларга юзланиб, шундай деди:

– Эътибор беринглар, ҳаммаларинг қимматбаҳо ва зеб-зийнатли пиёлаларни олдиларингиз. Оддий ва арзонлари патнисда қолди. Бу аслида сиз учун меъёрдаги ҳолат – энг яхшисини истайсиз. Бироқ шу билан бирга бу кайфият барча муаммоларингиз ва ташвишларингизнинг илдизи ҳамдир. Ёдингизда бўлсин, пиёла ҳеч қачон қаҳванинг таъмини ўзгартириб, яхшилаб қўймайди. Қимматбаҳо пиёлалар баъзида ичидаги қаҳванинг асл кўринишини яширади ҳам. Ҳаммаларинг истаган нарсаси аслида қаҳва эди, пиёла эмас. Лекин сизлар онгли равишда чиройли идишларни танладингиз, кейин кимга қанақаси тушди экан, деб бир-бирларингизнинг пиёлангизга эътибор қаратдингиз. Тасаввур қилинг, ҳаёт бу - қаҳва; иш, пул, вазият, жамият кабилар эса - пиёладир. Улар тирикчиликни таъминлаш воситалари, холос.

Хулоса:

Қандай пиёлага эга бўлишимиз ҳаётимизнинг моҳияти ва асл сифатини ўзгартирмайди. Баъзида, фақат пиёлаларга эътибор бериб, қаҳванинг таъмидан лаззатланишни унутиб қўямиз.

Манба: ижтимоий тармоқдан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Ягона уриниш

Бир куни устоз ўз ўқувчисини камондан ўқ узишга ўргатаётган эди. Ўқувчи камонни ва иккита ўқни олиб, машқ бажаришга шайланди. Бироқ устоз унинг олдида бориб, ундан ўқнинг бирини олиб қўйди ва улоқтириб юборди.

– Нима учун иккинчи ўқимни олиб қўйдингиз? – сўради ўқувчи.

– Мен сендан иккинчи ўқингни эмас, биринчи ўқингни олиб қўйдим, чунки биринчи ўқинг барибир нишонга тегмас эди.

– Аммо нима учун? – ҳайрат билан сўради ўқувчи.

– Чунки ўқ узаётиб, сен захирангга яна битта уриниш борлигини англаб турган бўлар эдинг, – деди устоз.

Хулоса:

Ҳаётда яна имкониятларим бор-ку деб яшаш хатоларингизни кўпайтириши мумкин. Битта имкониятдан унумли фойдаланиб, хатога йўл қўймасликка ҳаракат қилинг.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Сизни қандай ёдга олишларини хоҳлайсиз?

Тахминан юз йил муқаддам бир киши эрталабки газетага қаради, кўзи сарлавҳада ёзилган ўз исмига тушиб ҳайрат ва даҳшатда қолди. Газеталар адашиб, унинг вафот этгани ҳақида хабар беришганди.

У бундан шокка тушиб қолди. “Мен шу ердами ёки у ердами?” У яна хаёлларини жамлашга уринди, миясига келган иккинчи фикр, бу - одамларнинг у ҳақда нима дейишларини билиш эди.

Газетада шундай ёзилган эди: “Тақдимот ўқилди, Динамит Қироли вафот этди ва у ўлим савдогари эди. У киши динамитнинг ихтирочиси эди ва ўлим савдогари бўлиб ўлди”. Бу жумлаларни ўқиб бўлгач, ўзига шундай савол берди: “Мени инсонлар шундай хотирлашмоқчими?”

У ҳис-туйғуларига ғарқ бўлди ва одамлар уни бу тарзда ёдга олишларини хоҳламасликка қарор қилди.

Шу кундан бошлаб, у тинчлик учун ҳаракат қила бошлади. Унинг исми Альфред Нобель эди ва у бугун буюк Нобель мукофоти билан ёдга олинади. Альфред Нобель ўзининг ҳис-туйғуларига берилиб, қадриятларини қайта белгилаб қўйганидек, биз ҳам орқага назар ташлаб, худди шундай қилишимиз керак.

Ўзингиздан сўнг нимани мерос қилиб қолдирасиз?

Сизни қандай ёдга олишларини хоҳлайсиз?

Сиз ҳақингизда яхши гапларни айтишадиларми?

Сизни севги ва ҳурмат билан эслаб қолишадиларми?

Соғинадиларми?

Манба: “UzBuild” телеграмм канали

Танқид ҳақида ибратли ҳикоя

Бир шогирд узоқ фурсат машҳур рассомнинг қўлида таълим олибди ва касб маҳоратини эгаллаб олгач, устозидан оқ фотиҳа беришни сўрабди.

– Ижозат берсангиз, мен ҳам мустақил иш бошласам, ўрганганларимни амалда татбиқ этсам...

Устоз жавоб берибди:

– Сен менинг энг яхши шогирдимсан, жуда кўп нарсани ўргандинг. Аммо мустақил иш бошлашингдан олдин сўнгги маслаҳатим бор. Бунинг учун боргин-да, энг яхши расмингни чизиб кел!

Шогирд устозининг олдидан мамнун ҳолда чиқиб, бор маҳорати билан зўр расм чизибди. Сўнг уни усто-

зининг олдига олиб келибди. Устози расмни кўриб, шогирдига топшириқ берибди:

– Энди шу суратни шаҳарнинг энг гавжум жойига олиб бориб илиб қўй ва ёнига қизил қалам қўйиб, шу сатрларни ёз: “Расмдан хато ва камчилик топганлар шу қизил қалам билан белги қўйсин!”

Ўз расмининг мукаммаллигига шубҳа қилмаган шогирд устозининг айтганини бажарибди ва икки кундан сўнг кўзда ёш билан қайтиб келибди:

– Устоз, мендан рассом чиқмайди! Қаранг, энг мукаммал деб ҳисоблаган расмим одамларга ёқмабди.

Устоз қараса, расмнинг қизил қалам тегмаган жойи қолмабди ҳисоби, одамлар ҳаммаёғига белги қўйиб ташлашибди. Шунда устоз шогирдига яна топшириқ берибди.

– Энди қизил белгиларни ўчириб ташлагин-да, шу расмни ўша гавжум жойга яна илиб қўй, аммо бу сафар расмнинг ёнида қизил қалам эмас, мўйқалам билан ранглар идишини қолдир ва шу сатрларни ёз: “Расмда хатолик кўрганлар мўйқалам билан ўша хатони тузатиб қўйсин!”

Шогирд чиқиб кетибди. Бир кун, икки кун, бир ҳафта, бир ой вақт ўтибди. Аммо биронта одам расмга ўзгартириш киритмабди. Шогирд бунга тушуна олмай турганида устози унга сўнгги маслаҳатини илинибди:

– Кўрдингми? Одамлар шунақа, танқид қилиш сўралса, ҳамма ўзини шу касб мутахассиси ҳисоблайди, аммо тузатишга келганда ҳаммалари жим бўлишади.

Хулоса: Унутма, бирон нарсани танқид қилишдан аввал ўрнига нима бера олишинг мумкинлигини ўйла. Йўқса, танқид қилма!

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Тарихни ўзгартирган буюклар

Йигирманчи асрнинг бошларида бир Шотландиялик фермер уйига қайтар экан, ботқоқ ернинг ёнидан ўтди. Бирдан ўша тарафдан ёрдам сўраб бақираётган овозни эшитди. Фермер ёрдамга югурди ва у ерда ботқоқлик ўзининг ифлос қаърига тортаётган бир болани кўрди. Бола ўзини ботқоқликнинг кўрқинчли зичлигидан чиқаришга ҳаракат қилар эди. Лекин унинг ҳар бир ҳаракати тобора чўкишини тезлатар эди. Бола тиришиб, кўрқувдан бақирар эди. Фермер дарахтнинг қалин бир шохини синдириб олди. Халоскор эҳтиётлик билан шохни чўкаётган болага узатди. Бола унинг ёрдамида хавфсиз ерга чиқиб олди. Уни кучли титроқ босган эди, узоқ вақт кўз ёшларини тўхтата олмади, лекин, асосийси, у қутқарилган эди!

– Юр мен билан, уйимга олиб бораман, – таклиф қилди фермер, – сен ўзингга келиб олишинг керак, қуришиб, исиниб олишинг лозим.

– Йўқ-йўқ, – бола бошини чайқатди, – мени отам кутяпти. У жуда хавотир олаётган бўлса керак.

У халоскорининг кўзларига тикилиб турди-да, югурганча кетди...

Эрталаб фермер уйининг олдига бой бир извош келиб тўхтаганини кўрди. Извошга зотли отлар боғланган эди. Извошдан қимматбаҳо кийимлар кийган бир жаноб тушди ва сўради:

– Менинг ўғлимнинг ҳаётини кеча сиз сақлаб қолган эдингизми?

– Ҳа, мен, – жавоб берди фермер.

– Мен сизга қанча тўлашим керак?

– Мени хафа қияпсиз, жаноб. Сиз менга ҳеч нарса қарз эмассиз. Чунки, мен оддий одам қандай ҳаракат қилиши керак бўлса, шундай ҳаракат қилдим холос.

– Йўқ, мен буни шундай қолдиролмайман. Чунки,

ўғлим мен учун жуда қадрли. Истаган пулингизни сўранг, – қистади ташрифчи.

– Мен бу ҳақда ҳеч нарсга гапиргим келмаяпти. Хайр.

Фермер кетиш учун ўтирилди. Шу вақт уйдан кичик ўғилчаси чиқиб, унинг елкасига осилди.

– Бу сизнинг ўғлингизми? – сўради бадавлат меҳмон.

– Ҳа, – ғурур билан жавоб берди фермер ўғлининг бошини силаганча.

– Келинг, бундай қиламиз. Мен сизнинг ўғлингизни ўзим билан Лондонга олиб бораман. Унинг таълим олиши учун барча харажатларни тўлайман. Агар у буни сиз хоҳлаётганингиздек хоҳласа, у ҳолда сиз ҳам, мен ҳам бу қароримиздан афсусланмаймиз...

Орадан йиллар ўтди. Фермернинг ўғли мактабни тугатди. Кейин Тиббиёт университетини. Тез орада унинг номи “Пенициллин кашфиётчиси” сифатида дунёга танилди. Унинг исми Александр Флемминг эди.

Уруш арафасида Лондоннинг бойлар учун клиникасига ўпканинг ўта шамоллаши ташхиси билан худди ўша жанобнинг ўғлини келтиришди.

Бу гал унинг ҳаётини қутқариб қолинишига нима сабаб бўлди, деб ўйлайсиз?

Ҳа, Александр Флемминг томонидан кашф қилинган пенициллин. Флеммингга таълим берган бой жанобнинг исми Рандольф Черчилль эди. Унинг ўғлини эса Уинстон Черчилль дейишарди. Ўша, кейинчалик Англиянинг премьер-министри бўлган Черчилль.

Хулоса: Уинстон Черчилль айтган эди: “Қилган яхшилигинг, албатта, ўзинга қайтади”.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Мақсад сари интилишдан чарчама

Бир одам денгиз қирғоғида сайр қилиб юарди. Унинг диққатини сал нарироқда ниманидир ердан олиб, денгизга отаётган бола тортди. Яқинроқ келганда эса, боланинг қумдан денгиз юлдузчаларини олиб, сувга отаётганини кўрди.

Юлдузчалар эса сон-саноксиз эди. Шунчалик кўп эдики, миллионларча юлдузлар қирғоқ бўйлаб неча километрларгача сочилиб ётарди.

– Нега юлдузларни денгизга отяпсан? – деб сўради киши болага яқин келиб.

– Агар денгиз юлдузлари эрталабгача қуруқликда қолишса, ҳалок бўлишади, – деб жавоб берди бола машғулотини давом эттириб.

– Ахир бу аҳмоқлик-ку! – деди ҳалиги одам. – Атрофинга қара! Бу ерда миллионларча денгиз юлдузлари. Сен бу ҳаракатинг билан ҳеч нарсани ўзгартиролмайсан!

Бола навбатдаги юлдузни қўлига олди, бир лаҳза ўйланиб, уни ҳам денгизга улоқтирди ва деди:

– Йўқ, менинг ҳаракатларим кўп нарсани ўзгартиради... Мана бу юлдуз учун.

Шунда у одам ҳам бир денгиз юлдузини олиб, денгизга отди. Кейин яна бирини... Кечга яқин қирғоқда юзлаб одамлар денгиз юлдузларини денгизга отиш билан банд эдилар.

Изоҳ: Сиз ҳам ҳаётда янги иш бошлаганингизда ёки катта ишларни режалаштирганингизда ёнингизда одамлар пайдо бўлади, бу ишингиз бефойдалиги ва ҳеч қандай самара бермаслигига сизни ишонтиришни бошлашади. Сиз унга савол берсангиз, буни қаердан биласиз, нима, синаб кўрганмисиз, десангиз, йўқ, синамаганман, кўриб турибман, дейди. Улар ўзлари омадсиз ва дангаса, сизни ҳам шундай бўлишингизни хоҳлашади. Агар сиз уларга эътибор бермай, меҳнат қилишдан



тўхтамасангиз албатта, натижани кўрасиз. Шунда ҳам шу одамлар сизнинг, олдингизга келиб ақл ўргатишни бошлашади. Шундай экан, тўхтаманг, олдинга юринг, барча муваффақиятлар биринчи қадамдан бошланган, миллион доллар ишлаб топиш учун аввал бир доллар ишлаб топиш керак, кейин секин-секин 10, кейин 100, кейин 1000 ва ҳоказо.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Бир пиёла чой

Хаёл қилинг: олдингизда бир пиёла чой турибди. Унга бир қошиқ шакар қўшинг. Лекин аралаштирманг. Ичиб кўринг-чи, шакарнинг мазаси чиқдимикан? Албатта, йўқ. Пиёлага бир оз боқиб туринг-да, сўнгра чойдан ҳўпланг. Қалай? Маза кирибдими? Менимча, йўқ.

Вақт ўтиб, чой совиб боряпти, бироқ сиз ҳали бирор ҳўплам ширин чой ичолганингиз йўқ. Бу туришда чой совуб, охири ҳеч кимнинг ичгиси келмай ҳам қолади...

Ҳаёт ҳам шундай. У худди бир пиёла чой кабидир. Аллоҳнинг сизга берган ақл-заковати эса шакар. Агар уни ишлатмас экансиз, шакарнинг мазасини билмайсиз.

Жалолиддин Румий

Унутилган ваъда

Бир подшоҳ ўта совуқ тунларнинг бирида қасрига қайтаётиб, юпун кийинган бир қари соқчига кўзи тушиб қолди. Унга яқин келиб:

– Совқотмайсизми? – деб сўради.

– Совқотаман. Лекин менинг иссиқ кийимим йўқ, шунинг учун чидашга мажбурман, – деб жавоб берди қари соқчи.

Подшоҳ унга бирон хизматкоридан иссиқ кийим бериб юборишни ваъда қилиб, ичкарига кириб кетди. Бу ваъдадан соқчи жуда хурсанд бўлди. Лекин ичкарига кирган заҳоти подшоҳнинг соқчига берган ваъдаси ёдидан кўтарилди.

Эрталаб эса қари соқчи ҳаётдан кўз юмган эди. Унинг ёнида қалтироқ қўллари билан ёзилган бир нома турарди. Номада шундай дейилган эди: “Подшоҳим, шу вақтга қадар ҳар тунда совуққа чидаб келаётган эдим. Аммо бу кеча сизнинг иссиқ кийим ҳақидаги ваъдангиз қувватимни олди ва мени ҳалок этди”.

Хулоса: Бировга берган ваъдангиз сиз ўйлагандан кўра кўпроқ маънога эга эканини унутманг! Берган ваъдангизга хилоф иш қила кўрманг! Сизнинг бу ишингиз қанчалик огир натижа бериши мумкинлигини ўйланг.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Фокус - бу калит

Агар сиз бир вақтда битта мақсадга диққатингизни қаратсангиз ва таслим бўлмасангиз, уни 95 фоиз имконият билан бажара оласиз. Агар иккита мақсад ҳаёлингизда бўлса, имконият 65 фоизга тушади, агар учта мақсад бўлса, 25 фоиз имкониятингиз қолади.

Такрорланган ёлғон ростга айланади. Миллиардерлар энг катта ёлгончилардир! Улар ўзини-ўзи жуда кўп марта алдаганлар. Яхши ниятда, албатта! Улар ҳаёлан қайта-қайта ўзларининг омадли эканликларини, бой эканликларини такрорлашади ва диққатини шунга қаратишади. Бу такрорлашлар миядаги махсус филь-



трни ёриб ўтади ва онг остига етиб боради. Қарабсизки, ўша аффирмацияларни доимий такрорлаган оддий шахсга пуллар келиш йўллари очилади, унга шароит яратиб берадиган одамларни учратади. Хуллас, бойишга имкон пайдо бўлади.

Хулоса: Сиз ҳозир кимсиз ва ким бўлмоқчисиз? Сиз ҳозир “ҳеч ким” бўлсангиз ҳам, аффирмацияларни такрорлаш орқали кимдир бўлишга эриша оласиз!

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Ҳеч бир нарса шунчаки эмас!

Икки фаришта оддий йўловчи одамлар шаклига кириб, бир бой-бадавлат оиланинг уйида тунаб қолишибди. У оила меҳмондўст эмас экан ва фаришталарни меҳмонхонага киргизишни хоҳлашмай, уларга совуқ ертўладан жой беришибди. Фаришталар энди ётиш учун жой солишаётган экан, катта фаришта деворда ўйилиб тушган жойни кўриб, уни худди ҳеч нарса бўлмагандай қилиб тузатиб қўйибди.

– Нимага ундай қилдинг? – сўрабди кичик фаришта.

Бунга катта фаришта шундай жавоб берибди:

– Ҳеч бир нарса шунчаки эмас, шунчаки кўрингани билан.

Эртаси куни улар тунаб қолгани камбағал, лекин меҳмондўст йигит ва унинг хотинининг уйига келишибди. Эр-хотин уйида бор нарсани фаришталар билан баҳам кўришибди ва уларга ўз жойларини таклиф қилишибди. Қаерда уларга дам олиш қулай бўлса, ўша ерда дам олишларини айтишибди, ўзлари эса ерда ётишибди.

Эрталаб фаришталар уйғониб, ҳовлига чиқишса, эр-хотиннинг йиғлаб ўтирганини кўришибди. Уларнинг якка-ю ягона, сути билан рўзгорга зўр-базўр яраб турган сигирлари ўлиб ётар эди.

– Нега сен бундай қилдинг? – сўрабди кичик фаришта катта фариштадан, – биринчи оиланинг ҳамма нарсаси бор эди ва сен унга ёрдам бердинг, деворини тузатдинг. Бу оилани эса деярли ҳеч нарсаси йўқ эди, лекин улар биз билан ўзларида борини баҳам кўришди, сен эса уларнинг яккаю ягона ситирини ўлишига йўл қўйиб бердинг. Нима учун ?!

– Ҳеч бир нарса шунчаки эмас, шунчаки кўрингани билан, – жавоб берди катта фаришта, – биз сен билан ертўлада бўлганимизда, ўша ўйилиб тушган деворнинг ортида бир хумда олтин бор эди. Уйнинг эгаси эса хасис эди ва ҳеч кимга яхшилик қилишни хоҳламасди. Агар ўша олтинларни у топганида, бундан ҳеч кимга фойда йўқ эди, шунинг учун ҳам мен у деворни тузатиб қўйдим. Эртаси куни биз камбағалнинг уйида тунаб қолганимизда, бу уйга ўлим фариштаси келди, камбағалнинг хотинини олиб кетгани. Мен унга сигирни бердим...

Хулоса: Қиссадан ҳисса шуки, ҳеч бир нарса шунчаки эмас, шунчаки кўрингани билан! Ҳар бир ишда бир ҳикмат бор.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Қарз

Кичкина шаҳарчага бир сайёҳ келди ва кичкинагина меҳмонхонага кирди. Меҳмонхона эгасига 100 доллар гаров пули қолдирди ва хоналар билан танишишга киришиб кетди. Меҳмонхона эгаси қўлига тушган нақд пулдан зудлик билан фойдаланишга аҳд қилди. У югуриб бориб қассобдан қарзини узиш учун 100 долларни узатди.

Қассоб ҳам тезда бориб фермердан қарзини узди.

Фермер тракторини тузатиб берган устадан қарзини узолмай хуноб бўлиб ўтирганди.

Шахдам қадамлар билан устага пулни узатди.

Уста озиқ-овқат олавериб дўкончидан 100 доллар қарз бўлиб қолгани эсига тушди ва дўкончининг ёнида юзи ёруғ бўлди. Дўкончи анчадан бери дўконини тоза-лаб юрган фаррошнинг ойлигини беролмаётганди.

100 долларни олган фаррош ижара пулини тўлаш учун меҳмонхонага югурди ва хўжайинга пулни узатди. Хўжайин пулни олган пайтда юқори қаватдан сайёҳ тушди ва бу хоналар унга тўғри келмаслигини айтиб, пулини қайтариб олиб, жўнаворди.

Ҳеч ким ҳеч нарсага эга бўлмаган бўлса-да, бутун шаҳарча қарзларидан қутулган ва келажакка ишонч билан қараётган эди...

Қиссадан ҳисса: Бошингизга келадиган ҳеч бир савдо беҳуда эмас. Яхши кундан ҳам, оғир кундан ҳам ҳикмат изланг.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Ҳаёт фалсафаси ...

Фалсафа фанидан дарс ўтаётган профессор аудиторияга қўлида стакан кўтарганча кириб келди. У ҳамма кўриши учун стаканни баландроқ кўтарди.

– Бунинг оғирлигини биладиганлар борми?

– 50 мг!...

– 100 мг!

– 125 мг! – деган жавоблар янгради.

– Ўлчамаздан туриб, буни аниқ айтиш қийин. Лекин менинг саволим шундай: агар буни бир дақиқа кўтариб турсам, нима бўлади?

– Ҳеч нима, – талабалардан бири жавоб берди.

– Яхши. Агар бир соат кўтариб турсам-чи? – яна сўради профессор.

– Қўлингиз оғрийди, – деди бир талаба.

– Тўғри! Агар бир кун шундай турсам нима бўлади?

– Қўлингиз увушиб, ҳеч нарсани сезмайди, мускулларингиз толиқиб, жонингизни азоблайди. Кейин сизни касалхонага олиб кетишади.

Талаба қизнинг куйинчаклик билан қайтарган жавоби аудиториянинг кулгисига сабаб бўлди.

– Тўғри. Айтинг-чи, бу стаканни узоқ кўтариб турганимда унинг вазни ортадимми? Таним шунинг учун азобланадимми? – сўради профессор.

Аудитория бир овозда “йўқ” дея жавоб қайтарди.

– Бу азобдан халос бўлишим учун нима қилишим лозим?

– Идишни ерга қўйинг!

– Тўппа-тўғри! Унутманг, ҳаётдаги муаммо, ташвишлар ҳам шунга ўхшайди: қанча узоқ кўтариб юрсанг, улар сени шунчалар кўп қийноққа солади, – фикрини ақунлади профессор.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Ибратли ҳикоя

Икки шаҳарнинг машҳур рассомлари расм чизишда моҳирлик борасида доим тортишар эдилар. Уларнинг бири хитойлик, иккинчиси онадўлилик (Туркия) рассомлар эди.

Шаҳар ҳукмдори уларнинг орасини ажратиш учун саройига таклиф қилди. Уларга бир хонани кўрсатди. Унинг ўртасига девор ўрнатишди. Бир қисми Хитой рассомларига ва иккинчиси онадўлилик рассомларга топширилди. Улар ўз маҳоратларини ишга солиб расм чиза бошладилар.

Хитойлик рассомлар жуда кўп бўёқлар сўраб, жуда чиройли суратлар чиздилар. Онадўлилик рассомлар эса ўзларига берилган хонанинг бир қисмини биллурдек шаффоф бўлган мовий рангга бўядилар.

Белгиланган вақт тугагач, подшоҳ хонани текширгани кирди. Биринчи бўлиб хитойлик рассомларнинг ишларини кўриб қойил қолди. Улар хонани усталик билан безатган эдилар. Навбат онадўлилик рассомларга келганда, улар орадаги деворни олиб ташлашни айтдилар. Орадаги тўсиқ олингандан сўнг хитойлик рассомлар чизган сурат онадўлилик рассомлар чизган биллурдек шаффоф мовий деворларда акс этди. Буни кўрган подшоҳ ҳайратдан лол қолди. Бунинг оддийлиги ва бежиримлигига тасаннолар айтди.

Қиссадан қисса шуки: Барча гўзаллик ва бежиримлилик, чиройли сабр соддалик ва оддийликдадир. Инсон фақат зеб-зийнат ва ҳашаматларга берилмаслиги, сабр қилиши мукофотларнинг энг олийсидир.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Китоблар мазмуни

Қадим замонда бир шаҳзода бўлган экан. Унга отасидан катта кутубхона мерос бўлиб қолган экан. Шаҳзода илмга чанқоқ бўлгани учун китобларда нималар ёзилганини билмоқчи бўлиб, шу кутубхонанинг ходими бўлган олимни чақирибди ва “Бу китоблар нима ҳақида?” деб сўрабди. Олим: “Бу китобларда инсоният тарихи битилган”, дебди. Шунда шоҳ олимга мана шу китобларда ёзилган маълумотларни жамлаб келишни буюрибди. Олим бир неча йиллар меҳнат қилибди. Бир куни саройга 500 китоб ортилган аравани олиб киришибди. Олим кутубхонадаги китобларнинг мазмунини мана шу 500 китобга жойлаштирган экан. Шаҳзода бу пайтда анча улғайиб қолган экан. Саройдаги ишларнинг кўплигидан бу китобларни ўқиб чиқишга фурсати етмаслигини англабди ва шу 500 китоб мазмунини жамлаб келишни буюрибди. Олим яна бир неча йиллар меҳнат қилиб, шоҳнинг хузурига 50 та китоб олиб келибди. Бу пайтга келиб, шоҳ анча қариб қолгани сабабли ушбу китобларни ўқиб чиқишга фурсати етмаслигини англаб, мана шу 50 та китоб мазмунини битта китобга жамлаб келишни буюрибди. Олим яна бир неча йил меҳнат қилиб шоҳнинг буйруғини бажарибди. Лекин бу пайтда шоҳ ўлим тўшагида ётган экан. Китобни ҳатто очиб қарай олмабди. Шунда олимга китобнинг мазмунини қисқа қилиб айтиб беришни илтимос қилибди. Олим унга: “Инсон дунёга яхшилик қилиш учун келар экан”, дебди.

Хулоса: Инсон дунёга фақат яхши ишларни қилиш учун келади. инсоннинг қадр-қиммати унинг ҳусни, бойлиги ёки мартабасига қараб белгиланмайди, балки яхши ишларни кўп ёки кам қилганига қараб белгиланади.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Ҳаёт фалсафаси

Бир донишманд қўлига бўш кўзани олиб уни тошга тўлдирибди.

Сўнг шогирдларини чақириб, уларга биринчи саволини берибди: “Айтинг-чи, кўза тўлдими?” Шогирдлар: “Ҳа, тўла”, дейишди. Шунда устоз қўлига нўхатли идишни олиб кўзага тўқди. Нўхат тошлар орасидаги бўш жойларга жойлашди. Устоз шогирдларига яна савол берди: “Энди кўзам тўлдими?” Шогирдлар яна кўза тўлтанини айтишди.

Энди устоз қум тўла қутини олди-да, яна кўзага тўқди. Қум тош ва нўхатлар орасидан ўтиб бўш қолган жойларни эгаллади. Устоз яна ўша саволни берди, шогирдлари ўша жавобни қайтаришди.

Нихоят, донишманд сувли идишни олиб уни яна ўша кўзага қуя бошлади. Кўза сув билан тўлди. Шогирдлар устоздан бу ишнинг маъносини сўрашди...

Устоз деди: “Бундан мен сизларга айтмоқчи бўлган ўғитим: кўза – бизнинг ҳаётимиз, тошлар – энг азиз бўлган кишиларимиз, оиламиз, соғлигимиз. Нўхат бўлса, ёқимли, аммо жудаям муҳим бўлмаган нарсалар: яхши иш, данғиллама уй, машина, қимматбаҳо нарсалар. Қум эса, ҳамманинг ҳаётидаги тўла майда-чуйда нарсалардир.

Агар кўзани аввал қум билан тўлдирсак, нўхат ва энг муҳими, тошларга жой қолмайди. Ҳаёт ҳам худди шундай: вақтингни бекорчи нарсаларга сарфласанг, энг асосийсига вақт қолмайди.

Яқин инсонларингизга, оилангизга, соғлигингизга эътибор қаратинглар, бошқа ишларга вақт кейин ҳам топилаверади. Вақтингизни аввал тошга, сўнг қумга ажратинг.

Шу сўзларни айтиб донишманд ўрнидан турган эдики, шогирдларидан бири савол берди: “Сув нега керак эди?” Устоз ним табассум билан деди: “Мен кўзага сув-

ни қўшишимдан мақсад: ҳаётда вақт қанчалик тиғиз бўлмасин, бекор вақт ҳам топилади”, дейиш эди.

Хулоса: Бу ҳаётда бир марта яшайсиз. Шунинг учун ҳар дақиқани қадрига етинг, мол-у давлатни деб оиладан, меҳр-оқибатдан узилиб қолманг. Ҳаётингизда сув кўпайиб кетмасин.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Янги ҳаёт бошлашга тайёرمىсиз?

Қизил ранг тўлдирилган шприцни тасаввур қилинг. Ҳар куни сиз бир томчи рангни бир челақ сувга томизасиз.

Бошида ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди: ранг бир челақ сувда тез тарқалиб кўринмайди. Аммо ҳар куни бир томчидан томизаверсангиз, натижада сув аввал оч пушти ва ниҳоят, тўқ қизил рангга киради.

Хулоса: Янги ҳаёт бошлаш учун сиз ҳам муаммоларга қарши қизил ранг, яъни онг кучини, ички кучингизни ҳар куни оз-оздан ишга солинг. Тинимсиз ўз устида ишлаётганлар учун иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар куни ўз устингизда ишланг. Ҳаётингизни ўз қўлингизга олар экансиз, уни қандай осон бошқаришингиз ва сизни нима кутиб турганини олдиндан сезасиз. Ўзингиз истаётган ҳаётни ҳар куни эринмай барпо этишга тайёرمىсиз? Тайёр бўлсангиз, демак, сиз истаган мақсадингизга эришасиз. Сиз иккиланмай янги ҳаётга кириб борасиз ва у сизни кучоқ очиб кутиб олади.

Сизнинг хулосангиз: _____

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.



Тафаккур қиламиз...

Бир камбагал деҳқон тўплаган пулларига эшак сотиб олди. Уни боғлаб қўяй деса арқон топа олмапти. Қўшнисини эшигини тақиллатипти. Қўшни чиқиб:

– Менда ҳам арқон йўқ эди. Бироқ бир маслаҳат бераман, – деди.

– Майли, айтинг.

– Эшагингизни бўйнидан қўлингизни ўтказиб боғлагандек ҳаракат қилинг. Шунда у ҳеч қаерга силжймайди.

Деҳқон қўшни айтгандек қилди. Эрталаб чиқиб қараса, эшак жойида турган эмиш. Уни миниб, ишига бормоқчи эди. Эшакни жойидан бир қадам ҳам силжита олмади. Қанча ҳаракат қилди, лекин фойдаси бўлмади. Яна қўшнисини ёрдамга чорлади. Қўшнига бўлган ишларни айтиб берди. Қўшни деди:

– Боғлаган арқонни ечдингизми?

– Нима боғлабманки, уни ечсам. У ерда ҳеч нарса йўқ-ку боғланган?!

– Сизнингча йўқ. Аммо у бор деб ўйламоқда.

Деҳқон бориб кўринмас арқонни ечган эди, эшак юра бошлади.

Хулоса: Бирор нимага кимнидир ишонтиришдан аввал ўзингизни ишонтиринг.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Қудратлиман, деб хомхаёл қилиш – балонинг бошланиши

Бир тўрғай бир филнинг йўли устида ўзига уя қуриб, тухум босди. Фил шу сўқмоқдан сув ичишга борар экан. Фил сув ичишга кетаётганида уяни топтаб, тухумни эзиб ўтиб кетди. Тўрғай бу бадбахтликни кўриб дарҳол, бу филнинг иши эканини англади. Учиб бориб филнинг бошига қўнди ва деди:

– Шохим! Сен нима учун тухумларимни пачоқлаб, болаларимни ҳалок этдинг? Ўзингга нисбатан мени заиф, кучсиз ва нотавон деб санаганинг учун шундай қилдингми?

– Ҳа, шунинг учун, – деди фил.

Тўрғай бунни эшитгач, учиб қушлар ёнига борди ва бошига тушган фалокатни айтиб берди.

Қушлар:

– Биз филни нима ҳам қила олардик? Биз кучсиз ва ожизмиз, – дедилар.

Тўрғай уларга деди:

– Илтимос қиламан, сиз мен билан бориб филнинг кўзини чўқиб кўр қилинг. Унинг бошига мен ҳам шўриш солишни биламан.

Улар рози бўлдилар. Тўрғай билан учиб бориб, филнинг кўзини ўйиб-ўйиб ташладилар. Шундан кейин фил на сув ичиш, на бир овқат топиб ейишнинг иложи-ни қила олди. Турган жойида нима топса, шу билан кифояланиб кун кечирадиган бўлди. Тўрғай бунни кўргач, аламига чидолмай, ҳовуз ёқасига келиб қурбақаларга фил устидан шикоят қилди.

Улар:

– Биз кучли филга қарши нима ҳам қила олардик, – дедилар.

Тўрғай:

– Сиз фил турган жойга яқин бўлган бир чуқурнинг четига бориб, ўша ерда баланд овоз билан вақир-вуқур



қилсангиз, фил сизнинг овозингизни эшитиб, у ерда сув бор экан, деб ёнингизга боради-да, чуқурга қулаб кетади, – деди.

Қурбақалар бунга рози бўлдилар. Чуқур четига бориб вақирлай бошладилар. Сувсизликдан қийналган фил қурбақаларнинг овозини эшитиб, улар томон йўл олди ва чуқурга йиқилиб ҳалок бўлди. Тўрғай эса учиб бориб унинг бошига қўнди ва қанот қоқиб деди: “Эй ўз кучига ишониб, менга ҳақорат кўзи билан бoққан зулмкор! Жуссам кичкина бўлса-да, зўр ақл эканимни кўрсатдим, сенинг бўйинг дароз бўлса-да, ақлинг қисқа экан, хўш, энди нима дейсан?!”

Манба: “Калила ва Димна” китобидан

* * *

Аввал куч тўпла

Бир куни кичкина бола отасининг олдига келиб, деди:

– Дада, менинг ҳам сизники сингари катта, чиройли машинам бўлишини хоҳлайман.

– Улғайсанг, албатта, сотиб оласан, – жавоб берди ота, – балки ундан ҳам каттарогини оларсан?!

– Машинага пулни қаердан оламан, – ўжарлиги тутди болакайнинг.

– Ишлаб топасан. Буни ҳозирданоқ бошлашинг мумкин.

– Бунинг учун кўп ишлашимга тўғри келади-ку, дада?

– Ҳечқиси йўқ. Сен даставвал куч тўплаб ол, – деди ота.

– Нима? – тушунмади болакай.

– Тасаввур қил: сен рельсдан елиб борувчи поездсан, – тушунтира кетди ота ўғлига, – поездни эса тўхтатишнинг сира ҳам иложи йўқ! Ҳаттоки унинг



йўлида маҳобатли девор кўтарилса ҳам, у бу тўсиқни ёриб ўтиб, юришда давом этаверади. Чунки у етарлича куч тўплаб олган бўлади-да! Поезд ўзидан кейинги эргашган вагонларни ҳам елдириб кетиши учун унинг қуввати мингта отнинг кучига тенг. Бироқ поезд тўхтагандан сўнг, бу тўсиқлар бўлса (ҳаттоки энг кичик тўсиқ ҳам), унинг жойидан жилиши осон кечмайди. Масалан, унинг бир ғилдираги остига кичкина ёғоч бўлаги қўйилса ҳам, у ҳеч қаёққа кетолмайди. Ҳамма уринишлар бефойда.

– Дада, ҳаммасини тушундим, масалан, мен бирон нимага эришишни хоҳласам, ўйлаб ўтирмай, дарров ишга киришим керак, шундайми?

– Шундай, ўғлим. Тезкорлик бўлмаса, энг арзимас нарса ҳам орзу-мақсадинга ҳалал бериши мумкин.

Хулоса: Керагидан кўп вақт ва куч сарфлаб бошлаган янги ишингизни асло тўхтатманг. Агар ўзингиз тўхтамасангиз, сизни ҳеч ким, ҳеч нарса тўхтатолмайди ва сиз поезд сингари албатта, манзилингизга етасиз.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Жавоби оддий

Радио эшиттиришлардан бирида тингловчиларга бир савол берилиб, ўша саволга тўғри жавоб берган иштирокчига жуда қимматбаҳо совға эълон қилинди. Ўша савол қуйидагича: “Бир кичик қайиқ бўлиб, унга тўрт нафар фан олими, яъни физик, кимёгар, астроном ва биолог минишибди. Бир оз вақтдан кейин ҳалиги қайиқ чайқалиб, чўка бошлабди. Зудлик билан олимлардан бири қайиқдан тушиши керак. Акс ҳолда, тўртови ҳам денгизга ғарқ бўлишади. Бу муаммодан қутулиш учун қайси олим қайиқдан тушиб қолиши керак?”

Ушбу савол эълон қилингач, радиостудия телефон қўнғироқларига тўлиб кетди. Қимматбаҳо совгани қўлга киритиш учун ҳар бир иштирокчи саволга батафсил жавоб беришга уринар, илмий жиҳатдан ёндашиб, турли жавоб вариантларини айтар эди.

Олимлар орасидан жамиятга фойдаси камроқ тегадигани тушиб қолиши керак, деб бирлари физик олимни кўрсатса, бошқаси астрономни, яна бири биологни, баъзилари эса кимёгарни кўрсатарди. Аммо барчанинг жавоби нотўғри бўлиб чиқаверарди.

Охири эндигина 6 ёшга тўлган қизча тўғри жавобни айтди: “Қайиқдан вазни энг оғир олим тушиб қолиши керак!”

Хулоса: Ҳа, жавоб жуда оддий бўлиб, илмий ёндашишга, тафсилотларга киришишга асло ҳожат йўқ эди. Ҳаётда шундай муаммоларга дуч келамизки, уларни оддий, содда йўллар билан ҳал этиш мумкин бўлади. Бироқ, биз кўпинча уларни ҳал қилиш учун узоққа кетиб қоламиз, тафсилотларига киришиб кетамиз, ўзимизни кўп уринтириб қўямиз.

Манба: “Вазиятларни бошқариш санъати” китобидан

Сизнинг хулосангиз: _____

Ёнимда танҳо сен қолдинг!

Дарахт ўз томиридан ўсиб чиққан Ниҳолга айтган экан:

– Баҳор чоғи гулга бурканганимда, бошим устида боларилар ғужғон ўйнаб алёр айтди. “Сизлар кимсиз?” демадим. Ёз палласи япроқларим зумраддек товланганда, қушлар шохларимда паноҳ топиб, ошиён қурди. “Сизлар кимсиз?” демадим. Саратон офтоби оламни ёндирганда, йўловчилар соямдан баҳраманд бўлиб, жон сақлади. “Сизлар кимсиз?” демадим. Куз келиб, меваларим ғарқ пишганда одамлар узиб, тўйгунча тановвул қилди. “Сизлар кимсиз?” демадим...

Ногаҳон бир номард танамга болта урган эди, ҳаммаси ҳар ёққа қочди-кетди! Улардан нажот сўрасам, “Сен кимсан?” дейишди...

Ёнимда танҳо сен қолдинг!

Манба: Ўткир Ҳошимов, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”

Муомала

“Кофе беринг!” деб мурожаат қилсангиз, кофе нархи 5 евро бўлади.

“Илтимос, кофе беринг!” деб мурожаат қилсангиз, кофе нархи 3 евро бўлади.

“Хайрли тонг. Битта кофе беринг, илтимос! Раҳмат сизга!” деб мурожаат қилсангиз, кофе нархи 2 евро бўлади.

Хулоса: Муомала – инсон тарбиясининг кўзгуси. Муомала – муносиб муносабат сабабчисидир.

Манба: “Лидерлар” канали аъзоси Д.Жумаева
юборган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Эълон: “Ота-она сотилади...”

Бу оламшумул воқеа Японияда содир бўлган. Она-оналарнинг сотилишлари ҳақида... Токио рўзномаларининг бирида навбатдаги ҳайратланарли эълон чиқди. Унда шундай ёзилганди:

“Ота-она сотилади. Ота – 68, она – 66 ёшда. Нархи: 900 йен”.

Бу эълонни кўрганлар чинакам ҳайратга тушарди. Баъзилар: “Эҳ, қандай замонларга қолдик-а? Ота-оналар ҳам энди сотилаётган эмиш! Ҳукумат қаерга қараяпти?” Хуллас, миш-мишлар қайнади.

Ана шу рўзнома яқиндагина автоҳалокат туфайли вафот этган ота-онасини тупроққа қўйган ёш оиланинг қўлига тушди. Жудоликда қолган фарзандлар чуқур қайғуда эдилар. Улар учун ота-онани сотиш истагида ёзилган эълон нонкўрликдек кўринди. Сотилаётганларнинг қалбида бу ҳолатда нималар кечаётганини ўйлашнинг ўзи бу ёш оиллага кўрқинчли эди. Шунинг учун улар бу икки қарияни сотиб олиб, меҳр-муҳаббат кўрсатиб, гамхўрлик қилишга аҳд қилишди.

Улар айтилган манзилга келиб ажабландилар. Қаршиларида ҳашаматли уй, ёрқин ранглар таралган ҳовли кўриниб турарди. Манзилда адашганларига амин бўлиб турганларида, эшик очилиб, бир кекса киши уларни табассум билан қаршилади.

– Саломатмисиз? Қандайдир тушунмовчилик бўлгани аниқ, аммо-лекин... эълонда сизнинг уй манзилингиз кўрсатилган экан...

Нотаниш киши:

– Ҳаммаси тўғри! Ичкарига марҳамат! – деди ҳаяжонланиб.

Меҳмонларнинг ўтиришларини сўраб, рафиқасини чақирди.

– Кўриб турганингиздек, биз моддий жиҳатдан муҳтож одамлар эмасмиз. Лекин бизнинг меросхўримиз – фарзандларимиз йўқ. Шунинг учун эълон орқали ўзимизга муносиб номзод топишга қарор қилдик. Биз бу эълонга фақат меҳр ва одамийлик ҳисси юқори кимсаларгина жавоб қилишини билардик! Аммо бундай инсонлар топилишига шубҳада эдик. Бу ишингиз сизлар учун шарафдир! Сизларни учратганимиздан жуда мамнунмиз! – дейишди.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Ҳалоллик

Ҳазрати Умарнинг халифалик даврларида уйларига маккалик бир дўстлари меҳмон бўлиб келди. Қоронғи кеча эди. Ҳазрати Умар уйларида давлат ишлари билан машғул эдилар. Дўстларидан узр сўраб, бироз кутиб туришини айтдилар. Давлат ишини битирганларидан кейин, ёниб турган чироқни ўчирдилар ва бошқа чироқни ёқдилар. Дўстлари бундан ҳайратланиб, сабабини суриштирди. Ҳазрати Умар шундай жавоб бердилар:

– Ўчирилган чироқнинг ёғи хазинаникидир, яъни давлатники. У давлат ишлари кўрилаётган пайтда ёнса, менга ҳалол бўлади. Сен эса менинг ошнамсан, суҳбатимиз ҳам ўзимизга тегишли бўлади. Шу сабабли ўз пулимга олинган иккинчи чироқни ёқиб қўйдим. Давлатнинг моли хусусий ишларга қўлланилса, ёруғлик ўрнига қоронғулик ва уят бўлади.



Хулоса: Барча давлат хизматчилари шундай ўйлашни бошлаган куни биз жадаллик билан ривожланишни бошлаймиз.

“Лидерлар” канали аъзоси Д.Жумаева юборган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Тажриба

Муваффақиятларга эришган бир кишидан сўрашди:

– Ушбу муваффақиятларга қандай эришгансиз?

– Тўғри қарорлар қабул қилиш сабабли, – деб жавоб берди омадли одам.

– Қарорларингиз тўғри эканини қаердан билгансиз? – деб сўрашди.

– Тажриба билан, – деб жавоб берди.

– Бу тажрибани қандай ҳосил қилгансиз? – сўрашди.

– Хато қарорлар сабабли, – деб жавоб берди.

Хулоса: Ҳеч қачон хато қилмасликнинг иложи йўқ, аммо шу хатонинг хато эканини англаб етиб, уни қайта такрорламасликнинг иложи бордир!

Сизнинг хулосангиз: _____

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинди.

Ўзингизга ишонинг

Бу бола фақат синф эмас, бутун мактаб бўйича энг камбағал оиладан эди. Ўқитувчининг жаҳлини чиқарган нарса ҳам шу: ўзи нима аҳволда-ю, “Ким бўлсам экан?” мавзусида етти бетли иншо ёзибди. Ёнида илова-чизмаси ҳам бор – йилқичиликка мўлжалланган каттакон ферма. Иншо “0” баҳо билан эгасига қайтди. Бола ҳайрон бўлди. Дарс тугагач, ўқитувчининг олдида ранги оқариб кириб, нега бундай баҳо қўйганини сўради. “Ёзганларинг ёшингга тўғри келмайди. Ҳолингга қараб, орзу қилсанг бўлмайдимми? Сен ўйлаётган ферма учун катта маблаг керак. Олдин ер сотиб олиш зарур, кейин отлар, ем-хашак... Хуллас, хом-хаёлларингни қўйиб, иншони бошқатдан ёз”.

Бола хафа бўлиб уйига қайтди. Узоқ ўйланиб ўтирди. Эртасига эса ёзганларини эски ҳолатда ўқитувчисига олиб борди: “Сиз баҳонгизни ўзгартирманг, мен эса орзуларимни...”

Йиллар ўтди. Энди нафақага чиққан ўқитувчи каттакон йилқичилик фермасига ҳайратланганча қараб турар, ичкарида бир пайтлар орзулари учун “0” баҳо олган собиқ ўқувчиси ҳашаматли уйда ўтирарди. Рўпарасидаги деворда, камин устида эса иншога илова қилинган йилқичилик фермасининг рамкага солинган чизмаси бор эди...

Хулоса: Ҳеч қачон бировнинг орзуси устидан кулманг, сабаби Оллоҳдан бошқа ҳеч ким эртага нима бўлишини билмайди.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинди.

Сизнинг хулосангиз: _____

Юз доллар

Бир ота қизига китоб ўқишни одат қилдириш учун соврин бериб ўқитишни ўйлади. Бир куни қизига: “Қизим, сенга шу китобни бераман, агар ўқиб тугатсанг, юз доллар оласан”, деб китобни берди.

Бу таклиф қизга жуда ёқди. Лекин афсуски, қизни китоб ўқишга ҳеч тоқати йўқ эди.

У ўзича: “Яхшиси, мен бу китобнинг мазмунини интернетдан топиб, билиб оламан. Отам ўқидингми, деса, китоб ҳақида гапириб бераман”, деб ўйлади. Шундай қилиб интернетдан китоб ҳақида қисқача матн топди. Икки варақлик бу маълумотни яхшилаб ёдлади.

Албатта, отаси сезиб қолмасин, деб бир ҳафта юрди.

Бир ҳафтадан сўнг: “Отажон, мен китобни ўқидим, энди 100 долларни берасизми?” деб сўради. Отаси қизидан китобдаги мавзулардан гапиришини сўради.

Қизча жуда чиройлик қилиб отасига гапириб берди. Сўнг яна: “Отажон, энди юз долларни берасизми?” деди.

Аммо отаси қизига у ҳеч кутмаган жавобни берди: “Сен китобни ўқимабсан, агар китобни ўқиганингда ичидаги юз долларни кўрар эдинг...”

Хулоса: Ҳеч қачон ёлғон гапирмасликка ҳаракат қилинг. Ҳар бир ёлғон гапингиз камида сизга юз долларга тушади.

Савол: Шу гапингиз шунга арзийдими?

Манба: “Лидерлар” канали аъзоси Д.Жумаева
юборган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Ризқ

“Нега югурасан, қаерга қочиб кетяпсан?!” деб сурабди донишманд югуравериб, ҳарсиллаб қолган бир одамдан.

– Мен ризқимнинг орқасидан қувиб кетяпман.

– Нега ризқ олдинда деб ўйлаяпсан? Ризқ сени қувиб келаётгандир, сен ризқингни ташлаб қочаётгандирсан?

– Мен бу ҳақида ўйлаб кўрмабман.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинди.

Сизнинг хулосангиз: _____

Ёрдам беришдан қочма...

Мен доимий равишда Жанубий Кореяда чоп этиладиган “Чосон Илбо” газетасини кузатиб бораман. Бу нашрнинг услуби жуда ёқади. Оддий ва тушунарли. Ёритиладиган мавзулари ҳам содда тилда, равон.

Куни кеча бир мақолани ўқидим. Мақолага “Кореядаги “Макдональдс”нинг 91 ёшли ишчиси ниҳоят нафақага чиқди” деб сарлавҳа қўйилган. Олди-қочди гаплар бўлса керак, деб ўйладим-у, аммо 91 яшар отахоннинг айрим тиниқ фикрларидан таъсирландим.

Хуллас, 1928 йил туғилган Им Каб Жи 2003 йилдан бери Кореядаги “Макдональдс”да оддий официант бўлиб ишлаб келади. 2003 йилда жаноб Им 75 ёшда эди. Тетик ва барваста чол 91 ёшида нафақага чиқишга қарор қилибди. Отахоннинг айрим ҳаётий гаплари ибратли:



– “Шу ёшдаям чопқиллаб ишлашингиз ҳурматга лойиқ иш”, деган гапни кўп эшитаман. Инсон туғилиб, эс-ҳушли бўлгач, меҳнатга берилиши керак. Оддий қилиб айтсам, ишлаган тишлайди. Тер тўкиб топганинг – ўзингники, қадрли...

– Отамдан менга бир гап мерос қолган. У менга доим айтарди: “Ҳар одамнинг қиладиган иши бўлиши керак. Одам меҳнат билан одам-да”.

– Кампирим мендан ўн бир ёш кичик. Шундай бўлса-да, бир-биримизни сизлаб гапирамиз, ҳурмат қиламиз. Эр-хотин ёш фарқи қанча бўлмасин, ахлоқни, ўзаро ҳурматни сақлаб яшаш керак, деб ўйлайман.

Кечаси соат уч яримда уйғониб, газета ўқийман. Кампирим: “Нимага бунчалик газетага ёпишасиз”, деб ёзгириб қолади. Мен шу ёшимда қаерга бориб таълим олишим мумкин, мактабгами? Уйимда газеталар йиғиб бораман. Бу тарих-ку. Бола-чақамга бераман шуни.

– Ҳозир кўп ёшлар ишга бўйин бермайди. Пул топан, деб эмас, ўрганаман, юксаламан, деб ишлаш керак. Биринчи қадамни яхши ташлаш керак. Ёнингдагиларга ёрдам беришдан қочма. Ана шу энг яхши нарсаси. Ҳар ишни “мана шу менинг ишим”, деган фикр билан қилсанг, ҳурмат топасан, яхши ном қозонасан...

Хулоса: Доимо ҳаракатда бўл, ҳар доим ўз устингда ишла ва албатта, бир кун бунинг роҳатини кўрасан.

Манба: Отабек Юлдашевнинг Фейсбукдаги саҳифасидан.

Сизнинг хулосангиз: _____

Бўри билан Турна

Бўрининг томогига суяк тиқилиб қолди ва у ўзига ёрдам берадиган бирон жонзотни қидира бошлади. Мана, у бир Турнани учратиб қолди ва унга, агар томоғимга тиқилган суякни тортиб олсанг, сени яхши бир туҳфа билан хурсанд қиламан, деди. Турна узун тумшугини Бўрининг оғзига тиқиб, суякни тортиб олди ва ундан ваъда қилинган туҳфани талаб қилди. Бўри унга шундай жавоб қилди: “Бўри оғзидан бошингни омон тортиб олганингга шукр қилсанг-чи, нодон, яна қанақа туҳфа керак сенга?”

Манба: “Эзон масаллари”

Қарор – дил амри!

Айтишларича, кичкинагина жилға бепоён чўлга қадар оқиб борибди. Шунда у ғойибдан “Хавотирланмай оқишни давом эттир”, деган овоз эшитибди. Аммо оқишни давом эттириш жилғага хатарли туюлибди. Негаки, нотаниш номаълум қақраб ётган ерда оқиш имкони йўқолиб бораётганидан қўрқиб кетибди. Ахир, унинг бирдан-бир орзуси тўлиб-тошиб, мароқли яшаш эди. Таваккал қилиб йўлга тушиб, хаётида ниманидир ўзгартирмоқчи бўлганида, қуриб-қовжираб қолиш даҳшати пайдо бўлганди. Аммо ғойибона товуш уни яна оқишга ундарди: “Агар оқишга қарор қилмасанг, ҳеч қачон сен ўзингни нималарга қодир эканингни билолмайсан. Сен шунга амин бўлгинки, янги ҳаётинг ўзгача - фарахбахш кечади. Хотиржам ҳолда яна оқишда давом эт”.

Жилға руҳланиб, ўз йўлини давом эттирди. Унга осон бўлмади. Сахро кун сайин қизиб, жилға сувлари буғланиб кетди. Ҳавога буғланиб кўтарилган



жилганинг ҳар бир томчи суви булутга айланди. Шамол булутни бир неча кун саҳро узра ҳар томон сурди. Ва... бир куни булут денгиз тепасига етиб келди-да, шаррос ёмғир ёғди.

Жилганинг ҳаёти ўзи кутганидан-да ортиқ гўзал тус олди. Жилганинг ёмғирга айланиб, денгиз оғушига қўшилган сувлари қудратли тўлқинларда мавж урар экан, табассум-ла шивирлади: “Ҳаётим неча бор ўзгарган бўлса ҳам, эндиликда ўз орзумга эришдим”.

Хулоса: Ўз мақсадингиз сари интилишдан асло тўхтаманг, сиз мақсад сари ҳаракат қилганингизда, бутун мавжудот сизга ёрдам беради. Сиз эса уни тинглай олсангиз бўлди.

Манба: Бодо Шефер, “Ғолиблик қонуниятлари”

Сизнинг хулосангиз: _____

Имконият ҳаммага берилади

Эълонда шундай ёзилганди: “Денгиз бўйидаги уч қаватли вилла сотилади. Бассейн ва боғи бор. Нархи 1 доллар”.

– Бемаънилик! – минғирлади дайди ва газетани иргитиб юборди.

Кўчада егулик излаб юриб, деворга осилган эълонга кўзи тушди: “Денгиз бўйидаги уч қаватли вилла сотилади. Бассейн ва боғи бор. Нархи 1 доллар”.

“Адашиб ёзишганмикин?” ўйлади у ва йўлида давом этди. Шоҳкўчага чиққач, катта қилиб ёзилган эълонни кўрди: “Денгиз бўйидаги уч қаватли вилла сотилади. Бассейн ва боғи бор. Нархи 1 доллар”.



Дайди ўйланиб қолди. У бундай эълонни қайси аҳмоқ ёзганини билишга қизиқди ва текшириб кўрмоқчи бўлди. Унинг чўнтагида бир долларида бошқа йўқотадиган нарсаси йўқ эди. Эълондаги манзилга бориб, виллага кўзи тушди. Эшик қўнғироғини чалди. Эшикни бир гўзал аёл очди.

– Кечирасиз, эълон бўйича келувдим. Бу ҳазилми?

– Нима деяпсиз! Асло, ҳазил эмас.

– Нарҳини айтаман: 1 долларми?

– Ҳа. 1 доллар. Агар сотиб олишни истасангиз, марҳамат, кириб кўришингиз мумкин.

Кўрганларидан қувончга тўлган дайди сўнгги долларини аёлга берди ва муҳташам вилла соҳибига айланди. Лекин барибир унинг нарҳи нима учун бунчалик арзонлигини билишга қизиқди. Аёл унга жилмайганича жавоб берди: “Марҳум эрим ўлиmidан олдин қилган васиятида ушбу виллани сотишимни ва пулини унинг маъшуқасига беришимни айтган. Эримнинг васиятини бажаришим керак-ку. Эълон ярим йил осилиб турди ва биргина сиз ушбу эълонга қизиқиб келдингиз. Хайр”. Аёл шундай деб кетди.

Хулоса: Имконият ҳаммага берилади! Фақат амалга ошмайдиган нарса ҳам рўёбга чиқиши мумкинлигига ишониш керак, холос.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Тулки ва эчки

Бахтсиз тасодиф туфайли бир тулки ўрага тушиб кетибди. У ҳеч ўрадан чиқишнинг иложини қилолмабди. Бир пайт тепадан эчки ўтиб қолибди. У тулкидан пастда нима қилаётганини сўрабди.

– Эй, ҳали эшитмадингми? – дебди тулки. – Яқинда қурғоқчилик бўлармиш, шунинг учун мен бу ерга сув борлигига ишонч ҳосил қилиш учун тушдим. Балки сен ҳам тушарсан?

Эчкига бу маслаҳат маъқул келиб, пастга сакрабди. Аммо тулки тезлик билан унинг орқасига чиқиб, оёқларини унинг узун шохларига қўйибди-да, ўрадан чиқиб олибди.

– Хайр, дўстим, – дебди тулки, – кейинги сафар эсингда турсин: ҳеч қачон ўзи мушкул аҳволда қолганнинг маслаҳатига қулоқ солма.

Манба: “Эзон масаллари”

Сизнинг хулосангиз: _____

Ҳар лаҳзамиз ганимат

Бир донишманд бутун умри давомида бахтли яшаган экан. У доим хурсанд, кайфияти аъло даражада юрар, ҳеч ким уни тушкун кайфиятда юрганини кўрмаган экан.

Вақти-соати яқинлашиб ўлим тўшагида ётганида шогирдларидан бири ундан сўрабди:

– Устоз, мана ҳозир ҳам сизга қийин бўлаётганини билиб турибмиз, шундай бўлса ҳам юзингизда табассум билан ётибсиз, нега ҳар доим хурсанд бўлиб юр-

гансиз? Сизни ҳеч тушкун кайфиятда кўрмаганмиз. Бунинг бирор сабаби борми, айтинг?

Устоз жавоб берибди:

– Мен йигит давримда ўзимнинг устозимдан бу ҳақида сўраган эдим. Устозим етмиш ёшни қоралаган ва анчайин қариб қолган эди. Уни дарахт соясида ўтириб ҳеч бир сабабсиз кулаётганини кўриб қолдим ва ҳайрон бўлиб, бу ҳақида сўрадим. Шунда устозим “мен доим сен каби ҳамма нарсадан хафа бўлиб юрар эдим. Ҳеч ҳаётда омадим келмасди, менга одамлар эътибор бермайди, деб хафа бўлардим. Бир кун тонгда ўзимга савол бердим: “бу ҳаёт сеникими ёки бошқаникими, нега уни хафа ҳолда ўтказишинг керак, ахир атрофингда омади келган инсонлар талайгина. Шулардан бири бўлиш қўлингдан келмайдими”, дедим-да ҳаётимни ва тонгни табассум ила бошладим. Шу кундан бошлаб мен доим табассум қилиб юраман. Бу менинг танловим деган.

Донишманд шогирдига: “Ҳар тонг уйғониб, бутунги танлов қандай бўлиши – бахтиёрлик ёки аксинча, бахтсизлик – танлаш имкони ўзингда. Менинг танловим эса ҳар бир ҳолатимда шукр, дея табассум қилиш! Сен ҳам танла”, дебди.

Хулоса: Энди эртага насиб этса, тонгни қандай қаршилашни фикр қилиб кўринг!

Манба: “Лидерлар” канали аъзоси Д.Жумаева юборган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Фикрларимиз маҳсули

Эркак автобусда ишга отланди. Қовоғини солганча, ўйлаб боряпти: “Ҳаётим оғир, хотиним жанжалкаш, атрофимдагилар товламачи”.

Елкасининг ортида эса, фаришта қўлига ёндафтар тутганича ёзиб оляпти: “Ҳаётим оғир, хотиним жанжалкаш, атрофимдагилар товламачи... Жуда ғалати, яна худди шу гаплар. Эҳ... Нима ҳам қилардим, инсон шуларга буюртма беряптими, демак, у амалга ошиши керак”.

Хулоса: Инсон ҳамиша яхши ният қилиб яшаши керак. Зеро, ўйлаганлари амалга ошади.

Манба: “Лидерлар” канали аъзоси Д.Жумаева юборган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Альберт Эйнштейн ҳаётидан ҳангомалар

* * *

Кунлардан бир куни Эйнштейн ҳамроҳларини табиат манзараси билан таништираётиб, шундай дейди:

– Рўпарангиздаги мана шу тоғда қадимги қаср харобалари бор. Тик жарлик ёқасидаги сўқмоқ бўйлаб борсангиз, тоғ этагидаги яшил водийга чиқасиз. Бу сўқмоқ жуда хавфли, эҳтиёт бўлиш лозим, мабодо жарликдан қулаб кетгудай бўлсангиз, ўнг томонга қарашни унутманг. Кўз олдингизда жуда гўзал манзара намоён бўлади.

* * *

Альберт Эйнштейн “Нисбийлик назарияси”ни яратгач, дунёга машҳур бўлиб кетади. Олимни халқаро анжуманларга, университетларга маъруза ўқиш учун таклиф этишади. Ҳар куни янги назария бўйича маъруза ўқилади.

Бир куни олимнинг ҳайдовчиси шундай дейди:

– Жаноб, шу қадар кўп маъруза ўқияпсизки, шу назариянгиз ҳатто менга ҳам ёд бўлиб кетди.

– Унда кейинги гал маърузани ўзинг ўқийсан! - дейди олим.

Дарҳақиқат, ҳайдовчи университетда маърузани қойил қилиб ўқийди. Минбардан тушаётганда, тингловчилардан бири ногоҳ унга савол бериб қолади. Шунда ҳайдовчи ўзини йўқотмайди, топқирлик қилади:

– Саволингизнинг жавоби шу қадар оддийки, бунга ҳатто ҳайдовчим ҳам билади, – дея Эйнштейнни кўрсатади.

Хулоса: Ҳозиржавоблик ва тез қарор қабул қилиш ҳар бир Лидер учун жуда муҳим.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Сичқонлар кенгаши

Мушукнинг доимий хавф солишидан тушкунликка тушган сичқонлар муаммоларини ҳал қилиш учун кенгаш чақиришибди. Улар бирин-кетин билдирилган режаларни таҳлил қилиб, уларни рад эта беришибди. Охири бир ёш сичқон мушукнинг бўйнига қўнғироқ осиб қўйишни таклиф қилибди.

– Қандай ажойиб фикр, – деб қичқаришибди улар, – бу мушук келганда қочиш учун жуда яхши огоҳлантириш!

Улар бу таклифни завқ-шавқ ва олқишлар билан қабул қилишибди. Шунда кекса бир сичқон ўрнидан туриб:



– Бу ростдан ҳам жуда яхши маслаҳат ва шубҳасиз, бизнинг муаммомизни ҳал қилади, – дебди, – бироқ мушукнинг бўйнига қайси биримиз қўнғироқни ила-миз?!

Хулоса: Таклиф қилиш бошқа, уни бажариш бошқа. Таклиф беришдан аввал уни амалга оширишнинг им-кони борми-йўқми, яхшилаб ўйлаб кўринг, агар жавоб йўқ бўлса, уни айтмаганингиз маъқул.

Манба: “Эзон масаллари”дан

Сизнинг хулосангиз: _____

Одоб чегараси

Ҳожа Муҳаммад Баҳовуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳ бир куни шогирдлари билан кетаётган эдилар.

Бирдан чизик тортдилар-да, “Ҳеч ким бу чизикдан ўтмасин”, деб йўлда давом этдилар.

Шогирдлар чизикдан ўтолмай қолиб кетдилар.

Орадан битта шогирд не бўлса ҳам, устоздан қолмайман, дея чизикдан ўтиб, ҳазрат изларидан етиб олди.

Шунда Ҳазрат Нақшбанд:

– Яхши қилдинг, бир чизикни дея қолиб кетмадинг, – деган эканлар.

Хулоса: Баъзи ўринлар борки, унда беодоблик одоб саналади. Яъни инсон ўз мустақил фикрига эга бўлиши керак.

Манба: “Лидерлар” канали аъзоси Акмалжон юборган.

Сизнинг хулосангиз: _____

Икки эшик ораси

Минг йил яшаган бир саҳоба “Эсиз-эсиз, у эшикдан кирдим-у бу эшикдан чиқиб кетяпман”, деган экан. Шунақа, болам... Ҳеч ким ўлишни ўйламайди. Аммо одамзодга умр ўлчаб берилган. Шунақа билан шунақа-ку, одамнинг умри неча йил яшагани билан ўлчанмайди. Бир хил одамлар бор: у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетаётганда қўлидан келганча савоб-ли иш қилади. Ҳаёт деган иморатга ақалли битта ғишт қўйиб кетади. Яна бир хиллари бор: ўша иморатдан ақалли битта ғиштни ўғирлаб кетгиси келади. Ўғирлаб-ку, ҳеч қаёққа боролмайди, нариги эшик олдида борганда барибир ташлаб кетади. Икки орада иморатни бузгани қолади...

Манба: Ўткир Ҳошимов, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”

Бахт калити

Бир савдогар ўғлини энг катта донишманднинг ҳузурига бахтнинг калити - сирини билиб келиши учун жўнатибди. Йигит саҳрода қирқ кун йўл юрибди ва ниҳоят, улкан тоғнинг тепасида ҳаддан зиёд муҳташам бир қасрни кўрибди. У қидирган донишманд шу қасрда яшар экан.

Кутганига зид ўлароқ қаср авлиё одамнинг хилват гўшасига ўхшамасди. Унинг ичи одамга тўла эриш: савдогарлар молларини мақтаб ҳар томон югуришар, бурчак-бурчакларда одамлар тўп-тўп бўлиб гурунглашар, созандаларнинг кичик бир дастаси қандайдир нафис куйни ижро этар, залнинг ўртасида эса каттақўй стол унинг устига дастурхон тузалган, дастурхон эса бу юртнинг энг ноёб ва тансиқ таомлари, бағоят хуштаном ноз-неъматларига тўла эди.



Донишманд шошмасдан меҳмонлар билан бирма-бир кўришиб чиқди. Йигит навбати келишини икки соатча кутиб қолди.

Ниҳоят, йигит донишмандга нима мақсадда келганини билдирди, лекин донишманд ҳозир унга бахтнинг калити - сири нимада эканини тушунтириб беришга вақти йўқ эканини айтди. Донишманд йигитга чиқиб қасрни томоша қилишни ва икки соатлардан кейин бу ерга қайтиб келишни буюрди.

– Сендан яна бир илтимосим бор, – деди у йигитга ичига икки томчи ёғ солинган чой қошиғини узатиб, – бу қошиқни ўзинг билан олиб юр, фақат эҳтиёт бўл, ичидаги ёғи тўкилиб кетмасин.

Йигит қошиқдан кўзини узмаган ҳолда қасрни айланди, унинг зиналаридан тепага кўтарилди, пастга тушди ва ниҳоят, икки соат ўтгач, донишманднинг рўпарасида яна намоён бўлди.

– Хуш, қалай, – деб сўз қотди донишманд. – Кошонадаги форс гиламлари сенга манзур бўлдимиди? Беқиёс миришкор боғбонлар ўн йилдан бери кўзининг оқ-у қорасидек авайлаб парвариш қилаётган боғдаги гуллар ва дарахтлар ёқдимиди? Кутубхонадаги қадимий китоблар ва нодир қўлёзмалар-чи?

Хижолатдан қизариб кетган йигит буларнинг ҳеч қайсисини кўрмаганини тан олди, негаки, унинг бутун диққат-эътибори донишманд унга ишониб топширган икки томчи ёғда бўлган экан.

– Бор, орқангга қайт, менинг уйимдаги ҳамма мўъжизаларни кўриб кел, – дебди донишманд. – Одам қаерда ва қандай яшашини билмай туриб, унга ишониб бўлмайди.

Қўлида қошиқча билан йигит яна заллар ва йўлаклар бўйлаб айлана бошлабди. Бу гал у ўзини анча эркин ҳис қилибди ва хоналарни безаб турган ҳамма ноёб ва ғаройиб нарсаларни кўрибди. У боғларни ва қаср тева-



рагидаги тоғларни томоша қилибди, гуллар жозибасидан ва моҳирлик билан жойлаштирилган ҳайкаллар-урасмлардан баҳра олибди. Донишманднинг ҳузурига қайтиб келиб, кўрган нарсаларининг ҳаммасини завқ-шавққа тўлиб айтиб берибди.

– Мен сенга қошиқчада олиб бориб, тўкмай қайтариб олиб кел, деб берган ёғ қани? – деб сўрабди донишманд.

Шу чоқ йигит қарасаки, ёғ тўкилиб кетган экан.

– Сенга беришим мумкин бўлган бирдан-бир маслаҳатим ҳам шу, – дебди донолар доноси. – Бахтнинг калити сири ана шунда – бу дунёни безаб турган, унга жозоба, ажиблик ато этиб турган нимаики бўлса, ҳаммасини кўра билмоқ керак ва айни чоқда ўша чой қошиқдаги икки томчи ёғни ҳам зинҳор-базинҳор унутмаслик зарур.

Пауло Коэльо

Сизнинг хулосангиз: _____

Миллионерга айланган қоровул

Ёши ўттизни қоралаган бир йигит қоровуллиikka ишга кириш учун Microsoft фирмаси бош идорасига келди. Йигит ўзи тенги, чиройли костюм-шим кийган, бўйинбоғ таққан иш берувчи йигит билан суҳбат қурди, сўнг тест топширди. Бари кўнгилдагидек ўтди шекилли, иш берувчи йигит унга қувончли хабар етказди:

– Сиз ишга қабул қилиндингиз. Энди бизга электрон манзилингиз номини қолдирсангиз, қачон келишингизни шу манзил орқали етказамиз.

Қоровулликка қабул қилинган йигит хўрсинди:

– Менда электрон манзил нима қилсин, ахир компьютерим йўқ-ку!

– Унда сиз билан хайрлашишимизга тўғри келади, кечирасиз! – қисқа қилиб деди иш берувчи кимса.

Омади чопмаган йигит ранжиб, кўчага чиқди. Бир муддат ўй сурди, сўнг неча пули қолганини аниқлаш учун қўлини чўнтагига солди. Бор-йўғи ўн доллар қолган экан. У пулга қараб, яна ўй сурди: “Қандай қилиб шу пулни кўпайтириш мумкин?!” Шу тоб миясига бир фикр келди. У ўзига таниш бир фермердан пулининг ҳаммасига помидор сотиб олди ва уларни уйма-уй юриб ўз нархидан сал қимматроқ нархга сотди. Икки соат ичида пулга пул қўшилди. Эндиликда йигит ўз ишини топганидан суюниб кетди. У иш берувчисиз ҳам иш топиш мумкинлигини, фақат бунга бир оз ақлни ишлатиш кераклигини тушуниб етди. Қисқа кунлар ичида йигит икки юз доллар ишлаб топди. Кундан-кунга ишлари юришиб, даромади чўғи ҳам оловланиб бораверди. Аввал арава сотиб олди. Йўл-йўлакай сабзавот ва меваларни сотиб юрди. Сал ўтиб, ижарага машина олиб, маҳсулотларни улгуржи нархда олиб келиб бозорда пуллай бошлади. Яна бир оз ўтиб, ижарадаги машинани нақд сотиб олди. Кейин... хусусий дўкон очди. Йиллар ўтиб, дўкони кенгайди. Энди унинг қўл остида ўнлаб ишчилар фаолият юрита бошлади. У катта бизнесменга айланганди.

Бизнесмен йигит улгуржи оладиган маҳсулотларни суғурталай бошлади. Ҳамкорликни йўлга қўйди. Бир гал ҳамкорликда ишлаётган ҳамкасбларидан бири унга сўз қотди:

– Керакли вақтда сизни топиш қийин бўляпти, яхшиси, менга электрон манзилингизни қолдилинг, арзон маҳсулотлар келса, ўша он хабар жўнатаман.

– Менда электрон манзил нима қилсин, компьютерим йўқ-ку! – жавоб берди катта бизнесмен.

– Ишониш қийин, – тагин сўзлади ҳамкасби, – сиздек катта бизнесмен, катта дўконлари бор одамда электрон манзил бўлмаса-я? Агар электрон манзилингиз бўлганида, ишларингиз юришиб, бундан ҳам катта бизнесменга айланардингиз!

Бизнесмен бу лутфга кулиб туриб жавоб қайтарди:

– Йўқ, ошна, агар менда шу қуриб кетгур, манзил бўлгандами, Microsoft фирмасида қоровуллик қилиб юрган бўлардим.

Хулоса: Бугун сиз учун муваффақиятсизлик бўлиб кўринган вазият эртага катта муваффақиятингизга замин бўлиши мумкин. Энг муҳими позитивликни сақлаб қолиш ва инсон ўзлигини йўқотмаслиги.

Манба: инглиз тилидан Умид Али таржимаси

Сизнинг хулосангиз: _____

Энг яхши ҳикоя

Африкалик болакай томонидан ёзилган ушбу ҳикоя “2005 йилнинг энг яхши ҳикояси” танловида ғолиб бўлган экан:

“Туғилганимда, мен қора эдим;

Қора бўлиб улғайдим;

Мен қуёшда узоқ турсам, яна қораяман;

Ҳаттоки ўлганимда ҳам қоралигимча қоламан.

Сиз, оқлар эса:

Туғилганингизда – қизғиш бўласиз;

Улғайганингизда – оқарасиз;

Офтобда тобланганингизда – қизарасиз;

Совқотганингизда – кўкарасиз;

Қўрққанингизда – сарғаясиз;

Ўзингизни ёмон ҳис қилганингизда – яшил тусга кирасиз;

Ўлганингизда эса бўзарасиз.



Ва сиз мени рангли (қора танли) дейсиз”.

Хулоса: Бу ҳаётда ҳар кимнинг ўз фалсафаси бор.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган

Сизнинг хулосангиз: _____

Ҳеч қачон таслим бўлмаг!!!

Мак Каллистер инсонларни ҳар қандай шароитда ҳам қийинчиликларни енгиш мумкинлигига, курашишга илҳомлантириб келади.

Мак Каллистер жуда кўплаб қийинчиликларни енгиб ўтган. Унинг ҳаёти ҳеч қачон осуда ва бир текисда кечмаган. Жуда ёш пайтидаёқ нафақат тирик қолиш, балки голибона яшаш кераклигини тушуниб етган.

6 ёшлик пайтида юк машинаси уриб юбориши туфайли икки оёғидан айрилади. Мак Каллистер ўзининг аянчли аҳволдан нолиб яшашга **ҳеч** рози бўлмади. Спортнинг **уч** тури: ногиронлар аравасида баскетбол, югуриш ва армрестлинг билан мунтазам шуғулланишни бошлади. Бу ўз натижаларини бериб, ўз окрутида чемпионлик титулларини қўлга киритди.

“Мен ҳар қандай қийин ишни қилишим мумкин, бу менинг ҳаёт тарзимга айланган. Ким ўйлабди дейсиз, икки оёғи йўқ инсон 50 миль масофани нафақат югуриб, балки тўсиқлардан ошиб маррага етиб келади деб. Авариядан сўнг онам менга нима хоҳласам шу ишни бажаришим мумкинлигини айтди, лекин шу ишни қандай тарзда бажаришим, бу мен ечишим керак бўлган биринчи масала эди”.

Мак Каллистер уйланган ва 5 нафар фарзанди бор. Ҳозирда мотиватор ва Ғарбий Орегон университетида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

“Биласизми, келажакда орзуимиздаги дунёни ҳозирги ёшлар яратишади. Ёшлар ҳозир имкони йўқдек туйилган нарсаларни бажариш орқали бунга эришишади. “Иложи йўқ” – бу фақатгина сўз, холос, буни мен ўз ҳаётимда исботладим”.

“Сиз учун мактаб, иш, болалар тарбияси ёки ҳаётдаги қийин бир юмушли ишлар бўлиши мумкин. Нима бўлишидан, қайси даражада мураккаб вазифани бажараётганлигингиздан қатъи назар, сиз юксалишга имкон топа оласиз.

Ҳеч қачон таслим бўлманг!!!”

Хулоса: Икки қўлимиз, икки оёғимиз бор-у, баъзида салгина муаммога дуч келсак нолиймиз, омадсизлигимизга кимнидир ёки ниманидир айбдор қиламиз. Ўзингизни қўлга олинг ва олдинга интилинг.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган

Сизнинг хулосангиз: _____

Олдиндан оққан сув...

Салқин апрель тонги. Вашингтон метро бекатида ғилофли скрипка кутарган киши пайдо бўлди. У девор ёнига бориб, шопшмайгина нарсаларини жойлаштирди. Ғилофни очиб оёқлари остига қўйди-да, скрипкасини чала бошлади.

45 дақиқа мобайнида бутун вужуди билан, завқ-шавққа тўлиб куй чалди. Шу вақт мобайнида унинг ёнидан мингга яқин одам ўтди.

Дастлабки уч дақиқада ўрта ёшлардаги бир киши чолғучига эътибор берди, қадамини секинлатди ва бир лаҳза тек турди-да... яна йўлига шитоб билан равона бўлди.

Бир дақиқача ўтгач, ғижжакчи илк иш ҳақини қўлга киритди. Бир аёл ғилофга пул ташлади, лекин у тўхтамади. Яна қанчадир вақтдан сўнг бир эркак тўхтаб

мусиқа тинглади, бироқ кўп ўтмай, соатига қаради-да йўлида давом этди.

Кейин уч ёшлардаги бола келиб, мусиқачига разм солиб қарай бошлади. Аммо онаси унинг қўлидан тортиб олиб кетди. Болакай ортига қарай-қарай онасига эргашди. Бунга ўхшаган ҳолат яна кўп бор такрорланди. Бирор-та ота-она бемалол томошага рухсат бермади. Бечора болаларнинг кузатуви бир дақиқага ҳам етиб бормади.

Хуллас, 45 дақиқалик кўча концерти давомида 7 кишигина бироз вақт йўлдан қолиб мусиқа тинглади, 20 киши эса гилофга пул ташлаб, тўхтамай кетди. Чолғучи шу вақт ичида 32 доллар пул ишлади.

Бирор-бир йўловчи дунёга машҳур мусиқачи Жошуа Беллнинг куйларини тинглаётганини билмади, ҳис қилмади, хаёлига ҳам келтирмади.

Чолғучи XVIII асрнинг машҳур созчиси Антонио Страдивари ишлаган скрипкада куй чалганди. Бу асбобнинг баҳоси 3,5 миллион доллар эди. Ушбу кўча томошасидан икки кун олдин Жошуа Белл Бостонда катта концерт берганди. Чипта нархи 100 доллар бўлишига қарамай, зал лик тўлганди.

“Вашингтон пост” газетаси ўтказган ушбу синов лойиҳаси инсон табиати ҳақида яна бир бор сабоқ беради...

Жошуа Белл – дунёга машҳур америкалик скрипкачи. Грэмми мукофоти лаурети.

У ёшларга шундай маслаҳат беради: “Мен ёшлик пайтимданоқ сезганим – инсон муваффақият қозониши учун турли йўллар мавжуд. Лекин ҳар биримизда битта йўл бор. Сиз шу йўлни топишингиз лозим!”

Хулоса: Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ...

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган

Сизнинг хулосангиз: _____

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

Ушбу бўлимда “Лидерлар” каналида эълон қилинган машҳур инсонларнинг ҳаёт сабоқлари билан танишишингиз мумкин. Бу маълумотлар газета, журнал, китоблар ва интернет саҳифаларидан олинган, баъзилари каналимиз жамоаси томонидан инглиз тилидан таржима қилинган.

Фойдаланган манбаларимиз ва муаллифлардан билганларимизни кўрсатиб ўтдик, баъзиларини топа олмадик.

Агарда ёритилган мавзуларга оид манбалар ва муаллифлар ҳақида сизда қўшимча маълумотлар бўлса, албатта, хабар беринг ва биз буни каналимизда ёритиб ўтамыз.

БУЮК ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАН

Амир Темури ўғитлари

- Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилуру.

- Ишбилармон мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

- Гарчи ишнинг қандай яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгаш-у тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир.

- Ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилимишлари, айтган гапларини хоти-



рамда сақладим ва хуш ахлоқлари, маъқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлат-у салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузуқчиликдан сақланишни ўзимга лозим билдим.

- Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада оширар эдим.

- Подшо салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида сақлаб вақтида ишлатсин.

- Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб чиқиш йўллари мўлжаллаб қўй.

- Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

- Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

- Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим.

- Очiq юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

- Юмшоқлик қилишга тўғри келса, мулойимлик қилдим; қаттиққўллик ишлатиш вақти етса, қатъий чоралар кўрдим. Шошмаслик керак ерда шошилмадим; шошиларли ишларни кечиктирмадим. Қайси ишни чора-ю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим.

Манба: Б.Аҳмедов, "Амир Темури ўғитлари".

Юракка қадалган мақола

(Жорж Карлиндан ҳикматли сўзлар)

Жорж Карлин – (1937-2008) америкалик ёзувчи, комик, продюсер.

Жорж Карлиннинг рафиқаси вафот этганда, ўтган аср 70–80-йилларнинг таниқли донишманди ва сатириги бутунги кун учун долзарб бўлган ушбу ғаройиб мазмундаги мақолани ёзади:

“Бизнинг замонамизнинг парадокси шундаки, бизда баланд бинолар бор, аммо паст бағрикенглик, кенг йўллар бор, лекин тор дунёқараш.

Биз кўп пул сарфлаймиз, лекин камига эгалик қиламиз, кўп нарсалар сотиб оламиз, лекин жуда кам завқланамиз.

Бизда катта уйлар бор, лекин кичкина оилалар, яхши шароитлар мавжуд, аммо вақтимиз кам.

Энг яхши олий маълумотга эгамиз, аммо камроқ ақл эгасимиз, билимга эгамиз, аммо вазиятни ёмон баҳолаймиз, бизда мутахассислар кўп бўлса-да, муаммолар ҳам кўп, яхши дори-дармон мавжуд, аммо саломатлик ёмон.

Биз жуда кўп ичамиз, жуда кўп чекамиз, масъулиятсиз вақт сарфлаймиз, жуда оз куламиз, жуда тез юрамиз, ғазабланамиз, жуда кеч ётамиз, жуда чарчаймиз, жуда оз ўқиймиз, жуда кўп телевизор кўрамиз ва камдан-кам ҳолларда ибодат қиламиз.

Нолиш-шикоятларни кўпайтирдик, аммо уларнинг қадрини пасайтирдик. Биз жуда кўп гаплашамиз, жуда камдан-кам севамиз ва тез-тез нафратланамиз. Биз қандай омон қолишни биламиз, лекин қандай яшашни билмаймиз. Инсон ҳаётига йиллар қўшамиз-у, лекин йилларга ҳаёт қўша олмаймиз.

Улар ойга етиб боришди ва қайтиб келишди, лекин биз зўрға кўчани кесиб ўтиб янги қўшни билан танишдик.



Биз космосни фатҳ эта олдик, аммо (қалб) руҳиятимизни эмас.

Улкан ишларни амалга оширамиз, лекин энг яхши ишларни эмас.

Биз ҳавони тозалаймиз, аммо қалбни ифлослантирамиз.

Биз атомни бўйсундирдик, лекин шахсий нотўғри нуқтаи назаримизни эмас.

Манба: "UzBuild" телеграмм канали.

Таржимон Баҳодир Бахтиёрович.

Брюс Лидан етти маслаҳат

Брюс Ли (1940-1973) нафақат жанговар санъат устаси, балки файласуф ҳам бўлган. У асос солган Жит Кун До кураши тамойилларини оддий ҳаётга ҳам татбиқ этиш мумкин.

Чегарадан чиқиш

“Агарда бажараётган ишингизга чегара қўйсангиз, ҳеч қачон юқори чўққига эришолмайсиз”. У бу сўзларни машғулотларнинг огирлигидан нолиган шоғирдларига айтган. Аммо ҳаётда ҳам шундай: ўзи учун чеклов қўйишдан ёмонроқ нарсаси йўқ.

Кўпчилик хавфсиз доира ташқарисидаги хавфларни кўргач, чегарадан чиқишни истамайди. Бундай доира ичида эса ҳеч қандай ривожланиш, ўсиш, олдинга силжиш бўлмайди.

Эришиб бўлмайдиган мақсад

Брюс Лининг фикрича, мақсад – инсон эришиб бўлгач, ҳаракатдан тўхтайдиган нуқта эмас. Бу олдинга интилиш жараёнидир. Йўл борми, демак, мақсад ҳам бўлади. Айримлар ўз олдига қўйган мақсадига эришгач, тўхтаб қоладилар.

Бутун сайёрани забт этган бўлсангиз ҳам, ҳаракатда давом этинг. Коинот улкан.

Билим

“Керакли нарсанигина ишлатинг. Устозлардан ўрганинг”. Ўзингизни ўз соҳангиздаги барча нарсани биладигандек ҳис қила бошлашингиз билан навбатдаги устозни қидириб топинг. Ҳаёт бешафқат, билимингизни ошириб бормасангиз, эртами-кечми ўзингиздан кўра билимлироқ рақибга дуч келасиз.

Омадсизлик

Омадсизлик эмас, бетайин мақсад инсонни синдиради. Ҳар бир киши хато қилади ва доноларгина хатосини тан олиб, унинг сабабини аниқлайди.

Кутилмаган хавфга тайёр туриш

Душман кутилмаганда пайдо бўлиши мумкин. Жанговар санъат устаси доимо ҳужумни кутиб яшамаслиги керак, бу уни ожиз, қўрқувдан эзилган инсонга айлантириб қўяди. Хавфни оддийлик билан қабул қилиш лозим.

Эҳтимолий нохушликлардан чўчиб тўсиқ яратиш ўрнига йўлингизда давом этинг, ёлғон ишлатманг ва муҳим паллада ўтган галти хатоларни бартараф қилишга вақт сарфламаслик учун айёрлик йўлига ўтманг.

Ўзликни англаш

Комилликка интилиш киши ўзини назорат қилишдан бошланади. Инсон бир нарсани тушуниши шарт: пул унинг ҳақиқий мақсадини ташкил этувчи айсбергнинг учи холос. Ҳаётнинг асосий мазмуни ўзликни англаб етишдир.

Ташқи кўриниш ҳеч нарсани англатмайди

Кўпчилик ташқи кўринишига ҳаддан ортиқ эътибор қаратади. Бошқалар олдида ташқи кўринишингиз



яхши бўлиши муҳим. Лекин бу муҳим мақсадлардан ҳам юқорида турмаслиги керак.

Брюс Ли: Одам қувватини зеб беришга эмас, заковатни оширишга сарфлагани маъқул.

Манба: <https://t.me/Baxtlihayotsirlari>

Альберт Эйнштейннинг машҳур фикрларидан

Альберт Эйнштейн (1879-1955) – назариятчи-физик, замонавий физика назарияси асосчиларидан бири, Нобель мукофоти совриндори.

- Омадли эмас, қадрли инсон бўлишга ҳаракат қилинг.

- Дунё унда яшаётган ёвузлар туфайли эмас, бекорчилар боис ҳам яшаш учун хавфли макон.

- Кўп ўқиб, идрокини жуда кам ишга солган одам ҳаёларастлик иллатига йўлиқади.

- Кичкина нарсаларга оид ҳақиқатга кўз юмиб кетаверадиган одамга катта масалаларга хос арзимаган ишларни ҳам ишониб бўлмайди.

- Кеча – устозинг, бутун – яшаш учун сабаб, эрта – умидинг бўлсин. Энг муҳими, серҳафсала бўлишни ва олға интилишни тўхтатма.

- Ойлаб, йиллаб ўйлайман. Тўқсон тўққиз маротаба хулосаларим хато чиқади. Юзинчи маротабасида эса тахминларим тўғри эканини аниқлаганман.

- Илмнинг буюк эшикларини очадиган омил идрок эмас, аввало феъл-атвордир.

- Илмда тасаввурнинг аҳамияти юқори. Мантиқ сизни “А” дан “Б” га олиб боради. Тасаввурнинг манзиллари эса чегараланмаган.

Таржимон: Liderlar канали аъзоси Шухрат Самторов

Муҳаммад Алига хос лидерлик ва жасурлик сабоқлари

Муҳаммад Али (1942-2016) – америкалик профессионал бокс устаси, 1960 йилги 17-ёзги олимпия ўйинлари чемпиони, оғир вазн тоифасида жаҳоннинг мутлақ чемпиони.

2016 йилнинг 3 июнь куни ҳаёт билан видолашган, 20-асрнинг бетакрор спортчиси Муҳаммад Алининг умр йўли кучли истак, яхшилик, шукуҳ, обрў-эътибор, одамийлик, бахтиёрлик, эътиқод каби ҳаётий қоида ва амалларга бой бўлди. Қуйида унинг феъл-атвори ҳамда турмуш тарзига хос баъзи одатлар, амаллари ҳақида маълумот берамиз.

Кучли ирода

Афсонавий бокс қироли Муҳаммад Алининг сўнгги 32 йиллик умри Паркинсон касаллигига қарши курашиш билан ўтган бўлса ҳам, у бутун умр қаддини тик тутиб, кучли спортчиларга хос ирода билан яшади. Ҳатто боксчи ўлиmidан бир неча кун олдин ҳам кафтини мушт қилганча, чемпионларга хос нигоҳ билан камера қаршисида суратга тушган экан.

Ўз вақтидаги журъат

Ўта машҳур спортчи сифатида Муҳаммад Али тобора оммалашаётган телевизион шоуларни уруш, ирқчилик, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги оламшумул ҳамда янги мавзулар билан янада ранг-баранг қилди.

Йирик сиёсатчилар ҳам Вьетнам урушининг тўғри ёки нотўғри экани ҳақида индамай турган бир пайтда, Алининг чақмоқдай овози бу урушнинг инсоният тарихидаги катта хато эканини таъкидлади.

Муносиб мақсад

“Мени рингда жанг қилаётган ҳолатда кўрган бўлсангиз, сиз мен тўғримда рақибини дўппослаётган



вахший одам деган хаёлга борманг. Аслида, менинг муштлашишдан мақсадим бор. Одамлар мен айтаётган сўзларга қулоқ тутишлари учун ҳам муваффақиятли бўлишга мажбурман”, деган эди Муҳаммад Али таржи-маи ҳолида. Али ҳар доим қулай вазиятда долзарб мав-зу ҳақида сўзлашни одат қилган.

Ҳаёт сабоғи

“Мен рингда Америка учун жанг қилдим ва Америка учун олтин медални олдим. Ўша куни ресторанга ки-риб, буни нишонлашни истадим, аммо америкаликлар мени ресторандан қувиб чиқаришди. “Қора танлисан”, деб менга овқат беришмади. Алам билан соҳилда кезар эканман, Америка учун олган олтин медалимни дарёга улоқтирдим.

Масжидга келиб қолдим ва у ерда оқ танли билан қора танли бир сафда ўтирганини, бир-бири билан оға-инидек суҳбатлашаётганини, бирга намоз ўқиб, кейин бир-бирини бағрига босаётганини кўрдим. Мен Ислом-ни қабул қилишимни айтдим. Имом менга шаҳодат ка-лимасини ўргатди.

Мен чемпионлик шоҳсупасида туриб, йиғлама-гандим, ҳозир йиғладим. Чемпионлигимдан кўра ҳозир буюкроқ мартабада турганимни ҳис қилиб, йиғладим...”

Ўз-ўзини ирода қила олиш

Муҳаммад Али ўзини ҳар доим идора қила олган. У ўз имкониятларига тўғри баҳо бера олар, бундан керилмас ва, аксинча, ўзига бўлган ишончга сукут билан қулоқ тутар эди. Унда қудрат ва мўминликни маҳорат билан уйғунлаштира олишдек ноёб фазилат бор эди.

Инсонларга яхшилик соғиниш

Али вақти чегараланган бўлишига қарамасдан инсонпарварлик, хайр-саховат мақсадлари йўлида жаҳон бўйлаб кезди. Ҳатто у 1990 йилда Ироққа бориб, мамлакат раҳбари билан музокара олиб боради ва америкалик тутқун аскарларни озод қилишга эришади. 2002 йилда Муҳаммад Али Афғонистон бўйлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Тинчлик элчиси” сифатида саёҳат қилади.

Бахтиёр умр сири

“Мен доимо одамларга улар бир неча финжон муҳаббат, бир қошиқ сабр, бир чой қошиқ сахийлик, яна бир озгина ғамхўрликни аралаштириб, сўнг унга бахтиёрлик ва хоҳиш уйғунлиги ҳамда тоза эътиқодни қўшсалар ва одамларни мана шу неъматлар билан сийласалар, улардан бахтли одам бўлмаслигини айтгим келади”.

Таржимон: Liderlar канали аъзоси Шуҳрат Самторов

Жак Фресконинг сабоқлари

Жак Фреско (1916-2017) америкалик ишлаб чиқариш инженери, дизайнер, футуролог. “Венера лойиҳаси” ташкилотининг раҳбари.

1. Энг бой одамлар, одатда, аҳмоқлардир. Бир куни улардан бири мендан сўради: “Шунчалик ақлли экансиз, унда нега бой эмассиз?” Мен шундай жавоб бердим: “Сиз шунчалик бой экансиз, нега ақлли бўлиб қолмадингиз?”

2. Аксарият ҳолларда одамларга улар билан содир бўлмаётган ҳодисалар эмас, балки ҳаётдан кўп нарса кутишлари уларга азоб беради.

3. Харобазорларни бузиш ва ўрнига мактабларни қуриш учун пул йўқ, ҳаттоки ҳамма солиқ тўловчи



бўлса ҳам. Аммо, агар биз иккинчи жаҳон урушига сарф қилинган барча пулларни олсак, сайёрадаги ҳамма учун уй қуриб, харобаларни ер юзидан бутунлай йўқ қилишимиз мумкин эди.

4. “Ўзингизнинг ЭГОингизни фикр ва ғоялар алмашиш мақсадида унутишни ўргансангиз, бу ҳақиқий тараққиётнинг бошланиши бўлади... Шуни унутмангки, сиз кеккайган одамни учратганингизда, у шунчаки юқори мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган бўлади.

5. Одамлар технологиядан оқилона фойдаланишнинг ажойиб имкониятларини тушунишмайди.

6. Келажакда болаларимиз ўтмишга қараганларида, улар дод деб юборадилар: “Пул тизими порахўрликнинг пайдо бўлишига замин яратганини билмаганмидингиз?” Сиз жавоб берасиз: “Йўқ, чунки биз ушбу тизимда улғайганмиз, биз бошқа ҳеч нарсани билмаганмиз”.

7. Ҳақиқий дунёда яшаш учун, ҳақиқий инсон бўлиш учун ниқобингизга ва одоб-ахлоқ ортига яширинишни бас қилинг, бу ниқобни ечиб ташланг, ҳақиқий бўлишга ҳаракат қилинг. Бировнинг ролини қанчалик узоқ вақт ижро этсангиз, шунча тез-тез ёлғон баҳоналарга мурожаат қилишингиз керак бўлади.

8. Ёки бирга яшашни ўрганамиз, ёки ёлғизликда ҳалок бўламиз.

9. Ижодкорлик (креативлик) – аллақачон маълум бўлган элементларни олиш ва уларни ўзига хос тарзда бирлаштиришдир.

10. Истеъмолчилар жамияти – муҳтож бўлганларидан ташқари ҳамма нарсага эга бўлган ёлғиз одамларнинг жамиятидир.

11. Агар ҳеч нарса қилмасангиз, сизни ишонтириб айта оламанки, ҳеч нарса бўлмайди.

*Манба: “UzBuild” телеграмм канали,
Баҳодир Бахтиёрович*

Китоб ўқишининг инсон шахси шаклланишидаги ўрни тўғрисида

Озод Шарафиддинов (1929-2005) – атоқли олим, йирик жамоат арбоби, моҳир таржимон, оташин публицист.

Хўш, китоб одамга нима беради?

- Биринчидан, китоб билим беради, дунё ҳақида, турли мамлакатларнинг яшаш тарзи тўғрисида, уларнинг тарихи, жўғрофияси, иқтисоди, халқларнинг расм-русумлари тўғрисида бир умр хотирангиздан ўчмайдиган тасаввурлар беради.

- Иккинчидан, “инсон” деган ғоятда мураккаб, ғоятда зиддиятли, ғоятда тилсимли бир мавжудотнинг психологияси, ички дардлари, оламни идрок этиши, яшаш учун кураши, улуглиги ва забунлиги, зўрлиги ва ожизлиги ҳақида тасаввур беради. Буларнинг бари сизни теран фикрлашга ўргатади.

- Учинчидан, китоб сизнинг туйғуларингизни тарбиялайди, эстетик дидингизни шакллантиради, табиатингизда дағаллик, шафқатсизлик бўлса, уларни юмшатади, қалбингизда эзгулик, олийжаноблик япроқларининг ёзилишига йўл очади. Кўп китоб ўқиган одам китоб ўқимаганга қараганда, дунёни бутунлай бошқача қимматда ва бошқача рангларда, бошқача нисбатларда қабул қилади.

Илон Маскнинг муваффақият тамойиллари

Америкалик тадбиркор, кашфиётчи, инженер ва миллиардер Илон Маск – “SpaceX”, “Tesla Motors”, “SolarCity” ва бошқа кўплаб глобал компаниялар раҳбари, асосчиси.

Таассуротларга бой умр эгасининг ягона ютуғи унинг ўзига хос турмуш тарзи ва ўзгармас қоидаларидир. Унинг ҳаёт йўли сизни ҳам муваффақиятга олиб бориши тайин.

У 10 ёшида электрон ҳисоб-китоб тизимини ихтиро қилган, 12 ёшида видео ўйин ва иш жараёни учун технологиялар яратиб 500 АҚШ доллариға пуллаган. Ихтирочи болакай бугун сайёрамизнинг пешқадам бизнесменларидан бири. Биз ҳали Ердаги ҳаётимизни режа қилиб юрган бир даврда, Илон Маск 2040 йилгача Марс сайёрасида 80 минг кишилиқ шаҳарчани бунёд этиш устида бош қотирмоқда.

Илон Маск журналист ундан ўзи ҳақида сўрагандан кўра, уни ташвишга солаётган глобал мавзулар, муаммолар, муқобил энергия манбаи, экологик зарарсиз транспорт, сайёралараро саёҳат йўналишидаги лойиҳалар тўғрисида суҳбатлашиш истагини билдиради. У ўзининг борлиғига эмас, инсоният борлиғига, дардига диққатини қаратган ноёб давлатманд одамлардан бири.

Келинг, Илон Маск тамойили ва қоидаларига диққат қаратамиз. Ажаб эмас, бу сизнинг ҳам ҳаётингизни ўзгартириб юборса.

Ҳаётингизни ўзгартириши мумкин бўлган 6 сабоқ

1-сабоқ:

Танқидни қучоқ очиб кутиб олинг. Танқид – машққа ўхшайди. Аввалига у сизнинг мадорингизни олгандай туйилса ҳам, аста-секин ўзининг мустаҳкам, бекам-кўст ва соғлом гавдасини намоён қилади. Мақтовни мақтов чақиради, аммо танқид муваффақиятга хизмат қилади.

“Tesla Model S” электромобили ҳақида ким биландир суҳбатлашсам, мен учун мақтов эмас, автомобилнинг суҳбатдошимга кўриниб турган камчиликларини эшитиш муҳимроқ”.

“Одамларнинг танқиди – аслида, унинг фикри. Дўстларимдан ҳам кетма-кет бирор маҳсулотнинг уларга ёқмаган жиҳатларини сўрасам, кейинги гал улар мен сўз бошламасимданоқ хизмат ёки маҳсулот юзасидан фикрларини баён қиладилар”.

“Сен хатоларингга яқинроқ юришга одатлан. Шунда муваффақият сенинг мақсадингга айланади.”

Амалга ошириш:

Сизни беҳижолат танқид қила оладиган 5 кишининг исмини ёзинг. Улар сизнинг ҳамкорларингиз, дўстларингиз, ҳамкасбларингиз, ота-онангиз бўлиши мумкин. Уларга қўнғироқ қилинг, хат юборинг ва уларнинг кўмагига муҳтож эканингизни баён қилинг. Таклифни бир оз бўрттирсангиз ҳам бўлади. Яъни чиндан ҳам уларнинг ёрдамига муҳтож эканингизни ҳис қилишсин.

“Менинг хатти-ҳаракатларим, лойиҳаларим, шахсий қарор ва муносабатим юзасидан фикрингизга муҳтожман. Агар мени хафа бўлади, деб ўйласангиз, хотиржам бўлинг. Мен танқидларни ҳам дўстона қабул қиламан. Агар ўйлашингиз учун фурсат керак бўлса, ҳозир сизни шоширмайман”.

Сизни яхши биладиган инсонларда сиз ҳақингиздаги хулосалар доим бўлади. Уларни шу тахлит билиб олинг.

2-сабоқ:

Ҳақиқатга яқин ғояларни илгари суринг (ғоянинг асоси ва қоидасини англаш). Альберт Эйнштейннинг фикрича, инсон муаммони унга сабаб бўлган омиллар ёрдамида ҳал қила олмайди. Аммо жаноб Маск бу фикрга қўшилмайди.

Мисол учун, одамлар аккумулятор батареяларнинг ҳар доим қиммат бўлганини айтишади. Улар бу қурилмани яшаш қимматга тушишини ўйлаб ҳам шундай фикр юритадилар. Бироқ Илон Маскнинг тажрибалари, саъй-ҳаракатларига кўра, агар сиз аккумуляторни қисмларга бўлиб ташлаб, унга кетадиган харажатларга қизиқсангиз, аслида таннарх анча арзонга тушишига гувоҳ бўласиз.

Маскнинг сўнгги – хўжалик ва офисларга энергия манбасини етказишда катта янгилик бўлиши кутила-

ётган “Tesla Energy” лойиҳаси ҳам айнан ана шу назарияга асосланган. Биз фойдаланаётган хизматлар ва маҳсулотлар аслида арзон ва содда.

Бирор ишни қилишдан олдин “нега бунни қилишим керак?” деган саволга жавоб изланг. Унинг ортида турган асосий сабабларни топинг.

Илон Маск айтади:

“Ғоя ва ташаббусни, муаммо ва тўсиқларни идрок қозонида охирги тафсилотига қадар қайнатинг. Шунда уларнинг сабаби юзага кўтарилади”.

Амалга ошириш:

Шахсий ёки касбий энг катта муаммони ҳозироқ қоғозга тушинг. Уни таркибий қисмларга бўлиб ташланг. Кейин мана шу қисмларни қўлга киритиш ҳаракатига тушинг.

3-сабоқ:

Шовқинда туриб керакли товушга диққат қилинг.

Илон Маск ғоялар орасидан керакли мақсадга диққат қилишни тарғиб қилувчи ягона миллиардер эмас. Уоррен Баффетнинг “қилиш мумкин бўлмаган рўйхат”и бўлса, Стив Жобснинг фикрига кўра, нима қилмаслик ҳақида аниқ қарор нима қилиш кераклиги тўғрисида ягона тўхтамга келишдек муҳимдир.

Ёки Facebook ходими Ноа Каганнинг айтишича, Марк Цукерберг Facebook фойдаланувчиларининг кўпайишига хизмат қилмайдиган ҳеч бир ғояни тан олмас экан.

Худди шу каби, Маск ҳам маҳсулот ёки хизматнинг яхшиланишига сабаб бўлмайдиган ғояни тан олмайди.

Илон Маск айтади:

“Tesla” лойиҳасини амалга ошириш жараёнида рекламага ҳеч қачон маблағ сарфлаган эмасмиз. Унинг ўрнига маблағни тадқиқот ва ривожлантиришга, муҳандислик ва дизайн, энг яхши автомобиль иш-

лаб чиқаришга сарфладик. Яхши маҳсулот яратишга кўзимиз етмаса, лойиҳани якунладик”.

Раҳбарлик кўникмаси ва ҳаётни изга солишга оид қўлланмалари билан машҳур америкалик консултант Стивен Кови ҳам диққат энг муҳим жиҳатга қаратилиши кераклигини таъкидлайди.

Илон Маск айтади:

“Бу саъй-ҳаракатинг натижаси кимгадир наф келтирадими? Агар бундай бўлмаса, ундан воз кеч”.

Амалга ошириш:

Кейинги йил эришишинг мумкин бўлган 20 та ютуғингни қоғозга тушир. Улардан 5 та имкони нисбатан кам бўлганини олиб ташла. Яна олиб ташла. Улардан ҳақиқатга яқин бештаси қолсин. Унутма, ўзингни кўзинг етган муваффақиятларингга қанчалар диққат қаратсанг, натижа ҳам шунчалик юқори бўлади.

4-сабоқ:

Муваффақиятсизликни имкониятга айлантиринг (аниқ режани аниқлаш орқали).

Ҳаракат қилмасликнинг бош сабаби – қўрқув ва ҳадикдир. Шу сабабли ҳам, ўзимиз хоҳлаган иш учун ҳужжат топширишга ҳаддимиз сиғмайди. Пулимизни беҳуда сарфлашдан қўрққанимиз учун ҳам бизнесни бошлашга ботина олмаймиз.

Сайёралар бўйлаб саёҳатга олиб чиқувчи компания режаси, эҳтимол, сиз учун кулгилidir. Аммо Илон Маск қўрқувни енгиб, “SpaceX” лойиҳасига маблағ тикишга қарор қилди.

Илон Маск айтади:

“Уч марта уриниб кўрамиз. Агар ҳар учаласида 100 миллион долларгача маблағ тикиб, самога ракета учира олмасак, “SpaceX” лойиҳасидан воз кечамиз”.

Натижа нима бўлди? Биринчи уриниш 30 миллион доллар сарф-харажат ва омадсизлик билан якун топди. Иккинчи ва учинчи уриниш 60 миллион доллардан

харажатлар ва муваффақиятсизлик билан тугалланди. Аммо тўртинчи уринишда “SpaceX”нинг ракета-си самони забт этди. Натижада, лойиҳа NASA’нинг 1.6 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги шартномасини қўлга киритди.

Илон Маск муваффақиятсизликдан қўрқмайди, деб ўйлайсизми? Қўрқади. Аммо у мақсадли режа қилишга одатланган. Бу эса камида фойдали муваффақиятсизлик ва кейинчалик ундан чиқарилган хулоса кафолатини англатади.

Илон Маск айтади:

“Муваффақиятсизлик имкониятни англатади. Агар унга рўпара келмасанг, демак, ҳали илғор ғояларни татбиқ қилишдан йироқдасан”.

Амалга ошириш:

Агар амалга оширмоқчи бўлган лойиҳангизни ўзингиз ҳам аниқ тасаввур қила олмасангиз, мияда чарх ураётган фикрларни тартиб билан қоғозга тўкинг.

Сиз ўзингизча учраши мумкин бўлган муваффақиятсизлик сценарийсини ёзинг. Кейин бунга сабаб бўлиши мумкин бўлган 10 та омилни ёзинг. Ҳар бир муаммонинг олдини олиш бўйича режа қилинг.

5-сабоқ:

Ҳадик ва ташвишларни четга суринг.

Сиз учрашингиз мумкин бўлган омадсизликда ўзингизни қандай тутишингиз мумкинлигини ўйланг. Лекин унутманг, сизга омад олиб келиши мумкин бўлган ишнинг ҳузури бундан 10 чандон зиёдроқ бўлади.

Илон Маск 17 ёшида бизнесмен бўлиб, ўз компаниясига эга бўлишни орзу қилган. Шу орзунини амалга ошириш учун у кам еб, кам кийган даврлари ҳам бўлган. Жаноб Маск ҳар куни ўзи учун 1 АҚШ долларида кўп бўлмаган маблағ сарфлашга аҳд қилган. Қолган маблағни тажриба сифатида келажаги учун йиға бош-

лаган. Ўша кунлари у асосан хот-дог ва апельсин еб кун ўтказган.

У бунн камбағаллиги учун қилмаган. Жаноб Илон Маск аслида бу йўл орқали ўзининг иродасини синовдан ўтказган. У шу орқали кун келиб, мабодо, инқирозга юз тутган маҳалда ҳам, ҳеч бўлмаганда 1 доллар билан кун кечириши мумкинлигига ишонч ҳосил қилган. Шу орқали у муваффақият қаршисида пул аслида аҳамиятсиз нарсa эканини ўзи учун кашф қилган. Айнан шу воқеадан кейин у бизнесмен бўлиш борасидаги қарорини ҳаётда синаб кўра бошлайди.

Илон Маск айтади:

“1 доллар ҳисобига бир кун яшай олишимни исботлаш борасидаги тажрибам ҳеч бўлмаса омадсизликда ҳам очликдан ўлмаслигимни исботлади. Ахир бир ойда 30 долларни осонлик билан топса бўлади-да”.

Амалга ошириш:

Ўзингиздан, мабодо, омадсизликка юз тутган вазиятда яна яшаб, оёққа туриш учун кучни қай йўсин топа олишингизни сўранг. Буларни ёзишдан эринманг.

Агар бу вазиятдан чиқиб кетишга кўзингиз етса, лойиҳа ёки мақсадни амалга оширинг.

6-сабоқ:

Имкониятингизни ўз даражангиздан юқори турган лойиҳаларга сарфланг. Кўпчилигимиз маблағ кўпроқ тўланадиган жойга югураимиз. Биз учун осонроқ ва қизиқроқ меҳнат тарзи муҳим. Аммо бизнинг саъй-ҳаракатимиз дунёга қандай таъсир ўтказаётгани, эртанги муаммоларнинг олдини олишда уларнинг ўрни, бугун ё эртани эмас, истиқболни кўзлаб иш тутишимиз кераклиги ҳаёлимизга ҳам келмайди.

Бизнес вакили ёки бошқа бирор соҳада муваффақиятга эришиш истагидаги инсон ҳамма каби уфққача бўлган масофани эмас, уфқнинг орқа томонида қандай манзара борлигини кўра олиши керак.

харажатлар ва муваффақиятсизлик билан тугалланди. Аммо тўртинчи уринишда “SpaceX”нинг ракета-си самони забт этди. Натижада, лойиҳа NASA’нинг 1.6 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги шартномасини қўлга киритди.

Илон Маск муваффақиятсизликдан қўрқмайди, деб ўйлайсизми? Қўрқади. Аммо у мақсадли режа қилишга одатланган. Бу эса камида фойдали муваффақиятсизлик ва кейинчалик ундан чиқарилган хулоса кафолатини англатади.

Илон Маск айтади:

“Муваффақиятсизлик имкониятни англатади. Агар унга рўпара келмасанг, демак, ҳали илғор ғояларни татбиқ қилишдан йироқдасан”.

Амалга ошириш:

Агар амалга оширмоқчи бўлган лойиҳангизни ўзингиз ҳам аниқ тасаввур қила олмасангиз, мияда чарх ураётган фикрларни тартиб билан қоғозга тўкинг.

Сиз ўзингизча учраши мумкин бўлган муваффақиятсизлик сценарийсини ёзинг. Кейин бунга сабаб бўлиши мумкин бўлган 10 та омилни ёзинг. Ҳар бир муаммонинг олдини олиш бўйича режа қилинг.

5-сабоқ:

Ҳадик ва ташвишларни четга суринг.

Сиз учрашингиз мумкин бўлган омадсизликда ўзингизни қандай тутишингиз мумкинлигини ўйланг. Лекин унутманг, сизга омад олиб келиши мумкин бўлган ишнинг ҳузури бундан 10 чандон зиёдроқ бўлади.

Илон Маск 17 ёшида бизнесмен бўлиб, ўз компаниясига эга бўлишни орзу қилган. Шу орзунини амалга ошириш учун у кам еб, кам кийган даврлари ҳам бўлган. Жаноб Маск ҳар куни ўзи учун 1 АҚШ долларидан кўп бўлмаган маблағ сарфлашга аҳд қилган. Қолган маблағни тажриба сифатида келажаги учун йиға бош-

лаган. Ўша кунлари у асосан хот-дог ва апельсин еб кун ўтказган.

У бунни камбағаллиги учун қилмаган. Жаноб Илон Маск аслида бу йўл орқали ўзининг иродасини синовдан ўтказган. У шу орқали кун келиб, мабодо, инқирозга юз тутган маҳалда ҳам, ҳеч бўлмаганда 1 доллар билан кун кечириши мумкинлигига ишонч ҳосил қилган. Шу орқали у муваффақият қаршисида пул аслида аҳамиятсиз нарсани эканини ўзи учун кашф қилган. Айнан шу воқеадан кейин у бизнесмен бўлиш борасидаги қарорини ҳаётда синаб кўра бошлайди.

Илон Маск айтади:

“1 доллар ҳисобига бир кун яшай олишимни исботлаш борасидаги тажрибам ҳеч бўлмаса омадсизликда ҳам очликдан ўлмаслигимни исботлади. Ахир бир ойда 30 долларни осонлик билан топса бўлади-да”.

Амалга ошириш:

Ўзингиздан, мабодо, омадсизликка юз тутган вазиятда яна яшаб, оёққа туриш учун кучни қай йўсин топа олишингизни сўранг. Буларни ёзишдан эринманг.

Агар бу вазиятдан чиқиб кетишга кўзингиз етса, лойиҳа ёки мақсадни амалга оширинг.

6-сабоқ:

Имкониятингизни ўз даражангиздан юқори турган лойиҳаларга сарфланг. Кўпчилигимиз маблағ кўпроқ туланадиган жойга югурамиз. Биз учун осонроқ ва қизиқроқ меҳнат тарзи муҳим. Аммо бизнинг саъй-ҳаракатимиз дунёга қандай таъсир ўтказаётгани, эртанги муаммоларнинг олдини олишда уларнинг ўрни, бугун ё эртани эмас, истиқболни кўзлаб иш тутишимиз кераклиги ҳаёлимизга ҳам келмайди.

Бизнес вакили ёки бошқа бирор соҳада муваффақиятга эришиш истагидаги инсон ҳамма каби уфққача бўлган масофани эмас, уфқнинг орқа томонида қандай манзара борлигини кўра олиши керак.

Илон Маск ҳеч қачон кўпроқ ва осонроқ пул топиш йўлини изламаган. У доим ўзидан бир саволни – инсониятни ҳозир нималар қийнаётгани, келажакда нималар кутаётгани ва одамлар бунга тайёр ёки йўқлигини сўрайди.

Илон Маскнинг суҳбатларини ўқинг, чиқишларини кузатинг: у ҳеч қачон фойда тўғрисида оғиз очмайди. У доим интервьюларида ўз лойиҳаларининг инсониятга тегиши мумкин бўлган нафи ҳақида тўхталади.

У ўз дунёсини эмас, инсоният дунёсини ўзгартириш учун муаммоларга ечим излайди.

Илон Маск айтади:

“Модомики, етарлича асосли бўлган ниманидир қилиш керак бўлса, имкониятлар бизга қарши бўлган тақдирда ҳам, уни амалга ошириш керак”.

Амалга ошириш:

Айни вақтда амалга ошираётган лойиҳа ва мақсадингизни қогозга туширинг. Ўзингиздан сиз амалга ошираётган иш сизнинг имкониятларингиздан юқорими ёки йўқлигини сўранг. Агар жавоб “йўқ” бўлса, унда ўзингизга муносиб бўлган ишга киришинг.

Таржимон: Liderlar канали аъзоси Шухрат Сатторов

Билл Гейтснинг ёшларга 11 маслаҳати

Ўқимишли бўлиш мияни билимга тўлдириб ташлаш ёки кўп билиш дегани эмас. Бу – нимани билишинг ва нимани билмаслигингни ажрата олиш, дегани. Билл Гейтс дунёнинг муваффақиятли кишиси сифатида фахрий меҳмон бўлиб жуда кўп таълим муассасаларида иштирок этади, юқоридаги каби фикрлар билан ёшларнинг таълимга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлайди.

Қуйида 2005 йилда унинг ўзи таълим олган мактабдаги иштироки чоғида битирувчи ўқувчиларга берган 11 та маслаҳатини диққатингизга ҳавола қиламиз.

1-қоида:

Ҳаёт кўргазма эмас. Демак, ундан фойдаланса бўлади. Сиз ҳам ҳаётингизни қўлга олинг-да, уни ишга солинг.

2-қоида:

Дунё сен ўзингни қанчалар ҳурмат қилишинг билан ҳисоблашмайди. У сендан ўзингни ҳурмат қилишингдан олдин бирор ишни қойиллатиб қўйишингни кутади. Сиз ҳам аввал ҳурматга муносиб эканингизни исбот қилинг.

3-қоида:

Мактабни тамомламасдан туриб на ўзингиз хоҳлаганча яшаш, кези келганда, ҳаттоки яшай олишинг ҳам имкони йўқ. Шунинг учун ҳозир билим олинг.

4-қоида:

Агар бугун ўқитувчи талабчан эканидан шикоят қилсангиз, кун келиб раҳбар қўлига тушганингизда, пушаймон ейсиз. Келажакка мактабдан бошлаб тайёргарлик кўринг.

5-қоида:

Эҳтимол, сиз ўзингизни энг қуйи ишга муносиб кўрмассиз. Аммо сизнинг ота-бобонгиз бу ишни бошқача, “имконият” деб номлаган. Сиз ҳам ишни қуйидан бошланг ва меҳнатга нисбатан кибрли бўлманг.

6-қоида:

Ҳаётда нимададир хато қилсангиз, бунда ота-онанингизнинг айби йўқ, уларни қийнаманг. Хатоларингиз учун дод-фарёд солишни эмас, хулоса чиқаришни ўрганинг.

**7-қоида:**

Сизнинг туғилишингиз ота-онангиз учун фақат байрам эмас, катта масъулият бўлган. Уларни асранг ва қадрланг. Бу келажақда ўзингиз қадр топишингиз учун керак бўлади.

8-қоида:

Мактабни аълочилар ҳам, паст ўзлаштирувчилар ҳам битиради. Ёмон ўқийдиганларга тўғри жавобни топгунларига қадар қулай шароит яратиб берилади. Аммо ҳаётда тўғри йўлни танлаш учун санокли имкон ва ишонч берилади. Шунини унутманг.

9-қоида:

Ҳаётда чораклик, йиллик имтиҳон, сўров ёки ҳисобот деган тушунчалар йўқ. Ҳаёт имтиҳонини ҳам, ҳисоботини ҳам барча бир марта – умр сўнгида ўзига топширади. Энг муҳими, мана шу имтиҳонга тайёр бўлинг.

10-қоида:

Телевизор – ҳаёт, дегани эмас. Акс ҳолда, ундаги қаҳрамонлар вақтларининг асосий қисмини меҳнат қилишга сарфлаган бўлар эдилар. Ўзингизни самарали ва мақсадли меҳнатга тайёрланг.

11-қоида:

Муваффақиятга эришиш учун аввал унинг ҳақини тўлаш керак бўлади. Бу эса вақт ҳамда машаққатли меҳнат дегани.

Таржимон: Liderlar канали аъзоси Шуҳрат Сатторов

Соитиро Хондадан маслаҳатлар (1906-1991)

Дунёга машҳур “Honda Motor Co.,Ltd.” компанияси асосчиси.

Ҳеч қачон таслим бўлманг!

1. Тирик экансиз, барчасини уддалаш мумкин. Ўлим – таслим бўлиш учун ягона баҳона бўла ола-

ди. Тирик экансиз, сиз учун ҳадсиз-ҳисобсиз имкониятлар омили мавжуд. Улардан фойдаланиб, мақсадингизга етинг.

2. Ҳаётга реал кўз билан қаранг. Барча иш ҳам бир уринишда ҳал бўлавермайди. Буни тушунинг. Бу - қўлни ювиб қўлтиққа артиш, дегани эмас. Хатолар, янглишишлар бўлади ва ишонинг, буларнинг бари сизнинг фойдангизга. Фақат буни кўра билинг.

3. Сиз ўзингизга баҳо берганга қараганда кучли одамсиз. Кўзга кўринмас майда муаммолар сизни тўхтатиб қолмасин. Керак бўлса ун, юз ва ҳатто минг марталаб омадсизликка учраган тақдирингизда ҳам асло таслим бўлманг.

4. Ўзингизни доим тергаб турунг. Масъулиятни олишдан сира қўрқманг. Ҳаммаси яхши бўлади. Бу қайтанга ўзингизга бўлган ишончининг ортишига сабаб бўлади. Камтарлик яхши хислат, албатта. Лекин ҳамма жойда эмас.

5. Буни ҳам инсон боласи қилган-ку! Ҳа, тўғри. Шу сабаб сиз ҳам урдасидан чиқасиз!

6. Амалга ошира олмаслигингизни таъкидлашса-да, барибир орзуларингизга ишонинг.

7. Ён-атрофдагиларингизга суянинг. Шунда қувват янада ошади. Ярим йўлда ташлаб қўймайдиган танишларнинг бўлиши, фақат муваффақиятга олиб боради.

8. Ёдингиздан чиқмасин! Ҳаётда сизнинг аҳволингиздан баттарроқ ва сизга ҳаваси келадиган инсонлар сон минглаб топилади. Миллионлаб одамларга қийин, лекин улар таслим бўлишмаяпти. Улар курашишда давом этишмаяпти.

9. Ўзингизга тўғри баҳо беринг. Сиз ҳар қандай бахтга муносиб инсонсиз!

10. Яхшилик қилишни ўрганинг. Бу билан ўзингизга ҳам ёрдам берасиз.

11. Барча нарсанинг ўз вақти-соати бор. Вақтида Уолт Диснейни бўш тайёрлаган мақоласи учун ишлаб турган газетасидан ҳайдашган. Менделеев кимё фанидан қониқарсиз баҳога ўқиган. Шу сабаб кўп сиқилманг. Ҳозирча омадингиз келмаяптими, демак омад келишининг ўз вақти-соати бор!

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Жек Ма камбағал инсонлар психологияси ҳақида

Жек Ма (1964) – хитойлик тадбиркор, капитализацияси 500 млрд доллардан юқори бўлган “Alibaba Group” компаниясининг асосчиси, “Forbes” журналида сурати чоп этилган илк хитойлик тадбиркор.

Камбағал кишилар талабини бажариш жуда мушкул.

Уларга ниманидир текинга берсанг, бу қопқон, деб ўйлайдилар.

Уларга бу кичик инвестиция десангиз, кўп маблағ ишлаб топиш мумкин эмас, дейишади.

Йирик миқдорда молия киритиш таклифини берсангиз, пуллари йўқлигини рўкач қилишади.

Янги мавзулар таклиф этилса, тажрибалари йўқлигидан хавотирланишади.

Бу анъанавий бизнес эканини айтсангиз, бу огир дейдилар.

Уларга бу янги бизнес-модель, десангиз, пирамида дейишади.

Уларга дўкон очиш ҳақида гапирсангиз - эркинлик йўқ дейишади.

Ўз бизнесларини бошлаш ҳақида гап очсангиз, янги бизнес ривожланишига ҳеч қандай исбот йўқлигини айтишади.

Улар кўплаб умумий хусусиятларга эга: Google’дан фойдаланиш, худди ўзлари каби омадсиз дўстларига

қулоқ тутиш. Улар университет профессорларидан ҳам кўпроқ ўйга толишади ва кўзи ожиз кишилардан ҳам камроқ нарсалар қилишади. Улардан нима қилишлари мумкинлиги ҳақида сўранг. Улар сизга жавоб бера олмайди.

Менинг хулосам: юракдан тезроқ уришни талаб қилиш ўрнига ўзингиз тезроқ ҳаракат қилсангиз нима бўлади? Хаёлларга берилиш ўрнига, фикрингиздаги нарсани амалга оширишингизга нима ҳалал беради? Камбағал инсонлар битта хусусиятлари сабаб омадсизликка юз тутишади: уларнинг умри кутиш билан ўтади.

Манба: ижтимоий тармоқлардан олинган.

Роберт Кийосакидан 10 маслаҳат

Роберт Кийосаки (1947) – америкалик тадбиркор, инвестор, ёзувчи ва нотиқ-мотиватор.

- Бойлар ва камбағаллар ўртасидаги ягона фарқ – улар вақтларини қандай сарфлашида.

- Қанча пул топаётганингиз эмас, уларнинг қанчасини сақлаб қолаётганингиз муҳим.

- Бадавлат инсонлар активларни сотиб олишади. Камбағалларда фақатгина харажатлар бор. Ўртаҳоллар эса мажбуриятларни сотиб олиб, уларни активлар, деб ўйлашади.

- Меҳнат қилиш узоқ муддатли муаммоларни ҳал этиш учун жуда қисқалик қилади.

- Амин бўлингки, бирор ишга киришар экансиз, дўстларингиз сиздан кўпроқ нарсаларни талаб қилади ёки уни нима сабабдан уддалай олмаслигингизни тушунтиришга ҳаракат қилишади.

- Камбағал, омадсиз, бахтсиз ва касал одамларгина “эртага” сўзини тез-тез ишлатади.



• Пул – сув, таом, ҳаво ва турар-жой каби барча нарсаларга тааллуқли бўлган манбалардан ҳисобланади. Аммо нима учундир айрим олимлар пулни ўз ижтимоий мақомидан пастда, деб ўйлашади.

- Ҳар бир муаммо қаърида имкониятлар ётади.
- Бугун – ғолиблар қўллайдиган сўз. Эртага – омадсизлар қуроли.

САККИЗИНЧИ БЎЛИМ

СИЗДА ҚАНДАЙ ФИКР БОР?

Ушбу бўлимда “Лидерлар” канали аъзоларининг каналимиз ҳақидаги фикрлари, таклифлари, муносабатлари ва уларнинг ҳаётига, фаолиятига, ўзгаришларга сабаб бўлган, таъсир қилган жиҳатлар ҳақидаги эътирофлари келтирилган.

Билдирилган фикр-мулоҳаза ва эътирофларни асл ҳолида эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Канал фаолиятига оид барча таклиф ва мулоҳазаларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, келгуси фаолиятимизда амалга татбиқ этишга ҳаракат қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, каналимизнинг қадрли мухлисларига, ҳурматли Лидерларимизга самимий эътирофлари, камтарона меҳнатимизга берган юксак баҳолари учун ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

* * *

“Каналдаги маълумотлар имкон қадар кенгроқ ва чуқурроқ ўйлашимга хизмат қилиб келмоқда, бизга тақдим этилган энг сара фикр-мулоҳазалар хатоларимни камайтиришга ҳисса қўшганлигига ишонаман, канал келгусида “Лидерлик энциклопедияси”га айланишини тахмин қилган ва ишонган ҳолда унинг фаолиятига муваффақият тилайман”.

Ботир Мардаев,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик налатасининг депутати,
“Liderlar” канали аъзоси

* * *

Лидерлар каналининг аъзоси сифатида таъкидлашни истардимки, бу канал, энг аввало, шахс камолотига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ҳар бир ўқувчининг ўзлигини англашида, мақсад сари интилишида ҳар қандай учраши мумкин бўлган хавфхатарлар ва қўрқувни енгиб ўтиб ғолиблик ҳиссини туя билишга чорлайди. Шахснинг ўз-ўзига ишончини, қатъиятини юксалтиради.

Канал масъулларининг ишни ташкил этишдаги энг эътирофга сазовор жиҳатлари, ўқувчиларга тақдим этилаётган материалларда қалбан яқинлик муносабати сезилиб туради. Ва бу билан инсонда бирдамлик ва ватанпарварлик ҳиссини улғайтириб боради. Интилувчанлик, самимийлик, камтарлик, ўз устида тинимсиз ишлаш шижоатини жуш урдиради.

Энг муҳими, Лидернинг ҳар қандай вазиятда ўз ўрнини ва атрофдагилар ролини баҳолай олиш қобилиятини шакллантиради, ўз вақтида ва тезкор қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Шахснинг ўзига бу хусусиятларни сингдириши - ишда, оила ва дўстлар даврасида, ҳаттоки, рақиблар қаршисида қўллаши- атрофидагиларининг ҳам шундай ёрқин фикрловчи ва олға интилувчи янги Лидерлар сафидан ўрин олишларига каттагина туртки бўлади.

Мухтасар айтганда, Лидерлар канали, ҳар бир лидернинг ғоявий устуни бўлиб, Жонажон, юртимизнинг барқарор келажагини таъминлашда маёқ бўлиб хизмат қилади!

*Хусанова Мухтабар,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг депутаты, ю.ф.н.,
“Liderlar” канали аъзоси*

* * *

Хасанов Отабек Абдурашидович муаллифлигидаги Лидерлар китоби, аввало, келажига бефарқ бўлмаган барча инсонлар учундир. Мен умрим давомида 30 йилдан ортиқ раҳбар лавозимда ишлаганман. Раҳбарлик бу аввало масъулият ва ишончдир. Лидерлик локомотив бўлмоқ ва жамоани ортидан эргаштирмоқдир. Локомотив инсонлар бу ҳар бир оилада, ташкилотда, маҳаллада, дўстлар даврасида бўлади. Бундай инсонларни сиз ёшлигидан кузатиб боришингиз мумкин. Шундай экан, жияним Отабек Хасанов ёшлигидан мактабда, оиласида, ишхонасида локомотив бўлиб шаклланиб борди. Бугун у биздан, устозларидан ва ҳаётий тажрибасидан кузатиб борган ҳамда ушбу соҳадаги билимларини умумлаштириб Лидерлар китобини ёзди. Мақсад ўзи каби локомотив лидерлар сонини кўпайтириш. 30 йиллик тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, яхши раҳбар, аввало, мақсадни тўғри белгилаб олади, кейин ўзини шу мақсадга ишонтиради, сўнг жамоани. Шунингдек, ҳар бир раҳбар бирор ишни бошлашдан олдин охири нима билан тугашини олдиндан билиши керак. 70 ёшга кириб шуни айта оламанки, ўзининг меҳнатинг эвазига топилган обрў бу яхши, бироқ фарзандинг меҳнати эвазига отага кўрсатилган илтифот ундан минг марта яхши экан. Шунинг учун ҳар бир инсон ўз фарзандига ёшлигидан ҳалол луқма ва тўғри тарбия бериб, энг муҳими, яхшилик қилишни ҳам ўргатиш керак, яъни яхшиликни бирга қилиши керак. Ушбу китобни ўқиётган ёшлар, сизларга маслаҳатим: вақтнинг қадрига етишни ўрганинг, у жуда тез ўтиб кетади, бунинг сизга 70 ёшга кирган инсон айтяпти, уни тўғри сарфланг.

Умаров Эркин Жаматович

* * *

Ҳар бир ишнинг бошида бўлиш ва уни ҳаётга тадбиқ этиш бу ҳақиқий қахрамонлик деб биламан. Жудаям кўп инсонлардан юзлаб инновацион фикр-ғоялар чиқади, лекин уни амалиётга жорий этишга келганда мардлик ва ирода етмайди ёки ҳаракатга келганда қўрқоқлигини кузатамиз. О.Хасановнинг “Лидерлар” канали концепцияси яратилиши жарёнида унинг келажакдаги ўрни ва мавқеини форсайт (прогноз) қилиш мақсадида бир неча “фокус” гуруҳларни шакллантиргани эса тақсинга лойиқ ва бу ишга қанчалик жиддий тайёргарлик кўрганидир.

Ҳурматли канал аъзолари ва китобхонлар! Лидер ўзи ким? Балки бу фақатгина баландпарвоз сўздир (ёки утопия). Менинг фикримча, лидер - бу соғлом коллектив муҳит шакллантира оладиган ва уни бир мақсадга йўналтириб, бошқара оладиган шахсдир. Чунки ҳатто жамиятнинг ажралмас бир бўлаги бўлмиш оилада баъзида лидернинг йўқлиги оила муҳитининг ёмонлиги ва унинг парокандалигига олиб келиши мумкин. Қолаверса, кундалик ҳаётимизнинг турли соҳаларида фаолият юритиб келаётган раҳбар кадрларга эътибор берадиган бўлсак, баъзиларида фақатгина бошқарув кўникмасининг етишмаслигини кузатишимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби, энг аввало, малакасизлик ва ҳис-туйғуга (непотизим элементларига) асосланган бошқарувнинг қўлланиб келишидир. Шу ўринда устозим бир ғапларини келтириш жоиз: “кўчада кимнидир ёқтириш, севиш ва ёмон кўриш мумкин, аммо иш жойида виждонан ва сидқидилдан ишлаш лозим”.

Нима мақсадда бу канал шаклланган деган савол кўпчилиқни қизиқтириши мумкин. Давлат бошқаруви академиясининг асосий вазифаси лидер, яъни замонавий раҳбар кадрлар тайёрлашдир.

Хўш “Лидерлар” каналининг стратегик мақсади нимадан иборат? О.Хасанов билан узоқ йиллар мобайни-

да Академияда фаолият юритганмиз. Шу ерда бир сирни очмоқчиман қадрли китобхонлар учун. Кундалик янгиликларни кузатганимизда, турли соҳа раҳбар кадрларининг ОАВ вакиллари билан ўтказилган савол-жавобларини тинглаганимизда, Академиядаги фаолиятимизга қониқарсиз баҳо берганман. Академия ўзининг 25 йиллик фаолияти давомида ҳар тамонлама малакали кадрлар етиштира олган, афсуски, бир йилда бор йўғи 100 нафар магистр ва 100 нафар қайта тайёрлаш битирувчилари билан жамиятимиздаги соф виждонли раҳбар кадрларга бўлган талаб мисли денгиздаги бир томчидек бўлмоқда. Минг афсуски, бу томчи денгизга тушгандан сонг шўр сувга айланмоқда ва бу сув билан жамиятни суғориб бўлмайди, чунки шўр сув жамиятни қуритади.

Сир эмаски экстра-актив институтлар жамиятга узоқ муддатли фойда келтирмайди, ўз навбатида, инклюзив институтлар ривожланиши халқ манфаатларига узоқ муддат хизмат қилади. Умуман олганда, инсонларга ва жамиятимизга ёрдам бериш ҳар биримизнинг олий мақсадимиз бўлмоғи лозим. Менинг фикримча, “Лидерлар” канали, лидерларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва кундалик малака ошириш платформаси ҳамда том маънода виждонли ва ҳалол раҳбарларни бирлаштирувчи “Лидерлар” клуби бўлмоғи лозим, яъни ҳалоллик ва виждон вакцинаси ишлаб чиқарувчи лабораторияга айланмоғи лозим. Мен бунга ишонаман.

Liderlar канали аъзоси: Каримов Дилшод

* * *

Мен Лидерлар канали очилган кундан унга аъзоман. Оилам, фарзандаларим биргаликда каналдаги барча маълумот ва видеоларни кузатиб борамиз ва бир-биримизга нима хулоса қилганимизни бўлишамиз. Мен Отабекни 10 йилдан бери танийман, унинг бир ажойиб хислати бор, бу бутунги кунда кўпчиликда йўқ

у ҳам бўлса, ўрганган ва билган нарсасини ҳаммага улашгиси келади. Кўпроқ инсонлар билим ва тажрибага эга бўлса, юртимиз тезроқ ривожланади, дейди. Ушбу каналда ҳам шу ишни давом эттиряпти. Унинг ўзи давлат ишида юмушлари жуда кўплигини яхши биламан, шунда ҳам вақт топиб доим каналга янгилик ва маълумотлар жойлаб боради. Энг муҳими, ҳар бир пости инсон ривожланиши ва фикрлашига хизмат қилади. Битта мисол, Фарзандимга мактубини ўғлим Жавоҳирга икки қайта ўқи берганман (унинг розилиги билан ўзим номимдан). Шунингдек, Отам ўғитлари рубрикасини ўқиб, у ердаги насихатларни фарзандларим тарбиясида фойдаланаман. Ўйлайманки бу китоб ҳар бир ота-она ўқиши шарт бўлган китобдир, сабаби ҳар бир оила ватанимиз учун ақлли, шижоаткор ва ташаббускор Лидерларни тарбиялайди ва уларга бу ердаги маълумотлар жуда ҳам асқотади.

Liderlar канали аъзоси: Бобохўжаев Аслиддин

* * *

Ҳурматли “Лидерлар” канали аъзолари. Мен оилам билан ушбу каналда берилаётган барча видеолар ва маълумотларни доимо кузатиб бораман. Айниқса, онам “Ракеш” ва “Фарзандимга мактуб” видео, аудио лавҳаларини набиралари билан қайта-қайта кўриб, тинглаб фарзандларимга доим мисол келтиради – нима учун ҳаётда илм олиш муҳимлигини. Биз бу каналга оилавий аъзомиз. Ўзим давлат ташкилотида фаолият юритаман ва кундалик ишларимни юқори савияда амалга оширишда каналдан олган янги билимларимдан фойдаланаман.

Энг муҳими, ушбу канал фарзандларим тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда. “Ҳамма кўриши шарт” лойиҳасидаги барча видеолар менга ҳар доим мотивация беради. Канал админларининг китоб чиқариш ғоясини қўллаб-қувватлайман. Сабаби бу ердаги фой-

дали маълумотлар кўпроқ ота-оналарга етиб бориш керак, шунда улар юртимизга, оиласига фойдаси тегадиган Лидерларни тарбиялаган бўларди. Бу канал келажигига ишонаман ва мамлакатимиздаги барча оилалар шу каналга аъзо бўлишни тилаб қоламан.

“Liderlar” канали аъзолари: Махпура онахон ва Миразиз Мамаджоновлар

* * *

Канал ташкилотчилари, сизларга катта раҳмат. Мен бу каналга аъзо бўлган кунимдан бошлаб, кузатганларим, ўқиганларим, тинглаганларим ҳаётга қарашимни мутлақо ўзгартирди. Аввало, кундалик ҳаётимда тартибли бўлишни, вақтни тежашни ва ундан унумли фойдаланишни ўргатди. Шунингдек, мен ҳозирда сизлар тавсия қилган китобларни ўқиб, ўз дунёқарашимни бойитиб борапман.

Менинг таклифим – келажакда каналга оид бир гуруҳ ташкил қилинса, бу гуруҳда барча “Лидерлар” канали аъзолари ўзаро фикр алмашишлари йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Гуруҳ орқали барча ўзининг эришган ютуқлари ҳақида бошқаларга ҳам айтиб, уларни ҳам олдинга тортса, лидерлар сафи янада кенгайарди (албатта, бу менинг шахсий фикрим).

Яна бир таклифимни айтиб ўтмоқчи эдим, бир ойда бир марта вилоятларга сафар уюштирсангиз ва олис ҳудудлардаги фаол ва билимли ёшлар, етакчилар билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, улар билан фикр алмашсангизлар, бу ҳам лидерлар сафи кенгайишига катта қадам бўларди, деб ўйлайман.

Канал админларининг ишларига омад тилайман. Кўплаб ёшларнинг ҳамда катта ёшдаги инсонларнинг ҳаётга қарашларини ўзгартираётган, шундай серқирра ва сермазмун канал ижодкорларига катта раҳмат!

Ҳурмат билан

“Liderlar” канали аъзосу: Миршод Набиев

* * *

Қаттиқ уринишлардан кейин ҳам кутилган натижага эриша олмагач, ўзимдан ва атрофдагилардан ҳафсалам пир бўлиб, бир аҳволда уйга қайтдим. Хаёлимда эса анчадан бери тинчлик бермаётган саволлар айланарди. “Шу пайтгача 100 дан зиёд китоб ўқибман-у, наҳотки, уларни уқмаган бўлсам?! Нима учун деярли 90 % уринишларим бесамар кетади? Ўқилган асарлар фақат ҳис-туйғуларни, инсонийлик жиҳатларимни ривожлантириш учун фойдали бўлди холосми? Ўзи бадий асарларни ўқиш нима учун керак, вақтни бесамар кетказиш эмасмикин?..

Уйга келганимда ҳамма ўз иши билан банд, акам ўз хонасида кўраётган видеолавҳа овози залга бемалол эшитилар, унда эса кимдир ўз бошидан ўтказган ҳикоя ҳақида гапирарди. Беихтиёр, бутун диққатим ўша инсон ҳикоя қилаётган воқеага қаратилди, чунки унда мен анчадан бери ўзимдан устозларим, яқинларимдан жавоб топа олмаган саволларимга аниқ равишда жавоб бериларди. “Миядаги кинотеатр”. Ҳа, бу менинг онгимда маъжозий маънода силкиниш уюштира олган видеоролик эди.

Бу видеони кўргач, унинг муаллифи ва айтиб ўтилган каналга қизиқиб қолдим ҳамда дарҳол аъзо бўлдим. Каналда бериб борилаётган “Ҳамма кўриши шарт”, “Ҳамма ўқиши шарт”, “7 саволга 7 жавоб”, “Бир пиёла чой устида” рубрикалари мени шунчалик қизиқтирдикки, уларнинг ҳаммасини кўриб, ўқиб, ўрганиб чиқдим. Албатта, бу ўрганишлардан кейин “миядаги силкиниш ва қисқа туташувлар” сони анчага етганди. У билимларни амалиётда қўллай бошладим. Масалан, ҳозирда менинг ҳар куни шуғулланадиган сеvimли спорт турим бор. Тайм-менежмент ҳақидаги маълумотлар асосида мен кунимни, вақтимни ўзимга бўйсундиришни, бошқаришни ўргандим. Қилинадиган

энг асосий ишлар рўйхатини бир кун олдин тузиш ва уни кун якунида таҳлил қилиб бориш иш самарадорлигимни оширади ва ўзимга нисбатан мустаҳкам ишонч ҳиссини беради. Кунлик ишлар рўйхатидан ўзимдаги “Soft skills” ва “Hard skills” хусусиятларимни ривожлантириш учун ўқиладиган китоблар ва ўрганилиши зарур бўлган тажрибалар ҳам алоҳида жой эгаллаган. Уларни кунда бажариб бораман.

Энг асосийси, энди мен муваффақиятсизликлардан қўчимайман, ҳар мағлубиятдан кейин ўрнимдан туриб йўлимда давом этишга етарлича ишончим, кучқувватим бор. Биламанки, бу мағлубиятлар энг буюк ғалабаларим учун замин яратяпти, мени янада кучли қиляпти. Нимадир қила олаётганимдан ва қўрқмасдан бу ишни бажариб кўрганимдан ўзимда фахр ҳиссини туяман. Каналдаги “Лидерлар янги лидерларни кашф қилади, биз сизлар билан уларни кашф қиламиз, сизнинг фикрингиз биз учун аҳамиятли”, деган фикрлар ҳамиша мени уриниб кўришга ундайди! Ва шуни тан олишим керакки, канал фаолияти билан танишгач, мансабдор шахсларга нисбатан қарашларим ўзгарди, ҳурматим, ихлосим ортди.

Канал келажаги бугунгидан-да яхшироқ бўлишини ва ўзи кашф этган лидерлар сони кўп бўлишини чин дилдан тилаб қоламан. “7 саволга 7 жавоб”, “Бир пиёла чой устида” рубрикалари доимий ва давомли бўлишини истардим. Канал асосчиси ва админларига чуқур миннатдорлик билдирган ҳолда соғлик-саломатлик тилайман!”

“Liderlar” канали аъзосу: Хурсаной Маҳмудова

* * *

Ҳар бир инсон ёшлигидан ўз олдига тўғри мақсад қўйишни билиши керак ва ҳар бир ҳаракати шу мақсад сари уни яқинлаштириши лозим. Отабекнинг ёшлигидан бир хислати бор, яъни қайси китобни ўқиб

чиқса, албатта, тенгдошлари, қариндошларига гапириб бериш ва ўзи учун олган янги билимлари билан ўртоқлашиш. Шунингдек, адашмасам 10 ёшидан кундалик тутади, ҳар куни, ҳар бир ўқиган китобини, у ердан олган янги маълумотларни доим ёзиб боради. Мен, сен нима қиласан буларни, деб сўраганимда, у бир кун келиб буларни умумлаштириб ўзимнинг китобимни ёзаман, деганди. Айнан ушбу Лидерлар китобини ёзиш учун, у 10 ёшидан бошлаб тайёргарлик кўрди.

Уйимизга киришда Бухорий бобомизнинг: “Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай”, деган сўзлари илиб қўйилган. Шу сўзга ҳар куни камида 10 марта дуч келамиз. Шу сўз бизни Отабек билан ҳар куни китоб ўқишга чорлаган. Айнан ушбу сўзлар Отабекнинг ҳаётий шиорига айланган. Ушбу канални очганида унинг биринчи аъзолари мен, фарзандларим Азамат, Азимхон ва Равшанбеклар бўлганмиз. Каналга жойланган ҳар бир видео, ҳикматларни муҳокама қиламиз. Фарзандларимдан ҳар куни ишдан келгандан сўнг каналга кун давомида қўйилган маълумотлар бўйича фикрларини сўрайман. Кўпинча, ишташвишлари билан фарзандларимдан узоқда бўлиб қолганда ҳам Лидерлар канали менинг ўрнимга уларга илм ва тарбия бериб боради.

Бир нарсани аниқ биламанки, агар болага ёшлигидан тўғри тарбия, илм берилса ва вақт ажратилса у ўз натижасини беради. Мен буни оиламиз тажрибасидан келиб чиқиб айта оламан. Отабекнинг мақсади ушбу канал орқали оилаларда маънавий муҳитни яхшилаш, отонанинг фарзандлар тарбиясида масъулиятини ошириш ва унинг натижасида юртимизда ёш, ақлли лидерларни кўпайтириш. Ўйлайманки, у мақсадига эришади, сабаби у ёшлигидан ўз олдига қўйган мақсадга эришган.

“Liderlar” канали аъзоси:
Хасанов Улуғбек Абдурашидович

* * *

Канални ташкил қилган админ ҳамда масъул ходимлар келажақда тарихда қолсин, дейман. Ҳаттоки сизларнинг бериб бораётган видео, аудиодарсларингиз мактаб таълими, қолаверса, барча таълим тизимларида татбиқ этилишга муносиб. Ёшларни замонавий фикрлаш, янгиликка интилиш, таълим ва тарбия узвийлигида ўз билим ва қобилиятларини ошириб боришга ундовчи мотивация руҳидаги ажойиб ижод ва изланишларингиз учун ташаккур!

Ҳурмат билан сизларнинг меҳнатларингизни кўриб, қадрлаб, ўрганиб боровчи самарқандлик шогирдингиз.

“Liderlar” канали аъзоси: Улуғбек Суюнов

* * *

Ҳурматли Отабек Абдурашидович! Мазкур каналга жойлаштириб бораётган турли хилдаги долзарб ва янгиликларга бой материалларингиз, мақолалар, маълумотлар, ҳикматлар, умуман, сизнинг ўзингизга хос ижодий ёндашувингиз бизни жуда қувонтиради, завқлантиради.

Мен Ёшлар иттифоқи тизимида фаолият юритаман ва бундан гурурланаман. “Лидерлар” канали касбдошларим ва ёшларимиз орасида кенг оммалашган. Шу сабаб Бухоро ёшлари томонидан Сизга ўзимизнинг чуқур миннатдорлигимизни билдирамыз! Сизлардан бундан кейин ҳам ноанъанавий, креатив мавзулар ва қизиқарли янгиликлар кутиб қоламиз. Фаолиятингизда ҳамиша омад ёр бўлсин.

“Liderlar” канали аъзоси: Ғолибжон Аҳмедов

* * *

Ассалому алайкум, Отабек ака ва “Лидерлар” каналининг меҳнаткаш, креатив ижодий жамоаси!

“Лидерлар” канали шахсан менга жуда катта фойда берди. Каналдаги иқтибослардан, фикрлардан ўзимда ўзгариш ясаб, хулоса олдим. Ва буни бошқаларга ҳам улашишга уриняпман.

Дастлаб мени ва дўстларимни қизиқтирган мавзу “Ҳамма кўриши шарт” лойиҳасидаги видеолавҳалар бўлди. Ҳар бир сонини қолдирмай кўрардик. Жуда кўпчиликка канални тавсия ҳам қилдик. “Ҳамма кўриши шарт” видеолавҳаларидаги мазмун ва таъсирчанлик одамларни тушқунликка тушиб қолган ҳолларида ёки мағлубиятга учраган пайтларида, уларни бир зумда ўзларини қўлга олишга ва яна қайтадан астойдил ҳаракат қилишга ундай олган, деб ўйлайман.

“Лидерлар” каналининг келгусидаги иш фаолиятига улкан зафарлар ва омадлар тилаб қоламан. Ҳеч қачон изланишдан тўхтаманглар. Зеро, сизларнинг машаққатли ҳаракатингиз бизларнинг ҳаётимизга, иш фаолиятимизга ўзининг ижобий таъсирини бериб келаяпти.

***“Liderlar” канали аъзоси: НамДУ талабаси
Мансурбек Одилбеков***

* * *

Ассалому алайкум. Ушбу каналга аъзо бўлганимга кўп бўлгани йўқ, аммо берилган маълумотлар жуда қизиқарли. Ўзим мактабда фаолият олиб бораман. Ракеш, “Бир дона мих” видеороликларини ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига ҳам намойиш этдик, улардан яхши фикрларни эшитдик. Келгусидаги фаолиятларингизга ривож тилайман.

Чоп этилаётган китоб ўйлашимча, барчамиз учун ажойиб совға бўлади, чунки каналнинг ўзи ҳам

қизиқарли ва фойдали манбаларга бой. Демак, китоб ҳам энг сара ва долзарб мавзулар жамланаётган, муваффақиятларга ундовчи нашр бўлади. Албатта, ушбу китобни харид қиламан.

“Liderlar” канали аъзоси: Абдурашид Абдулҳаевич

* * *

Ассалому алайкум. Мен Хоразм вилояти Урганч туманидаги 4-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 11-А синф ўқувчисиман.

“Лидерлар” канали менга ва дўстларимга жуда ёқди. Келажакда етук мутахассис, раҳбар бўлиб халқимга, жамиятга нафим тегса дейман. Канални кузатиб бориб, назаримда, ўзгардим: аниқ мақсад ва ишончли келажакка қадам қўйдим. Бугун ижтимоий тармоқлар турли-туман канал ва гуруҳлар билан тўлиб кетган. Кўплаб тенгдошларим баъзида бефойда ва вақт ўғирловчи каналлар таъсирга тушиб қолади. Мен барча тенгдошларим “Лидерлар” каналига аъзо бўлишини хоҳлардим.

Каналнинг фаолиятига ривож тилайман!

“Liderlar” канали аъзоси: Акбар

* * *

Лидерлар канали админи жияним Отабекни ёшлигидан биламан. Унинг каналини оилам билан доим кузатиб бораман. Каналдаги ҳаётий мисоллари деярли ҳаммаси ўз ҳаётидан олингандир. Сабаби мен уни ёшлигидан танийман, баъзи мисолларини ҳатто бирга бошимиздан кечирганмиз. Унинг тоғаси, яъни отам доим айтарди: “Отабек сенда Оллоҳ берган яхши хислат бор, яъни ўзгаларга маълумот етказа олиш ва тушунтира олиш қобилиятинг, сен ундан тўғри фойдаланишинг керак”. Ёшлигидан жуда ҳаракатчан ва



қизиқувчан бўлган. Кўпчилик болалар далада қўй боқиб юрганимизда бунинг қўлидан китоб тушмасди ва энг муҳими ёшлигидан ўз олдига катта мақсад қўярди. Қўрқмасдан айтарди доим мен Тошкентда Президент олдига ишлашим керак, бунинг учун кўп ўқишим керак дерди. Кўпчилик унинг бу гапининг устидан куларди. Шу кулган баъзи болалар ҳали (бугунги кунда 30-40 ёшга кириб қолган бўлса ҳам) қўй боқиб юришипти. Бугун болалар Отабек каби ёшлигидан олдига катта мақсадлар қўйиши ва албатта, унга эришиш учун бор кучи билан ҳаракат қилиши керак. Мен ҳар куни фарзандларим Шердор ва Шохрухга Отабекни мисол келтираман, унинг босиб ўтган йўлини, тинимсиз меҳнатини. Мана ҳозир ҳам шунча иши бўлишига қарамай 17 000 дан ортиқ инсонларга мотивация беришдан ва ўзининг билимлари билан ўртоқлашишдан чарчамаяпти. Ушбу китоб ҳар бир ёш ўқиши шарт бўлган китоблардан бири бўлиб қолади, деган умиддаман.

“Liderlar” канали аъзоси:
Умаров Элдор Эркинович

* * *

“Лидерлар” канали менда тартиб-интизомни шакллантиришда жуда катта ёрдам берапти. Шунингдек, олдинга интилишга мотивация ҳам берапти. Келажакда Ўзбекистонда биринчи рақамли канал бўлиши тилакдошиман.”

“Liderlar” канали аъзоси: Шерзод Муслимов

* * *

Мен “Лидерлар” каналини доимий кузатиб боришим туфайли, ҳаётда қанчалар кўп хатолар қилганимни англадим ва қандай қилиб, ҳеч қачон бу хатоларни та-

крорламасликни ўргандим. Ҳаммаси “Лидерлар” канали туфайли. Раҳмат сизларга!

“Liderlar” канали аъзоси: Умидшоҳ

* * *

Ассалому алайкум, “Лидерлар” канали ташкилотчилари. Мен Қашқадарё вилояти Касби туман 11-Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори Камолов Азизжон Аминович бўламан. Сиз ушбу канални ташкил қилган вақтингиздан ҳозирга қадар ундаги берилаётган ҳар бир маълумотни ўқиб, кузатиб бораман. Сиздан илҳомланиб, мен ҳам мактабимиз ота-оналари ва битирувчиларидан иборат 700 дан ортиқ кишини ўз ичига олган телеграмм гуруҳи ташкил қилган эдим. Доимий равишда сиз бераётган маълумотларни гуруҳ аъзолари билан ўртоқлашиб келаман. Мен раҳбарлик қилаётган мактабнинг ташкил қилинганига 23 йил бўлган. Ҳозирга қадар мактабимизни 596 нафар битирувчи тамомлаган бўлса, шундан 84 фоизи олий таълим муассасаларига киришган. Улар жамиятимизнинг турли соҳаларида фаолият олиб бориб, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Мен уларнинг аксарияти билан доимий алоқадаман, 300 дан ортиғи раҳбарлик лавозимларида ишлашади ва сизнинг лидерлик борасидаги кўрсатмаларингизга мунтазам амал қилиб келишади.

Шахсан ўзим гарчи мендан ёш бўлса-да, Отабек Хасановнинг шижоатига тан бераман ва шу инсондан илҳомланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида таҳсил олишни ният қилган эдим, Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, айни дамда ушбу таълим даргоҳининг тингловчисиман. Ушбу каналнинг келажаги порлоқ бунга ишонаман. Аллоҳ хайрли ишларингизда мададкор бўлсин.

“Liderlar” канали аъзоси: Азизжон Камолов



* * *

Ассалому алайкум, хурматли “Лидерлар” канали масъуллари! Мен бу каналда янги бўлсам-да канал менинг дунёқарашимнинг шаклланишида катта роль ўйнапти, десам муболаға бўлмайди. Келажакда канал бундан ҳам ривожланиб, янада юксалишини истайман. Сизларга миннатдорчилик билдираман, изланишдан чарчаманглар.

“Liderlar” канали аъзоси: Хондамир Нормуродов

* * *

Ассалому алайкум! “Лидерлар” канали мен учун худди қоронғуликдаги шам мисоли ҳаётимда катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Авваллари ўзимни ёлғиз ҳис қилардим ва ўзимдаги ишонч ҳиссини бутунлай йўқотгандим. Аммо сизлардек мотиваторлар туфайли мен “ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ” эканига амин бўлдим. Менда янги орзу-мақсадлар, умид ва ишонч пайдо бўлди.

Насиб қилса, Отабек Хасанов, сиз билан шахсан учрашиб, ўз миннатдорлигимни изҳор этиш ниятим бор. Ишларингизда асло чарчаманг.

“Liderlar” канали аъзоси: Алихан Минтурганов

* * *

“Ассалому алайкум! Каналга уланганимда аъзолари сони 12 000 нафар эди. Ҳозир эса 17 000 нафарга яқинлашмоқда. Демак, шу тарзда давом этса, ҳали 100 минг ҳам бўлади.

Таклифларим:

1. Каналда рус ва инглиз тилини ўргатувчи дастурлар ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бошқа каналлар ҳам бор. Лекин сизларнинг инсон психологиясига ажойиб таъсир кўрсатиш услубингиз бор.

2. Канал аъзоларидан фақат корхона ёки бирор фирма директорларининг эмас, оддий, яъни маълум бир касб эгаларининг ҳам start up ларини ташкиллаштирсангиз яхши бўлар эди.

Касбим ўқитувчи бўлганлиги боис “Гарсияга мактуб” эшиттиришингизни ўқувчиларга ҳам қўйиб бергандим. Кўпчилигига ижобий таъсир кўрсатди. “Ҳамма кўриши шарт” рубрикангиздаги лавҳаларни ҳам тарбиявий аҳамияти катталиги учун ўқувчиларим эътиборига ҳавола қилиб бормоқчиман.

“Liderlar” канали аъзоси: Ихтиёр Алламов

* * *

Ассалому алайкум, “Лидерлар” канали асосчилари, авваламбор, ушбу канални очганингиз учун миннатдорчилик билдираман.

Канал орқали олаётган маълумотларим жуда фойдали бўлмоқда. Айниқса, “Бир дона мих” ҳикояси ҳар қандай ишни қилаётганимда, ёдимга тушаверади. Иложи бўлса, ҳаётда муваффақиятга эришган инсонлар билан интервьюларни кўпайтиришингизни сўраб қолар эдим.

Канал аъзолари тез орада 100 минг нафарлик маррадан ўтишларини ва “Умидчилар” сингари “Лидерчилар” деган ном билан эсга олинишларини тилаб қоламан.

“Liderlar” канали аъзоси: Лазиз Мамадалиев

* * *

“Ассалому алайкум, ҳурматли “Лидерлар” канали админлари! Мен бу канал яратувчиларига, алоҳида Отабек Хасановга ўз тилакларимни изҳор қилмоқчиман.

Ушбу канални креативлиги, китоб ўқишга бўлган иштиёқни ошириши, одамларни лидер бўлиб ўзларига

эргаштиришлари, уларни келажак учун фойдали шахсга айланишга сабаб бўлаётгани ҳамда ижтимоий тармоқдаги ўзининг алоҳида жиҳатлари билан ажралиб турадиган ягона мотиватив, энг зўр канал, десам адашмайман.

Мен ундан ўзимнинг келажагим учун фойда берувчи жуда кўп насаларни олдим. Айниқса, буюк одамлар масалан, Тони Старк, Билл Гейтс, Стив Жобс каби одамлар ҳам муваффақиятсизликларга учраб, улардан тўғри хулоса чиқаришганини, яна олға қадам ташлаб, ўз мақсадларига интиланлари менга қаттиқ таъсир қилди.

Барчангизга раҳмат, ҳурматли админ, канал ижодкорлари! Сизларга улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

“Liderlar” канали аъзоси: Сафинахон Соаталиева

* * *

Мен “Лидерлар” каналидан мақсадлар қўйиш, уларга интилиш, йўлда учрайдиган катта-кичик тўсиқларни енгиб ўтишни, бир жойда қотиб қолмасдан, балки ўз устимизда тинимсиз ишлашни, китоблар мутолаа қилишни ўргандим. Бир сўз билан айтганда, “Лидерлар” канали менга катта мотивация беради.

Канал аъзолари бундан-да кўпайиб боришига ишончим катта. “Лидерлар” канали бу ҳар хил соҳадаги лидерларни жипслаштирган ва бўлғуси лидерларни етиштириб чиқаришга ўз ҳиссасини қўшаётган канал деб ҳисоблайман. Канал фаолиятида янада қизиқарли, фойдали маълумотлар олишда давом этамиз.

***“Liderlar” канали аъзоси:
Шолпаной Абдижемилова Абдикаликовна***

* * *

“Лидерлар” каналини биринчи марта “Арнольд Варценеггер”нинг мотивацион нутқини ўз ичига олган видеороликда линкини кўргандим ва шу заҳоти қидириб топиб аъзо бўлгандим. Очиги, ғалати одатим бор, айрим каналлар ёқиб қолса, аъзо бўламан-да, канални 3-4 кун кузатаман. Деярли кўп ҳолда яна қайтиб чиқиб кетаман. Чунки бу ерда ҳаддан ташқари керак-сиз маълумотлар жой эгаллаган бўларди. Лекин бу фикрлар фақат “Лидерлар” канали учун истиснодир.

Дарҳақиқат, канал жуда фойдали, керакли мотивация берувчи каналдир. Ишларингизга омад! Сизларга катта раҳмат!

“Liderlar” канали аъзоси: Шаҳзодбек

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси бўлганимдан сўнг, “Лидерлар” канали мени энг яқин дўстим ва ҳамроҳимга айланди.

Тўғриси айтсам, бу канал орқали бошқарув соҳасида, умуман ҳаётда асқотадиган маълумотлар, ҳикматлар, асрлар давомида товланиб, зуваласи мустаҳкамланган, ҳаёт чиғирикларида пишган ибораларни ўқиб, қайта-қайта ўқиб билимларимни ошираман. Журналистика соҳаси вакили сифатида шуни айтишим жоизки, биз ТВ ва радио эфирларини юзлаб, минглаб ҳамкасбларимиз иштирокида тўлдирамиз. Сиз кузатадиган телекурсувларда, радиоэшиттиришларда минглаб инсонларнинг кўзга кўринмас меҳнати бор. У кадр ортида. Демокчиманки, бугун ўз мақсадларидан ортиб, илмий ишларини бир чеккага суриб, турмуш ташвишларидан вақт ажратиб, “Лидерлар” каналини ранг-баранглигини таъминлаб, ўқимишлигини ошираётган Отабек Хасанов ва унинг жамоасини, қолаверса,

эргаштиришлари, уларни келажак учун фойдали шахсга айланишига сабаб бўлаётгани ҳамда ижтимоий тармоқдаги ўзининг алоҳида жиҳатлари билан ажралиб турадиган ягона мотиватив, энг зўр канал, десам адашмайман.

Мен ундан ўзимнинг келажагим учун фойда берувчи жуда кўп насаларни олдим. Айниқса, буюк одамлар масалан, Тони Старк, Билл Гейтс, Стив Жобс каби одамлар ҳам муваффақиятсизликларга учраб, улардан тўғри хулоса чиқаришганини, яна олға қадам ташлаб, ўз мақсадларига интилганлари менга қаттиқ таъсир қилди.

Барчангизга раҳмат, ҳурматли админ, канал ижодкорлари! Сизларга улкан муваффақиятлар тилаб қоламан.

“Liderlar” канали аъзоси: Сафинахон Соаталиева

* * *

Мен “Лидерлар” каналидан мақсадлар қўйиш, уларга интилиш, йўлда учрайдиган катта-кичик тўсиқларни енгиб ўтишни, бир жойда қотиб қолмасдан, балки ўз устимизда тинимсиз ишлашни, китоблар мутолаа қилишни ўргандим. Бир сўз билан айтганда, “Лидерлар” канали менга катта мотивация беради.

Канал аъзолари бундан-да кўпайиб боришига ишончим катта. “Лидерлар” канали бу ҳар хил соҳадаги лидерларни жипслаштирган ва бўлғуси лидерларни етиштириб чиқаришга ўз ҳиссасини қўшаётган канал деб ҳисоблайман. Канал фаолиятида янада қизиқарли, фойдали маълумотлар олишда давом этамиз.

“Liderlar” канали аъзоси:

Шолпаной Абдижемилова Абдикаликовна

* * *

“Лидерлар” каналини биринчи марта “Арнольд Варценеггер”нинг мотивацион нутқини ўз ичига олган видеороликда линкини кўргандим ва шу заҳоти қидириб топиб аъзо бўлгандим. Очиги, галати одатим бор, айрим каналлар ёқиб қолса, аъзо бўламан-да, канални 3-4 кун кузатаман. Деярли кўп ҳолда яна қайтиб чиқиб кетаман. Чунки бу ерда ҳаддан ташқари кераксиз маълумотлар жой эгаллаган бўларди. Лекин бу фикрлар фақат “Лидерлар” канали учун истиснодир.

Дарҳақиқат, канал жуда фойдали, керакли мотивация берувчи каналдир. Ишларингизга омад! Сизларга катта раҳмат!

“Liderlar” канали аъзосу: Шаҳзодбек

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиси бўлганимдан сўнг, “Лидерлар” канали мени энг яқин дўстим ва ҳамроҳимга айланди.

Тўғриси айтсам, бу канал орқали бошқарув соҳасида, умуман ҳаётда асқотадиган маълумотлар, ҳикматлар, асрлар давомида товланиб, зуваласи мустаҳкамланган, ҳаёт чиғириқларида пишган ибораларни ўқиб, қайта-қайта ўқиб билимларимни ошираман. Журналистика соҳаси вакили сифатида шуни айтишим жоизки, биз ТВ ва радио эфирларини юзлаб, минглаб ҳамкасбларимиз иштирокида тўлдирамиз. Сиз кузатадиган телекурсатувларда, радиоэшиттиришларда минглаб инсонларнинг кўзга кўринмас меҳнати бор. У кадр ортида. Демокчиманки, бугун ўз мақсадларидан ортиб, илмий ишларини бир чеккага суриб, турмуш ташвишларидан вақт ажратиб, “Лидерлар” каналини ранг-баранглигини таъминлаб, ўқимишлигини ошираётган Отабек Хасанов ва унинг жамоасини, қолаверса,

у кишига маслаҳат ва ёрдамларини аямаётган Абдурашид отанинг умрлари узоқ бўлсин.

Мен ишонаман, “Лидерлар” канали келажакда бундан-да юқори нуқталарни забт этади. Айниқса, мамлакатимиздаги барча давлат бошқаруви кадрларининг севимли канали бўлиб қолади. Биз унинг юз мингинчи аъзосини ҳам бирга нишонлаймиз! Бу дамлар жуда яқин. Қаламингиз ўткир, сўзингиз кескир бўлсин, ҳурматли “Лидерлар” канали жонкуярлари!

Liderlar канали аъзоси: *Ботир Дуланов*

* * *

Ассалому алайкум, Отабек ака! Каналда берилаётган видеодарслар, китоблар, онлайн суҳбатларнинг барчаси менга улкан мотивация берди. Мен ўзимда лидерликнинг хусусиятларини намоён қила бошладим! Умуман олганда шахс сифатида етилиб боришимда катта хизмат қилмоқда! Ва бундан жуда хурсандман! “Отанинг ўтитлари” рубрикасини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтаман!

Каналнинг кейинги фаолиятида айнан ҳозирги видеодарслар билан бирга онлайн суҳбатлар ҳам олиб борилса, хурсанд бўлардим! Чунки ҳар хил соҳа вакиллариининг фикрлари – лидерлик бўйича умумийликни касб этиб жуда катта фойдаси бўлади деб ўйлайман!..

Канал фаолияти ва аудиторияси бундан ҳам кенгайишини тилайман! Менга каналнинг энг маъқул жиҳати – хабарларнинг ташланмаслиги ва реклама йўқлиги! Шунинг учун ҳам каналдаги ҳар битта янги нарсани тезлик билан ўрганиб чиқаман! Каналнинг аудиторияси ниҳоятда кенгайишини тилайман! Отабек ака, сизга мустаҳкам соғлик тилайман! Асло чарчаманг!”

“Liderlar” канали аъзоси: *Бердиёр Кушбаков*

* * *

Ассалому алайкум. Мен “Лидерлар” каналига аъзо бўлганимдан сўнг ўзимга ишонч, қатъият, талабчанлик каби туйғуларимнинг қайта шаклланишига амин бўлдим. Чунки ҳаёт қанча тез қаддини кўтарсанг, шунча тез янчишига амин эдим. Аммо сизнинг каналингизга аъзо бўлганимдан кейин тиз чўкиш у ёқда турсин, ҳатто бош эгишга ҳам мажбур эмаслигимни англадим...

Агар аввалроқ бу каналга аъзо бўлганимда кўп нарсани бошқача талқин қилган бўлардим. Аммо, энг муҳими, ҳозир ўзимни жамоанинг бир аъзоси, келажакимга маъсул шахс сифатида танимоқдаман. Бунда сизларнинг ўрнингиз катта.

Бу сўзларим самимий. Буни сиз ўқиганингиз эса менга куч бағишлайди.

“Liderlar” канали аъзоси: Мадинабону

* * *

Ассалому алайкум! “Лидерлар” телеграмм каналини 2018 йилнинг куз ойлари охиридан буён кузатиб бораман. Ўтган вақт мобайнида канал орқали бериб борилган жуда кўплаб қимматли маълумотлар ва билимлар олдим. Ушбу канал кундалик ҳаётда барча учун бирдек манзур келяпти, деган фикрдаман. Канал фаолиятига муваффақиятлар тилайман!

“Liderlar” канали аъзоси: М.Тиловов, Термиз давлат университети талабаси

* * *

Ассалому алайкум, “Лидерлар” каналининг азиз яратувчилари! Каналда бериб борилаётган ҳар хил рукндаги видеороликлар, цитаталар, афоризмлар ва маслаҳатлар орқали, албатта, кўп нарсани ўргандим ва ҳаётимда, ҳозирги фаолиятимда ижобий таъсир кўрсатяпти.



Туғрисини айтсам, бу канал олдин рус тилида ўқиган китобларимни яна бир бор такрорлади, фақат янада чуқурроқ. Асосийси, Ўзбек тилида! Айниқса, “Ҳамма кўриши шарт” рукнидаги видеороликларни такрор ва такрор кўриб чиқдим.

“Лидерлар” канали келажакда қандай бўлиши керак: канал фаолиятини ривожлантиришда ўзларингизга ўхшайдиган лидерларни, яъни ўз устида доим ишлайдиган, самимий, меҳнатсевар, дунёқараши кенг ва энг асосийси, катта орзулари бор инсонларни кўпроқ жалб қилиш керак.

Мен бу канални нафақат телеграммда балки “ютуб”, “инстаграм” ва “фейсбук”ларда шу логотип остида миллионлаб аъзолари билан кўришни хоҳлардим. Жонли тренинглар ўтказишни йўлга қўйишларингиз керак.

“Liderlar” канали аъзосу: Шавкат

* * *

“Лидерлар” каналимиз аъзолари сони 666 666 гача етишини ва фақатгина кузатиб ўтиришларини эмас, балки ўз фикрларини билдиришларини, канал янада ривожланиб номи тилларда дoston бўлишини, ижодкорлар янги-янги қизиқарли саҳифаларни тақдим этишини хоҳлардим.

“Liderlar” канали аъзосу: Шухрат Мамиров

* * *

Каналга гап бўлиши мумкин эмас. Худо куч-қувват берсин ишларингизга. Сизлардан илтимос, “Лидерлар қаҳвахонаси”да ажойиб муваффақиятларга эришган одамлар билан суҳбатларни кўпайтиринг. Мен талабаман. Кўпроқ билимли талабалар билан суҳбатларни кутиб қоламан.

“Liderlar” канали аъзосу: Мурфайз Каримов

* * *

Каналга аъзо бўлганимга кўп бўлгани йўқ, лекин, маъноли, мантиқли маълумотларнинг берилиши менга жуда ёқди. Лидер бўлишга интилаётганлар учун бу зўр қўлланма бўлади.

Таклифим – лидернинг ўзини тутиши, кийиниш маданияти, тарбиявий жиҳатлари ва халқаро тажрибалар ҳақида кенгроқ тўхталса, янаям яхши бўларди. Чунки ҳозирги ҳаётимизда бу мавзулар тобора долзарб тус олмоқда...

***“Liderlar” канали аъзоси: С.Умаров,
Фарғона вилояти Данғара тумани.***

* * *

Ассалому алайкум, “Лидерлар” каналидан оиламиз номидан миннатдормиз. Сизнинг каналингиздан болаларимга мотивация берадиган кўп нарсаларни олаётиман. Ўзим ҳам кўп нарсаларни ўргандим, олий таълимда кафедра мудираси бўлиб ишлайман, бошқарув психологиясини ўқиганман, лекин раҳбар бўлиш билан бирга лидер ҳам бўлиш кўп ишларни тўғри ташкиллаштиришга имкон беришини тушундим. Асосан жамоа бўлиб ишлашга ўргатиш катта аҳамиятга эга эканини билдим. Қарор қабул қилиш масаласида кўп саволларимга жавоблар олдим.

“Liderlar” канали аъзоси: Айнагул Бекимбетова

* * *

Мен “Лидерлар” каналига аъзо бўлганимга кўп вақт бўлмади, бу каналга edu.uz сайтидаги “Менинг пишлогим қани?” деб номланган видеороликни кўрганимда қизиқишим ортиб аъзо бўлдим ва бундан жуда ҳам хурсандман. Мен бу каналда бериб бориладиган мотивацияларни ҳар доим ўқишга, кўришга, эшитишга ҳаракат қиламан, улардан мен ўзимда лидерлик туйғусини



пайдо қилишни, фаол бўлишни, ўз устимда самарали ишлашни, ўзимга ишонишни ўрганмоқдаман ва буларнинг натижасини ҳам кўраяпман.

Канал менинг маънавий ва руҳий эҳтиёжларимни қондиришда жуда кўп ёрдам бермоқда.

“Liderlar” канали аъзоси: Мохинур Раджабова

* * *

Ассалому алайкум, “Лидерлар” канали аъзолари! Каналга анчадан бери аъзоман ва мунтазам кузатиб бораман. Берилаётган маълумотлардан институтда ўқитувчи бўлганлигим учун иш фаолиятимда фойдаланаман. Китоб тайёрлаб, улуғ иш қилибсизлар, омад сизларга!

“Liderlar” канали аъзоси: Соҳибахон Асқарова

* * *

Ассалому алайкум, “Лидерлар” канали админлари! Ушбу каналдан мен асосан, мотивация, ҳар қандай ҳолатда инсон ўзига ишонч, вақтни тўғри тақсимлаш каби билимларни ўзлаштирдим.

Каналнинг афзаллиги – турли соҳа вакилларини ҳаётий кўникмалари реал маълумотлар билан бойитилаётганлигида, деб биламан. Канал админлари ва ижодий жамоага муваффақиятли фаолият тилайман!

“Лидерлар” канали янада ривожланиб, турли тармоқ ва йўналишларга эга бўлиши тарафдориман. Ҳаммага катта раҳмат!

***“Liderlar” канали аъзоси: Хусан Султаниёзов,
ТТЕСИ талабаси***

* * *

Ассалому алайкум, ҳурматли Отабек ака, ушбу каналингизга аъзо бўлганимдан буён ўзимда ҳам илмий, ҳам савия жиҳатидан анча ўзгаришларни ҳис қиляпман. Ҳар куни эрталабдан, биринчи сизнинг каналингизни очиб, бугун қандай янги нарсаси ўрганар эканман, дейман.

Сиз менинг ғойибона устозимга айлангансиз. Мен сизнинг лидерларни тарбиялашда беминнат ва самимий меҳнатларингиз учун раҳмат айтиб, Сизга кучкуват ва соғлиқ тилаб қоламан!

“Liderlar” канали аъзосу: Ҳусниддин Тўхтаев

* * *

“Лидерлар” каналини доимий кузатиб бораман. Бунинг учун сизга ва сиз билан елкама-елка хизмат қилаётган инсонларга ўз миннатдорчилигимни билдириб қоламан.

Бу каналдан ўрганганларимни ҳаётга татбиқ қилиб, фарзандларим, аёлим ва ўзимнинг билимимни оширишга инвестиция тикдим, қатъиятли бўлишга ҳаракат қиляпман ва ҳоказо.

Шу туфайли фарзандларим билими анча ўсди, ўзимнинг лавозимимда ўсиш бўлди ва раҳбарият томонидан моддий ва маънавий мотивацияларга эришяпман.

“Лидерлар” каналига тилакларим: Омадларингизни берсин! Ватанимиз равнақи, халқимиз маърифат даражаси ўсишида қилган савобли хизматларингиз ажрини берсин Аллоҳ!

Таклифларим: Бизнес бошлашнинг илк босқичлари, ҳозирги кунда қайси йўналишларга эътибор қаратишимиз маъқуллиги ва фарзандларимиз вақтини қандай тақсимлаш борасидаги мавзуларни ёритиб беришингизни сўраб қоламан.

“Liderlar” канали аъзосу: Азизжон Каримов

* * *

Ақлли бошқарув сири нимада?

Ўз соҳасининг билимдонлари, тажрибали мутахассислар билан суҳбат мароқли ва айни пайтда фойдалидир. Бу эса натижадорликка, иш ва ўқув жараёнидаги ютуқ ва самарага бошлаб боради. Шунинг учун ҳам

турли ўқув юртларида фаолият юритаётган педагог, профессор ўқитувчиларни чорлаш, улар билан тажриба алмашиш мазмунида ижодий мулоқотлар уюштириш таълим тизимининг сифати ва самарасига ижобий таъсир этишини билмаслик инсофдан эмас.

Таълим муассасалариаро устозларни ўзаро таклиф қилиш ва ташрифларини тизимли амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Институтимиз ректорининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясининг “Бошқарув кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш” факультети декани Хасанов Отабек Абдирашидович билан ташкил этилган ижодий мулоқот самарали тарзда бўлганини эътироф этиш ўринлидир. Институтимизнинг профессор ўқитувчилари билан ўтказилган ушбу мулоқотда Отабек Хасанов бошқарув жараёнида, таълим тизимида иш унумига таъсир этувчи салбий омиллар ва уларни бартараф этиш, вақтдан унумли фойдаланиш йўллари борасида ҳаётий мисол ва назарий асослар билан боглиқ мулоҳазаларини ўртоқлашди. Жумладан, “Ақлли бошқарув”нинг жорий қилиш поғоналарини асослаб мисоллар келтириш асносида жонли ва самимий тарзда ифодалаб бера олгани кўпчиликка маъқул келди. Унинг ушбу этапларини билишгина эмас, амал қилиш зарурлигини ҳам таъкидлаб ўтди. Мақсадни аниқлаштириш, тактикани ишлаб чиқиш, автоматик ишлайдиган тизимни яратиш, натижани баҳолаш ва мониторинг қилишгина изчиллик ва тизимлиликни таъминлашини тақдимот дастури орқали асослаб берди.

Айниқса, унинг ушбу ибораси, айтиш мумкинки, афориизми, ҳикматли ўғити барчага бирдек маъқул келди. “Агар мақсадга эриша олмаётган бўлсангиз, мақсадни эмас, балки тактикани ўзгартиринг”. Доно фикр!

Демак, ҳаётий қоидаларгина бизга фойдали бўлади,

таълим тизимини юксалтиришга хизмат қилади. Ҳар бир инсонда, жамоада ушбу тартиб ва таркиб бўлиши ҳамда амал қилиши зарур. Булар: креативлик, коммуникативлик (киришимлилик), тайм-менежмент ва инновация.

Отабек Хасанов ҳар бирига алоҳида тўхталиб изоҳлар бериб ўтди. Шунингдек, Томас Алва Эдисоннинг ушбу фикрини бежиз келтирмади. “Инновация - бу бир фоиз илҳом ва тўқсон тўққиз фоиз меҳнатдир”. Демак, ўз-ўзидан ҳаракат ва изланиш, тинимсиз интилишгина мақсадларнинг рўёбини беради. У ўз нутқида таассуф билан бир фикрни эътироф этди. Бу таълим соҳасида, бошқарув жараёнида тизимли фикрлашнинг йўқлигидир. Мақсад аниқ бўлгани билан уни амалга ошириш тактикаси муҳим. Бу эса коммуникатив компетенция, киришимлилик, тил тактикасидан фойдалана олиш уқуви, риторик маҳорат билан боғлиқдир.

Мулоқот якунида институт ректори Ўктам Умурзаков Отабек Хасановга бир оғиз сўзлари билан ижодий учрашувга розилик бергани учун миннатдорлик билдириб, ўз ҳурматини изҳор қилиш асносида жамоа номидан рамзий совгаларни армуғон этди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов

* * *

Ассалому алайкум, ҳурматли канал ижодкорлари! Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз улароқ, мен кундан-кунга аъло даражадаги муваффақиятларга эришмоқдаман.

Айниқса, фақат олдинга интилиш, таслим бўлмаслик, умидсизланмаслик, ҳаракатдан қўрқмаслик каби бир қатор ҳаётий мулоҳазаларингиз



менга далда бўлмоқда. Сизларга миннатдорчилигимни изҳор қилиб қоламан.

“Liderlar” канали аъзоси:
Самарқанддан О.Камолов

* * *

Ассалому алайкум, ҳурматли “Лидерлар” канали админлари!

Сизларга каттакон раҳмат, каналдаги видео, аудио ва китобларингиздан руҳлантирувчи куч-ғайрат, шижоат, ишонч оламан. Мен шу канал аъзоси бўлганимдан кейин ҳаётга катта умид ва ишонч билан қарашни бошладим. Агар инсон ўзи хоҳласа, дунёда жуда катта ютуқларга эришишга қодир экан. Сизлардан миннатдорман. Ўйлайманки, сизлар тўғри йўлдан кетаяпсизлар, негаки мен ҳар сафар шу каналга кириб келган янгиликларни ўқисам, тўғри йўлдан бораётганимга ишонч ҳосил қилиб, яна ҳам кучли ишонч, шижоат билан ҳаракатимни давом эттираман.

Яна бир гап, мен олим Абдурашид Хасановга ҳавас қиламан ва ҳурмат қиламан. Шогирди бўлишни ният қилганман.

“Liderlar” канали аъзоси: Саъдор

* * *

Ассалому алайкум, Отабек ака! Энг аввало, канал аъзолари 17 мингдан ошгани билан самимий табриклайман! Бу янада катта масъулият юклайди одамга! Канални барча давлат органлари ва ташкилотлар ўтқир нигоҳлар ила кузатиб бормоқда. Бу эса сифатли маҳсулот тақдим этишни тақозо қилади! “Лидерлар” клуби ташкил этилиши бу жуда ажойиб янгилик бўлди! Бир таклифим бор. Ҳозирча каналда, кейинчалик ТВда “Лидерлар” клубида “Лидерлар” дебатлари

ташкил этилса. Бир масала танланиб, турли фикрлар тўқнашуви натижасида бир тўхтамга келинади. Канал фаолиятига омадлар тилайман! Аъзолар сони 100 мингдан ошишига тилакдошман!

“Liderlar” канали аъзоси: Ақобир Шамсиев

* * *

Авваламбор, менга каналингиз жуда ҳам маъқул. Сиз қилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Ушбу канал орқали сиз кўпчиликка кучли мотивация беряпсиз ҳамда ватанпарварлик ҳиссини уйғота оляпсиз, деб ўйлайман. Бунинг учун сизга катта раҳмат!

“Liderlar” канали аъзоси: Жасур Ишанкулов

* * *

“Қани менинг пишлоғим?” Спенсер Жонсон ҳақида тайёрлаган лавҳангизни кўрдим. Канал орқали кўпгина инструментларни беғараз, бепул улашмоқдасиз. Миннатдорчилик билдираман. Куч-ғайратингиз сўнмасин. Каттадан-катта раҳмат.

“Liderlar” канали аъзоси: Шахриёр Халбаев

* * *

Илк бор ушбу китобни ёзиш ғоясини Отабек дўстимдан эшитганимда мен уни тўлиқ қўллаб-қувватладим. Сабаби, унинг креатив фикрлари, давлат бошқаруви билими кўпроқ инсонларга етиб бориши керак. У билан хизмат сафарларига чиққанимизда доим олган янги билимлари билан ўртоқлашар, мен амалиётчи бўлганим учун билан кўп бахслашар. Иккаламиз учрашган пайтда назария ва амалиёт ўртасида баҳслар бўлиб ўтади. Унинг каналини доим кузатиб бораман, шунингдек, унинг онлайн вебинарларида доим иштирок этаман. Ўйлайманки, ушбу китоб давлат хизматчи-



ларининг билимини янада ошишига хизмат қилади. Энг муҳими уларнинг ҳақиқий Лидер бўлишига ёрдам беради.

“Liderlar” канали аъзоси:

Ахмеджанов Надиржон

* * *

Лидерлар канали бизнинг севимли канал. Фарзандим Хондамир билан уни доим кузатиб борамиз. Бу каналда мен ҳам бошқарув соҳасида ҳам фарзанд тарбиясига оид маълумотлар оламан. Бу каналнинг ишларига ривож тилайман. Ушбу канал кўплаб мен каби институтда ўқишга имкони бўлмаган инсонларга янги билим бермоқда. Энг муҳими, у ердан олган маълумотларимни ҳар куни ишхонада синаб кўраман ва фойдасини ҳам сезаман. Ушбу китоб чиққан куни биринчи навбатда фарзандларимга, ходимларимга олиб беришни ният қилганман. Сизларга раҳмат. Инсондан бу дунёда фақат яхши ном қолади. Барчамиз бир-биримизга тобуткашмиз. Шундай экан, бу ҳаётда яхшилик қилиб қолишнинг ўзи бахт.

“Liderlar” канали аъзоси:

Тельмондан Ботиров Абдулазиз

МУАЛЛИФДАН СЎНГСЎЗ

Хурматли китобхон, аввало, сизга миннатдорлигимизни билдирамиз.

Агар сиз ушбу сўзларни ўқийётган бўлсангиз, демак, китобдаги барча маълумотлар билан танишиб чиққансиз. Ўйлайманки, ушбу китобдан ўзингизга тегишли таассуротлар, фойдали кўникмалар ва янги билимлар олдингиз. Энди олдингизда муҳим вазифа турибди – олган билимларингизни амалиётда синаб кўриш. Доно халқимизда “Ишлатилмаган билим – кераксиз юк”, деган ҳикмат бор. Сизнинг билим ва кўникмаларингиз ҳеч қачон кераксиз юкка айланмаслигига ишонамиз. Унутманг, ортингизда сизга умид ва ишонч билан кўз тикканлар бор, олдингизда эса Ватан келажаги.

Лидер синовлардан ва янги тажрибалардан асло қўрқмайди, балки у вазиятга мослашади, билими етмаган жойда изланади, урганади. Бу ҳаётда доимо ўқувчи ва изланувчи бўлиб қолинг. Ҳеч қандай баҳона билим олмаслигингизга сабаб бўла олмайди. Муваффақиятли ва ёрқин келажак учун олға, қадрли Лидерлар!

Насиб қилса, кейинги нашрларда сизлар билан яна учрашамиз.

Сўнгги сўз ўрнида ушбу расмни илгиритибман. Унга изох ёзишга ҳожат йўқ... Фақат, айтмоқчи бўлганим: излаган имкон топар. Ўқиш ва билим олиш учун хоҳиш бўлса кифоя.



МУНДАРИЖА

<i>Алишер Саъдуллаев. “Лидерлар” жамоасининг мақсад ва ғоялари бизнинг янгича қараш ва ёндашувларимизга ҳамоҳанг!.....</i>	<i>3</i>
<i>Олимжон Тўйчиев. Инновация – лидерни унинг ортидан эргашувчилардан ажратиб туради.....</i>	<i>6</i>
Сўз боши.....	8
Биринчи бўлим: Ҳамма ўқиши шарт	11
Иккинчи бўлим: “7 саволга 7 жавоб”	103
Учинчи бўлим: Суҳбатлар	175
Тўртинчи бўлим: “Отам ўғитлари”	204
Бешинчи бўлим: “Кун ҳикмати”дан энг саралари	216
Олтинчи бўлим: Ибратли ҳикоялар	233
Еттинчи бўлим: Буюк инсонлар ҳаётидан	283
Саккизинчи бўлим: Сизда қандай фикр бор	307
Муаллифдан сўнгсўз	337

Фойдаланилган ва муаллиф ўқиш учун тавсия этилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2017 й.
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улут халқнинг иши ҳам улут, ҳаёти ёрут ва келажаги фаровон бўлади – Тошкент : “Ўзбекистон”, 2019.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Амир Темур. Темур тузуқлари. -Т.:Шарқ, 1995.
5. Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994.
6. Хамдам Содиқов. Амир Темур салтанатида хавфсизлик хизмати. «ART FLEX» нашриёти, 2018.
7. О.Салимов, М.Бекмуродов. Бошқарув хикмати. – Тошкент: 2018.
8. Владимир Квинт. Стратегиялаш назарияси ва амалиёти.– Тошкент: Тасвир. 2018.
9. Спенсер Джонсон. Где мой сыр?. 2015 г.
10. Роберт Грин. 48 законов власти и обольщения. Рипол-Классик, 2013 г.
11. Радислав Гандапас. Харизма лидера. Манн, Иванов и Фербер, 2019 г.
12. Ицхак Адизес. Адизес для Лидеров. Изд. Эксмо, 2017 г.
13. Серия “Harvard Business Review: 10 лучших статей”. 2019 г.
14. Стивен Кови. Главное внимание главным вещам. 2013 г.
15. Стивен Кови Восьмой навык. От эффективности к величию. Издательство: Альпина Паблишер. 2019 г.
16. Аристотель. Политика. Издательство – АСТ, 2010 г.
17. А.Апанасик. Речи изменившие МИР. Издательство: Эксмо, 2017 г.
18. Mahommed bin Rashid Al Maktoun. MY VISION. Challenges in the Race for Excellence. 2012.
19. Mahommed bin Rashid Al Maktoun. MY STORY. 2019.
20. Richard H. Thaler. Nudge: Improving Decisions About Health, Wealth, and Happiness Paperback, 2009.
21. Yuval Noah Harari. 21 Lessons for the 21st Century. 2018.
22. Жон Максвелл. 21 неопровержимый закон лидерства. «Попурри», 2001.
23. Гольдштейн, Чалдини, Мартин: Психология убеждения. 50 доказанных способов быть убедительным. Издательство: Манн, Иванов и Фербер, 2019 г.
24. Мартин Ланик. Привычки лидера. 2019.
25. Уолтер Айзексон. Стив Джобс. Издательство: Corpus, 2013 г.
26. Пауло Коэльо. Алхимик. Издательство АСТ. 2014.
27. Робин Шарма. Кто заплачет, когда ты умрешь. Уроки жизни от монаха, который продал свой “феррари”. 2014.

Маърифий-илмий-публицистик нашр

Отабек Хасанов

ЛИДЕРЛАР КИТОБИ

Муҳаррир:

Ғафур Умурзоқов

Техник муҳаррир:

Файзулла Азизов

Бадиий муҳаррир:

Бахриддин Бозоров

Мусахҳиҳ:

Муқаддас Окмаматова

“Muharrir nashriyoti”

Лицензия: АІ № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2020 йил 04 июнда берилди.

Босишга 2020 йил 16 июлда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32 “Noto Serif” гарнитурасида
офсет босма усулида офет коғозида босилди.

10,63 шарт. б.т. 17,32 ҳисоб нашр. таб.

Адади 2000 нусха. 46-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru



*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий,
тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз,
лоқайд кишилардан яхшидир.*

Амир Темур

Ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон асло таслим бўлманг.

Уинстон Черчилль

*Инновация - Лидерни унинг ортидан эргашувчилардан
ажратиб туради.*

Стив Жобс

Ҳақиқий лидер – янги лидерни кашф қилади.

Джон Максвелл

*Лидерлар тугилмайди ва бошқалар томонидан
яратилмайди, балки улар ўзларини ўзлари кашф
қилади.*

Стивен Кови

